

ШАҲРИЗОДА
(Шахноза Халилова)

ОИЛА НОМЛИ
ДАВЛАТ
СИРЛАРИ

МАЖБУРИЙ
НУСХА



Тошкент
2013

УЎК: 159.9

КБК: 88.3

X - 74

Халилова, Шахноза (Шаҳризода)

Оила номли давлат сирлари. / -Тошкент: Янги аср авлоди.
2013 йил. – 220 б.

ISBN 978-9943-27-096-1

Муаллиф китобнинг дебоча қисмida шундай ёзади: “Оиланинг пойдевори – мұхаббат, қурилиш ашёси – мұхаббат, үндаги тушун-мөвчиликларнинг давоси ҳам – мұхаббат. Бусиз оиласда яшаб бўлмайди. Уни ташқаридан, бошқалардан изламанг, кутманг, чунки у сизнинг вужудингизга жо бўлган”.

Дарҳақиқат, мұхаббат бизнинг оиласа муносабатимизни шакла-лантирувчи мұстаҳкам қурол. Биз ҳар қандай вазиятда – хоҳ у шодон күнимиз бўлсин, хоҳ ғамнок онларимиз – бўндан қатъи назар бир манзилга интиламиш, бир манзилдан қўним топамиш. Ўша манзил – бизнинг оиласиздир.

Тақдим этилаётган китоб кенг қамровли – унда эр-хотин муносабатларидан тортиб, фарзанда тарбиясигача бўлган мавзулар қамраб олинди. Мақсад уни қўлига олган ҳар бир китобхон ички дунёсидағи безовта саволларига жавоб топа олсин.

УЎК: 159.9

КБК: 88.3

10 41466
2g1

ISBN 978-9943-27-096-1

© «Оила номли давлат сирлари», «Янги аср авлоди», 2013 йил.

2013/824	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
A	
9722	

МУНДАРИЖА

КИРИШ. МУҲАББАТ	5
-----------------------	---

БИРИНЧИ БОБ. ОИЛАГА ПОЙДЕВОР ҚҰЯМИЗ

Оила лойиҳаси	7
Қизингиз узатишга тайёрми?	14
Үтирган қызың үрнини топадими?	24
Қандай қилиш совчиларни күпайтириш мүмкін?	39
Совчиликка юриш ҳам саңыт	47
Биринчи учрашув бир күришда мұхаббат бўлишини истайсизми?	51
Бўлажак күёз бўлажак миллионерми? Текширамиз!	56
Еттида йигсанг етади, олтидан йигсанг ортади	62
Оила бюджети тўйдан бошланади	66

ИККИНЧИ БОБ. ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

Зерикарли турмушга романтика киритиш сирлари	72
Жинсий ҳаёт эр-хотинлик мажбуриятими?	75
Хиёнаткор эрни қайтариш мүмкінми? Ёхуд бир хил овқатдан зерикиш синдроми	79
Иккинчи хотин: бугунги күн модаси ёки кечиккан севги можароси	92
Оилали ёлғизлар	102
Рашк мұхаббат белгисими ёки хусусий мулкчилік?	105
Оила ёки қаръера	111
Қандай қилиб уй бекаси стрессларга учрамаслиги ва ҳаётдан қониқиб яшаш мүмкін?	115
Молиявий муаммолар оиласи бахтга раҳна солганда	119

УЧИНЧИ БОБ. ОИЛАНИНГ ТАШҚИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ

Қайнона билан яшашнинг минг бир фойдаси	124
Аёл ҳоким оиласи үсган эркак билан яшаш осонми?	128
Қайнона онага бўла оладими?	132
Чиққан қызы чиғириқдан ташқари Ёхуд ота-оналарнинг оиласи зиддиятларга аралашуви ҳақида	137

ТҮРТИНЧИ БОБ. ОИЛАДА ФАРЗАНД

Оналика тайёрмисиз?	142
Хомиладорлик	145
Үйингизда чақалоқ	150
Харакат	154
Бола ва атрофлагилар	155
Мүмкін әмас! Йүқ!	157
Күкрап сутидан қачон ва қандай ажратиш керак?	159
Аллани ким айтиши керак?	161
Ота фарзанд үчүн қанча вакт ажратиши керак?	162
Үйинлар ва үйинчоқтар	163
Фарзандлардың уч ёшда	167
Нега бола үйде соғ-у, бөгчада касал?	168
Үғил болани қандай тарбиялаш керак?	171
Бола тарбиясида буви ва она	175
Зўрликми бу ёки тарбия үсули?	178
Мехрни қандай бераман?	182
Мактабга тайёрмисиз?	185
Мактабга мослашув	187
Фарзандлардың паст ўзлаштирувчими?	189
Фарзандлардың бўлажак миллионер бўлсин десандиз	193
Ўсмирилик кризиси ўтиб кетадими?	196
Инсон мәҳнаткаш бўлиб туғиладими?	201
Фарзандлардизнинг биринчи муҳаббати	204
Эрта бошланган жинсий ҳаёт	206
Ўсмириликдан ёшликка ўтиш муаммолари	210
Касбни ким танлайди: фарзандми ёки ота-она?	213

КИРИШ

МУҲАББАТ

Икки дугона қаҳва ичиб сұхбатлашишмоқда.

Бири иккінчисига деді:

- Эринг сени севишини қаердан биласан?
- Ү ҳар куни әрталаб чиқынди түкиб чиқади.
- Бу мұхаббат әмас. Бу яхши үй тутиш.
- Ү ҳар куни қанча керак бўлса, шунча пул беради.
- Бу мұхаббат әмас. Бу қайғуриш.
- Бошқа аёлларга қарамайди.
- Бу мұхаббат әмас, бу кўриш қобилиятининг пастлиги.
- Қаергэ борсак, менга эшик очиб беради.
- Бу мұхаббат әмас, бу яхши хулқ.
- Саримсоқ еганимга, бигуди ўраганимга қарамасдан у мени ўпади.
- Ана бу мұхаббат.

Дунё мұқаббатдан яралган, ҳаёт мұхаббатдан бошланған, бизнинг биринчи ҳужайрамиз мұхаббатдан барпо бўлган. Хўш, нега энди оила ундан барпо бўлмасин экан?! Сиз оила қуриш ва унинг мустаҳкамлиги сирларидан воқиф бўлишни истайсиз. Агар истамаганингизда ҳозир қўлингизда бу китоб бўлмасди. Оиласда, одамлар орасида яшашга қарор қилдингиз ва менга юзләниб: “Ҳаммаси аъло бўлиши учун ҳамма ишни нимадан бошлай?” – дейсиз. “Мұхаббатдан”, – деб жавоб бераман мен. Сиз яна: “Фарзандим соғлом, ақлли, хушфеъл ва баҳтли бўлишини истайман. Нима қиласай?” – деб сўрайсиз. Мен шундай жавоб бераман: “Уни севинг, унга меҳр беринг”.

Ўртамизлаги савол-жавоб қўйидагича давом этади:

- Қайнонам билан ҳеч чиқиша олмай қолдим, нима қиласай?

– Нафратни мұхаббаттаға айлантириңг, яни қайно-нанғизга мәхр-мұхаббатингизни күрсатыңг.

– Ота-онам билан келиша олмаяпман, маслаҳат беринг.

– Уларни севинг.

... Стивен Ковининг олдига бир инсон маслаҳат сұраб келибди.

– Ёримга мұхаббатим сұнди, нима қилай?

– Севинг, – дебди у.

– Ахир севги сұнди, – қайта таъкидлабди у.

– Севишига уриниб күринг, – бепарво жавоб берібди Стивен.

– Уриндим, аммо мұхаббат йүқ-да.

– Биродар, севиши от әмас, у феъл. Яни иш-харакатни билдиради. Севги бу хатты-харакатдир. Агар севмай қолган бұлсанғиз, бу қайта севиб қолиш үчүн яхши баҳона.

Оилада баҳтли яшайман дебсиз, ҳаётни, атроф-дагиларни ва албатта, Аллоҳ сизга омонат қилиб берган оила аззоларингизни – ота-она, қайнона-қайнота, опа-сингил, ақа-ука, фарзандингиз ва ниҳоят, жуфти ҳалолингизни севишини ўрганинг. Чүнки оиласыннан пойдевори – мұхаббат, қурилиш ашёси – мұхаббат, үндаги түшүнмөвчиликларнинг давоси ҳам – мұхаббат. Бүсиз оиласында яшаб бўлмайди. Уни ташқаридан, бошқалардан изламанг, кутманг, чүнки у сизнинг вужудингизга жо бўлган. Қандай севай деб сұрасанғиз, мен таъриф бермайман, балки миянгиздаги севги ҳақидаги түшүнчаларни, шоирона ғоялару фалсафий фикрларни, ҳаттоқи ҳаётий тажрибанғизни чиқариб ташлаб, янгидан, ҳеч қандай йўриқномаларсиз, шартларсиз, қоидаларсиз үзингизча севишини ўрганинг. Ана шу сизнинг мұхаббатингиз бўлсин!

Дунёга оптимистик нигоҳ ва чексиз мұхаббат билан

Шахноза Халирова

БИРИНЧИ БОБ

ОИЛАГА ПОЙДЕВОР ҚҰЯМИЗ

Оила лойиҳаси

Максима Мерфининг оила ҳақидаги үйлари:

1. Вақти-вақти билан оиласы бўлиб туришнинг ёмон жойи йўқ.
2. Ақлли эркак аёлга уни тушунганини айтади, аҳмоқ эса бўни исбот қилмоқчи бўлади.
3. Никоҳ уч ярусли ширкка ўхшайди, биринчи унаштирув үзуги, иккинчи никоҳ үзуги, учинчиси азоб үзугидир.
4. Никоҳдан бош айланиб кетиши мумкин, лекин айнан шуни бурунга тушган муштдан ҳам ҳис этиш мумкин.

5. Үз никоҳини бузилишдан асраб қолиш мумкин, фақат тўй куни келмасдан.

6. Аёл - табиатнинг иккинчи хатоси, эркак эса биринчи, бу икки хатонинг бирлигидан ҳақиқатни яратиб бўлмайди.

7. Аёлнинг яшаш, эркакни таъқиб қилиш ҳуқуқи бор.

Нима ҳам дердик, эркак зоти ҳамма нарсага, ҳатто оиласек мүқаддас қадриятга ҳам кулиб ёки тушкунлик билан қарайди, биз аёллар-чи, ҳар доим, ҳамиша яхшиликка умид боғлайверамиз ва оптимистик рухда, тарафдуда ғланмай, оиласий ҳаётни танлаймиз.

Оила иморатини қуришга бел боғлаган азиз замондошим! Машаққатли ишингизда сизга “ҳорманг” деб пойдевор қуришга ҳашарга келдим. Сизнинг тажрибангиз ва менинг руҳшунос сифатида билган илму “макрларим”ни ишга солиб, сиз хоҳлаган ўша мустаҳкам оиласе лойиҳасини тузамиз ва янги баҳтли ҳаёт бошлаймиз. Рози бўлсангиз, бошладик.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу-гунги кунга келиб дунё бўйича қурилаётган ҳар 1000 оиланинг 600 таси ажрашишга маҳкум, 350 таси бир том остида яшаса-да, бир-бирининг ҳаётидан беха-бар, эътиборсиз ва ҳатто кўтарга кўзи йўқ. Айrim мажбуриятлар ва мақсадларгина бу сочилиб кетган аъзоларни оила деган ном остида бирлаштириб ту-рибди. Уларни баҳтсиз оиласалар деб атаймиз. Ва ни-ҳоят, юқоридаги 1000 тадан 50 тасигина баҳтли оиласалар экан. Узоқча борманг, ўз атрофингиздагиларга – қўни-кўшни, қариндош-урӯғларга бир қаранг, рисоладаги-дек кўрингган ҳар бир оиласи ҳам баҳтли дейиш мумкинмикин?

Фарбда оила деган тушунча яна 20-30 йил ўтиб мутлақо ишлатилмай қолса, ҳайрон бўлмайман. Тез-кор ва ўзгарувчан ҳозирги давримиз учун эркин муносабатлар бир оз қулайлиги ва ортиқча масъули-ят юкламаслиги билан урф бўлиб бормоқда. Афсус, бундай қулай муносабатлар туғилажак фарзандлар-нинг руҳан соғлом ва комил инсон бўлишига соя солади. Эскича авторитар оила тушунчаси ҳозирги демократик руҳда тарбиялананаётган авлод учун тўғри келмас, аммо русум бўлиб бораётган эркин муносабатлар асосидаги турмуш тарзи нафақат бизнинг мен-талитетга, балки бутун инсоният келажагига раҳна солмоқда. Куни кеча бир ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Ўзбегимнинг замонавий қизларидан бири муаммо-ли бир вазиятда маслаҳат сўради. У бир чет эллик йигит билан танишган. Йигит шарқ мамлакатидан бўлишига қарамай, охирги ўн йил ичida Европада яшаган ва шубҳасиз, янги мұхит таъсиридан бебахра қолмаган. Европа гўзаллари эрита олмаган қалбни ўзбегимнинг қизи ром этган ошиқ йигит оила қуриш таклифини киритган. Қиз ҳам бир неча онлик муло-қотдан сўнг унга бефарқ эмаслигини анлагаган ва

никоға рози бўлган. Тўйга бир неча кун қолганда қизнинг интернетдаги манзилига бир хабар ва унинг исботи ўлароқ бир даста фотосурат келиб тушганини кўради. Хабарда ошиқ йигитимизнинг оиласи бор эканлигини унинг хотини даъво қилиб жўнатган. Янгиликдан жуда оғир аҳволга тушган қизни ўзига келтириш осон кечмади. Кейин вазиятни биргаликда ўрганишга киришдик. У аёлдан ҳақиқатда хотини эканлиги ҳақида ҳужжат, яни загс қофоз ва тўй суратларини исбот сифатида талаб қилдик, аммо бу фуқаролик никоҳи экани маълум бўлди, муносабатлар эса барҳам топганига олти ой бўлибди. Қизимиз билан танишганига эса тўрт өй бўлган. Мантиқан олиб қаралса, йигит иккюзламачилик қилмаган, қизни алдамаган, фақатгина бу муносабатини айтмаган ёки айтишга арзийди деб ҳам тўйламаган. Собиқ хотини эса ҳеч қандай ҳақ-хуқуқлари йўқ, муносабатлар эса ўз номи билан эркин бўлган, яни ким қачон ҳоҳласа, шунда ҳисоб бериб ўтиэмасдан ўйиндан чиқади.

Ана сизга саноқда бору сонда йўқ бўлган эркин муносабатларнинг аҳмоқона тарафи. Вазият ойдинлашгандан сўнг қизга: “Қалбингга қулоқ сол”, дедим. Яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, эркин муносабатлар худдики, совун пуфагига ўхшайди. Уни маҳорат билан ҳар хил шаклга солса бўлади. Бир қарасанг, оиласа ўхшайди, бир қарасанг, ҳар куни ҳар хил товланадиган, юракни орзиқтирадиган ошиқ-маъшүқликка ўхшайди. Аммо исталган вақт ёрилиб, ундан асар ҳам қолмаслиги тайин. Бу муносабат инсонда масъулиятсизлик, бетайинликдан бошқа нарсанни кашф эта олмайди. Эн ёмони шундай тутуруқсиз муносабатлар натижаси ўлароқ фарзанд дунёга келса-чи, унинг тақдиди нима бўлади? Қолаверса, бундай муносабатлар ҳосиласининг тақдиди фақатгина битта тақдир фожиаси ёлан якунласа, майлийди. У инсоният тақдирини боши берк кўчага олиб кирмаяптими?

Бизнингча, инсон дунёқараши, феъл-авторини ва жамиятда яшаб қолиш усулини оиласдан ўрганади. Бу ерда у одамлар билан мұносабат андоғаларини олади ва хатти-харакатларни түғри ёки нотүғри, яхши ёки ёмон, гуноҳ ёки савоб каби турларга ажратади. Ва у бир умр гұдаклигидан ўрганған қарашлар асосида яшайды, үз навбатида фарзандларига ҳам үтказади. Бу инсониятни оила деган жамиятнинг тузилиши ва үнинг юклайдиган масъулияту вазифалари ҳақида бosh қотиришга үндайди. **Биз фарзандларимизни үзимиздан күра баҳтироқ бўлишлари учун, уларни биз туғилган оиласдан яхшироқ, кучлироқ оиласда дунёга келишларини таъминлашимиз керак.**

Хўш, инсон нима учун оила қуради? Ё севганидан ёки бу эҳтиёж бўлгани учун. Идеал оила ҳақидаги тасаввурлар инсонда ота-онаси ёки қариндошларнинг мұносабатлари ва албатта, жамият ҳаётини акс эттирувчи турли теледастурлар орқали шаклланади. Ва ўзининг бўлажак оиласини ана шу идеаллар фонида солиширади, ҳатто реал ҳаётдаги баҳти оила ҳам ҳар қандай инсон учун намуна бўла олмайди. Чўнки инсон универсал эмас, у индивидуал, яъни ўзига хосдир.

Кўзимиз кўнигиб қолган манзара – шоҳона тўй, ясан-тусан қилган келин, баҳтдан боши айланадиган куёв. Шовқин-сурон ичидан қўнғироқдек овоз янграйди: “Сизларни бугундан бошлаб фалончиевлар оиласи деб зълон қиласман!” Қизиқ, қайта-қайта эгилиб салом қилаётган шу ёшгина келинчак ҳозиргина қандай ҳужжатга имзо чекканини билармикин? Куёв болачи? Оила деган қўргоннинг масъулиятларини олишга тайёрмикин? Суперкелинчакликни фақат пишир-куйдиру тикар-чатарда деб ўйлаб, қизини хўп курсларга бериб ўқитган, фалон пуллик уй жиҳозларини қилиб қўйиб, яна бўйини эгиб турган муштипар она, қизингиз тайёрми оила қуришга? Келиним қиз бўлади, ишимни

олади, деб орзу қилаётган үғилни дунёга келтирған онажон, үғлонингиз эплармикин рұзғор юкини? Чала-чулпа тибсій күрикдан үтказишдан ташқари, ёшлардан бирор сўрайдими: “Оила қуришдан мақсадинг нима?” – деб.

Инсон қақон оила қуришга рұхан тайёр бўлади?
Ёки уни оила қуришга қандай тайёрлаш керак?
Афсуски, фақат инсоннинг интеллектуал коеффициентигина унинг рұхий тайёрлиги ўлчови бўлолмайди.

Оила ҳам бир бино, унинг меъмори эса эр-хотин. Бино қуришдан олдин лойиҳа тузилади, кейин қурилиш моллари қидирилади. Демак, қиз қидиришу совчи кутишдан олдин лойиҳа устида ишлаш керак. Ишонтириб айтаман, бу ҳар қандай бизнес лойиҳадан кўра анчагина жиддий масала ва бош қотиришга арзиди.

Дарҳақиқат, оила қуришдан мақсад нима?

Ҳамма гурмуш құргани учун, эл қатори бўлиш учун. Бу анча бемантиқ мақсад. Бизни оила деган қўргонни бино қилишга етакловчи мотивлар, яъни сабаблар ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак. Биринчи ва ҳалқимизда энг оғир тош босадиган сабаб бу фарзанд кўриш учун оила қуриш. Үнда кейин яна бир ҳақиқи савол туғилади: фарзанд нега керак? Бу саволга айрим ҳолларда невара-чеварали одамлар ҳам жўяли гап топиб бериша олмайди. Үрф бўлган жавоб бор: қариганда боқиш учун ёки бошинг ёстиққа текканда қараши учун. Ҳозирги вақтда фарзанд боқиб катта қилиш учун оз мунча маблағ кетмайди. Агар шу харажатларни бизнесга тикиб фойда кўрилса ва ана шу маблағ оғир вақт учун сұғурта қилинса, қийналганда унга кўрсатиласиган ёрдам аниқроқ ва ишончлироқ бўлар. Балки, масаланинг фақат моддий томонига аҳамият бериб меҳр-муҳаббат деган тушунчаларни эсга олмагандирман. Яна бир учраб ту-

радиган ҳолат: қизлар ота-она тазиىқидан қутулиш учун мустақил ҳаётга қадам қўйишади. Яъни баъзи қизларга никоҳ ота уйдан қочишнинг бирдан-бир йўли бўлиб кўринади ва уйдаги ўтказилаётган босим қанчалик кучли бўлса, биринчи учраган йигит билан турмуш қуриш эҳтимоли шунчалик кўп бўлади. Аммо бу ёмғирдан қутулиб, қорга тутилиш баробар, аслида. Янги уй келин учун, лекин ҳар қандай қоидада ҳам истисно бўлади.

Иккинчи сабаб оиласи бўлишни ҳис қилиш учун оила қуриш. Албатта, бу ёшларда учраб турадиган ҳолат. Бу мақсадга қарши ҳеч қандай эътиrozим йўқ, чунки инсон қизиқувчан мавжудот, у ҳар бир нарсанни синаб кўргиси келади. Шундай эксперимент қилмоқчи бўлганларга маслаҳатим унда тиббиёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг, яъни унинг зарари га бегуноҳ болалар қолиб, тирик етимлик билан товоини тўлаб юрмасин.

Учинчи омиа бу асосан аёлларга хос бўлган фикр – жамиятда эрли хотин статусига эришиш учун оила қуриш. Янги турмуш қурган келинчаклар ўртасида сўров ўтказганимда уларнинг ўз-ўзига берадиган баҳоси юқори эканини кузатдим. Онам бўндай ҳолга “ҳамма ҳам эрли бўп кўрсин-чи”, деб ҳазиломуз таъриф берардилар. Бу бизнинг менталитетимизга хос. Қиз бола турмуш қургандан кейин қариндош-уруглар орасида ўзига хос статусга эга бўлади. Бу ёзилмаган қоидалар. Масалан, бирор қариндошиникига меҳмонга борса, аввал унга унча эътибор қилинмаган, аммо эрга теккандан кейин алоҳида эҳтиром билан кутиб олинади. Қизлигига айтилмаган айрим меҳмондорчиликларга лутфан таклиф этилади. Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо одамнинг ўтаётган ҳар куни меҳмондорчиликда ўтмаслиги мумкин, аммо у ҳар куни эр билан яшашга маҳкум. Бу статус қимматга тушмасмикин?

Тұртқынчы анча күчли мотив – ёлғызлиқдан қочиши учун оила қуриш. Аммо оила күнгил бутунлигини бера олармекин, ёлғызлик ҳиссини ҳайдай олармекин? Ҳеч қандай шубҳа йўқ, инсон социал мавжудот, унинг учун инсонлар билан яшаши ўзига хос муолажа бўлади, аммо орамизда оиласда яшаб икки-уч болали бўла туриб руҳан ёлғизлар қанча.

Қизларжон, меҳрга, эътиборга, яқин бир кишига, баҳтга муҳтоҷ бўлганда, оила қуришга шошманг, бу нарсаларни ташқаридан изламанг, уни ичингиздан, ўзингиздан изланг. Агар ёлғиз ҳолда ҳам ўзингизни баҳтли сезолсангиз, ўзингизни сева олсангиз ва ҳаётингиздан қониқа олсангизгина, буларни оиласда янада мукаммалроқ кўринишида оласиз.

Оила қурилгандан сўнг, ичига кириб олиб, баҳтли бўлиб кетадиган жой эмас, йиллар давомида қуриладиган, такомиллашадиган бир бино. Унинг мустаҳкамлиги ҳам, мўртлиги ҳам ҳар икки қурувчи меъморга бирдек боғлиқ.

Мутолаани шу жойида тўхтатиб, бир варақ қофозга оилавий ҳаётнинг 20 та ижобий ва 20 та салбий жиҳатларини ёзиб чиқинг. Ёзган бўлсангиз, ижобий жиҳатларнинг ҳеч бўлмагандан бир ёки иккитасини оила қурмасдан туриб амалга ошириш йўлларини ўйлаб кўринг. Чунки ижобий жиҳатнинг кўплиги сизнинг оиласга тобелигингиздан дарак беради. Салбийларига келсақ, бу эҳтиёжларингиздир, уларни қандай қилиб оиласи бўла туриб қондириш мумкин, мана шу имкониятларни топинг.

Бу машқ оила қуриб бўлганлар учун ҳам фойдалан ҳоли бўлмайди. Бу машқ орқали сиз ўзингизнинг эҳтиёжларингизни билиб олдингиз.

Энди ҳақли савол туғилади: биз ёшларни оиласа қандай тайёрлаяпмиз? Ҳозирда қизларни оиласа тайёрлашнинг урф бўлган усулини айтсам: пишириқ курслари, тикиш-бичиш курсларини тамомлаб, уй ишларини эпладими, олға, оила деган фронтга. Хотиннинг

вазифаси супур-сидиру пишир-куйдирдан иборат деган тушунчани ва икки-уч кунгина қулоғига кириб-кирмаган бурчлардан бошқа ҳеч вақони билмай чимидиққа кираётган қизалоқнинг фронтга кирган тажрибасиз аскардан қаери кам? Хўш, унда инсон қандай қилиб турмушга тайёрланади?

Турмуш – бу ҳамкорликда инсонлар билан яшай билиш санъатидир. Энг аввало, шуни ўргатинг, фарзандингизга. Буни унга бўйи етганда эмас, балки болаликдан ўргатиш керак. Одамлар билан яшаб кетиш ўз ҳоҳишларини жамиятдан устун қўйиш ёки аксинча эмас, балки иккенини ҳам тенг кўриб, ўзи ҳам фойда кўриб, атрофидагиларга ҳам фойда келтиришдир. Демак, қизни яхши хизматкор қилиб эмас, яхши ҳамкор қилиб ўстиринг. Европа таомлари-ю тўй тортларисиз ҳам кун ўтади, аммо рўзгор деган хўжаликни ўқув билан юрғизиб, оила деган ширкатнинг тадбиркори бўлмаса, куни ўтмайди.

Қизингиз үзатишга тайёрми?

Нима? Бўйи етганда ўйлаяпсизми, қизим эплаб кетармикин, деб. Аслида, бу ишни туғилишдан бошлаш керак. Оилада қиз фарзанд дунёга келди, кимдир уни: “Яна қизми?” – деб қарши олса, кимдир унга: “Аллоҳга шукур, умри билан берган бўлсин, солиҳа бўлсин”, – деб пешвоз чиқади. Қиз болани тарбиялаш ишига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашилади, бирорнинг хасми, ўзга хонадонга боргандага юзимни ерга қаратмасин, дея жони ҳалак бўлади, онанинг. Аслида қиз болани хизматга тайёрлашнинг ўзи ҳам тарбия жараёни. Эшитганмисиз, “Эртага қайнанганнинг олдида шундай хамир қорсанг ёки бундай овқат пиширсанг, унга ёмон кўриниб қоласан”, деган тарбия усуllibарини. Демак, қиз рўзгор тутишни қайнона ва эрнинг қош-қовоғи учун билиши

керак. Эҳтимол, бундай усул билан қизингизни ишга рағбат қылдира оларсиз, лекин бұлажак бека сифатида айнан бир жойға борганида ўзига ишонч билан үй ишларини қилишига фақат зарар етказасиз. Уни бекаликка тайёрлайпсиз, әртага ўз оиласининг бекаси бўлишга, хизматкорликка эмас. Бирор иш ёки ҳунар ўргатаётганда йўналиш беринг, тинимсиз кузатаверманг. Бироз ўз ҳолига ташланг. Овқат тагига олса ёки ҳамир ошмай қолса, фожиа ясаманг, ўз хатосини ўзи топиб ҳолоса чиқаришига имкон беринг. У охирги масаллиғингиз бўлса ҳам, жазога шошманг, үй ишида қилинган хатони тузатиш мумкин, лекин сизни тарбияда қилган хатоингиз тузатилмайди. Үй юмушларини меҳр билан ўргатинг, токи у ҳам шу ишларни қилганида аёллик меҳрини ҳар ишига жо қилсин.

“Қизларни неча ёшдан ишга ўргатиш керак?”, деган савол кўп учрайди. Эътибор берган бўлсангиз, бола уч ёшлардан бошлаб “ўзим қиламан”га тушиб қолади. Бу вақтда оналар кўпинча боланинг хатти-ҳаракатини чеклашади, ҳатто ўсмир ёшдаги қизига қозон-тобогини ишонмайдиган оналар бор, кейин ҳайрон бўлишади “қизим нега дангаса?” деб. Демак, қизалоқнинг ишга рағбатини оширишни, супур сидиру пишир-куйдирга меҳрини болаликдан рағбатлантиринг, албатта, ҳавфсизлик чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда. Ҳар бир кичик муваффақиятини мақтов билан эътироф этиб туринг. Зоро, мақтов инсонни ишга ундейдиган ягона кучли мотиватордир. Рағбатлантириш фақат сўз билан, бир нималар дейиш билан изҳор этилиши шарт эмас. Үнинг елкасига меҳр-муҳаббатингиз билан қоқиб қўйишингиз, бошини силашингиз ёки қучоқлаб ўпиб қўйишингиз ҳар қандай сўздан аъло. Бу ҳақида қўйида алоҳида тўхталамиз.

Қиз ўстираётган она, бир нарсани унутманг. Қизалоғингиз кун келиб ўз рўзғорини ишонч билан эплай-

диган бўлиши учун бугун бекаликни унга ишонишингиз керак. Агар у рўзгор юмушларини сиз учун, сизнинг кўнглингизни олиш ёки танбеҳингиздан қочиш учун қилаётган бўлса, унга табиатан берилган бекалик хусусияти, оиласа ғамхўрлик қилиш қобилияти шаклланмайди. **Демак**, бекалик унга Аллоҳ томонидан берилган инстинкт, билим. Сиз унинг очишишига ёрдам берасиз ва ўйналирасиз, холос. Тури-туман ўқув курсларида таълим олиш эса унга жило бериши мумкин.

Бир онани биламан, қизига уй ишларида жуда катта талаб қўйган, қилдан қийик ахтаради. Тайёр пиширган овқатини унчалик мазали эмаслиги учун ағдариб юбориш ёки хамирни ёйишни эплай олмагани учун қўрқувдан даф-даф қалтираётган қизчанинг қўлларига ўқлов билан тушириш, тайёр тахланган кир тахни бироз кўнгиллагидек текис бўлмаса бузиб, бошқатдан йифишга мажбур қилиш орқали қаттиққўллик билан тарбияладилар. Албатта, бу ҳарбий усул ўз натижасини берди. Қиз бекаликда жуда эпчил бўлиб ўсди, аммо ўзига бўлган ишончсизлиги туфайли эркаклар билан муносабатда муаммоларга учрайверди. Бекалик маҳорати етти иқлимга овоза бўлгани ҳолда, совчилари жуда кўп бўлди. Аммо муносибини учратади, натижада яна онанинг сайд-ҳаракати, танлови асосида оила қурди. Натижада оилавий ҳаётда жуда кўп қоқилди, бугунги кунда у тақдирга тан бериб, аёллик баҳти бегона бўлгану аммо уйим-жойим, болам-чақам деб кўниб яшаётган аёлларнинг бири. Яна ҳам ёмони унинг ҳам қизи бор ва у ҳам тарбияда онанинг хатосини тақрорлаш арафасида. Ана сизга суперкелинчаклар тақдири.

Онам раҳматлининг бир одатларини жиним сўймасди, у ҳам бўлса қўшни ва таниш-билиш қизларга мени солиширишлари ва уларни менга ўрнак қилиб кўрсатишлиари. Уларнинг баъзи бир гаплари ҳали-ҳануз

Қулоғим остида жаранглайды: "Фалончини күр, билиб-билиб ишини қиласы. Пистончини күр, үйни онасидан альо қилиб эплаб қўйган. Нега сен шулардек бўлолмайсан-а?" Бу таплар юракни чил-чил қиласиган дарражада юқори пардада айтиларди. Йиллар ўтди, мен ҳётда фалончи-пистончилардан кўра анча кўп нарсага эришдим, ўзим хоҳлаган дарражага чиқдим, аммо, афсуски, ичимдаги солиштириш, бирорлар фонида ўз муваффақиятимни ўлчаш каби аҳмоқона одатга эга бўлдим. Бу тинимсиз таққослаш туфайли ўзимни шунчалик баҳтсиз сезардимки, бугунги омадим тузсиз ош каби татимасди. Ичимдаги ҳётимдан норозиликка ҳеч бир муваффақият даво бўла олмасди. Бирорларнинг эмас, ўз йўлимга боқиши ўрганиш осон кечмади. Онам бизни эрта ташлаб кетдилар. Ўзбекчиликни биласиз, маърака, келди-кетди. Иттифоқо, ана шундай тадбирлардан бирида бирорнинг ёрдамисиэ ўзим дастурхон ёздим. Ҳамма пишир-куйдирни ҳеч бир инсоннинг маслаҳати ёки аралашувисиз қиласдим. Холам кетиш олдидан кўзларига ёш олиб: "Онангдан ўтдинг, болам, жуда яхши кутдинг, энди сендан кўнглим тўқ", – дедилар. Кечаси билан йиглаб чиқдим, чунки онам жуда эпчил бека, қўли ширин пазанда аёл эдилар. Шу кундан бошлаб, ўзимни рисоладагидан ҳам юқорироқ аёл эканимга ишониши бошладим, ўзимга берадиган баҳойим ошди. Кекса холамнинг самимий эътирофлари ҳақиқий мўъжиза яратди. Кейинчалик онам қариндошлар ва дугоналари орасида мени ҳар доим мақташларини ва менинг қобилиятларимга жуда қаттиқ ишонишларини эшишиб лол қолдим. Эҳ, онагинам нима учун очиқ мақтамаганларининг ҳали ҳам тагига ета олмайман, лекин фарзанд тарбиясида бошқалар билан таққослаш қанчалик хато эканлигини тушундим. Ўзим учун шу дарсни олдим. Ҳар бир инсонга ўзига хос қобилият берилган, талантсиз одам йўқ, уни оча олмаганлар бор. Фар-

зандингиздаги ана шу учқунни топинг ва унинг алан-гага айланишига ёрдам беринг, токи у мустақил ҳаётга ишонч билан кирсин ва ўз ўрнини топа билсин.

Лекин аёлнинг ўрни фақат рўзғордами, унга тўла баҳт учун бекалик хислатлари кифоями? Йўқ, албатта, бу аёл дунёсининг тўртдан бири, холос. Одатда, ўзбек қизларининг фақат шу хислатига қараб баҳо беришади.

Олийгоҳда таълим олаётган кезларим бир муаллима техникалашув уй бекасининг 70-80 % муаммосини ҳал қилишини айтди. Шунда бир талаба – оиласи аёл “Агар ҳамма уй ишини техника бажарса, унда эркаклар ўйланмай қўяди-ку. Бу ҳаётимизни осонлаштираяптими ё қийинлаштираяптими?”, – деб зътиroz билдириди. Бу мавзу қизғин баҳсга сабаб бўлди. Аёллар, қизлар турли хил мұлоҳазалар билдиришди. Ҳар ким ўзидан келиб чиқиб фикр айтди. Уларнинг ҳар бири ўзича ҳақ, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам баҳтли деб бўлмайди.

Хатто хиёнатга учраб ҳам аёллар “Айбим нима?” деб туришади. Эркак қалбига энг яқин йўл ошқозон орқали деб ўйловчи, қозон-товоқдан бўшамайдиган ўзбек аёллари, илтимос, ётоқقا кирганда ошхонада тутган фартукни ечиб қўйишни унумтанг. “Ким фартук билан ухлабди?” деманг, чунки сиз аёл кишининг ҳаётда бажарадиган вазифалари битта змаслигини унудингиз. Агар аёл битта ролини яхши ўзлаштирса-ю, ундан ҳеч қачон чиқа олмаса, кечирасиз-у, яна қандай қиёслайман бу хатони?

Эҳтимол, айтаётгандирсиз, ҳа, яна пардоз-андозу имидж ўзgartириш маслаҳатими? Йўқ, ундай маслаҳат бермайман, чунки ўзига оро бериш зарурий шарт, буни ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай аёл ҳеч қандай маслаҳатсиз ҳам вақти-вақти билан амалга ошириб туради.

Неча ёшлигидан қатъи назар, ҳар бир аёлнинг қалбida кичкинагина қизалоқ яшайди. Агар жиадий

капталар дүнёси, оила, бола-чақа ташвишлари сабаб аёл қалбдаги қизалоқни йүқотиб қўйса, ҳаётда нур, завқ йўқолади. Бундай аёлларнинг эрлари ёшгина қизларга интилиши ва оиласига хиёнат қилиши ҳолла-ри учраб туради.

Қандай қилиб ичидаги қизалоғини асраб қолган қизни тарбиялаш мумкин? Бу жуда оддий. Унинг вақти-вақти билан эркаликларини тўғри қабул қилиб, “Кап-капта қиз бўлиб қолдинг”, деб жеркмасдан, ундаги ёш болага хос қилиқларнинг яшашига имкон беринг. Бу уни талтайтириш дегани эмас. Эркалик билан тантисликнинг фарқига боринг. Ҳаддан ошган ҳолда кескин танқид қилмасдан юмшоқлик билан унинг эси-ни киргизиб қўйинг. Тарбия меҳр-муҳаббат билан бўлгандагина унинг натижаси ҳар хил сюрпризларсиз бўлади.

Аёл неча ёш бўлишидан қатъи назар, ҳаётдан завқ олиб яшаб ва болаларча ҳайрат ҳисларини сақлаб қолса ҳамда болалигига эртакларни эшитгандек одам-ларни эшитишни ўрганса, эркаклардан эса шаҳзода-ликни талаб қилмай, шаҳзода деб қабул қиласа ва бу баҳодирни у учун ҳар қандай синовга тайёр эканига ишонса, чин маънода мўъжиза яратади. Аёлнинг кучи ожиза эканида, унинг ҳимоясизлиги ёки уддабу-ронлик билан ҳимоясиздек кўрина билиши эркакнинг ичидаги мудраб ётган рицарни уйғотиб юборади. Бу эркак ва аёл муносабатларидаги жуда муҳим аспект. Бу баланс бузилмаган оила тинч, унда тарбияланадиган фарзандлар психологияк мувозанатлашган бўлади. Демак, қизингизда эшитувчини тарбияланг, у эши-тишни, мулоҳаза қилишни ва қандай қилиб фикр билдириш кераклигини ўргансин. Бу дарсни ҳар бир оддий ўзаро сухбатингизда ўргатиб боринг. Агар ўзингизда бу сифатлар яхши шаклланмаган бўлса, унда бу борада нисбатан мукаммалроқ бўлган бирор та-ниш аёлга тақлид қилишни маслаҳат беришингиз мум-

кин. Ҳамма буюк актёрлар ишларини тақлидан бошлашган.

Аёлнинг кейинги ҳолати ёки роли бу мағрур, ўзига ишонган, ўзини севадиган қиролича.

Хўш, қизимизда бу қиррани қандай очамиз? Демак, бошладик. Бир аёл бўлган экан. Уй-рўзғор учун жонини фидо қилар экан. Уйини ялаб-юлқаш билан ўтган кунларининг бирида ишдан қайтган эр тупургиси келиб жой излаб қолибди ва ўйга кирса, ўй ҳар доимгидек ёғ тушса ялагудек тоза эмиш. Шунда ўйда хотинидан бошқа ҳамма жой туфлаш учун хайф эканини билиб, унинг эгнидаги кийимига тупурган экан.

Айрим аёллар эр ва бола-чақанинг орасталиги, қулайлиги ҳақида ҳаддан ортиқ қайғуравериб, ўзларига вақт ҳам, куч ҳам топа олишмайдилар, гоҳида. Аслида эса инсоннинг ўз орасталиги ўй орасталигидан олдин турадиган нарса. Демак, шахсий гигиена қоидаларини зеринмай, миридан-сиригача ўргатишингизга тўғри келади. Аёл гўзаллиги ва саломатлигини асраб қолиши учун алоҳида парваришлар зарур бўлади. Булар юз, соч, тирноқлар ва тана парвариши. Бу вақт ҳафсала ва маблағ талаб қиладиган нарсалар. Бу борада моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашингиз керак бўлади. Қизлар қизалоқлигиданоқ сизнинг пардоз-андоз буюмларингиздан ишлатиб, оёғига баланда пошна туфлигингизни судраб қолишини кўриб, куласиз. Бу яхши белги, унда аёлликнинг илк белгилари пайдо бўлайяпти. Уни бу машғулотдан, бу баҳтдан аёвсизлик билан маҳрум қилманг, балки болалар косметикасидан олиб берарсиз. Шунда сизнинг лаб бўёғингиз жойида турар. Унинг ясан-тусани ўспиринлик даврида жуда авж олади, бу ёшда у ташқаридан жуда ўзига ишонган кўринса-да, ичдан жуда нозик ва кўнгли арзимаган нарсадан синадиган ва ўзига ишонмаган бўлади. Сизга унинг пардоз-андози, кийи-

ниши бачканалик бўлиб туюлса-да, уни ерга уришга шошманг. Оналарнинг “Турқингга қара, кимларга ўхшаб кетибсан?”, “ликиллаб қолганмисан?” каби танқидлари учраб туради. Афсус, оналарнинг бу гаплари қалбни синдиришга қодир бўлса-да, ижобий натижа кўрсата олмай қолади. Бу даврдаги қиз боланинг қайсарлик билан аксини қилиши ёки ўз танловига ишончсиз бўлиб қолишидан бошқа фойда кўрмайсиз, айтиб қўя қолай. Ҳаттоки мода билимдони бўлсангиз ҳам, илатимос, унинг танловини ҳурмат қилинг ва унинг дидини ўстиришга ёрдам берингу танқиддан тийилинг. У ўзини топиб олиши каби машақкатли йўлда илк қадамларини ташлаяпти, ҳар қоқилгандা уришавериш шарт эмас. Агар унинг кийимлари, юриш-туриши эркакларнинг қитиқ патига тегадиган даражада бўлса, унда жиддий ҳолат, у билан тушунтириш ишлари олиб бориш зарур. Ҳар қандай уст-бош билан унинг бирор образ олишини тушунтиринг. Мехмон кийимга қараб кутиб олинади, яъни кийим-бошига қараб унга мӯомала қилинишини айтинг. Аёлнинг очиқ-сочиқ, калта-култа кийими атрофлагиларга қандай таъсир қилиши ва шунга кўра унда муаммолар пайдо бўлишини тушунтиринг. Бу ҳолатда руҳшунос билан ишлаш ҳам ёрдам бериши мумкин. Балки, қизингизга етарлича эътибор ва меҳр кўрсата олмаётгандирсизки, у эътиборни кўчадан қидириб қолгандир. Булар ҳақида бироз мулоҳаза қилиб кўринг.

Инсонда дид болаликдан шакланади. Агар она уни алоҳида эътибор билан кийинтириб, ораста қилиб ўстирган бўлса, унинг юқори дид эгаси бўлишига шубҳа йўқ. Лекин шоҳона кийим ҳар қандай қизни ҳам малика қилолмаганидек, қизингиз ҳам чиройли кийимлар билан ўзига ишонган бўлиб қолиши мушкул. Ўз-ўзига ишонч, авваламбор, ҳаётда мустақил яшаб кетишга ишонч демакдир. Бунинг учун аёл бизнеследи бўлиши шарт эмас, балки бирор касб-

хұнар згаси бўлишининг ўзи кифоя. Қизингиз ҳаёти-нинг мазмуни эр бўлиб, тўйдан кейинги юмуши фақат рафиқа статусини ушлаб қолишга қаратилиб, бўш вақтларини эрининг телефонини титкилаб, хатти-ҳарақатларини текширишга бағишлиамасин десангиз, унинг ўз севимли машғулотини топишига имкон беринг. Бир қизни биламан, олийгоҳга биринчи йили кира олмади. Келаси йилги тест синовларига тайёрланаётганда имтиҳонолди стресснинг олдини олиш учун маслаҳатга келди. Суҳбатдан маълум бўлдики, қизнинг ўзида айнан шу олийгоҳга ўқишига киришига унчалик ҳоҳиши йўқ. Аслида, буни ота-она хоҳлаётган экан. Онанинг фикрича, ўзининг эртасини таъминлаши учун, албатта, диплом олиши керак экан. Масалан, эр вафот этса, мажруҳ бўлиб қолса ёки ичкилликка ружу қўйган бўлса, диплом, мутахассислик қутқарув чамбари бўлар экан. Нима деб ўйлайсиз, бу ниятлар билан топилган диплом, мутахассислик қизимизни баҳтли қила олармикин?

Аёл киши учун диплом ёки бирор қасб ёмон қунга ярасин деб берилмайди, қўлидан бекаликдан бошқа ишлар ҳам келгани учун, ўзига берадиган баҳоси ошсин, ҳаётда оила, бола-чақадан ҳам бошқа ҳаёт мазмуни бўлсин, қунинг ўтиш ёки ўтмаслиги эргагина боғлиқ бўлиб қолмасин, деб берилади.

Шу сатрларни ёзар эканман, бир воқеа ёдимга тушди. Менинг бувим келин бўлғанларида бувамнинг оналари вафот этган экан. 14 ёшлик келин рўзғор тута олмагани учун бувамнинг оталари яқиндагина қазо қилган дўстларининг аёлига ўйланибдилар. У аёлни Аллоҳ гўзал чирой, пазандалик ва саришталик маҳорати билан хўп сийлагани ҳолда фарзанд бермаган экан. Чорасизликдан катта бувамга хотин, бувимга қайнона бўлибдилар. Йиллар ўтиб, бу эрларининг ҳам қазоси етгач, ўгай фарзандларнинг ҳурматларини жойига қўйишига қарамай, бу хонадонда қўним

топа олмабдилар, яна бошқа тақдир қилибдилар. Оғир тақдир, албатта. Бу дилбар аёл 100 йил кейин, яни бизнинг давримизда яшасалар, балки мустақилроқ ва баҳтлироқ бўлармидилар? Аммо ҳатто 100 йилдан кейин ҳам ўз овозига, ўз ҳақ-ҳуқуқларига, шунингдек, ўз ҳаётига эга бўлмаган аёллар учраб қолишига шубҳа қилмайман. Унинг тақдири 100 йил олдинги аёл тақдиридан яхши бўлишига шубҳам бор.

Мустақил фикрга эга ва ўз тақдири ўзининг қўлида бўлган онагина озод фарзандни тарбиялай олади. Демак, қизингизнинг имконият чегараларини кенгайтиринг.

Ва ниҳоят, охирги сифат, аёл – маҳбуба. Келинг, бу мавзу устида баҳслашмаймиз, керак ёки керак эмасга ажратмаймиз. Бу хислатни бизга табиат берган, аммо жамият тортиб олган. Эркакларни аёл сифатида ўзига қаратса олмаган аёлларга биринчи ўринда стилистга мурожаат қилишни маслаҳат бермаяпман. Чунки оҳанрабо аёлнинг қалбида бўлади, уни тўғирлаш учун энг осони бирор спорт ёки шарқ рақс санъати билан шуғулланиш. Бу энг осон ва тез таъсир кўрсатадиган усул. Қолганлари эса ҳозирча сир бўлиб қолсин. У янги бир китобга мавзу бўлса ажаб эмас.

Инсон организми яхши ишлаши учун ҳар бир тана аъзоси соғлом бўлганидек, аёлнинг шунчаки кун кечириши эмас, чин маънода тўлақонли аёл бўлиши ва баҳтли яшashi учун ана шу тўрт сифатнинг яхши шаклланиши муҳим. Бир она сифатида сиздан талаб қилинадигани йўналиш бериш тақдирини қизалогингизнинг ўзи яратиб олаверади.

Үтирган қыз үрнини топадими?

Деманг, уни қариқиз,
Қари әмас, у пари қиз.

Күз ёшлари ичига оққан, қариндош-үруғникуидаги түйлар қувонч әмас, дўзах азобига ўхшайди. Ҳаётда аёл сифатида үрнини топа олмаган, асабийлашса, атрофдагиларнинг “миясига уриб кетган” деган ташхислари тайёр. Қиз бўлиб қизга қўшила олмайди, аёл бўлиб аёлга. Шу ерда тўхтатамиз. Мен руҳшуносман, шоир әмас. Сизнинг дардингизни айтиб, ҳалқни йиғлатгим ёки бошқалар каби “бечоранинг жойи чиқмади”, деб ачингим ёки “яхши бўлса, эр олмасмиди”, деб ғийбат қилгим йўқ. Нима бало, сизга ростдан ҳам зътибор етишмаяптими, нега унда бунчалик мазлума ролида узоқ вақт қолиб кетдингиз. Узр, узр, ҳар доим ҳам мазлума әмас, айрим ҳолларда қаҳри қаттиқ қор маликаси ҳам бўла оласиз. Сиз шунчалик кучлисизки, истасангиз, каръерала манаман деган эркакни ортда қолдириб кета оласиз. Ҳалқ “үтирган қиз” дейишга уялса бўларди. Сизнинг хатти-ҳаракатингиз, амбицияларингиз гоҳида ақлимни шошириб қўяди. Сиз супер аёлсиз, қари қиз әмас. Лекин қалб яримта, уни ҳеч бир мансаб, бойлик, латта-путта, орзу-ҳавас тўлдира олмайди. Шуларнинг ҳаммасини оддийгина аёл баҳтига алмашардим, деб ўйлаб қоласиз, гоҳида. Агар ҳозирча оила қуришни режалаштирмаётган бўлсангиз, мұаммо йўқ, агар аёллик баҳтига эришиш, оила қуриш ниятингиз бўлса, унда ишни бошлаймиз.

Ёлғизлик сизнинг айни вақтдаги ҳолатингиз. Бу ҳолат, аслида, инсоннинг табиати, чунки дунёга ёлғиз келгансиз, ёлғиз кетасиз. Ҳеч ким сиз билан бирга ҳеч бир тан азобини кечирмайди. Лекин ёлғизлик ва одамлардан ҳоли бўлиш ташқаридан бир хил бўлиб кўринса-да, икки хил нарсалар. Ёлғиз инсоннинг ҳаёти-

да доимо нимадир етишмайды ва бу етишмовчилик-нинг ўрнини тўлдиришни истайди. Ёлғизлигини дўстла-ри, иши, ҳар хил ўйинлар, интернет каби ёрдамчилар орқали унутмоқчи бўлади. Қалбаги ёлғизликдан қуту-лиш учунгина оила қуриш ҳолатлари ҳам учраб тура-ди. Аммо “Икки ёрти – бир бутун”, деган гап инсон-га нисбатан ишлатилмаган. Икки ёртидан иборат ит-тифоқ иккита муаммо бўла олади, аммо бир бутун бўлиши қийин. Унутманг, сизнинг ёлғизлигиниз айб ёки азият эмас, балки имкониятдир. Танлаш сизнинг қўлингизда: ёлғизмисиз ёки ҳоли. Жамиятда одамлар орасида инсон ҳоли бўлиши мумкин эмас. Одамлар-дан наридагина инсон ўзлигини топиши мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в) ваҳий келишидан олдин Ҳиро тоғига чиқиб кетганлар. Ижод аҳли бирор дурдонани оиласи даврасида, шовқин-сурон ичида яратса олмайди, бирор ҳоли жой қидиради, чунки илҳом парилари тинчликни ёқтиради. Японияда бирор вазифа юклата-тилган олимлар гурӯҳи маълум вақтга етадиган егу-лик билан кимсасиз оролга ташлаб кетилар, ҳар қандай алоқа воситалари үзиб қўйилар экан. Шундай ҳолат ечим топилгунча давом этади. Тинчлик, хотир-жамлик, ёлғизлик бу қариқизлик эмас, балки ресурс, ундан фойдаланмоқ даркор.

Жуфтингизни тополмай хунобмисиз? Ҳозироқ қиди-рувни тұхтатинг. Аввал ўзингизни топинг, ўзингизни англанг, ҳаётда эрга тегишдан ҳам бошқа вазифала-рингиз бор. Одам ўзини баҳтли, мүкаммал ҳис қилиши учун оила шарт эмас. Баҳт инсоннинг ичида бўла-ди, ташқариде эмас.

Айни бир ҳолатда туриб одам ўзини баҳтли ёки баҳтсиз ҳисоблаши ўзининг қўлида. Мисол келтира-миз. Ҳолливуд юлдузи Жулия Робертс 36 ёшида оила қурди. Уни ҳеч ким қариқиз демади, ҳеч ким ачин-мади, балки бутун дунё маҳлиё эди унга. Ҳа, у энди АҚШ, бошқача ўлчам дерсиз, розиман. Унда Шарққа

келсак, дунё гүзали Айшвария Рай 34 ёшга келибги-на турмуш қурди, уни кимдир қўлини бигиз қилиб кўрсатишни хаёлига келтира олмайди. У ерда бу қабул қилинган дейишга шошманг, чунки Ҳиндистонда қизлар бизникилардан ҳам эртароқ оила қуради. У юлдуз, қонун-қоидаларни писанд қилмайди дейсизми, унда сиз ҳам писанд қилманг. Дунёни манаман деган гўзаллари кеч турмуш қурганига қараганда, оила қурмаслик бу сизнинг бирор нуқсонли эканингиз исботи эмас. Демак, ҳаётингизни ўзгартиришни одамлар фикрига қўл силташдан бошланг. Ҳа-ҳа, тўғри эшитдингиз, айнан ана шундан бошланг.

Афанди бир куни ўғлини олиб, эшаги билан йўлга тушибди. Ўғли эшакнинг устида, Афанди пиёда бир қишлоқдан ўтиб кетаётса, одамлар ғийбат қилибди:

– Ота пиёда-ю, ўғил уловда, – деб. Афанди шулар тинчисин деб, ўғилни тушириб, ўзи эшакка мингashiбди. Кейинги қишлоқда ҳам одамлар қулибди:

– Кап-кatta бўлиб эшакка мингashiбди-ю, бола бечора пиёда.

Кейин ўғлини ҳам эшакка мингаштириб олибди. Кейинги қишлоқда эса одамлар эшакка ачинишиб:

– Анави аҳмоқни қаранг, икковлашиб бир бечора эшакка минганини.

Минг уринманг, ҳеч қачон ҳалқнинг кўнглидагидек бўлолмайсиз. Яхшиси, унинг кўнгли сизни қизиқтири-масин, ўз кўнглингизга қаранг. Биласизми, сизни кимлар, нима учун ғийбат қилади?

Ўқитувчи бўлиб ишлаетган кезларим хулқи ва ўзлаштириши ёмонлиги туфайли бир ўқувчининг онасини чақирирдим ва шикоятларимни айтдим. Биласизми, онанинг саволи нима бўлди? “Менинг болам гуруҳдаги энг ёмоними?” Бунга ҳайрон бўлмадим, чунки бу саволни биринчи марта эшитмаётган эдим.

Одам зоти бахтсизликка чидайди, аммо ёнида ўзидан-да ақлми, ўзи каби бахтсизлар бўлсагина. Сиз-

нинг баҳтсизлигингиз уни баҳтлироқ қиласи. Солишириш инсонга теккан касал, илтимос, сиз шундай қилманг. Ўзингизни ҳадеб бошқа тенглошларингиз билан солишираверманг. Фийбатчини эса нега гапирасан, деб оғзига урманг, ҳаётига маъно кирсин у бечоранинг ҳам. Сиз, ўзингизни билинг.

Олдинда сизни қанча ишлар кутмоқда. Энди ҳолатингизга ташхис қўямиз, даволашдан олдин тўғри ташхис қўя билиш муҳим.

“Нега?” деган саволларнинг жавобини бугун топамиз, лекин сиз менгача бунинг жавобини ахтариб кўрган кўринасиз. Албатта, бундай ҳолда одамлар бир отин-домлага, бир фолбинга, бир психологга бориб кўришади. Биласизми, нимага борасиз уларга, умид бергани учунми? Йўқ, сизга ўзингиздан бошқа нарсани сабабчи қилиб кўрсатгани учун. Бирор “Иссиқ-совуқ” дейди, бирор “Қўшнинг ёмонлайди” дейди, яна бирор “Сабабини ўзинг қидир, бир ўйлаб кўр, жавоби сенинг ўзингда” демайди. Сиз эса нуқул сабабни ташқаридан қидирасиз. Чунки ташқарини кўриш осон.

Шомга яқин Афанди ташқаридан қўмлар орасида йўқотган игнасини хуноб бўлиб ахтараётган эмиш. Ўтиб кетаётган йўловчилар Афандидан:

- Айнан қаерда йўқотдингиз, қидиришиб юборайлик, – деб сўрашибди.
- Ўйда, – дебди. Унга одамлар кулиб:
- Ҳа, уйда йўқотиб, бу ерда қидирасизми? – дейишибди.
- Ўй қоронғи бўлгандан кейин қаердан қидирай яна? – жавоб қилган экан Афанди.

Афандига ўхшаб ичкарини ёритолмаяпсиз. Агар ички дунё ёришса, онг ости юзага чиқса, ҳаммаси жойида бўлади. Тушунинг, руҳшуносман, онг остига тушишга сизни ҳали жуда кўп мажбур қиласман.

Шахсий ҳаётдаги омадсизлигингизнинг илдизи ва асосий сабаби айни вақтдаги ҳолатингиздан келадиган фойданинг борлигидир. “О, нима деяпсиз, қанақа фойда?” дейишга шошилманг. Ҳа-ҳа, шахсий ҳаётингизда эркакнинг йўқлиги, тўлақонли оиланинг йўқлигидан келадиган яхшигина фойда. Биз буни иккиламчи фойда деб атаймиз.

Келинг, қисқача иккиламчи фойдага изоҳ берсам. Иккиламчи фойда деб, одамнинг мазкур салбий вазиятдан, касалликдан, ёмон одатлардан, семизликдан, руҳият билан боғлиқ хасталиклардан курадиган фойдасига айтилади. Хўш, ҳозирги ҳолатнинг фойдалари қандай бўлиши мумкин? Ҳаммада сабаб ҳар хил. Бирор “Ўзимга хон, ўзимга бекман” деса, бирор “Жиддий муносабатлар йўқ, шу билан бирга хиёнат ҳам”, бошқалари эса “Оч қорним, тинч қулоғим”, дейди. Ўз жавобингизни топмоқчимисиз, унда ишни ўзингизга тўғри савол беришдан бошланг. Демак, савол берамиз. Аввал қўлингизга қоғоз-қалам олинг. Агар бу ишга жиддий киришган бўлсангиз, бир умумий дафтар тутиб, ёзиб борсангиз ҳам бўлади. Чунки ёзганда кўп нарса ойдинлашади. Демак, савол:

1. Ўз муаммоингиз ҳақида ўйлаб кўриб – “Ёлғизлигимдан қандай фойда ёки қандай яхши нарсага эга бўляяпман?” – деб суранг.

Аввалига онгингиз танқидий фикрлар бериши мумкин: “Бу қандай оғир савол, ахир қийналаётган бўлсам”.

Сиз саволни жавоб пайдо бўлгунча бераверинг. Жавобларни қайд қилиб боринг.

2. Ўйлаб кўринг: сиз мақсадингизга эришсангиз, яъни оила қурсангиз, нималарни йўқотасиз? Қандай яхши имкониятлардан маҳрум бўласиз?

3. Агар ҳамма нарса эскича қолса, нима билан дуч келишга тўғри келмайди? Нимани ҳаётда ўзгартиришга тўғри келмайди? Нима қилиш шарт бўлмайди?

Кўпинча иккиласми фойда инсонни бир муаммоли ҳолатдан чиқиб кета олмаслигига сабаб бўлади. Бу фойда қанчалик кўчли бўлса, муаммони ечиш шунчалик оғир бўлади.

4. Агар ўзингизга оилали аёл бўлишга рухсат берсангиз, ҳаётингизда қандай даҳшатли ёки чидаб бўлмайдиган ҳодиса бўлиши мумкин?

Бу саволларнинг жавоби сизни баҳтингизни боғлаётган қарашлар, зътиқод даражасига чиқсан ҳақиқатларни очишга ёрдам беради.

Бир нечта, балки биттагина сабабни ўзингиз учун очдингиз, хўш, бўёғига нима қилмоқ керак? Асосий иш энди бошланади. Дейлик, сизда “Агар эрга тегмасам, уй ишларини қилиш шарт эмас”, деган важ келиб чиқди. Ўйлаб кўринг, эрга тегиб ҳам бу муаммосиз яшаш мумкинми? Үнга эришишни, оила қуришдан воз кечишлидан бошқа йўлларини топиш мумкиндири, балки. Албатта, ҳозир уйда хизматчи ишлайдиган оила эртак эмас ёки техника мўъжизаларига нима дейсиз? Агар жуда ечим топишга қийналсангиз, сизга яхши руҳшунос ҳам ёрдам бериши мумкин.

Яна бир ҳолат. Биз оила ҳақидаги билимларни ўз оиласиздан оламиз. Эр-хотин муносабатларини асосан ота-онамиздан ўрганамиз. Жуда кўп салбий тажриба ота-онамиз орқали киргандир.

Бир кекса аёл набирасининг овқатланишини кузатиб, унинг шўрвани нотўри ичаётганини, қошиқни ушлашни билмаслигини кўриб ғашланди ва:

– Наҳотки ота-онангни овқатланиш вақтида кузатиш сенга ҳеч нарсани ўргата олмади?

– Ўргатди, – деди овқатни чапиллатиб чайнаган ҳолда набира, – ҳеч қачон уйланмасликни.

У ўзи учун бутун умрга етадиган дарс олди, ёлғизлик танловини. Балки, сизда ҳам шундайдир. Бир ўйлаб кўринг. Агар ота-онангиз муносабатларида муаммолар бўлган бўлса, буни сиз ўз даврида оғир

қабул қилгандирсиз. Ҳозир ана ўша үруғлар мева берәётгандир. Эҳтимол, ота-онангиз сиз ўйлагандек ёмон яшашмаган ҳамдир. Агар бирор оғриқли вазиятни эслаган бўлсангиз, ота-онангизни бахтсизлигингизда айблашга шошманг. Бўлиб ўтган воқеаларга бир фарзанд бўлиб эмас, катта одам бўлиб қараб кўринг. Вазиятни, ота-онангизни тушунишга ҳаракат қилинг ва уларни кечиринг.

Бу худди ошпазлик китобидан рецепт олиб таом тайёрлашдек гап, унчалик тушунмаслигингиз ёки ўхшамай қолса-чи, деб ўйлашингиз мумкин, лекин сизни тушунишингиз бу ерда мутлақо шарт эмас, балки ҳис қилишингиз муҳим.

Оила қуриш билан жинсий ҳаёт бошланади (ҳар қалай, биз ўзбекларда шундай). Үнга нисбатан ҳаддан ортиқ ҳимоя ҳам муносабатларни чеклайди. Бунинг учун у бирор фожиани ёки бирор ёмон одамни учратиши шарт эмас. Үнга онанинг ҳаддан ортиқ эҳтиёткорлик билан, ҳар хил тажовузлардан асрash учун ўтказадиган ваҳималари профилактикасининг ўзи етади. Бокираликни йўқотиш нақадар даҳшат эканлиги уқтирилаверса, онг уни бир умр асрash керак, деб дастурлаштириши ҳам мумкин, натижада ёлғизликдан бошқа йўл қолмайди.

Ўстозим психоаналитик Ботир Суюнбековнинг куатишиларича, турмушга чиқа олмаслик муаммоси билан келган аёлларнинг аксариятида репродуктив аъзоларда касалликлар мавжудлиги аниқланган. Сеанслар давомида шу касаллик тузалгандан кейин, қизлар оила қуришга мушарраф бўлишар экан. Жинсий аъзолар касалланганда инсоннинг табиий яшаб қолиш инстинкти ҳисобига организм ўзини ҳимоялаш мақсадида жинсий муносабатдан қочади. Мен бу ишга гинекологни ҳам жалб этишни тавсия этардим. Балки, сизнинг муаммоингиз фақат жисмонийдир. Бу гинеколог муолажасидан кейин барҳам топса, не ажаб.

Медалнинг иккинчи томони ҳам, яни эркаклар аёлларнинг фарзанд туғиб бера олиш қобилиятини интүитив сезишади, шунинг учун ёш қизларга интилиш күчлироқ. Шу билан бирга буйрак ва репродуктив аъзоларда касаллик бўлган аёллардан қочишади. Эркаклар бундай аёлларга “Нимасидир совуқ” деб таъриф беришар экан, оналар кейин тушуна олмай юришади: “нега ойдек қизимни бирор ёқтирумайди?” деб. Демак, кейинги вазифангиз – шифокор кўриги. Саломатликни тиклаш ҳеч ерда зарар қилмаган.

Кўпинча ёши катта бўлиб қолган қизлар турмушга чиқмайман деган қарорга келган бўлса, ёр танлашда ниҳоятда талабчан бўлиб қолишади. Умр ўтаяпти, тезроқ оила қуришим керак, деган хавф бостириб келганда эса биринчи келган одамга рози бўлишлари ҳам мумкин. Аслида, хато ана шу ерда, күёвликка номзодга чўкаётган одам хасга ёпишгандек охирги имконият деб қарасангиз, уни йўқотиш хавфи ҳам шунчалик катта бўлади. Эркак хавотирга тушади, бир балоси бор шекилли, мендан бошқа оладиган одам топилмабди, деб.

Яна бир тур қизлар – қўл етмас юлдузлар. Сизни үнча-мунчани менсимаслигингидан ҳам эркаклар сизга яқинлашишга қўрқишиади, чунки табиатан эркак зоти рад қилинишдан жуда қўрқади. Кузатишларнинг кўрсатишича, ташқи қўриниши этalon даражадаги ва ўзига ниҳоятда оро берадиган касб вакиллари, модел қизлар кўпинча шахсий ҳаётда омадсиз бўлишар экан. “Нега?” дейсизми, чунки уларнинг олдига ҳар қандай эркак ҳам юрак ютиб, ўзини тенг билиб кела олмайди. Улар ниҳоятда мукаммал. Рус халқида бир мақол бор: “Чиройли хотин сенинг хотининг эмас”. Бундан Худо берган гўзалликни яширинг, демоқчи эмасман, балки мураккабликдан эҳтиёт бўлинг, соддаликка интилинг, мулоқотда очиқ бўлинг, демоқчиман. Шунда атрофдагиларнинг сиз билан мулоқотга киришиши

осонрок бұлади. Энг мұхим жиҳат, илтимос, ҳар бир әркакқа бұлажак күёв сифатида қараманғ. Эркаклар билан шунчаки дұстона муносабатлар ҳам бўлиши мумкин. Агар әркак дұстларингиз кўпайса, бунинг яхши томонлари жуда кўп. Биринчидан, сиз әркаклар дүнёси билан яқиндан танишасиз, сир-асрорини билиб оласиз. Иккинчидан, уларни аёлларга нисбатан яхшироқ дұст бўлиши мумкинлигига амин бўласиз. Үчинчидан, қийин вазиятларда сизни қўллаб-қувватлаши мумкин. Тўртинчидан, улар сизга рақиб бўлмайди, ва ниҳоят, улар сизни бошқа әркаклар билан муносабатнингиздаги мұаммоларда ўз маслаҳатлари билан асқотишли мумкин. Ҳафа қиласидан чиқиб қолса, әркакча гаплашиб ҳам қўйишади. “Қуш тилини қуш билади” деган мақол бор-ку. Энг мұхими, әркак зотининг безарар эканига амин бўласиз. Атрофдаги әркаклар хоҳ оила аъзоингиз бўлсин, хоҳ ҳамкасбингиз, хоҳ дўстингиз, меҳр билан боқишга ва уларни әркак бўлгани учун ҳурмат қилишга уриниб кўринг. Бу билан атрофингида әркакларга нисбатан ижобий энергияни пайдо қиласиз ва бу шахсий ҳаётингизда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки сиз әркакларга ишонишни бошлайсиз бу эса ўзингизга ҳам ишонч демакдир.

Оила қурмоқ бу ўзини бошқа бирорға ишониб топширмоқдир. Әркакларга ишонмаслик, “Әркак зотининг ҳаммаси бир гўр” деган гапларни шиор қилиб осиб олган аёлнинг ҳеч қачон бу борада омади келмайди, чунки у магнитдек бўлмагур әркакларни тортади, натижада ишонч эътиқод дарражасига чиқади ва үндан баҳтсиз аёл тақдири битилади.

Ниҳоят, сизларга оила баҳтини топишингиз учун сиртдан бериш мумкин бўлган барча ўзим билган сир-асрорларни айтиб ўтдим. Хулоса ўрнида, азиз

қизлар, жуфтини топа олмаётган аёллар, ўз устида ишлаш муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш яхши, аммо бир йиллик назарий илмдан бир күнлик амалий иш яхшироқ, яъни, «оила қуриш муносабатларини ўрганишда энг яхши усул – тажриба ва хатолар устида ишлаш усулидир», деган эди бир донишманд. Мукаммал бўлиб турмуш қураман деб хомтама бўлманг. Бу дунё идеал дунё эмас, унда хатолар қилинади ва тузатилади, фақат ҳеч нарса қилмаган одамдагина хато бўлмайди. Хатолардан, қоқилишлардан, алданишлардан чўчимай, фақат яхшиликдан умид қилиб, реал ҳаёт уммонига ўзингизни топширинг. Сизга ана шу қизиқарли, айрим ҳолда машаққатли йўлда омад тилайман. Унутманг, Аллоҳ ҳар кимни ўз жуфти билан яратган ва оила қуриш, фарзандли бўлиш дастурини жойлаган. Бу йўлда ўзингиздан бошқа тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Тақдир сизга чиройли баҳтни, бекам оиласи, солиҳ фарзандларни беришига ишонинг.

Рұҳшунос бўлганим учун жуда кўплаб инсонлар билан ишлашимга тўғри келади. Улар менга жуда кўплаб муаммоли ҳолатлар билан мурожаат қиладилар. Шундай ҳолатларнинг баъзиларини зътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Махфузә, 30 ёш (Когон тумани): Ота-онам ёшлигимда ажрашиб кетишган. Оилада беш нафар фарзандмиз. Икки акам, битта синглим ва укам бор. Онам бир боши билан бизни катта қилди. Отам эса ҳар замонда ҳолимиздан хабар олиб туради. Оилавий шароитимиз сабабли бирор жойда ўқий олмадим. Ўрта маълумотим билан бир-икки жойларда ишлаб ҳам кўрдим. Мана, икки йилдан бўён фақат уйда ўтираман. Яқинда синглимни ҳам узатдик. Унинг тўйида турмушга чиқмаганим, ёлғизлигим жуда билинди. Олдинига онам синглимга келган совчиларни «Опасини турмушга бермасдан туриб узатмайман» деб қайтараётганди. Қариндошларимиз онамга «Баҳтини бой-

лаб ўтирма», деб гапиришгандан кейин ноилож қолишди. Синглимнинг тўйи куни гўё қариқизлик тамғасини бўйнимга олгандек туюлди. Мана, яқинда фарзандли ҳам бўлди. Бахтини кўриб, бир хурсанд бўлсан, бир ўзимнинг шу баҳтдан мосуволигимни ўйлаб, кўйинаман. Онам доим «Куюнма, Ҳудонинг сенга ҳам атаб қўйгани бордир», дейди. Аммо ўзим сал нарсага ҳам асабийлашиб, сиқиласман. Акаларим овозини кўтариб гапирса, тергаса, жаҳол қиласман. Келинойимлар билан ҳам сал нарсанинг устида талашиб қоламан. Ойим эса бизни муросага келтира олмай ҳалак. Отамдан эса батамом кўнглим қолиб кетган. Ҳаммасига у киши айбдордек. Агар бизни ташлаб кетмаганида, менга ҳам яхши жойдан совчилар келармиди? Бахтим очиларди менинг ҳам, деб ўйлайвераман. Оила-миздаги нотинч вазият туфайли ўғли кўнгли қўйгандарнинг оналари рози бўлишмаган. Яқинда содир бўлган воқеа эса юрагимни тилка-пора қилди. Битта холамнинг қайнукаси турмушидан ажрашган экан. Шу кишига мени сўраб келишиди. Тўғри, олий маълумотли, қўлида касб-хунари бор, муомаласи жойида. Аммо шунча йил турмушга чиқмай, энди ажрашган кишига тегаманми? Холам эса “Ўйланган бўлса-да, яхши одамга текканинг яхши”, дейди. Нима қилишга ҳам ҳайронман?..

Рұжшунос маслаҳати: Маҳфузә, оила қурмаганлик, бу бирор нуқсон ёки тамға эмас. Сиз шу ёшгача ўзингизни ҳар хил ёмон йўллардан асраб юрганингиз билан фахрланишингиз керак, аслида. Сизнинг ҳолатингизда депрессия бўлиши аниқ, чунки ҳаётда маъно қолмагандек. Лекин бир нарсани унутманг, сиздаги бу ҳолат ҳеч қандай оилавий ҳаёт баҳтни бера олмайди. Чунки баҳт ўз-ўзидан қониққан инсоннинг ичидаги бўлади ва у инсоннинг оиласи ёки ёлғиз эканига боғлиқ эмас. Ушбу саволни бир ўйлаб кўринг-чи, сизга оила, эр нега керак, қариндош-уругнинг олдида

рисоладагидек аёл бўлиш учунми ёки оила қуриш ич-ичингиздаги аёллик истагими?

Ўз тақдиришимизга ўзимиз жавобгармиз. Ота-она баҳт яратса олмайди. Ҳаётингиз масъулиятини “отам ажрашмаганда”, “синглим эрга тегмаганда” каби фикрлар билан бирорларга ортманг. Тақдирингиз учун ўзингиз масъулиятни қўлга олганингизда, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Оиласидан ажрашган күёвликка номзодларга келсак, ажрашиш бу катта жиноят эмас, у ҳар қандай инсон билан ҳам содир бўлиши мумкин. Кўриб, учрашмасдан туриб, “Мен шунга тенг бўлдимми?” – деманг. Одатда ҳалқимизда 30 дан кейин ўйланмаган йигит жуда кам учрайдиган ҳолат, демак, ажрашган номзодлар эҳтимоли кўпаяди. Буни бир фожиа деб қабул қилиш нотўғри, лекин қиз бола сўраганини Аллоҳ беради, деган гап бор. Шу йигитни бир кўринг, гаплашинг. Бир эмас, бир неча марта учрашиб кўринг. Ўзингиз одамлар орасида кам бўласиз, уйда ўтирганингиз боис, мустақил равишда эркаклар билан танишиш эҳтимолингиз кам. Агар сиз учун жон кўйдираётган яқинларингизни шу тақлид қайириб ташлайверсангиз, улар ҳам номзод кўрсатишга қўрқиб қолишади. Бир нарсани унутманг, сизга таклиф этилаётган ҳар бир йигитга тегишга мажбур эмассиз. Лекин учрашув зиён қилмайди, балки улар орқали эркаклар билан муомала қилишни ўргатади, холос.

Шоҳида, 28 ёш (Нукус шаҳри): Оиласида кенжада фарзандман. Тўғриси, нега шу пайтгача турмушга чиқмаганимни ўзим ҳам тушунмайман. Олий маълумотли шифокорман. Пойтахтдаги нуфузли шифохонада ишлайман. Аммо қиз боланинг баҳти очилмаса, қийин экан. Оддинига магистратурада, аспирантурада ўқийман, яхши шифокор бўлиш учун ўқишни охиригача давом эттириш керак, дедим. Ойим ҳозир ўша пайти, ўқишингга қараб ўтирмай, узатворсам

бұларкан, дейди. Энди үттіз ёшга чиқай деб қолғанимда фақат үйланиб ажрашган ёки хотини вафот этгандардан оғиз солишади. Мен эса үз идеалимдаги одамни учратиш илинжида юрибман. Талабалик йилларимизда битта курсдош йигитимнинг менда күнгли бор әди. Ҳозир у аспирантурада үқияпти. Яна бир йилдан кейин түй қиласыз, дейди. У бошқа вилюятдан. Ота-онам эса бүнга қарши. "Шұнча йил үқитиб, энди бошқа вилюятта үзатамизми? Йүқ, ҳали тенгинг шу ердан ҳам топилади. Сен пойтахтдан Нукусга қайт", дейишади. Мен эса ишимни ташлаб кетгим келмайди. Курсдош йигитимда эса күнглим йүқ. Сабаби, феъл-авторимиз тамоман бошқача. Үнда курашувчанлик, учун ҳаракат қилиш деган тушунчалар йүқ. Мана, аспирантурада үқиса ҳам, бирор жойга ишга кирмаган. Эртага оилали бұлғач ҳам, келажагимиз учун ҳаракат қилмаса, нима қиласын, деб құрқаман. Ёшым үтиб қолди деб, шошиб түрмушга чиқиб, жуфт танлашда хато қилишдан чүчийман. Нима қилишга бошим қотған. Маслаҳат беринг.

Рұхшунос маслаҳати: Одамлар орасыда бир ибора юради: охирги имконият! Буни ё рекламилар үйлаб топған, ё пессимистлар. Инсон тирик экан, унда ҳар доим имконият бор. Ҳар бир күн – янги имконият, янги ҳаёт, буни унұтманг. Күнглингиз йүқ бұлған инсонға ҳеч қанақасыға рози бўлманг. Скандинавия шамандаридан бири бұлған қари дўстимнинг тез-тез такрорлайдиган бир гапи ёдимга тушди: "Номақбул умр йўлдош билан бўлғандан, ёлғизлик афзал".

Манзура, 27 ёш (Сурхоналаре вилюяти): Бир пайтлари мен ҳам ҳамма қыздар каби оппоқ келинлик либосини кийиб түрмушга чиқышни орзу қиласадим. Оқ отли шаҳзодамни кутиб яшардим. Ҳозир эса умидларим сұнгандек. Сабаби, атрофимдаги ҳамма менга ачиниб қарашади. Бирор қариндошимизникидаги йиғинларга, түйларга боролмайман ҳам. Ҳамма құлини

бигиз қилиб мени кўрсатаётгандек туюлади. «Сенинг тўй ошингни қачон еймиз» деган гапларни ҳазилга олиб айтишса, «Бир гапи борки, эрга тегмай юрибди», дея кесатиқ ҳам қилишади. Қариндошларимдан тортиб қўшниларимгача менга эр топиш билан овора. Дуч келган одамни тавсия қилишади. Ҳеч ким менинг орзуларим, келажак режаларим билан қизиқмайди? Ахир, ҳали йигирма етти ёшда бўлсан, нимага шошишади? Олий маълумотим, ишим бўлса, тўрт мучам соғ бўлсан.. Аслида бир пайтлари кўнгил қўйган инсоним бор эди. Бўлажак қудалар бир-бири билан келиша олмай қолгани сабаб, фотиҳам бузилган. Фотиҳам бузилгани эса катта айбимга айланган. Тўйи қайтарилган қизни ким ҳам келин қиласди, деган гап-сўзлардан тўйиб кетдим. Ишим билан овнардим. Ҳозир ишга ҳам боргим келмайди. Үмуман, кўчага чиқмасдан, одамлардан беркиниб яласам дейман. Нима қилай, маслаҳат беринг.

Рұҳшунос маслаҳати: Атрофимиздагиларнинг муносабатини биз ўзимиз сценарийлаштирамиз. Яна ҳам аниқроғи, сизни, эҳтимол, ҳеч ким қўлини бигиз қилиб ҳам қарамас, балки, ўзингиз фотиҳангиз қайтганини катта фожиа деб ҳисоблаётгандирсиз. Одамларни сиздан, сизнинг ёлғизлигинизни мухокама қилишдан бошқа ташвиши йўқми? Одамлар ачинса ачинаверсин, сиз ўзингиз ачинмасангиз бўлди. Ҳозир бизга шуниси мухим. Одамлардан яширинадиган бирор айбингиз йўқ. Үларнинг олдида бошингизни баланд кўтaring.

Хулоса ўрнида ёки умумий маслаҳат. Жуда кўп қизлар ёши катта бўлгани сари ўзига бўлган ишончи сўниб қолади. Шошиб, дуч келган одам билан турмуш қуриш инсонни тушкунликдан чиқара олмаслиги, балки ёмғирдан қутулиб, қорга тутилиш бўлиши мумкин. Ҳўш, нега айрим қизлар омадли турмуш қуришади-ю, айрим ҳуснида ҳам, феълида ҳам бирор нуқсони

бўлмаган қизлар ёлғизликка маҳкум? Бунинг сабаби ҳар хил бўлиши мумкин. Энг асосийси, улар ташқаридан турмуш қуришга уринганлари билан онг остида бунга қарши дастур ишлайди – бу дастурни ким қарғиши деб атайди, ким иссиқ-совуқ. Бунинг аҳамияти йўқ. Бу дастурни бартараф этиш мумкин, унинг учун руҳшунос билан ишлаш ёки салбий дастурни ижобийси билан мустақил равишда ўзгартириш мумкин. Мустақил ишлаш учун энг осон усул бу “идеал умр йўлдош портрети” деб номланадиган усул. Сиз қандай йигитга тегмаслигингизни яхши биласиз, аммо қандай йигитга тегишини истардингиз? Бу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганимисиз? Бир дафтар олиб, бу илмий излашишни бошланг. Бу қизиқарли машғулот, ҳудди каталогдан бирор буюм танлашдек гап.

1. У нима мақсадда оила қуради?
2. Ташқи кўриниши қандай, бўйи, вазни, сочининг ранги. Агар тасаввур қила олмасангиз, у қайсиdir машҳур одамга ўхшайдими?
3. Миллати, дини.
4. Касби, маълумоти.
5. Феъл-атвори.
6. Молиявий аҳволи, бир ойлик даромади, машина, уй.
7. Оиласидагилар қандай одамлар, улар билан муносабати қандай?
8. Дўстлари, улар билан муносабати.
9. Унинг келажак режалари.

Тасаввурга эрк беринг, орзуни катта қилаверинг, бунинг учун солиқ солишмайди, хавотир олманг. Идеал умр йўлдош портретини ёзиш бир неча кунни, балки ҳафтани олиши мумкин. Сиз бирор эркак билан учрашганда ёки бирор фильм кўрганда ўз идеалингиз билан солиштириш орқали сизга нима ёқиши-ю нима ёқмаслигини билиб оласиз ва бу билан сизни эркаклар ҳақида билимингиз кўпайиб, идеал портретингиз чархланиб боради. Бу портретнинг қайсиdir

жойи сизга ёқмаслигини сезиб қолсангиз, уни үзгартиринг, қандайдир қўшимчалар қўшинг ёки бирор элемент шарт бўлмаса, олиб ташлашингиз мумкин.

Ҳар бир инсон жуфти билан бирга яшаш учун яратилган. Сиз оиласвий ҳаётга тайёр бўлганингизда ў, албатта, сизни топиб келади, ҳозирча у ҳам сизни қидирмоқда.

Ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳтни, борлик билан уйғунликни ҳис қила олсангиз, бошқа одамни ҳам баҳтли қила оласиз ва баҳтли бўла оласиз. Аллоҳ инсонни баҳтли ҳаёт учун яратган.

Қандай қилиб совчиларни кўпайтириш мумкин?

Хўш, қизлар билан муаммони ҳал қилиб олдик. Энди совчи кутамиз деб, эшикларимизни очиб қўйсак ҳам бўлади. Ҳамма оналар сингари сизни ҳаяжон, ташвиш ва сарпо йигишу совчи кутиш ташвишлари қамраб олди. Бу янги рол сизга бироз эриш туюлар. Нима ҳам қилардик, узатиш бўлса, узатаверамиз-да. Демак, ишни нимадан бошлаймиз? Бекорга умр савдоси дейилмайди, у ростдан ҳам савдо: тоҳомадли бўлсин, тоҳомадсиз бўлсин. Савдога тайёрмиз, дейишидан аввал бозорни, талаб ва таклифни ўрганамиз. Эркакларимиз кўкрак кериб гапириб қолишади: “Ҳозирда 5 та аёлга 1 та эркак тўғри келаётган эмиш”! Демак, жаҳон бозорида эркакларнинг бозори чаққону аёл бечоранинг бозори касод, шунинг учун ҳам аёл тиришаверади, такомиллашаверади. Эркакнинг ютуғи эса унинг эркаклигига.

Сиз эркакларнинг бу сафсатасига ишонманг, уларнинг сони анқонинг уруғи бўлганда ҳам, аёл омадсиз, иши юришмаган эркакни танламайди, аммо аёлнинг ишдаги омади танлов учун мутлақо аҳамиятсиз. Эркакни сифат қизиқтирмаслиги мумкин, аммо аёл узоқни ўйлади. Дунёда якка-ю ягона эркак бўлгани ҳолда

Одам Ато: “Бери кел”, деганларида, мағрур Ҳавво момомиз: “Ўзинг кел”, деган эканлар. Ҳозиргача бу анъана ўзгарганича йўқ. Яъни ноёб нусха бўлишига қарамай, эркаклар ҳали-ҳануз аёлнинг “ҳа” деган жавобига маҳтал. Агар аёлга оила қуриш таклифи ни киритмаётган бўлса, демак, “йўқ” деган жавобдан ҳаддан зиёд қўрққанидандир, анави 5 тага битта деган нақлни маҳкам ушлашлари ҳам ичларидаги ишончсизликнинг бироз овозини ўчириш учундири.

Бир вақтлар ҳиндлар қиз туғилган уйига Лакшми тангриси ташриф буюрди деб улуғлагани ҳолида, қалин бериш оғир келганданми ё бошқа сабабданми қизларни туғилмасдан нобуд қилиш урф бўлди. Натижада ҳозирги кунда Ҳиндистонда ҳар бир беш йигитга тўртта қиз тўғри келаётган эмиш, 1 эркакка 5 аёл тўғри келиши катта фожиа эмас, аммо 5 та эркакка 4 аёл тўғри келиши ростдан ҳам фожиа. Шунинг учун ҳам аҳоли сони бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистон ҳукумати қиз бола туғилса, жуда катта пул мукофоти таъсис этди ва улғайса, қалин пули беришни давлат ўз зиммасига олди.

Муносиб йигитларни топиш қийин бўлиб қолди, деб кўйинаётган она, муносиб қизларни топиш ҳақида совчиликка юрган аёллардан сўранг, осонмикин бу юмуш? Бир нарсани унутманг, сиз диққат қаратган нарсалар амалга ошади, хаёлингизга келтирмаганингиз эмас, яъни сизни серхавотир она кўзларингиз нуқул ҳаётда муносиб куёвга чиқолмаган қизларни кўрса, қизингиз тақдирни хавф остида. Демак, биринчи маслаҳат, диққатингизни баҳтилларга қаратинг ва қизингизни баҳтсизликдан асрарманг, баҳтга йўлланг. Булар икки хил нарсалар.

Кейинги вақтларда аёлларнинг қиз узатиш учун ўйлаб топаётган урф-одатлари-ю саҳна кўринишларидан Ҳолливуднинг машҳур режиссёри Стивен Спил-

берг ҳам ҳайратда қолса керак. Мана сизга бозор иқтисодиёти.

10 йил олдин оналар қызларини уй ишларига чақ-қонникларини мақтаб, қариндош-урұғникуга дастёр-ликка юбориб, совчиларни құпайтирган бұлса, бугун ҳар жойда қариндош-урұғ құплашиб мақтаб, топган пуліга имарат солиб, совчини шоқона дастурхон билан кутиб олишмоқда. Бұ шиддатли ва шафқатсиз бозорда рақобатбардош бўлиш қийин.

Келинг, баландпарвоздан гаплардан бироз ерга тушамиз, қызимизни омадли ва баҳтли түрмуш қуриши стратегиясини тузамиз. “Режасиз түй тарқамайди”, дейди доно ҳалқимиз. Биз режани совчи кутишдан олдин тузамиз. Нима, совчи кутишга ҳам руҳшунос маслаҳатими? Албатта, айтиб қўяй, ҳали ҳеч бир руҳшунос совчи кутиш, совчиликка юриш бўйича маслаҳат бермаган, шунинг учун диққат билан мутолаа қилинг.

Демак, кетдик. Қиэ үзатишиңгиз керак, ишни нимадан бошлаймиз? Албатта, түйни қачонга қилишни ва кимга беришни исташингиздан. Аёллардан эшитиб қоламан: “Ўғил бўлса фалон йили уйлантираман дея оласан, қиз бўлса эшикка қарап экансан”, деб. Бу гапга унчалик қўшилмайман. Ҳаётдаги ҳамма ҳодисани үзимиз режалаймиз: гоҳида онгли равишда, гоҳида онг остида. Сиз онасиз, қызингизга нимани тиласангиз, шу бўлади, шунинг учун дадил сўрайверинг. Агар қызингизнинг тақдирини сизни жиаддий ташвишлантирса, мутолаадан бироз четлашиб, дафтар ва қалам олинг, яхши кайфият билан орзуларга эрк бериб, үзингизни чекламай қўйилаги саволларга жавоб беринг:

1. Қызингизни қачон үзатиши режалаштиряпсиз ёки истайсиз (йил, ой, кун)?
2. Қандай оиласа қуда бўлишни истардингиз?
3. Қызингиз қандай йигитни орзу қилишини биласизми? “Ҳа” бўлса ёзинг, “йўқ” бўлса, аниқланг. Де-

мак, сизнинг орзунгиздаги күёв неча ёш, ташқи кўриниши, қандай ишда ишлайди, қанча маош олади?

4. Қайси шаҳарга ёки қайси туманга қизингизни беришни истайсиз?

5. Совчилик орқали топиладими ёки севги-муҳаббатми?

6. Қаерда, яъни қайси ресторанда тўй қилишни истардингиз?

Агар юқоридаги саволлар сизни орзуйингизни ҳамма деталлари билан очиб бера олмаган бўлса, сиз ўзингиздан саволлар қўшиб, фантазияга эрк беришингиз мумкин.

Ана, сизга нима кераклигини аниқлаб олдик. Сиз орзуйингиз қандайligини аниқ билсангизгина, унга етганингизни билишингиз мумкин. Дафтарни бир чеккага олиб, асраб қўямиз. Энди бу ниятни ошкор қилиш қолди. Қандай дейсизми, қандай күёв хоҳлашингизни қўни-қўшни, қариндош-урӯғ, ёру биродарлар билан сухбатда билдириб қўйиш орқали. Бу нимага керак деманг, чунки бирор бирорвга сабаб бўлиши мумкин. Айнан сиз истагандек йигитни топиб кела олишмаса ҳам, сизга мутлақо тўғри келмайдигани билан дилингизни оғритишмайди. Бу шунчаки маълумотни тарқатиш эмас, балки имконияти чексиз оламга буюртма бериш.

Онасиз, қизингизга айтадиган гапларингизга эътибор беринг. Чунки ҳар бир гапингиз билан унга тақдир битаяпсиз.

Бир саҳоба жиҳодга совутсиз кирап экан. Ундан сабабини сўрашса, “Онам дуоси мени асрайди”, дер экан. Бир куни у совут кийиб жангга кирибди, шунда жангчилар: “Нима бўлди?” – деб сўрашса. “Мени дуоси асрайдиган онам вафот этди. Бу ёғига ўзимни ўзим асрашим керак”, – деган экан.

Дўзах ҳам, жаннат ҳам сизнинг сўзингиз. Жаҳлингиз ҳаддан зиёд чиққанда ҳам, ёмон сўздан тийи-

линг. Ҳеч жаҳлингиз тийилавермаса, бирор заарсизроқ гап айтинг.

Бир муаллимнинг ўқувчилари ҳаддан ошиб, асаб торларини қанчалик чертмасин, “Үйингга буғдой тұлсын”, деб қарғар экан. Энг ёмон тилагингиз шу каби бұлсын. Ҳар куни қўлингизни дуога очганингизда қизингиз баҳтини тўлиқ сўранг.

Энди совчи кутиш учун амалий ишларга ўтамиз. Ишни уйдан бошлаймиз. Қиз бўйи етган уйда меҳмонхона бўлиши керак. Ҳатто уни қайта таъмир қилиш керак. Жуда серҳашам бўлиши шарт эмас. Аммо у хонага кирган одам ўзини эркин ҳис қиласин. Ҳатто уйнинг ранги ҳам инсон руҳиятига таъсир қилади. Лекин илтимос, фақат шуни деб янги таъмирдан чиқкан уйни қайта бўятманг. Ёрқин рангларга қўрқмай мурожаат қилаверинг. Бу ранглар яшил меҳмонхона учун унчалик яхши ечим ҳисобланмайди. Ҳамма одамнинг кўнглини бирдек олиб бўлмайди: бирор бой келин қидиради, бирор соддарогини, яна бирор учун унинг ҳусни мухим. Шунинг учун уйни жиҳозлашда ўз интуициянгизга таянинг, чунки бу уйда сиз яшайсиз. Қандай меҳмонхонада ўзингизни эркин ҳис қиласдингиз? Қайси деталлар фаровон ҳаёт тимсоли бўлиши мумкин? Шу саволларни ўзингизга берингу, кўзингизни юминг, жавоб, албатта, келади. Ана шу маълумотларга кўра, имконият даражангизда меҳмонхонани қайта жиҳозланг.

Кейинги вақтда совчи кутишда ҳам дабдаба урфга кириб қолди. Имконият даражангиздан юқори, катта сарф-харажат билан совчи кутиш фақат молиявий зарар келтирибгина қолмасдан, ўзингиз ҳам совчи келишидан безиллаб қоласиз. Натижада уларнинг сони сезиларли камаяди. Эшикдан келган одамга ёзда бир пиёла сув, қишида бир пиёла чойдан бошқа нарса бериш сизнинг фарзингиз эмас. Одамлар нима деса десин, бошқаларга teng бўламан деб, ўзингизни ҳад-

дан ортиқ қийнаб қўйманг. Дастурхонга эса сақла-
ниш муддати узоқроқ бўлган неъматлардан олинг.

Қизлик уй сарой – шоҳ ҳам келади, гадо ҳам.
Сизники ҳам шундай, бир кунда бир неча хил одам
келиши мумкин. Айрим аёллар келган совчидан чуно-
нам норози бўлиб, уни ким далолат қилганини билиб,
манзил бергани учун она сутини оғзига келтирган
ҳолатлар бўлади: “Менинг қизим шунга teng бўлди-
ми?” деб. Бундан кейин бошқа бирор кимнидир айт-
ишга ҳам қўрқиб қолади. Илатимос, қизингизга яхши-
лик тиласангиз, бу гап ичингизда келса ҳам, сиртга
чиқарманг. Чунки teng қилгувчи Аллоҳ. Күёвликка
номзод эркак экан ва инсон зотидан экан, демак,
teng. Одамларнинг дилини вайрон қилишдан эҳтиёт
бўлинг. Энг қизифи, бу келаётганларни ўзингиз торта-
япсиз, яъни у инсонларни ўзингиз чақирдингиз, қўрқу-
вингиз ёки хавотирингиз билан. Айборни қидиришга
шошманг, балки қабул қилинг. Бўлиб ўтган ҳолатни
таҳлил қилинг ва хаёлан сизни ўз ташрифи билан
ранжитганларга раҳмат айтинг. Чунки улар сизни
ичингиздаги яширин қўрқувни кўришингизга ёрдам
берди. Қандай қилиб дейсизми, оддий, масалан, итти-
фоқо, “Фалончининг қизи қайтиб келибди, куёв гиёҳ-
ванд экан”, деган маълумотни эшитдингиз. Сиз чин
дилдан қизнинг онасини ҳис қилдингиз, ана шу вақт-
да бу муаммони қабул қилдингиз, онгингиз бу воқе-
ани ўз тажрибаси сифатида ўзлаштириди ва мияда
эҳтиёт бўл, деган сигнал пайдо қилди. Агар бу воқе-
ани қўллаб-қувватлайдиган ҳодисалар ҳаётда яна бир
неча марта учраса, сизда росмана қўрқув пайдо
бўлиши мумкин. Натижада ҳаётдан кутган қўрқувин-
гиз ўзини оқлаб, қизингизга ана шундай номаъқул
одамлар оғиз солса, қўрқувингиз юзага чиқади. Улар-
га шунинг учун ҳам раҳмат айтинг, ахир улар ойна –
сиз кўра олмаган ҳақиқатни акс эттиргувчи. Үнуманг,
қизни мингтаси сўрайди, биттаси олади. Қолган

999 таси эса шунчаки синов, сабрингиз, иродангиз, ишончингиз синови. Сизга таклиф киритилаяпти, танлов ихтиёрингиз. Ўйингизга шоҳ келса ҳам, гадо келса ҳам, шоҳсиб қолманг, ҳиссиётларингизни идора қилинг. Келган одамни шоҳлиги учун эмас, меҳмонлиги учун иззат қилинг. Буни бир синов деб қабул қилинг. Кўпроқ маълумот олиш учун кўпроқ эшигинг, камроқ гапиринг. Шунда камроқ хато қиласиз. Қизингизни ҳам учрашувларга шундай тайёрланг. Қиз томон қуёв ҳақида маълумот олишга диққат қаратиши керак. Қиз бола учун эшита билиш ўзи ҳақидаги энг яхши намойишdir, буни унутманг.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега турмуш қуришни умр савдоси дейишади? Чунки у ростдан ҳам савдо: бу ерда уқув зарур. Қачон нархнинг ошишини кутиш, қачон розилик бериш ва ҳ.к. Ундан ташқари савлода имидж муҳим ўрин тутади. Демак, имидж яратамиз. Қизиқ, қандай имидж? Бу эса сизнинг танловингиз. Эшикдан келганларни нимага ишонтиromoқчисиз, қандай образ ҳосил қилмоқчисиз? Совчи кутавериб чарчаган онами? Унча-мунча одам эшигини ўйлаб чертадиган кибор маликанинг димоги осмон онасими? Ҳар қандай меҳмонни ўзбекона такаллуф билан кутиб оладиган меҳмондўст аёл?! Э, буларнинг сон-саноғи йўқ. Агар танлаган бўлсангиз, ишга киришайлик.

Суқрот айтган экан: “Тақдирнинг сабаби инсон”. Аноқроғи, унинг 24 соат давомида нимани ўйлаши. Демак, ҳамма нарса миядан бошланади. Унда бошладик. Демак, сиз ўзингиз хоҳлаган инсонлигинингизга бирорларни ишонтиришдан аввал ўзингиз бунга ишонинг. Эътиборни сизга ёқмайдиган реалликка эмас, ёқадиганига қаратинг, бу жудда оддий. Одатда, оналар қизларига кўнглидагидек жой чиқмаса “Нега бундай-а?” деб савол беришади. Ишонаверинг, инсон онги ҳар қандай аҳмоқона саволга жавоб топиб бера олади, яъни салбий жавобни оласиз, албатта, у қан-

дай күриниша бўлади. Бу қўни-қўшни ёмонлаши ёки унчалик бой эмаслигингиз, яна бўлмаса уйингизнинг яхши жиҳозланмагани, қизингизнинг кўримсизлиги ва ҳоказо ва ҳоказо. Бу сиз топган сабаблар, ишонинг, бу важларнинг ҳеч бири ҳақиқий сабабчи эмас. Ҳаётни ўзгартиришнинг энг яхши усули бу аффирмациялар. Энди салбий мазмундаги саволни ижобийга алмаштиринг. “Нега қизимнинг баҳти очилмаяпти-я?”нинг ўрнига “Нега бунча қизимнинг совчилари кўп-а?” каби саволни ҳар куни меҳмонхонага кириб қайтариб туринг. Бу эриш туюлиши мумкин, аммо натижаси жиддий қарашибигизга арзиди. Бунда уйингиз яхши энергия билан тўлади ва албатта, ижобий ҳодисалар ўзини узоқ куттирмайди. Мана ўз-ўзига ишонч ҳосил қилишнинг энг осон усули. Бу саволларни овоз чиқариб айтиш шарт эмас.

Гап билан бўлиб энг асосий қаҳрамон бўлмиш қизингизни унутиб қўйибмиз-ку. Унинг ташки кўриниши биринчи рақамли масала. Иккинчиси эса ёқимли табассум. Учинчиси эса келган одамга муносабат, улар яхши бир таклиф билан келган кишилар, қандайдир азоб фаришталари эмас. Сиздан бир нарсани илтимос қиласман, совчи олдига чиқаётган қизингизга бозорга олиб келинаётган молга қарагандай қараманг. Истаса чиқсин, истамаса йўқ. Одамлар орасида унинг ўзини тутишини қанча кўп танқид қиласангиз, у шунча ўзига ишончсиз бўлиб қолади. Қизингиз тақдиридан куюнасиз, аммо бир келиб қайтиб қадам босмаган совчининг аламини қиздан олманг. Уни ҳар хил айболовлар билан қийнаманг. Нима бўлса ҳам, яхшиликка деб, ўзингизга тасалли беринг, чунки аслида ҳам шундай. Үнутманг, Аллоҳ қиласган тақдирни бандаси бузолмайди. Сиз учун тўғри келмайдиган одамлар ҳар хил сабаблар туфайли ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Агар у ҳақиқий тақдирдаги инсон бўлса, албатта, қайтади.

Яхши ниятлар билан қиз ўстирдингиз, энди уни мустақил ҳаётга кузатадиган вақт келди. Оналар қизлари бўй етгач, бирор йигит назар солса ёки бирор совчи оғиз солса, озгина хавотирга тушишади, ҳуддики, бирор қизини олиб қочиб кетадигандай. Бу ҳиссиёт таниш, фарзандни янги ҳаётга кузатиш осон эмас. Уни қалбингиздан узиб, катта инсон бўлганига ишонч ҳосил қилмас экансиз, сизни ҳар қандай совчи кутиш маҳоратингиз-у, оиласиз довруғи ҳеч қандай қимматга эга эмас. “Онани боладан ажратада олмаган жамият ўлимга маҳкум”, деган экан бир даҳо. Демак, қизингизни ота-онадан айро яшайдиган вақти келди. Буни тўғри қабул қилинг.

Фарзандингиз тақдиди хусусида ҳаддан ортиқ куюнаверманг. Балки тақдир уммонига ишониб топширинг, токи уни омад тўлқинлари баҳт соҳилига элтсин.

Совчиликка юриш ҳам санъат

Буюк физик, ихтирочи Никола Тесла ҳам АҚШга, ҳам немис фашизмига, ҳам Совет Иттифоқига ишлаган экан. Одамлар унинг тутуруқсизлиги сабабини сўрашганда “Мен урушнинг олдини олайпман, агар ҳар бир тарафнинг имкониятлари тенглашса, уруш хавфи қолмайди”, – деган экан. Дунёга тинчлик шиори остида мен ҳам энди душман томонга ўтаман. Совчиликка юриш. Бу осон юмуш эмас, лекин негадир бу ишдаги масъулият фақат аёллар елкасига ортилади. Бобомиз Амир Темур ўз тузукларида “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа зътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насаби, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлиги, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насибаси, одоб-

ахлоқи, соғлом ва бақуувватлиги билан барча құсурлардан ҳоли бұлсагина, әл-յортга катта түй-томоша беріб, келин туширдим", – деган мисраларни ёзіб қолдирғанлар. Буюк Амир Темур мұносиб келин топишни давлат ишига тенг билгандар бежиз әмас, чүнки ана шу давлатнинг келажаги бұлғуси келинга күп жиҳатдан боғылған. Чунки у авлод давомчisis. Ҳозирғи буюк глобаллашув даврида қызни дүнёнинг түрт чеккасига үзатыш ҳайратланарлы ҳол бұлмаган бир вақтда, менинг насл-насад ҳақида гапиришим мұтлақо әски қараш бұлиб күрениши мүмкін. Үғил ўстириб, әнді үйлантириш арағасыда түрган онажон, үнүтманг, сиз танлайдиган қыз шунчаки яхши келин бўлиши әмас, балки ҳам рұхан, ҳам жисмонан соғлом авлодни дүнёга келтириши ва уни одоб-ахлоқи қилиб тарбиялаши лозим. Номаъқул келин нафақат ўғлингиз ҳаётини, балки бутун оиласи пароканда қилишга қодир. Ахир у оиласа кирайпти, у келажакда шу авлод фарзандини тарбиялади.

Насл-насад бу бойлик дегани әмас. Насл-насадни бузувчи нарсалар бор. Булар – ичкилик, гиёхвандлик, жиноятчилик, бузуқлик. Мана шу иллат аралашған наслни тоза насл деб бўлмайди. Шуларга эътибор беринг. Ҳалқимизда "Тенг тенги билан", деган гап бор. Тенглик нимада бўлиши лозим? 100 % мослик жуда қийин масала, айрим оиласарда ўзимники, яхши биламан деб, яқин қариндошлардан қыз олиш одат. Бу бўлажак авлоднинг саломатлиги учун жуда хавфли. Илтимос, бу қыз танлаш ҳам мина майдонида юришдек гап экан-а, деманг. Яхиси, буёғига кимни танламаслик керагини әмас, қандай қызни танлаш мүмкінлиги ҳақида гапираман. Икки инсоннинг бир-бирига мувофиқлигини белгилөвчи энг биринчи фактор – эътиқод бирлиги.

Иккінчи – оиласарнинг мослиги. Бу жуда кенг тушунча, яғни ана шу икки оила қарашларининг бир-

бирига зид эмаслиги. Ҳавотир олманг. Буни билиш учун бир неча мулоқотнинг ўзи кифоя. Икки ёшнинг интеллекти, ёши.

Энди биргаликда бошқа жиҳатларни текширишни бошлаймиз. Ниҳоят, совчиликка борамиз. Синаш үйга кириб бир пиёла чой ичгандан кейин эмас, балки оstonадан бошланади. Сиз ўз одатингизга кўра унинг орасталигига аҳамият беринг, мен эса уйда яшовчиларнинг ички оламига. Кўча эшик уйда яшовчиларнинг ташқи оламга нисбатан муносабатини ифодалайди. Айрим ҳовлиларда катта дарвоза фақат тўй-ҳашамда очилади, одатда эса кичик дарвозадан юришади. Бу ҳолат, асосан, уй соҳибларининг ташқаридан очиқ кўринса-да, аслида атрофдагиларга нисбатан эҳтиёткорлиги, айрим ҳолларда қўрқувини билдиради. Шу жумладан, кичик эшик ҳам меҳмондўстларнинг уйида бўлмайди. Кўп қаватли уй бўлса-чи? Албатта, бунда эшиклар стандарт, у ҳолда ичкарироқ кирамиз. Остонадан кирганда пардага, яна алланима тўсиқларга дуч келсангиз, билингки, бу уйда бирор яширин сирлар бор. Шу жумладан, эшик, ойналарни зич ёпиб, яна қалин пардалар билан қуёш кирмайдиган қилиб сақлайдиганлар ҳам шу тоифага киради. Уйда бузилган, ишлатилмайдиган техника воситалари ёки буюмларнинг кўплиги бу уйда ечилмай ётган каттагина муаммоларни билдиради. Айрим уйларда эшик олдига гилам солишади-ю, кир бўлмасин деб устидан полиэтилен кленка ёзиб қўйишади. Бу хона-дон эгалари ўзларининг яхши нарсаларга арзимайман деганидир. Айрим жиҳозларнинг филофда туриши ёки уйда ўрамда очилмай турган нарсаларнинг кўплиги ҳам шунга ишора. Қўл ювиш учун сув қувурига қараб уйда яшовчиларнинг эмоционал ҳолатига баҳо бераверинг. Девори, пардаси, жиҳозлари рангидан асосан ёрқин ранглар бўлса, бу яхши белги, агар совуқ рангларга кўпроқ мурожаат қилинган бўлса, хоналон

соҳибаларининг бироз муаммолилигидан дарак беради.

Агар уйда уй ҳайвонлари бор бўлса, улар сизга тап-тайёр ойна. Уйдагиларни феъл-автори уларда акс этади, ҳа, ҳа, ишонаверинг. Масалан, ит кўп шовқин солса, аммо зарари тегмаса, одамлар ҳам шундай кўрқоқ ва шаллақи. Агар писиб туриб ташланиб қолса, эгаларининг усти билан сирти бир эмас ва ҳоказо ва ҳоказо. Демак, уй ҳайвонларига ҳам эътибор беринг.

Уйга кирганда Шерлок Холмс бўлиб қаранг, уйнинг ўзи сизга унда ўтган воқеаларни айтиб беради. Илтимос, фақат ташқи белгилар билан чегараланиб айниб кетманг. Бу сизга иккиланган ҳолатингизда қўшимча маълумот бўлиб хизмат қиласин. “Онасини кўриб, қизини ол”, дейди доно халқимиз. Қиздан олдин она ни ўрганинг. Суҳбат давомида унинг ишлатадиган сўзларига аҳамият беринг. Албатта, сиз руҳшунос эмассиз, сўз тагидаги сўзни чақа олмайсиз. Шунинг учун энг кўп ишлатиладиган сўзларга диққат қаратинг. Шунга қараб бу аёлнинг ҳаётдаги принциплари ни англашингиз мумкин. Масалан, суҳбатда “мен” кўп ишлатилган бўлса, худбин; негатив сўзларга кўпроқ мурожаат қилса, сизга нисбатан жавоб салбий; позитив сўзлар бўлса, ижобий.

Совчи келганда ҳар қандай она ҳаяжонланади ва шошиб қолиши мумкин, буни ҳам унутманг. Мавзуга чуқур ёndoшмайлик-да, очиқ маълумотларни ўқийлик. Қуда бўлмиш ўзининг опа-сингиллари билан аҳилроқ бўлиб, эрнинг томони номаълум сабабга кўра фаол эмаслиги бир кун келиб сизни ҳам ўғлингиз оиласидан четлаштирилиш эҳтимоли борлигини билдиради. Буларни инобатга олиб қўйинг. Аёлсиз, сизга ички сезиш қобилияти берилган. Эшигини очаётган хона-донингизни ана шу ички шўур билан ҳис қилинг, қалбингиз нима деб маълумот берса, шу тўғри, чунки кўз, қулоқ адашиши мумкин, аммо қалб адашмайди.

Айтайлик, ҳаммаси рисоладагидек бўлган бир хона-
дондан кўнглингиз бир чеккаси ғаш бўлиб чиқди.
Ҳоли қолганингизда ўзингизга “бу нима?” деб савол
беринг, қалбингиздан сўранг: у нега ғаш? У нимани
билди ва уни эшитиб кўринг.

Агар ўғлингизга муносиб ёр топишга қийналсангиз,
буни яхши қизлар йўқ бўлиб кетганидан кўрманг,
балки бу сиздаги ёки ўғлингиздаги қарши кучдир.
Балки, оиласигизга ҳали-вери бегона аралашишини
истамаётгандирсиз. Эҳтимол, ўғлингиздан айрилиб
қолишдан чўчирсиз. Балки, ўғлингиз ҳозир уйланишни
хоҳламас, балки ўзининг севгани бордир, хўп чарча-
шингизни кутиб тургандир. Асабий тарзда қиз қиди-
ришни тўхтатиб, ана шу муаммоларни аввал ҳал
қилиб олинг. Кейин ишингиз осон кўчса ажаб эмас.

Атрофда ҳар хил келинларни кўрасиз ва бирор
бўлмағурига учраб чув тушиб қолишдан, албатта,
кўрқасиз. Аллоҳдан сизга иймонли, инсофлисини уч-
ратишини сўранг ва учратган қизларингиздан ёмон
сифатларни эмас, яхши жиҳатларни қидиришни ўрга-
нинг. Шунда сизга яхши келин учраши эҳтимоли кўпроқ
бўлади. Сиз билган келинлардан “Келиним фалончига
ўхшамасин-да”, деманг, балки сизга ёқкан фалончи-
ларга ўхшашини сўранг. Бу икки нарсада фарқ бор.
Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин
дейди. Сиз яхши келинни буюртма беринг ва қабул
қилиб олинг.

Биринчи учрашув бир кўришда муҳаббат бўлишини истайсизми?

Совчилик, келди-кетдилар ҳал бўлади. Энди учра-
шувга чиқсан ҳам бўлади.

Албатта, бу вақт барча учун ҳаяжонли, синовли-
дир. “Бизда биринчи таассурот қолдириш учун иккин-
чи имконият берилмайди”, деган эди бир даҳо.

Одатда, учрашувга қаттиқ тайёргарлик күрилади, энг чиройли кийимлар кийилиб, энг яхши фазилатлар күрсатиласди. Бу табиий, чунки маҳсулот витринага юзи билан қўйиласди. Лекин натижа ҳар доим ҳам кўнгилдагидек чиқавермайди. Ташқи кўриниш учрашув муваффақиятининг асосий фоизини ташкил қилиши шубҳасиз, аммо шунинг ўзи етарлимикин?

Энг аввало, учрашувда қандай кийим кийишга келсак. Бу ўз дидингизга ҳавола, аммо бир нарсани унутманг, эркаклар аёлларни шимдан кўра юбка ёки кўйлакда кўришни афзал кўришади, сочнинг эса калтасидан кўра узуни мафтункорроқ улар учун.

Тақинчоқлар эса иложи борича минимал бўлгани маъқул. Учрашувга узук тақмаган яхши, чунки узук қандай бўлишидан қатни назар, аёлнинг бошқа кишига тегишлилигини билдириб, тўсиқ вазифасини ўтаб қолиши мумкин. Қўша-қўша тилла тақинчоқларингизни бошқа тадбирларга қолдиринг.

Турмушга чиқиши арафасидаги бир қиз савол билан мурожаат қилди: “Нега учрашувга чиққанимда мен ёқтирган одамларга ёқмайман, мен ёқтирганларим эса мени жуда ёқтириб қолишади?”

Балки, сизда ҳам шундай бўлгандир? Бунинг сабаби оддий, чунки сизга ёқмаган одамга ёқиш учун ортиқча мулозамат қилмайсиз, табиий хатти-ҳаракат қиласиз. Ўзингиз ҳақида гапириб ўтирумайсиз, ҳурмат юзасидан эшитасиз, холос. Энг муҳими, унга жудаям қизиқмаётганлигингиз учун ўзингизни эркин тутасиз. Бу эса унга хотиржам қарор қабул қилишига ёрдам беради. Кўп мулозамат қилаётган қиздан эҳтиётроқ бўлишади, айрим ҳолларда қочишади. Чунки бу қоп-қондек туюлиб, сиқила бошлайди-да, унутманг, эркаклар оилани қадрлайди, аммо эркка ташна бўлади.

Биринчи учрашувда камроқ гапириб, кўпроқ эркак кишини эшитган маъқул. Аввалиг учта учрашувда аёл киши ўзи ҳақида иложи борича кам информация

бериши керак. Үнүтманг, ҳар бир ахборот сизнинг зарарингизга ишлаши мүмкин. Эркаклар кўп гапирадиган аёлларни ёқтиришмайди. Яхши эшитувчилигинизни намоён қилинг ва уни ўрганиш билан машғул бўлинг. Лекин жимгина эшитишгина эмас, балки унинг суҳбатини айрим сеҳрли саволлар билан йўналтириб туринг. Масалан: Сиз қайси байрамларни ким билан нишонлайсиз? Ўз ҳамкасларингизга ишонасизми? Қачон ўзингизни жуда ёлғиз ҳис қилгансиз? Аёллардаги қайси сифатларни ёқтиримайсиз? Қайси хислатларни қадрлайсиз? Қайси жойда яшашни маъқул кўрасиз: шаҳар ёки қишлоқ? Қайси давлатда яшашни истардингиз? Нега?

Сиз учун муҳим маълумотлар унинг болалиги қандай ўтгани, қариндошларидан кимни яхши кўриши, унинг дўстлари борми, душманлари-чи, у қарилик ҳақида қандай ўйлайди ва ҳоказо.

Бу саволлар берилганда ҳар қандай эркакнинг ички дунёси очилади. Бу орада эса у сизга керак ёки керак эмаслиги ҳақида хуносага келасиз. Хуносага келмасдан туриб ортиқча маълумот бериб қўйиш, вақтни бекор кетказиш билан тенг.

Ёши йигирмалардаги келишган қизнинг совчилар орқали бир йигитнинг ўзи истамаган ҳолда ром этганини айтиб, ундан қутулиш борасида маслаҳат сўраб қолди. Бу воқеа менга қизиқ туюлди ва учрашув қандай кечганилигини сўрадим. Бизнинг қаҳрамонимиз учрашувга ўзи томондан чиқиши керак бўлган опасидан олдинроқ бориб қолади. Онаси билан турган йигитни кўрибоқ ёқтиришмайди, секин жуфтакни ростлайман деб турса, бўлажак қайнона қизни таниб, чақириб олади ва унинг таъбири билан айтганда олатлаги аҳмоқона сценарийга кўра қиз билан йигит бирга айланиб келишади. Кенг йўлка. Бирга кетиб бораётган йигит саволлар беради, қиз эса узук-юлуқ, тайинсиз жавоблар билан чекланади. Одоб юзасидангина

юзаки савол бериб құяды. Қызы бир томондан учрашувга кечиккан опасидан жағали чиқса, бир томондан йигит билан үтган 5 сонияни 5 соатдек чүзилганидан асабийлашади. Қайтишда күёвнинг онаси билан учрашиш эса яна ҳам уятли эканини ўйлаб, қайтишда кутилмаганда хайрлашиб, йўлини бошқа томонга буриб кетади. Қызы орқасига қарамаган, аммо йигит бечора ҳайрат ичидә қолгани аниқ. Ишонасизми йўқми, йигит бу сирли қизга тамоман маҳлиё бўлиб, фақат шунга ўйланаман деган хуносага келиб, тинч қўймаётган эмиш.

Демак, ёдда тулинг, кейинги қоида биринчи учрашув узоқ давом этиши мумкин эмас. Ҳудди Золушка Эртагидек нотаниш малика тўсатдан ғойиб бўлади. Бу эса қизиқишини янада орттириб, севги оловини алангалатади. Бу эртакда кучли психологик ричаг бор. Агар қизиқиш ортиғи билан қондириб юбориласа, сизни беш қўлдай биладиган эркак сизга қизиқмайди, энди бошқа ўрганиш обьектини қидира бошлайди. Чунки эркак табиатан овчи, овлаб эришиб бўлган ўлжасига қайта-қайта тузоқ қўймайди.

Сиз эса нафақат биринчи учрашувда, балки бир умр уни ҳайрон қолдириб, сизга интилиб, сиз билан қизиқишига эришинг. Биринчи учрашув ярим соатдан икки соатгача давом этиши мумкин, сиз бирор нарсани баҳона қилиб ғойиб бўлинг. Эришилмаган марра бўлинг, аммо сира эришиб бўлмайдиган эмас, чунки эркаклар қўли етмайдиган юлдузларга интилишмайди.

Сиз сеҳрли саволларни беришни ва эшитишни биллиб олдингиз, энди қизиқарли суҳбатдошлиқ қиёфангизга мафтункор табассум киритамиз. Севимли авторимиз Дейл Карнеги айтмоқчи “Табассум қудратли кучга эга”. Афсус, у қандай табассум қилиниши ҳақида нима учун кимнидир жилмайшига дунёларга тенг бўлиши-ю, кимнидир кулиши айтарли кучга эга эмаслиги ҳақида айтишни унугтан. Ҳа, албатта, табассум-

нинг ҳам ўз сири бор. Атрофдагиларни бир табассумингиз билан ром этишни истайсизми? О, буни ким истамайди? Үнда навбатдаги сабоқ ёқимтой табассум санъати ҳақида.

Ҳар доим қулиб турган яхши, аммо унинг сонини эмас, сифатини оширсангиз, табассумингиз кучини ҳеч қандай макияж билан тенглаштириб бўлмайди.

Ҳеч эътибор берганмисиз, тўсатдан танишингизни кўриб қолдингиз, аввал қарайсиз, таниганингиздан кейин жилмаясиз, бу орада бир неча сония ўтади. Чеҳрангиз ёришиб кетгандек бўлади. Демак, энди кўриб турган одамингизга 1-2 сония қарайсиз ва кейин жилмайишни бошлайсиз. Бу табассум тезкор табассумдан ишончлироқ, мафтункорроқ, энг муҳими, кучли таъсир кўрсатади. Кечикилган 2 сония одамларнинг табассумни соxта эмаслиги, самимиyилиги ва энг асосийси, фақат унгагина аталганлигига ишонтиради.

Суҳбат ижобий бўлиши ва суҳбатдошнинг эгаллаган поза (ҳолати)сига боғлиқ. Рӯҳшунослар салбий баҳо берадиган ёпиқ поза – қўлнинг бир-бирига киришириб, оёқни чалиштиришадир. Бу сизни атрофдагиларга мен ҳар қандай мулоқот учун ёпиқман, мени тинч қўйинг, деганингиз бўлади. Эҳтимол, сизга бундай туриш ёки ўтириш қулайдир. Бу табиий. Бегона одамлар олдида беихтиёр шу позага кирасиз, аммо бу суҳбатга фақат салбий тус беради. Агар аҳамият берган бўлсангиз, бекатда шундай ёпиқ позада турган одамга ҳеч ким яқинлашиб, бирор савол билан мурожаат этмайди. Чунки у одамдан нима кутишни билиб бўлмайди. Унутманг, ахборотнинг 65 фоизи хатти-ҳаракатлар, позалар ва жест (имо-ишора)лар орқали узатилади, фақат 7 фоизигина сўз орқали. Сиз ҳар қанча тўғри ва чиройли гапирманг, сизнинг хатти-ҳаракатингиз бунинг аксини исботлаб қўйиши мумкин. Демак, биринчи учрашувда иложи борича

камроқ гапириб, сұхбатдош ҳақида максимал маңлымот олиш ва махсус үсуllар, саволлар ёрдамида үнинг руҳий оламига кириб бориш. Ўзингизни эркин тутинг ва сұхбат учун очиқ бўлинг, муҳими, табиий ўзлигингизни йўқотманг.

Мулоқотга оид ўрганишингиз зарур бўлган қоидалар борлигини ҳис қилаётган бўлсангиз, махсус аданбиятлар ва "Мулоқот санъати" тренингларига қатнашишиб, ўз имкониятларингиз чегарасини оширинг. Бу малака нафақат оила қуришда, балки ҳаёт давомида инсонлар билан мулоқотингизни енгилаштиришга ва сизни қизиқарли сұхбатдош бўлишингизга ёрдам беради.

Бўлажак күёв бўлажак миллионерми? Текширамиз!

Учрашувга чиқдингиз, энди күёвнинг молиявий имкониятлари сизни қизиқтиromoқда. Қайси қиз миллионер эркакни орзу қилмайди? Орзу ҳам гапми, миллионерларга маккораларнинг тузоқ қўйиши ҳам одатий ҳол. Лекин айрим қизлар тузоққа илинтиридим деб, ўзлари тўрга илашиб қолган ҳолатлари ҳам учраб туради. Биз аёлларнинг мол-дунё ожиз жойимиз эканлигини эркаклар яхши билишади ва бу ожизлигимиздан фойдаланишади.

Мен аёл сифатида бадавлат эркакни кўзлашнинг ҳеч қандай зарарли томони йўқ, деб ҳисоблайман. "Чўнтағидаги пулига учма, қалб бойлигини қидир", деб маслаҳат бериб қўйишади айримлар. Бир нарсани тушуна олмайман, нега фақат битта нарсани танлаш керак, нега баҳт кемтик бўлиши керак, ё қалб бойлиги ёки мол-дунё. Икковига ҳам эришишни иложи йўқми? Мен иккала бойликка биттада эришишни маслаҳат берардим. Тасаввур қилинг, учрашувга чиқдингиз, айтинг-чи, эркакнинг қайси сифатларига аҳами-

ят берасиз, қандай маълумотлар тўплайсиз ва нимага асосланиб натижавий хуносага келасиз: бўлади, бўлмайди каби? Ёши нечада, нима иш қилади, топиш-тутиши қанақа, машинаси борми? Мол-дунё овчиси, эҳтиёт бўлинг, бу сифатлар алдамчи, сиз қандайдир хўрак эмас, балки ойдек қизсиз, яъни ҳар қандай қимматбаҳо машина-ю, данғиллама ўй-жойдан ҳам қимматлироқ. Оила бу бир ширкат, никоҳ эса сиз ҳаётингизда тузадиган энг муҳим шартнома. Бизнес ҳамкор танлаганда тадбиркорлар бир-бирини қанча синайди, ёр танлашда эса битта учрашувдаёқ қарор чиқаришнинг қанчалик аҳмоқлик эканини тушунтириш шарт эмас, менимча.

Айтинг-чи, ҳар томонлама кучли, омадли, келажаги порлоқ ва энг муҳими, мард ва ишончли ҳамкорни қандай аниқлаймиз? Олмос ўзининг бир қанча талабларга жавоб беришига кўра ҳақиқий эканлиги белгиланади. Ҳақиқий олмосни ҳамма ҳам аниқлай олмайди, аммо уни ўрганиш мумкин. Демак, бўлажак миллионерга биринчи синов.

Келинг, аввало, кийинишидан бошлайлик. Хўш, ҳақиқий бойлар қандай кийинади? "Армани"дан кастюм, "Чопара" қўл соати деб ўйларсиз. Э, йўқ, сиз хато қиласиз. Мен бир шундай башанг кийинган, ҳар бир пачкаси фалон доллар туродиган сигарет чекадиган йигитчага ишимни битириб бериши учун 250 доллар бергандим, бу олифтани шундан бери кўрганим йўқ. Таассурот қолдиришга зўр берадиган йигитларга учманг, эҳтимол, ростданам бойдир, аммо ўзини жуда қаттиқ севадиган, латтапараст эркакдан яхши эр чиқмайди. Бундай эркак билан яшаган аёлнинг асосий ҳаёти унинг кийимларни сақлашу туфлисини мойлаб ўтиш билан ўтади. Агар эркакнинг қимматбаҳо буюмлари билан эътиборингизни тортмоқчи эканини сезиб қолсангиз, эҳтиёт бўлинг, бу сариқ чироқ, диккат қил дегани. Энг ёмони, сиз ҳам унинг буюмлари-

га маҳлиё бўлиб, унинг ортига яширинган шахсни кўра олмаётган бўлишингиз мумкин. Буни текшириш учун бир синов ўтказишингиз мумкин. Учрашувлардан бирида унга машинани ташлаб ва қулай кийимда келишни илтимос қилинг. Бофни ёки бирор сайилгоҳни бемалол айланишга халақит бермасин, деган баҳона ўйлаб топинг ёки очиғини айтинг ва учрашув давомида ўзингизнинг ҳиссиётларингизни, уни ҳатти-ҳаракатларини кузатинг. Айтганча, уни машинасисиз ҳам, оддийгина ҳолида қабул қила оласизми? У-чи, у машинасининг қалитисиз ҳам ўзига ишонадими? Агар ўзига ишонган қиз бўлсангиз, бир учрашувни ўйин тарзида чўнтакда жуда оз миқдорда пул билан, оддий кийимда, машинасиз ва ҳатто уяли алоқа воситасисиз ўтказишни таклиф этинг. “Нега?”, деб сўраса, тушунтириб ўтируманг, эркак сизнинг хаёлингиздан ўтган ҳар қандай ёруғлик тезлигидағи фикрни билиши шарт эмас, “шунчаки” деб жавоб беринг. Агар йигит ниҳоятда жиддий ёки ёши ўтиб қолган бўлмаса, бу ўйинга ўзи ҳам қизиқиб қолади. Уни шундай ҳолатда ҳам ҳурмат қиласиҳизми, у-чи, у ўзини ҳурмат қиляптими? Бу ўйин сизга ўзингиз ва куёвликка номзод йигит ҳақида жуда кўп маълумот бериши мумкин. Лекин техника хафсизлиги қоидаси ёдингиздан чиқмасин. Сизларни танишувингиз совчилар орқали амалга оширилган бўлса ва йигитча учрашувдаги ҳар бир детални онаси ёки яқинлари билан муҳокама қилиши хавфи бўлса, бу ҳатти-ҳаракатингиз тўғри баҳоланмаслиги ва анча гап-сўзга сабаб бўлиши мумкин.

Эркакни текширишнинг иккинчи шарти – у нима иш қилади? Очиғи, бу мутлақо муҳим эмас. Нега дейсизми, чунки пулни касб топмайди, одам топади. Энг пулга яқин касб банк ходими бўлишидир, лекин бу касбда ойликдан ойликкача юрганлар жуда сероб. Қизлар менсимайроқ қарайдиган ўқитувчилик касби.

Ҳа, бу касб әгаси ҳам маълум ойликка қарам, аммо уни келиши мүмкін бўлган бошқа фойда воситалари бор. Масалан, пуллик қўшимча дарслар. Агар шу ўқитувчи салоҳиятли бўлибгина қолмай, бирозгина тадбиркорликка ҳам эга бўлса, тайёрлов курслари ёки хусусий мактаб очиши мүмкін. Ҳозирги кунда бу энг яхши бизнес саналади, мен сизга айтсам. “Хўш, ҳамма касб әгаси ҳам бой бўлиши мүмкін бўлса, қандай ажратай имкониятироғини”, дерсиз. Соддагина, унинг келажак режалари билан қизиқсан ҳолда. Эҳтиёт бўлинг, режанинг орзудан фарқига боринг, ваҳдоланки, ҳар қандай бойлик орзудан бошланади. (Тортинмай саволларни бераверинг, ҳар бир инсон, айниқса, эркак зоти ўзи ҳақида соатлаб гапиришни хуш кўради. Сиз уни қизиқиш билан қўллаб туринг. Саволларни терговчига ўхшаб эмас, маҳоратли журналистга ўхшаб беринг.) Агар сұхбатдошингиз яқин бир йиллик, беш йиллик истиқбол режасига эга бўлмаса, демак, унинг эга бўлган бойлиги ё мерос қолган, ё лотереяда ютган, бошқа вариант йўқ. Ҳулосани ўзингиз чиқаринг. Ҳар қалай, касби қандай бўлишидан қатъи назар, иши тадбиркорлик бўлганларнинг бой бўлиш эҳтимоли каттароқ. Буни аниқлаш учун сиз ҳам олдинни кўра билишингиз керак.

Учинчи синов. У каръерани қандай тасаввур қиласди? Агар вазир бўлишни орзу қиласа, бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Аммо бундай мансаб курсилари анчайин омонат бўлади ва бойлик орттиришнинг мутлақо қулай воситаси эмас. Ёки бирор йирик компанияда раҳбар бўлиш орзуси бордир. Бу ҳам яхши интилиш, аммо “Энг мақбули бировнинг йирик компанияси ёки давлат корхонаси, мансаб пиллапояларидан чиқиш эмас, ўз пиллапоясини яратиш”, – деган экан бир мультимилионер. Демак, унинг каръера режаси.

Тўртинчи шарт. Үнинг даромади қанча? Бир чиройли ҳикмат бор: “Аёл кишидан ёшини, эркак кишидан

маошини сўраб бўлмайди". Ҳеч ким сизга қанча топишини аниқла демаяпти, чунки бу муҳим эмас. Кўп пул ишлаш билан бой бўлиб қолмайди киши. Сиз аниқлашингиз керак бўлган нарса оддийгина. У қандай воситалар орқали пул топади? Агар унинг топган пули ниҳоятда катта бўлса ҳам ойликнинг ўзи бўлса, бу яхши тадбиркор эмас. Чунки у касал бўлса, ойлик ҳам камаяди ёки тўхтайди. Агар у ухлаб ётганда ҳам пуллар пул топиб келса, бу инсон тадбиркор. Бу қандай бўлади дейсизми, энг оддийи. Бўш квартирани, машинани, бирор дўконни ижарага бериш. Булар қандай аниқланади? Зийракроқ бўлиб, унинг гап-сўзларидан, ишлатадиган терминларидан аниқлашингиз мумкин. Үнда ҳали бундай мол-мулкка эга бўлишнинг имкони йўқ бўлса-да, пул топиш foяси бор ёки йўқлигини аниқламоқчи бўлсангиз, унга қўйидагича савол беринг: "Тасаввур қилинг, 100 минг доллар пул ютиб олдингиз, нима қилардингиз?" денг. Агар у шунчаки: "Бизнесга тикардим", – деса, қизиқинг, қандай бизнесга, аниқ тасаввурга ва режага эгами ёки шунчаки гапми? Агар "Пулни олгандан сўнг муҳташам уй солиб яшардим, қимматбаҳо машина олардим, чет злга саёҳат ёки ҳаммасини хайрия қиласдим", – деса, бу одам молиявий қийинчиликлар учун яралган. Орқангизга қарамай қочинг. (Хайриянинг нимаси ёмон десангиз, баҳслашмайман, фақатгина вақтни тежаш учун бу бобни ўқимай ташлаб кетаверишни тавсия эта-ман.)

Бешинчи шарт – у пулга пишиқми? Бу эркаклардаги қизларга энг ёқмайдиган ҳолат. "Ўлгудай паст", деб баҳо бериб қўйишади. Жуда пулга қаттиқ одамга ҳам учманг, унинг пул харажатидаги режалилигига аҳамият беринг. Энг оддий, у айни вақтда чўнтағида қанча пул борлигини биладими? Ошириб юбордим. Эркак кишига шу саволни бериб бўладими? Бу саволдан кейин эркакнинг ўзини кўрмаслигингиз мумкин.

Унинг пул сарфлашига эътибор беринг. Пулга муносабати қандай? Бунга тўғри баҳо бера олиш учун эса сиз ҳам пулни қадрлайдиган бўлишингиз керак. Яна бир гап. Русларда бир мақол бор: “Балиқчи балиқчани узоқдан танийди”. Яъни сиз ўзингизга ўхшаган одамларни атрофингизга тортасиз. Эркакка нисбатан талабчанмисиз, бу талабингизни ўзингизга қўйишдан бошланг, натижа узоқ куттирмайди.

Олтинчи шарт – унинг маълумоти. Диплом ва бойлик ўртасида ҳали бирор боғлиқ бор экани аниқлангани йўқ. Демак, миллионер бўлиш учун нафақат фан номзоди бўлиши, ҳатто олий маълумот эгаси бўлиши ҳам шарт эмас. Лекин ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши, инсон руҳияти профессори бўлиши керак.

Еттинчи шарт – ундағи харизма, яъни унинг бошқаларга таъсир ўтказа олиш хусусияти, ишонтира олиши ва унда табиатан мавжуд куч. Бундай инсонларни “савлати босадиган” дейишади. Бу одам баланд бўйли, кенг елкали бўлиши шарт эмас, аммо ундағи куч сезилиб туради. Буни тушунтириш қийин, бу ҳис қилинади. Аёлсиз, сизга табиатан интуиция берилган. Буни ўзингиз аниқлаб олинг.

Саккизинчи синов – унинг кайфияти. Ҳаётдан хафа, тез-тез нолийдиган ёки бирор хато ёки муваффақиятсизлигида бировни айблайдиган йигит нафақат бой бўла олади, ҳатто атрофдагиларнинг асабини кеми-рувчи биовампир бўлиши ҳам мумкин. Буни қандай текширамиз? Унинг ишлатадиган терминларида афсус-надоматни билдирувчи сўзлар асосий қисмни ташкил қиласа ва ҳаётидаги муваффақиятсизликларида атрофдагиларни, яқинларини, яшаётган мамлакатини ёки даврни айбласа. Албатта, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, аммо ўз ҳаёти учун масъулиятни бўйнига олмайдиган эркак қандай қилиб омадли бўлиши мумкин? Энг хавфли томони, оиласи бўлгандан кейин

муаммоли вазиятларда ҳамма айбни хотинга ағдариши ҳам кутиладиган ҳолат.

Бўлажак күёв болани оилани таъминлай олиш имкониятларини чамалаб кўрдик. Аммо ҳақиқий синов бу ҳаёт синовидир. Ўзингизни унга ишониб тан маҳрамликка топшира оласизми? Шунинг ўзи кифоя, чунки унинг топган-тутганини барокатли, ўзини эса омадли бўлиши отасининг обрў-эътиборига эмас, балки сизнинг ишончингизга боғлиқ.

Еттида йиғсанг етади, олтидан йиғсанг ортади

Қизингиз учрашувга чиқиб кетди-ю сиз ҳисоблаб кетдингиз. “Нимам бор, нимам йўқ?” Ахир ўзбекнинг тўйини сарполарсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Совчи келиши билан ичингиз шув этади. Совчилар гапираверади-ю сиз ўз хаёлингиз билан келажакка саёҳат қилиб бўлдингиз: тўй бўлиб қолса, униси йўқ эди-я, буниси йўқ эди-я, улгурманми?

“Еттида йиғсанг етади, олтида йиғсанг ортади”. Ажойиб ҳалқ мақоли. Ҳеч бир ҳалқ анъанасини писанд қилмайдиган аёл ҳам ана шу ақидани дастуриламал қилган, десам муболаға бўлмайди. Бир дугонам бор, қизи икки ёш. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, секин-аста қизига сеп йиғишни бошлаб юборибди. Онаси сарпода қўйган айрим асл молларни ишлатишга кўзи қиймай, қизига олиб қўйибди. Эшитиб кулдим. Ўзбекнинг сарпо йиғиш, сидира-сидира латта-пutta тўплашига қарши оммавий кураш аҳлига алоқам йўқ, очиги. “Пулингизни исроф қилаверманг”, демайман. Пул сизники, уни билганингизча сарфланг. Хоҳласангиз, бутун Хито-ю Туркия мөлини уйингизга кўчириб келинг. Мен фақат нарса йиғишни инсон руҳиятига ва ҳаётига, қизингизнинг тақдирига таъсирини тушунтиromoқчиман. Кейин, танлов сизнинг ихтиерингизда.

Сарпо нега йиғилади, нима деб ўйлайсиз? Бу савол ҳақида бир фикр юритиб кўринг ва қўйидаги жавоб вариантларидан бирини белгиланг.

- А. Элдан кам бўлмаслиги учун.
- Б. Бир кун келиб фарзандимнинг кунига яраши учун.
- В. Яхши ният қилиб.
- Г. Тома-тома кўл бўлур. Тўй вақти пўлим бўлмай қолса аскотади.
- Д. Кўнгил хотиржамлиги учун.

Билмадим, яна қанча антиқа сабаблар бўлиши мумкин бу одатга. Энди сизнинг жавобингизга қараб ташхис қўйсак. Агар жавобингиз **А** бўлса, сиз одамларнинг фикрига жуда боғлиқсиз. Уйингизда сарпо кўплигидан яшашга жой қолмайдиган даражага етгудек мол йиғишдан аввал ана шу боғлиқлигингиз ҳақида бир ўйлаб кўринг.

Жавобингиз **Б** бўлса, бугун билан яшанг дердим. Бугун ҳақиқат, эртага нима бўлиши Аллоҳдан ўзгасига аён эмас.

Яхши ният ҳар доим яхши. Агар ниятингиз фарзандингизга ҳақиқатда яхшилик қилиш бўлса, сарпо йиғишдан бўлак тузукроқ йўллари ҳақида руҳшунос сифатида яхшироқ таклифим бор. Қизиқаётган бўлсангиз, ўқишида давом этинг.

Агар жавобингиз **В** бўлса, сизда хавотир бор. Бу жиддий куч, унинг ҳам яхши, ҳам ёмон томони бор. У ҳаттоқи тинчгина ухлашга ҳам имкон бермайди. Сизнинг хавотирингиз ҳам қизингиз баҳтига, ҳам молиявий аҳволингизга нисбатан заарга ишлайди. Йиққан сарпонгиздаги энергия ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Агар жавобингиз **Г** бўлса, мен сизни табриклайман. Стрессларни енгишнинг яхши йўлини топибсиз, аммо ортиқча жиҳозу латта-путтадан янги стресс орттириб олишдан эҳтиёт бўлинг.

Автобусда иттифоқо, икки аёлнинг гапларини эши-тиб қолдим. Улардан бирининг бўйи етган қизлари бор экан. Бу аёл икки жойда фаррошлик қилиб пул топар экан. Пластик деган техника мўъжизаси уларда янги бир ғояни берибди. Пластика пул йиғаётган эканлар. Мақсад қизга Хитой мебелини олиш. Мен бу ҳолдан кулмадим, ачиндим. У аёлнинг ҳали бери орзусига етиши қийин эканлиги учун эмас, балки пул борасида саводсиз эканлигидан ва у аёлга молиявий муаммолар бир умр ёр бўлишидан. Пул бу қон, у организмда оқиб туриши керак. Уни бир жойда узоқ вақт, фойда келтирмайдиган нарса сотиб олиш учун сақлашнинг қанчалик молиявий саломатлигинизга зарари энди тушунарли бўлса керак. Ундан ташқари, даромаддан кўп сарф-харажат сизни икки дунёда ҳам бой бўлмаслигинизни кафотлайди. Бир нечта кўчмас мулкка эга бўлган инвестор шундай деган экан: “Мен ижарага берган уйларимда яшовчи одамларнинг ўртаҳоллигига қарамай, уйларида мен ўзимга раво кўра олмаган сўнгги русумдаги телевизорлар борлигини кўриб ҳайрон қоламан”.

Эҳтимол, айтаётгандирсиз: “Нима қилсан ҳам фарзандим учун қиласман”, деб. Ҳа, лекин фарзандингиз сиз қилган хатони эртага тақрорлаб, топган туттганини сиз каби сарфласа, молиявий саводсиз ва пул муаммоси унинг ҳаётдаги шериги бўлиб қолса ажабланмайман. “Фарзандларимиз биздан кўра баҳтли бўлсин”, дейди ҳар бир ота-она. Аммо қуш уясида кўрганини қилади, у истаса ҳам, истамаса ҳам, сиз қилган хатолардан кўчирма қилиши, сизнинг ишламайдиган дастурингиз билан дастурланиб қолиши мүмкин.

Ота-она ҳар доим ҳам хурсандчилик билан сарпо олмайди. Яъни қилишга мажбуrlиги учун қийналиб сотиб олган бўлса, бу буюм ўзига хос салбий энергияга эга бўлиб қолади. У фарзандингиз баҳтидан

кўра баҳтсизлигига сабаб бўлади. Ўйлашимча, ажрашишларнинг кўпайиши бир чеккаси ана шу аҳмоқона одатларимизнинг натижаси эмасмикин?

Тезкор замонамизда русумлар, модалар ҳар ойига ўзгараётгани натижасида йиллаб йиққан буюмларингиз шунчаки русумдан қолган эски-тускига айланиши тайин. Ҳа, йиққан бисотингизнинг сони кўп, аммо сифатсизлиги учун сандиқларда йиллаб ётса ачинмайсизми? Ахир орзу-ҳавас билан олган эдингиз. Сотиб олган ва харид қилишни орзу қилаётган буюмларингизни яна бир кўриб чиқинг, ҳақиқатан ҳам, у фарзандингиз учун керакми? Үндан бир кун келиб фойдаланадими? Үндан ташқари, ҳар қандай буюмнинг сақланиш муддати деган нарсалар бор. Кийим учун бундай қоида йўқ деганлар бекор айтибди. Бир неча йиллик паҳтадан қавилган кўрпани болага ёпиш мүмкин эмас, унда ётган чақалоқ бўғилиб ўлиши мүмкин экан. Яъни антиквар даражага етган буюмлар ўзида турли-туман зарарли моддалар, инфекцияларга бой бўлиши, фойдаланиш муддати тугаганлигини билдирамайдими?

Ишлатилмайдиган буюмларнинг ўйда туриши у жуда улуғ ниятлар билан олинганига қарамай, хосияти ҳар доим ҳам яхши бўлавермас экан. Буюм нега керак? Албатта, бизнинг ҳаётимизни осонлаштириш, оғири-мизни енгил қилиш, ҳаётимизни безаш учун. Лекин улар эртани безаши керак бўлгани учун, ўйда, омборхонада тургандек сақланаётган бўлса, у сизни ишлатилмаётган имкониятларингизни билдиради. Яъни сиз ўз кучингизни, омадингизни сарпо тарзида консервалаб ёпиб қўйдингиз, ўз қўлингиз билан боғлайдингиз. Үндан ташқари, ўйда ортиқча нарса кўпайди, у сизни ўйда бемалол яшаингиз, эркин ҳаракатланишингизни чегаралайди. Бу эса ҳар хил стрессларга сабаб бўлади.

Үндан ташқари, қизингиз түрмушга чиққунча қандай түрмуш тарзидя яшайды-ю, оила қургандан кейин қандай? Бундаги тафовутнинг катталигига ҳеч аҳамият берганмисиз? Демак, одамга ўхшаб яшаши учун эрга тегиши керак. Түрмушининг бир-икки йилида шоҳона ҳаёт кечиради, кейин у ҳам менга бўлаверади деб, боласига йиғишни бошлаб юборади. Бу қандай ҳаёт бўлди!

Эрта билан яшаётган яхши ният эгаси, фарзандингизга ростданам яхшилик истасангиз, унга беришингиз мумкин бўлган нарсани бугун беринг. Унга ҳар қандай яхшиликни бугун қилинг. Чунки бугун – ҳақиқат. Бугун орзуйингиздек яшанг, акс ҳолда, сиз учун баҳт ҳар доим эртага қолиб ва у келаҗак ҳеч қачон келмаслиги мумкин.

Оила бюджети тўйдан бошланади

Ҳорманг, ҳорманг, тўй ташвишлари билан чарчамаяпсизми? Аллоҳ ҳаммамизни тўйга етказсин. Биздан нима хизмат? Айтадекандирсиз: “Хизматмасу битта илтимос, менга харажатни қисқартир, деб ақл ўргатма. Жонга тегди бундай насиҳатлар. Мен одамга ўхшаб тўй қилишни истайман. Фарзандим, ният қилганман, ахир”.

Сизнинг гапингизга мутлақо қўшиламан. Ахир, тўй тўйдек бўлсин-да. Айтинг-чи, нега ўзбек ҳалқи катта тўй қилиб юртга ош беради? Жавобини аниқ биласизми? Шоҳ бўлмаса-да, шоҳона тўй қачон бизга урф бўлди? Сабаби бағрикенг ҳалқмиз. Яхши кунимизни бутун дунё билан бўлишгимиз келади. Яна қайси ҳалқда бундай чиройли анъанаалар бор, айтинг. Ҳалқимизнинг бағрикенглиги шундаки, унинг орқасидан бутун тўй индустряси вужудга келди ва ҳозирда энг яхши бизнес шу бўлиб қолди. Сиз бўлмасангиз “Алимузин” ҳайдовчиси, келин лиbosлари салони эгаси,

видео-фото тасвирчиларнинг куни ўтмайди. Шаҳарнинг манаман деган ресторонларининг иши касод бўлади. Шоу-бизнесни эса мен номини ўзгартириб тўй бизнеси деб атардим. Барака топсин, шу тўй бизнеси вакиллари, улар сизнинг чўнтағингизни, йўғ-е, оғирингизни енгил қилиб, унтилмас кунингизни чин маънодаги анчагача унуполмай қийналадиган қилишга ёрдам беришаяпти. Ҳаммаси зўр, кўнгилдагидек, фарзандингиз бирордан кам бўлмасин.

Қиммат тўй кўйлак? Хўш, қанча экан? 2 милён сўм? Ҳа майли, тўй бир марта бўлади, кўнгли ўксимасин. Кийсин, уни кўриб ҳамма кўйсин! “Лимузин” қанча экан? 500 доллар? Бир кунгами? Усиз илож йўқми? Ҳа-я, ҳамма шундай қилади-ку. “Лимузинсиз” илож йўқ. Бўлади, ўёғини Худо етказади. Тўйхона? Тўйхонанинг энг қиммати, шоҳонаси бўлсин, одамлар таклифномани кўрибоқ: “Ў, “Зарҳал”да? “Осиё”да?” – десин. Видео 3 та, йўғ-е, 4 та бўлсин. Ҳамма ҳамма нарсани тасвирга туширсин, эсадалик-да, ахир. Тўйимиздан қоладиган ягона ҳужжат. Энг сифатлиси, киночиilar ишлатадиганидан келсин. Тўй қайси кинодан кам. Ош-чи, ош? Эҳ-ҳа, ош. Ҳозир ошда сомса тортиш, бедана тухуми, қази, буларни ҳамма қиласайти. Ошпаз нимадир янгилик ўйлаб топсинки, одамлар кўриб: “Ў-ў- ў, энди буям чиқибдими?” – десин. Демаса, ҳисобмас. Қуёвнавкарда ҳар бир куёвжўрага иккитадан карнайчи тўғри келсин. Нега? Нега бўларди, тўй бир марта бўлади, деяпман-ку, сизга, карнайчилар эса кўп. Тўй қилиб керилиб турай, атрофдагиларга маъноли боқиб, қани ким бор экан беллашадиган деб. Тўй дегани мана бундок бўпти. Кўп пул ишлатаяпти деб ўйлайсизми? Мен ишлатмаяпман, мен пул тикаяпман. Бу ҳам бизнес. Таклифномадаги тўйхона номини кўрган одам тўёнани шунга яраша олиб келади. Берсам, қайтара олармикин деб ўйламайди. Ҳизматингни қилишга ҳамма шай ту-

ради “Нима ёрдам?”, деб. Агар қийналаётганингни күрсатсанг, бирор ёрдам берай демайди. Аммо бойлардек хатти-ҳаракат қилсанг, ҳамма сенга яхши күрингиси келади, ўзининг ҳам бойлигини күрсатворгиси келади.

Э, сизга гап йўқ. Сизнинг тактикаларингизни кўриб ҳар қандай руҳшунос ҳам ҳайрон қолади: “Неврознинг янги тури чиқибди-да”, деб. Ҳали тўйга вақт бор, мендан эса сиздек янгиликни севадиганларга бир яхши бизнес ғояси тўёна бўлсин. Истайсизми, тўйни одатдаги тўйлардан 3 баробар қизиқ, 2 баробар файзли, 1000 баробар эътиборни тортадиган ва сизга халқнинг ҳурматини оширадиган, энг муҳими, янги бизнесингизга ростдан ҳам пойдевор бўлишини. Ўзингиз айтгандек, ҳозир психологга ҳамма ишонади. Ҳар қанча пулдан ғоя муҳимроқ. Демак, менинг гапларим ҳам сиз учун аҳамиятсиз эмас. Албатта, энг аввало, икки томон келишиб, тўй режасини тузинг. Келинга қалин пули берасиз, у эса мебел олиб келади, берган пулингиз етганича. Норозичилик билан тўй бошламанг, бу икки ёш тақдирига ўз салбий таъсирини кўрсатиши тайин. Ҳар икковингиз ҳам болам баҳтли бўлсин дейсиз-ку, шундайми? Шайтон васваса қилганда эса “Фарзандимнинг баҳти менинг кибридан муҳимроқ” деб, шайтонга ҳай беринг. Ошда кийдириладиган тўнни ким ўйлаб топган бўлса ҳам, уйдаги йиғилиб кетган тўнларни қаерга қўйишни билмаганимда бир-бир уларнинг ҳақига дуо қилиб қўяман. Барака топгур, раҳмингиз келсин, одамларнинг бемаъни сарполаридан уйда юришга жой қолмапти. Тўн тикувчидан бошқа ҳаммага зарар келтирувчи шу одатни йўқ қилинг. Одамлар нима дейди деманг, одамлар раҳмат дейди. Қудага курткамиди, яна алланима кийдириш, бу ҳам қанчалик керак, ўзаро келишинглар.

Келин либоси. Биласизми, китоб ёзишдан олдин зринмай шаҳримиз тўй либослари салонларини айла-

ниб, күйлакларни ўрганиб чиқдим. Албатта, дид билан баҳслашилмайди. Аммо күйлакларни қаердан олишни билиш керак эканини тушундим. Салонларда агар күйлак тикирса, 600 минг сўмга тушар экан. Кейин уни ижарага ҳам берса пул бўлади, яна тўй куни оҳорли кияди. Агар келин: “Тикилган күйлак киймайман”, деб бурнини жийирса, айтиб қўйинг, салонда турган ҳамма күйлаклар тикилган, улар лағмон илгандек Европадан келтирилмаган. Паст кетинг демаяпман, фаросатни ишлатиб, энг сифатли маҳсулот олинг деб куяман.

“Лимузин”. Ҳаммаси ҳам бир, лекин уларнинг нархлари турлича. 500 долларлик эмас, 200 долларлигини буюртма қилинг. Қаранг, шунинг ўзида қанча фойда кўрдингиз. Агар миллий ғурурингизни намойиш қилмоқчи бўлсангиз, ўзимизнинг машиналардан танланг. “Малибу”, “Эпика”ни қариндош-урӯғ ёки қўни-қўшни шундоқ олиб келиши ҳам мумкин.

Энди меҳмонлар рўйхатига келсак. Хўш, айтингчи, тўй кимники, албатта, фарзандингизни. Бу рўйхатни у билан тузинг. Ана шу унутилмас кунида у кимни кўришни истайди? Ўлайманки, у сизнинг ҳамкасларингиз, дўст-биродарларингиз ҳақида ўйламаса ҳам керак. Унинг ҳатто тушига ҳам кирмаган узок қариндошларингиз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тўй ёшларники, кап-кatta эркаклар шу жойда мазза қилиб дам олиб кетади, деб ўйлайсизми? Йўқ. Яхиси, уларга тўйдан кейин супрақоқди қилиб бир чойхона қилиб беринг, сизга раҳмат айтишади. Тушунинг, бу қисқартириш чўнтакка фойда бўлсин деб эмас, ёшларнинг bemalol ўйнаб-кулиши учун. Биласизми, ҳозир одам нечтага қисқарди? Келиннинг дугоналари, яқинлари, кўёвнинг дўстлари, яқин қариндошлари, ҳамкаслари – ҳаммасини ҳисобланг. Умумий ҳисоб 150 – 200 та чиқади. Инсоф билан ҳисобласангиз, ундан ҳам камайтириш мумкин. Бунинг фойда томони жуда кўп.

Энг мұхими, түйда ҳамманиң күнглиға қараб ютуриб юрмайсиз, сиз ҳам ҳамма қатори үйнаб-куласиз. Ахир фарзандингиз түйи, үнга етғанлар бор, етмаганлар бор. Биласизми, охирги вақтларда түйлар жуда чи-ройли жойларда, юқори савияда үтаяпти, аммо мәх-монлар ёзилиб хұрсандчилік қилмайды. Одамларда ҳиссиётлар үрнини фақат кибру ҳаво, ғийбат қоплаб қўйгандек. Бир самимийлик етишмаётгандек. Келинг, сизнинг түйингизни қизитадиган қилиб ташкил қила-миз. Таклифномага ёзиб қўйинг: “Фалон вақтда, фалон жойга сизни таклиф этамиз. Эслатиб үтамиш, қулай пойафзал кийиб олинг, рақс тушиб хұрсандчилік қилиш мажбурий”. Юмшатиш учун охирига смайлік (кулгунинг турли тасвири туширилган шакллар) қўйиб қўйинг.

Энди ҳофизларга келсак. Битта ҳофиз олиб ке-линг, охиригача хизмат қилсин. Агар улар ҳаммани үйинга таклиф қилиб қизитишга ҳаракат қилишса, янада яхши бўларди. Қистир-қистирни умуман йўқ қилинг. Асабий нигоҳ билан ҳамманиң қўлиға тики-ладиган қисмчилар, менимча, тартибли түйнинг бел-гиси эмас.

Кейинги вақтларда ёш оиласарга берилган имтиёз-лар ниҳоятда кўпаймоқда. Нега шулардан фойдалан-майсиз? Ёш оила кредити олиб, биринчи тўловини тўёналардан тўлаш мумкин. Қарабсизки, ёш оиласининг ўз бошпанаси бор. Албатта, уйга эҳтиёжингиз йўқ бўлса, уни ижарага берсангиз, сизга тайёр пул кела-диган восита. Фарзандингиз оила бюджетининг қўри бўлади. Агар тўй учун атаган пулингиз бундан-да кўп бўлса, унда қолган қисмини фарзандингизнинг ўзига беринг. Уни бирор ишга тикиб, пул топишни йўлга қўйиши мумкин. Бу оддий ишларни қила олиш учун бизнесмен бўлиш шарт эмас. Бўлар бор-йўғи бир вариант, танлаш эса сизнинг қўлингизда. Топганим шулар, мақсадим эса холис. Бу ўткинчи дунёдаги ҳаётингизнинг ярми тўй, яна ярми бола-чақа ташви-

ши билан ўтиб кетиб, ўзингиз яшашни унугиб қўйманг.
Сиз халқ онгида ўзгариш ясай оладиган, биринчилар-
дан бўла оладиган даражада кучлисиз, мен бунга
ишонаман.

ИККИНЧИ БОБ

ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИ

Зерикарли түрмүшга романтика киритиш сирлари

Тортиқ этиладиган гуллар, ширинликлар, "Сизсиз яшай олмайман", деб қилингандык минг марталик севги изхорлари, кече-ю күндүз СМС ёзишлар, тез-тез телефон құнғироқлари... Қани энди үлар? Сиз қатый туриб, эътибор қилмай құйғанидан шикоят қила бошлайсиз. Ү-чи, унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Ана кулранг ҳаёт бошланди. "Биз ҳам ҳамма эр-хотинларга ўхшаб қолдик", деяпсизми? Бир куни эрталаб уйғонасизу: "Йўқ, мен ортиқ бундай яшай олмайман", деб ҳаракатга тушасиз. Энди сиз СМС ёза бошлайсиз. "Мен сизни севаман, жоним". У эса сизга жавобан совуққина қилиб, "Мен ҳам" деб жавоб ёзса ёзади, ёзмаса, уйга қайтганда сўрасангиз, айни телефон компанияларнинг кейинги пайтда сал носозроқ ишләётганига ағдаради. Сиз бўш келмайсиз. Эртаси куни ишдан эрта қайтиб, у севган таомларни тайёрлаб, чиройли дастурхон ёзасиз. Келишига оқшом кўйлакларингиздан кийиб, пардоз-андоз қилиб уни кутасиз. Шамлар ёқилган, романтик мусиқа янграмоқда. У эса кела солиб: "Ток кетдими? Эҳ, бугун Барселона – Реал ўйини бор эди", – дейди. Сиз яна бўш келмайсиз: "Ток бор жоним, аввал овқатланиб олайлик. Сиз ёқтирган овқатлардан қилганман". У эса шоша-пиша телевизорни қўяди: "Овқатни танаффус вақтида ейман". Сизнинг энди очиқ жаҳлингиз чиқди, аммо сир бой бермайсиз. Телезеркранда футбол юлдузи Месси навбатдаги голини уриб, ғалабасидан завқланиб рақс тушмоқда. Ҳудди у кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб сизни кўрсатиб кулаётгандай. Ўйнингизда ҳам ундан кам томоша бўлмаяпти. Йўқ, бунга ортиқ чидаб

бўлмайди: “Наҳот, шу коптокчалик эътиборга арзимасам?!”.

Бу футбол дегани барча эркакни бирдек тентак қилиб, эътиборини бир неча ўн йиллардан бери ушлаб тургани бежиз эмасdir. Улар бу ғалати жонзотларнинг руҳиятини ўрганиб чиққани аниқ. “Ана гап қаёқда”, дейсиз-у, сиз ҳам “Эркак психологияси ва унинг кўнглини олиш” мавзусини ўрганишга киришасиз. Маслаҳатларга амал қилишни бошладингиз.

Маслаҳат: эркак табиатан овчи. Аммо кўриш қобилияти ниҳоятда паст бўлса ҳам, кеча овлаб, терисини ошлаб қўйган айиқни қайта овламайди. Демак, хулоса: ҳар қандай хушрўй аёл бўлсангиз ҳам, ўз хотини бўлсангиз, у қайта-қайта сизга хушомад қилавермайди. Чунки эришилган маррасиз. Эришилмаган марра бўлиш учун эса имидж ўзгартириш керак.

Сиз ҳамма нарсани инструкцияга кўра бажардингиз. Сочингизни сариққа бўяб, турмакни мутлақо ўзгартирдингиз. Эҳ, иш берди: у сизга эътибор бера бошлади. Ҳатто севги изҳор қилди. Бахтли кунлар бир ҳафтагача давом этди, аммо яна эски ҳаммом, эски тос. У яна футболнинг бағрида, сиз эса яна эътиборга ташна. “Нимада хатога йўл қўйдим?”, деяпсиз. Маслаҳатни давомини ўқийсиз. У ерда: “Соч турмаги иш бермаса, сочни яна бошқа рангга бўяб кўр, кийиниш услубини эса мутлақо ўзгартириш”, демоқда.

Энг диққат тортар кийимлар харидига бирпас шошманг. Бунақа рангларини дадил ўзгартиришингизда, ҳадемай бошингизда бирорта тола қолмаслиги хавфи бор. Дунёдаги ҳеч бир эркак бўндай йўқотишга арзимайди. Ҳа, умрида битта балиқ тува олмаган бўлсада, улар табиатан овчи. Лекин овчи экан деб бўгун кийикнинг, эртага тулкининг терисини ёпиниб йўлидан чиқавериш керак дегани эмас. Менимча, сиз унга эришилган мэррагина эмас, ҳатто зерикарли одатга айланиб улгургансиз.

Энди нима қиласыз? Тарбия үсулларидан фойдаланамиз. Қорни түк болага онаси ҳали мұзқаймоқ, ҳали ширинлик тиқиширса, бола бўлса-да, қарай демайди. Бу ширинликларни минг безатманг, диққатини торта олмайсиз. Аммо унга тиқишитиривермай, ўз ҳолига қўйсангиз, сал туриб ўзи нон сўраб келади. Демак, уни ёмон одатларидан ҳалос бўлишини истасангиз, аввал ўзингиз одатларингизни ўзгартиринг. Айтайлик, сиз ёрингиздан тез-тез хавотирланиб ёки соғиниб қўнғироқ қилиб турардингиз. У эса ҳатто раҳмат айтишга ҳам эринадиган бўлибдими? Тўхтатинг унинг кўнглига инжиқ болага қарагандек қарашни. Эътиборни камайтиринг. Уни ўзига келтириш учун совуқ душ керак. Бу эса сизнинг янги кийимларингиз эмас, янги ҳолатингиз бўлсин.

Ёрингиз эътиборсиз бўлиб қолган бўлса, сиз муз юракли қор маликасига айланинг. Қор маликасини биласиз. У қўпол, хунук эмас. У аразламайди ҳам. У кибрли, эритиб бўлмайдиган, гўзал, ўзига ишонгани аёл. Мен бундай бўлолмайман деманг. Чунки бу қобилият ҳар бир аёлда бор. Сиздаги ўзгаришни кўриб у аввал эътибор қаратади, кейин ҳайрон қолади. Кейин музни эритиш ҳаракатига тушади. Бу янги аёл уни ростдан ҳам қизиқтириши мумкин. Аммо ҳақиқий сир фақат тош юракда эмас. Сир унинг ишончида. Сизнинг кайфиятингиз, ўзингизни баҳтли ёки баҳтсиз санашингизни ёрингизнинг меҳри белгилайди. Сиз унга боғлиқсиз, унинг эътиборисиз ҳеч кимсиз. Шунинг учун бу ўйиннинг қизиғи қолмади унга. Эришиб бўлингган марра деганда никоҳ, оила тушунилмайди, балки ўзлигидан айрилган аёл тушунилади. Ҳаётингиз марказига эрни қўйдингиз, аммо раҳмат эшитмайсиз. Чунки унга қул ёки уй хизматчиси эмас, маҳбуба, аёл керак эди. Ва умуман, унга нима кераклиги билан бизнинг нима ишишимиз бор.

Айтинг-чи, табиатнинг нозик хилқати, сизга нима керак? Сиз нима истайсиз. Эр, эр деявериб ўзингиз эсдан чиқиб қолмаяпсизми? Пардозингиз эр учун, кийиниш эр учун. Хўш, хатти-ҳаракатларингизнинг қай бири ўзингиз учун? Сизнинг ҳам аҳмоқона бўлсада ўз севимли машғулотингиз борми, ҳаёт мақсадингиз-чи? Ўзига ишонган бўлиш учун инсон ўз ички интилишларига, хоҳишлирага бир нигоҳ ташлаши, қалбига қулоқ солиши керак. Сиз эр севгисига зор бўлманг, эътиборини кутманг. Сизга эътибор керакми? Ўзингиз эътибор беринг. Ширин сўз керакми? Муаммолми? Қўзгуга қаранг-у “Мен сени севаман, асалим, гўзалим”, деб айтинг. Гул керакми, бозор тўла гул, сотиб олинг. Ва: “Мен энг севган инсон (бу ерда ўз исмингиз) раҳмат сенга борлигинг учун. Шу гуллардек доимо гўзал бўлиб юр”, дeng. Муҳаббатни ташқаридан қидирманг, у ичингизда порласин. Сиздаги бу ўзгаришни нафақат ёрингиз, балки атрофдаги барча яқинларингиз илғайди ва сизга интила бошлади. Аслида, муҳаббат бировни севишдан эмас, ўзни севишдан бошланади. Севиб, севилиб яшанг.

Жинсий ҳаёт эр-хотинлик мажбуриятими?

Агар энг аввал китобни мана шу саҳифасини очган бўлсангиз, унда ҳаётнинг бу томони қачонлардир ота-онангиз ёки жамият томонидан қаттиқ тақиқланган. Яъни тормозловчи кучлар мавжуд.

Бир одам меҳмонхона номерига жойлашибди. У ердаги стол устида “Инжил” турган экан. Очса, ичida бир қоғозча, унда: “Агар хафа бўлсанг 31-бетни, агар зериккан бўлсанг 14-бетни, агар ўзингни ёлғиз ҳис қилаётган бўлсанг 42-бетни оч”, деб ёзилган экан. У ўзини ёлғиз ҳис этаётган экан, шунинг учун 42-бетни очиб ўқиб чиқибди. Саҳифанинг пастки қисмида қалам билан “Агар ҳали ҳам ёлғиз ҳис қилаёт-

ган бұлсанг, 62–345 рақамига құнғироқ қил. „Гlorия”, деб қүшиб қўйилган экан.

Жуфтлар жинсий ҳаётларидә мұаммо сезишса, аниқ манзил, аниқ жавоб, аниқ натижа қидиришади. Афсус, бу жабхадаги асосий мұаммо – инсоннинг онги остига яширинган бўлади. Бу мұаммони машҳур сексопатолог ҳам, уролог ҳам, гинеколог ҳам, ҳатто Гlorиялар ҳам ҳал қила олмаслиги мумкин. Аммо лекин, айрим вақтларда Гlorиялар мўъжиза яратиши ҳам мумкин. Ҳатто мутахассисларнинг ўзлари тавсия қилишади гоҳида. Уларга ишининг устаси деб катта баҳо берворманг. Бу ерда оддийгина механизм ишлайди. Үндай хизматларга борган эркак бу аёлни танимайди, билмайди, энг муҳими, ундан уялмайди, чунки у аёлнинг аҳволи ундан ҳам уятлироқ. Партнерни үнчалик ҳурмат қилмагани учун эркак ҳал қилувчи вақтда у нима деб ўйлаши ҳақида мутлақо қизиқмайди, ўз ҳиссиётлари билан банд бўлади. Ва ниҳоят, у аёлни қайтиб кўрмайди. Ана сизга мўъжиза яратувчи услугуб.

Астағфируллоҳ, мен мутахассис сифатида ҳеч кимга буни тавсия қилмайман, тавсия қилувчиларни эса қоралайман. Бу худди наркотикдек нарса, аслида, вақтинчалик дардингиздан халос қилгандек бўлади, аммо руҳий саломатликка жиддий зарар етказади ва бир дардингизни икки қилиш хавфи ҳам бор. Лекин бу усульдан хулоса чиқариш мумкин.

Бир одам оғир касалликка чалинибди, ҳамма даволаш усулларини қўллабди, бўлмабди. Ҳеч илож қолмагач, гипнозчига келиб, маслаҳат сўрабди. Шунда у ҳар куни „Мен касал эмасман, мен соғман”, деган сўзларни такрорлашни тавсия қилибди. Бир неча ҳафтадан сўнг мўъжиза юз берибди. У одам мутлақо соғайиб кетибди. Эр-хотин натижадан жуда хурсанд бўлишибди. Шунда эр:

– Бу мўъжиза эди. Хоҳлайсанми, яна бир мұаммо юзасидан ундан маслаҳат оламиз? – дебди.

Эрнинг анчадан бери хотинига интилиши йўқолиб кетган экан. Хотин хурсанд бўлиб:

– Яхши бўларди, – дебди.

Мўъжиза юз берибди. Эр-хотиннинг жинсий ҳаёти яхшиланибди. Шунда хотин эридан:

– Бу гал гипнозчи нимани буюрган эди? – деса. Эр кулибди-ю, аммо жавоб бермабди. Аёл эмасми, бу сирнинг тагига барибир етаман, деб пойлабди. Ўйқуга ётишдан олдин эр ҳаммомга кирган экан. У секин ҳаммом эшигига қулоқ солибди. Эр:

– У менинг хотиним эмас... У менинг хотиним эмас... У менинг хотиним эмас, – дермиш...

Ҳамма гап муҳим вақтда ҳар бир партнер ўзини унута олмаётганида. Эр-хотиннинг олдидаги бурчини, қайсиdir китобда ёки интернет сайтида ўқиган усулларни, хотин эса болаларининг кириб қолиши мумкинлиги, қайнонаси, қўшнилари, қозондаги овқати тагига олиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Уларнинг ҳеч бири айни дамда бу ерда эмас.

Юз ёшга кирган сўфи ўлим тўшагида ётган экан. Ниҳоят, сўнгги кун келибди. У ўзининг шу оқшом бандаликни бажо келтиришини айтибди. Шу куни унинг ҳамма шогирлари, дўстлари сўфи олдига кетишибди. Фақат биргина шогирди бу хабарни эшитиб, бозорга йўл олибди. Иккинчи шогирд ундан сўрабди:

– Устозинг ўлим арафасида, сенга бозорда нима бор?

– Мен устозга қандай ширинлик ёқишини биламан, шуни топиб келаман.

У ширинлик анчадан бери пиширилмай кетган экан. Шогирд уни топишга хўп қийналибди, аммо кечга яқин уни топиб, устоз қошига йўл олибди.

Устоз олдода йиғилган ҳамма хавотирда эди, чунки у кимнидир кутаётган эди. У кўзлари юмуқ ётар, вақти-вақти билан кўзини очиб эшикка термиларди. Ниҳоят, шогирд етиб келибди. Устоз у келиши билан:

– Қани ширинлик? – деб сўрабди. Сўфи ширинликни қўлига олибди, аммо унинг қўли титрамабди.

Шунда йиғилганлардан бири:

– Сен бир неча дақиқадан кейин сўнгги нафасингни оласан, аммо қўлларинг титрамаяпти? – деб сўрабди.

Устоз жавоб берибди:

– Мен ҳеч қачон титрамаганман, чунки қўрқув йўқ. Менинг танам қариди, аммо ўзим аввалгидек ёшман. Танамни тарк этганимдан кейин ҳам ёшлигимча қоламан.

Кейин у ширинликни секин-аста чайнай бошлабди. Шунда йиғилганлардан бири:

– Устоз бизга бирор насиҳат, ўгит ёки васиятингиз борми? Ҳадемай бизни тарк этасиз. Нима ҳақида эслашимизни истардингиз? – дебди.

Устоз кулибди ва:

– Бу ширинлик ажойиб, – дебди.

“Бу инсон ҳозир ва шу ерда яшайдиганлардан. Ҳатто ўлим ҳам бу жараёнга соя сола олмади. Кейинги сония аҳамиятга эга эмас. Айни вақтда эса “Ширинлик ажойиб”, деб ҳикоя қиласи ҳинд файласуфи Ошо.

Сиз-чи сиз, ётоғингизда ҳозир ва шу ерда принципига кўра яшаяпсизми? Ёки ёрингиз бошқа бир қитъада, ўзингиз мутлақо бошқа ерда. Ёрингиз ўн йил аввалги тарихда, сиз эса бир кун кейинги “Қайнонамнинг кўзига қандай қарайман”, деган даврда яшаяпсизми? Ҳозир ва шу ерда яшаш фақат тўшак учун эмас, ҳамиша қўлланиладиган турмуш тарзи бўлиши керак, аслида. Бу ишлардан кейин ёримнинг кўзларига қандай қарайман деган андишага келсак. Аслида, у қўрқув, сиз ҳақингизда бирорларнинг нима деб ўйлаши қўрқуви. Кузатишларнинг кўрсатишича, у вақтда ҳар ким ўзи билан экан. Демак, сиз нима ўйлаётган бўлсангиз, ёрингиз ҳам шундай андишада,

аслида, икковингиз ҳам ўзингиз ҳақингизда ўйлаяп-сиз. Менимча, сизларга “У менинг хотиним эмас” ёки Глорияларнинг хизмати керак эмас. Илтимос, шу вақтгача уйингизда сақлаган “Эр-хотин мажбуриятлари”, “... қоидалари” ва шу каби туркүм китоблар бўлса ташлаб юборинг. Аввало, жинсий ҳаёт бу мажбурият эмас. Мажбурият бўлган ҳамма нарса вақти келиб малол келади кишига ва онг остида тормозланишни юзага келтиради. Иккинчидан, ҳар қандай мўъжизакор усуllibар бўлмасин, сизни “ҳозир ва шу ер”дан аллақайси натика деган жойларга олиб кетади. Барака топгур, инструкцияга қараб севиб бўладими? Ахир бу йўқотилган қадимий шаҳар бўлмасаки, археологлардек харитадан топсангиз. Сўфи айтганидек, келаси сонияда нима бўлишидан қатъи назар, қўрқмай “ширинлик ажойиб” дея олинг.

Хиёнаткор эрни қайтариш мумкинми? Ёхуд бир хил овқатдан зерикиш синдроми

Жуда кўп қулоққа чалиниб қолади: “Ҳар куни мoshxўrda ёки мастава ичилавермайди-ку, вақти-вақти билан манти, ош ҳам еб туриш керак”. Пайқаган бўлсангиз керак, гап нима ҳақида кетаётганлигини. Хиёнаткор инсонларнинг, аксарият ҳолларда эркакларнинг ўз ҳолатларини образли баён қилишлари эди бу. Айрим ҳолларда ўйлаб қоламан, овқатнинг бунга нима алоқаси бор? Майли, келинг, ранг-баранглик орзу қилган эркаклар дунёсига бугун бир кириб кўрайлик-чи, балки шундан кейин улар билан бир ўйда яшаш осонроқ бўлар.

Психологлик тажрибамда хиёнат муаммоси билан аёллар жуда кўп мурожаат қилишади. Орастада, келишган бу аёлларни кўриб, бунинг эрига яна нима керак, деган фикр келади. Улар ҳам кўзлари ёшлиниб: “Ўйим-жойим десам, ўзимга қарасам, одамлар

орасида ҳурматим жойида, уйимни саришта тутсам, эримнинг кўнглига қарасам, нима айтса шуни қилсан, билмадим, бунга яна нима керак?”, дейишади зорланиб. Шундай вақтларда беихтиёр кўзимга ёш келади. Минг қиласа ҳам аёлман, аёлнинг дардига жимгина қараб тура олмайман.

Билсангиз эди, хиёнатдан кўйган аёлнинг дарё-дарё кўзёшлари ва “Нега?” деган саволи қанчалик қалбни ўрташини. Баҳс бойлашим мумкин, агар хиёнаткордан “Нега?” деб сўралса ҳам, бир жўяли жавоб олиб бўлмайди, чунки унинг ўзи ҳам бунинг сабабини англамайди. Бу англанадиган, яъни онг билан бошқариладиган бўлганда эди, одамлар фариштага айланиб учиб кетарди, ишонаверинг.

Ҳар англанмайдиган нарсага психолог аралашиб, унинг тагига етишга ҳаракат қиласи, аммо бугун мен руҳшунос ниқобини олиб қўйиб, оддий аёл бўлиб, дардингизга малҳам бўлгим, сизнинг кўз ёшларингизни артиб, сизга куч бергим, далда бўлгим келди. Хиёнат зарбидан эсанкираб, азобидан тўлғанаётган аёл, қайғурманг, сиз ёлғиз эмассиз, ёнингизда мен борман, демоқчи эмасман. Сиз ёлғиз бўломайсиз, чунки сиздай алданганлар миллионлаб ва айни вақтда сиз ёлғизсиз, чунки умр йўлдошингиз қалбан йироқда. Келинг, эркак зотини қарғашни бас қиласиз-у, пушти ранг кўзойнакни тақиб, ҳаётга оптимистик нигоҳ ташлаймиз.

Аллоҳ кўрсатмасин, эрингиз бир фожиадан вафот этгани туфайли ундан айрилган бўлсангиз, нима қиласидингиз? Шундай эмаслигига шукур қилинг, чунки ҳар қандай енгилтабиат аёлдан кечиб эр “Хотин кел, бирга дўст, иноқ бўлиб яшайлик”, деб қайтиши мумкин, аммо Яратганнинг ҳузуридан бирор қайтганини ҳали кўрмадим. Аллоҳга шукур, сал чакка-пукка юрса ҳам бор, болаларнинг отаси тирик. Бу ёфи ўз қўлингизда,

аммо бояги савол очиқ қолди. “Нега?” Нега бу түр мавжудот “юради” ва үнга ким айбдор? Шошманг, шошманг айбдорни излашга. Айбдорни топиб уни бор-йүк айб билан айблаб, дардни енгиллатиш учунми? Құйсанғиз-чи, шундоғам аёл кишида керагидан ортиқ айбдорлик ҳисси мавжуд. Энди эр кайф сурсин-у, бунинг учун хотин айбдор бўлиши етмай турувди. Аёлига ҳамма айбни тўнкайдиган ожиз эркаклар ҳам учраб турди, лекин статистикага кўра асосий сабаб бу эмас экан. Эркаклар ўз хиёнатини қўйидаги сабаблар билан оқлашар экан. Аммо эслатиб қўяй, аксарият ҳолларда улар буни хиёнат ҳам деб ўйламайдилар. Келинг, уларнинг важлари билан танишайлик.

1. Агар жиддий муносабатлар йўқ бўлса, никоҳдан ташқари алоқалар мумкин.

2. Никоҳсиз муносабатлар мумкин, агар ундан ҳеч ким зарар кўрмаса.

3. “Оғир ишлаган одам дам олиб ҳам туриши керак-ку, яхши дам – меҳнатга ҳамдам. Пул топиб келаяпман-у, яна нима керак?” деб ғулдираб туришади бу тур эркакларимиз. Айлантириб келса, у ўзи учун эмас, сиз учун, болалари учун “юрган” экан.

4. Хизмат сафарларига боргандада ёки дам олишга чиққанда никоҳсиз алоқалар мумкин. Нега деган савол билан юқоридаги бандга қаралсин.

5. Ҳадеб бир турдаги ҳаётдан зерикканда ҳаётга ранг киритиш учун бўлса, ҳечам хиёнат эмас.

Энг қизиғини сизга айтай. “Ароқнинг ўзи ҳалол, кайфи ҳаром”, “Банияти шифо” деган мақолларни ким ўйлаб топган сизнингча? Албатта, бизнинг севимли эркакларимиз.

6. Даволаниш курси сифатида бўлса, қандай қилиб хиёнат бўлиши мумкин. Бу курс тугаши билан соғлом бўлиб оиласа қайтадилар бизнинг беморимиз.

(Сал бўлса ҳам кўнглингиз очилиб кулишни бошлидингиз. Шу жойда айтиб қўяй, охирги важнинг эгаси-

нинг аҳволи ҳечам күлгүли эмас. Лекин хиёнаткор эрнинг бошини силашга шошманг.)

Аниқлик киритиб олайлик, юқоридагилар мен чиқарған қоидалар эмас, балки эркакларнинг фалсафаси, уларнинг оила ва оиласий муносабатлар конституциясига киритишган ўзгартиришлари. Тұғри, сиз бундан бехабарсиз. Шунақа, бироз күлгили, балки содда, айни вақтда мүғомбир, болаларча қизиқувчан бу эркаклар юқоридаги оқловчи далилларни ҳар доим пеш қылаверишмайды. Хиёнатларини сиздан қаттық беркитишади. Сиз жанжал қымаслигингиз учун эмас, сизнинг асабингиз бузилмаслиги, оиласинг пароканда бўлмаслиги учун (вазиятга пушти ранг кўзайнак орқали қарашга келишиб олдик-ку сиз билан).

Кўз ёшларингизни арting, аммо кўзойнакни ечиб юборманг. Давом этамиз.

Яна “Нега, нима айбим бор?” дәяпсизми? Унда эшигинг, эркак оғайнилари билан байрам ёки тўй муносабати билан ичди ва ширақайф ҳолда уйга етиб келди. Ҳар қалай, уйга келди. Сиз йигитламиш: “Нега ичдингиз?” дейсиз. “Йигитчилик, бўп туради”, дейди. Қандайдир айборлик ҳиссини туймайди. Хиёнатнинг кўчасига кирганига анча бўлган эркак ҳам худди шу аҳводда бўлади, ишонаверинг.

Бир эркак руҳшунос “Хиёнатни енгиш” номли китобида ўз хиёнати мисолида хотинининг “Нега?” деган саволига “Хоҳладим, хоҳишимни қондиридим”, деб жавоб берган экан. Жўнгина жавоб, лекин аёл “Нега?” деганда “Нега менга хиёнат қилдинг?” демоқда. “Нега мени бирорга алмаштирдинг, мен нимам билан кўнглингни оломадим, уни мендан нимаси ортиқ?” деган аламлари ётибди.

Сизда айб бўлиши, у аёлнинг сиздан устун бўлиши мутлақо шарт эмас. Бу қизиқувчанлик. Қизиқувчанлик ҳаммада бор, аммо аёл аксарият ҳолларда турмуш қургандан сўнг, оила манфаатларини ҳар қан-

дай қизиқишлардан устун қўяди, эркак эса ёш боладек ҳаётга қарашда давом этади. Никоҳдан ташқари алоқалар қандай бўлишини тасаввур этиб кўради. Агар атрофдаги эркаклар ошна-оғайнни, коллегалар бундай муносабатларга эга бўлса (одатда, эркаклар бундай муносабатларни беркитишмайди, балки муҳокама қилишни хуш кўришади). Хуллас, бундай ошна-оғайнининг бўлиши никоҳсиз муносабатга фатводек гап. Имконият пайдо бўлиши билан, бу экспериментни амалга оширишади.

Бу жавоб сизни қониқтирганига ишонаман, ахир буни билган ҳамон дардингиз енгиллашмади-да. Очигини айтай, мақсадим дардингизни олиш эмас, балки кўзингизни очиш. Хиёнат, бу ҳам ҳаёт имтиҳони. Сиз бундан ўтишингиз керак бўлгани учун ҳам шундай бўлди. Балки, идеал она, идеал уй бекаси, идеал хотин бўлиб, ўз ҳоҳиш-истакларингизни унугиб қўйган-дирсиз? Балки, ўз ҳаётингизга нуқта қўйиб, болалар учун яшашни бошлаб юборгандирсиз. Шундай бўлса, сизга ачинаман, чунки сиз нафақат эрни, балки ўзингизни ҳам йўқотибсиз. Эркакнинг ёнини олмайман, шундоғам уларга енгилликлар кўп. Аммо сиз-чи, нима қилсан эрим қониқади, дейишдан аввал ўйланг-чи, сизни эҳтиёжларингиз қандай, сиз нимани истайсиз, сизга қандай эркаклар ёқади? Кечирасиз, эрингиз қандай бўлса, сизга кўпроқ ёқкан бўларди? У билан бир ойда неча дақиқа дилдан сухбатлашдингиз, ҳаётингизнинг ҳар жабҳаси ҳақида ҳам ҳеч тараддуудланмай гаплаша оласизми ёки айрим мавзуларда Хитой девори борми? Агар бу Хитой девори интим ҳаёт ҳақида бўлган бўлса, хиёнат сизнинг ҳаётингизда тасодиф эмас, яни бу яна кутилиши мумкин бўлган ҳолат. “Душманнинг ташқарисида бўлгунча, ичиди бўл”, деган нақл бор. Ёрингизнинг интим фантазиялари унинг келажак режаларига дебоча. Хиёнат аввал фикр сифатида күртак ёзади. Бу содда мавжудотнинг фик-

рини ўқишдан осон нарса борми? Аммо бунинг учун бу маълумотларга рухсат бўлиши керак. У рухсат ҳалиги Хитой деворини йиққандан сўнг қўлга киритилади. “Қандай бўларкин кап-катта хотин, она, ўзбек, эрим билан шунаقا bemaza гапларни гаплашиб ўтирасам?” деяётган бўлсангиз, ўзингиз биласиз, сизда ҳар доим танлаш имконияти бор.

Жуда кўп аёллар келишади: “Эрим хиёнат қилди, энди нима қилай?” деб. Аниқроғи “Қайси йўлни танлай”, деб. Шунда “Менинг маслаҳатим, энг аввало, ички оламингиз билан ишланг, ҳозир қарорга шошманг”, – дейман.

Оғир аҳволдасиз, биламан. “Эр бермоқ – жон бермоқ”, дейишади-ку. Аммо шу жон фақат азоб бераверса, чиқиб кета қолгани яхши эмасмикан, дейман-у аммо бу қарорга шошманг, чунки ажрашишга исталган вақтда улгуриш мумкин. Оила бу фақат сиз-у ёрингизгина эмас, балки оила бу фарзандлар ҳам демак. Уларнинг келажаги, таълим-тарбиясининг юки енгил бўлмайди, шунинг учун етти ўлчаб, бир кесган маъқул. Эмоционал қўзғалган ҳолда қарор қабул қилманг, совишингизни кутинг.

Ўз ҳиссиётларингиз, кечинмаларингизни ўрганинг, булар керакли кучлар. Уларнинг тагида нима ётибди? Хўш, ҳаётингизда хиёнат натижасида энг ёмон оқибат қандай бўлиши мумкин? Яъни сиз нимадан қўрқасиз? Агар энг қўрқинчли нарса содир бўлган бўлса, унда сизни табриклайман, чунки ёмони ортда қолди, энди қўрқувингиз билан юзма-юз келдингиз, бундан баттари бўлмайди. Ҳаётнинг бу зарбасини ҳазм қилишингиз, яъни руҳий мувозанатни тиклаш учун бир муддат ҳоли қолган маъқул. Оиласдан узоқроқда дам олинг. Сизга бир сирни айтай, хиёнати фош бўлган эр айбдорлик ҳисси туфайли жуда сахий бўлиб қолади. Сиз ана шундан фойдаланинг. Дам олиш оромгоҳи ёки санаторийга йўлланмани ва ҳатто чет эл

саёжатини үндиришингиз мүмкін (албатта, имконият даражасида). Табиат сизнинг йўқотган кучларингизни тиклашга ёрдам беради.

Хиёнат бу ҳаётингиздаги чорраҳадир, демак, келажак йўлини танлаш керак. Бу вақтда сизнинг ҳолатингиздан воқиф бўлиб, текин маслаҳат бе-рувчилик кўпаяди. Яқинларингиз, ота-онангиз сиз учун қарор чиқаришга, ҳаётингизни тезроқ изига солишга ёки аксинча, муносабатингизни ажрим билан ҳал қилишга шошилишади. Яқинларимиз далласи мұхим, аммо ҳаёт сизники, унда сиз яшисиз, ҳал қилувчи қарорни ўзингиз чиқарсангиз хато бўлса ҳам, тажриба бўлади. Тинчib кетсангиз, ўзингизни кўпроқ қадрлайдиган бўласиз.

Умр йўлдош хиёнатини бошдан кечиришда иккি нарса жуда мұхим. Биринчидан, ўз-ўзингизга бўлган ишончинингизни кучайтиришингиз ва мустақил шахсга айланиш, яъни эрни ёқтириш-ёқтирмаслигидан қатыи назар, ўзингизни ва ўз имкониятларингизни қадрлашга эришиш.

Иккинчидан, эрингиз ишқий саргузаштлари табиати билан яқиндан танишиш. Қўшимча маълумотлардан азобни камайтириш учун қочманг. Улардан қочсангиз, бандилигинингича қоласиз, уларни ўрганиб эса вазиятни бошқариш имконига эга бўласиз.

Маъшуқаларини тез-тез алмаштириб турадиган бир эркакнинг турмуш ўртоғини биламан. Кучли аёл, кепрак бўлса, ўша маъшуқалар билан бориб сулҳ тузиб, муносабатларини йўққа чиқариб келади. Айрим аёллар эса, аксинча, жанжал қилиб, маҳалласида шарманда қилиб ошиқ-маъшуқни дунёга келганига пушаймон қилишади. Барчанинг ўз кураш қуроли бор. Хиёнатнинг эса тури кўп. Сексуал партнерни мутта-сили ўзгартириб туриш, бу ерда конкрет аёл хавф туғдирмайди-ю, аммо эркакнинг вазияти жиддий. Бу

нимадандир қочаётган, ниманидир қидираётган ёки стрессдаги әркак. Бундай әркак ҳолатини үрганиб чиқиб, ишонтириб айтаман, психоанализдан докторлик диссертациясини ёқлашингиз мүмкін. Тайёргина тажрибадаги қүёнча. Агар хиёнат сабабини ва энг қизиқарлости, унинг давосини топсангиз, бошқа аёлларга ўз тажрибангизни үргатишиңгиз ва ҳаттоқи “Мен қандай қилиб хиёнатни енгдім” деган мавзуда тренинг үтказиб туппа-тузук бизнес қилишиңгиз мүмкін (бир йўла чакка-пукка юришдан чарчаган әркакларга ҳам даво топиб, савобга қоларсиз).

Тадбиркор аёлларга ҳавас қиласан: уларнинг ҳаётдаги вазиятлардан чиқиб кетишлари турлича. Хўш, вазият биз ўйлагандан жиадийроқ бўлиб, партнер битта ва анча вақтдан бери муносабатлар давом этаётган бўлса-чи? Бу ерда ҳиссиётлар бор, эҳтимол севги бор. Бу севги учбурчагида сиз учинчи – ортиқ-чадек бўлиб турган бўлсангиз-чи, жангиз таслим бўлиш керакми? Йўқ албатта, ўйлаб кўринг, шу әркак сизга керакми, у билан қолган ҳаёт йўлингизни давом эттиришни чиндан ҳам истайсизми? Ҳа бўлса йиғи-сиги, кундошнинг гўрига ғишт қалашни йиғишти-ринг-у, ҳаёт учун курашга киришинг. Бу кураш оғир, аммо шуниси билан қизиқарли бўлади.

Эрни қайтаришнинг үсуллари кўп. Мен ҳар хил мўъжизакор қудратга эга маслаҳатларни беришим мүмкін, аммо энг керакли маслаҳатни ва кураш стратегиясини ўзингиз тузасиз. Чунки ҳар қандай әркак ва унинг вазияти ўзига хос. Қалбингизга қулоқ тутинг, у сизга энг тўғри йўлни кўрсатади. Бу сизга тайёрдан кўра фойдалироқ бўлади.

Хиёнатни кўриб туриб, кўрмаганга олиш билан ғурурни ичга ютиб, бирга яшашни давом эттириш ва ажрашишдан бўлак йўлни ва ўзингизга мос ечимни топарсиз. Қарорингиз қандай бўлишидан қатъи назар, эр ва унинг кўнгли деган муаммода ўралашиб қолмай,

ҳаёт йўлида давом этинг, ўзингизни севиши, қадрлашни ўрганинг. Оиладан бўлак ҳаёт мақсадларингиз борми? Йўқ бўлса, улар ҳақида ўйлаб кўринг. Биз инсонлар ҳаётда бир неча вазифаларни бажарамиз ва унга мос ниқобларимиз бор. Хотин, она, қиз, ўқитувчи, шифокор ва ҳоказо. Улар кўп, уларнинг бирида қотиб қолиш эса муаммо. Вақти-вақти билан уларни ечиб туриш эса фойдадан ҳоли бўлмасди. Ишонаман, сиздаги ўзгариш ва сизнинг мұваффақиятингизга нафақат эрингиз, балки бутун дунё ҳайратда қолади.

Фариданинг ҳикояси (33 ёш): Равшан акам билан оила қурганимизга 10 йил бўлди, икки фарзандимиз бор. Тұрмушимиз яхши эди. Аммо охирги икки йил ичіда әрим билан мұносабатларимиз шу даражада ёмоналашдик, энди ажрашишдан бошқа чора қолмагандек. Ҳаммасига бир аёл сабабчи. Аслида уни жуда яхши биламан, бир пайтлар қалин дугона эдик. Равшан акам билан танишганимизда ҳам у қиз ёнимда эди. Аввалига Равшан акам менга эмас, дугонамга ошиқ бўлганди. Аммо қизга яқынлашишга журыят этолмай, мендан ёрдам сўради. Қош-кўзлари қоп-қора, келишган ва оқкўнгил бу йигитни мен ҳам ёқтириб қолгандим. Дугонамнинг унда кўнгли борлигини билсам-да, уларни айриш ва йигитни ўзимга оғдириб олиш учун кўп найранглар қилдим. Ниҳоят, Равшан акам билан тўйимиз бўлди. Кейин у қиз ҳам оила қурди. Аммо бундан икки йил бурун эри оламдан ўтди. Икки фарзанди билан бева қолган дугонам хўжайнимдан иш сўраб келган, у эса йўқ дея олмаган. Бирга ишлаш жараёнида эса яқынлашиб қолишган. Шунда мен бир пайтлар ишлатган ёлғонлар ҳам юзага қалқиб чиқибди. Эрим мени кўргани кўзи йўқ, ўша аёл билан оила қурармиш. Энди менинг болаларим ҳам етим бўладими? Ёлғон ишлатган бўлсанм, нима қилибди? Тақдирим шу инсон билан боғланган-

дирки, ёлғонларим кор қилибди. Үлар ҳам ёш бола эмасди, бир-бирига күнгли бұлса, мени орага қўйиб нима қилишарди?

Рұхшунос маслағати: Инсон үзини идеаллаштириш ва ёмон томонларини тан олмасликка мойил. Аммо бу жиҳатлар ҳам – бизники, үлар вақти-вақти билан намоён бўлиб туради. Натижада, бошқаларда шу жиҳатни кўрганимизда, асабийлашамиз, руҳий зўри-қиши ҳис этамиз. Эътибор беринг, ўша дугонангиз қайсиdir маънода сизни эслатмаяптими? Сиз қачонлардир қилган ишни такрорламаяптими? Бу вазиятда иккита бола билан қолиб кетаётган муштипар аёл роли фойда бериши мушкул. Фойда берса ҳам, узоққа бормайди. У аёл айнан сизнинг хоҳишингиз билан ҳаётингизга кириб қолган. Чунки 10 йил олдин үзингизни у билан эмоционал жиҳатдан боғлагансиз. Ўз ҳаётингизни унинг тақдиди билан аралаштириб юборгансиз. Ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди, яъни уларнинг ҳаётимизда бажариши керак бўлган вазифаси бор. Дугонангизнинг айни дамла ҳаётингизда пайдо бўлиши 10 йил олдинги қилган, аммо тан олмаган хатоингизга диққатингизни қаратишдан иборат. Маслағатим, у билан руҳий боғлиқликни узинг. Балки дугонангиз билан юз-юз гаплашиб, ўша воқеаларни муҳокама қиласиз. Шунингдек, үзингиздаги нафақат ижобий, балки салбий жиҳатларингизни ҳам тан олинг. Кейин турмуш ўртоғингизга улар ҳақида айтиб, кечирим сўранг. Ички дунёингизда тартиб ўрнатишингиз билан, ҳаётингиз ҳам изига тушади. Ўтмишда қилинган хато сизни ҳамон таъқиб этиб юрибди. Үни тузатишнинг иложи бўлмаса-да, кечирим сўраш билан таъқибдан қутулишингиз мумкин. Ўйлайманки, сизда тўғри қарор қабул қилиш учун етарлича куч ва иро-да бор.

Дононинг ҳикояси (27 ёш): Ёшлигимдан маликалардек ўсдим. Оилада ёлғиз қиз бўлганим учун ҳамма

мени эркалатар, айтганим мұхайё зди. Эрга текканымдан кейин ҳам эркалигим қолмади. Түрмуш ўртотым оптимдан үч йил юриб, менга зўрға эришгани учун еру кўкка ишонмас, истаган эркалигимни кўтарарди. Ёшим 30 га чиқди, бир фарзанднинг онаси-ман. Лекин шу кунларда бошимга тушган савдолар мени бирпасда улғайтириб қўйди. Эрим бир куни ҳе йўқ, бе йўқ: «Мен бошқа аёлни севаман. У менинг иккинчи ярмимдек, бир-биримизни сўзсиз тушунамиз. Истасанг, ажрашамиз. Истамасанг, у иккинчи хотин бўлишга ҳам рози. Мени шу даражада севади», – деди. Аввалига нима қилишимни билмай қолдим. Кейин у аёл билан учрашиб, таъзирини бермоқчи бўлдим. Лекин унинг гўзаллигию латофатидан ташқари оғирбосиқ ва сермулоҳазалигини кўриб, ичимни ит тирнай бошлади. Мен жанжал чиқаришга қанча уринмай, аёл бўнга йўл бермади. Босиқлик билан менинг шаштимни пасайтириди. Шунда эрим шунчаки ҳавас эмас, жиддий бир туйғу ҳақида гапираётганига ишондим ва қўрқиб кетдим. Энди нима қиласман? Етти йиллик ёстиқдошимни ҳеч ким билан, айниқса, бундай ҳар томонлама етук аёл билан бўлишгим йўқ.

Рӯҳшунос маслаҳати: Сизга «эркатой» деган ёрлиқни эрингиз ёпиштиргандир, балки. Лекин меъёрдаги эркалик муносабатларга ҳалақит бермай, ҳатто уни қизиқроқ қилиши ҳам мумкин. У аёл кучли рақиб, чунки гўзал, ақлли, мұхими, руҳан балоғатга етган. Сиз эса унинг ёнида ўзингизни хархаша қилаётган қизалоқдек ҳис қилгансиз ва эсанкираб қолгансиз. Бундай аёлга дуч келганингиз сизнинг ҳам улғайиш вақтингиз етганига тақдирнинг ишорасидир балки. Ўзингизни у аёл олдида паст кўришингиз ва шу сабабли унга ён беришингиз нотўғри. Шубҳасиз, бўлиб ўтган воқеа ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларингизни синдиради. Буни идеал мендан оғиш дейилади. Аммо у аёл билан ўзингизни солиштиришингиз, рақибангиз-

нинг эрингиз назаридага янада юксалишига олиб келади. Сиз ўзингизни инкор этманг, балки қабул қилинг. Сизнинг ҳолатингизда айборлик ҳисси фақат зарар келтиради. Ҳозирча ҳаётингиз сценарийсини у аёл ёзмоқда, аммо сиз уни қайта ёзишингиз мумкин. Сизни қачонлардир эркалашлари, қадрлашлари ва севишларига эришгансиз. Демак, бунга ҳозир ҳам қодирсиз. Шуни эсда тутинг.

Марҳаматнинг ҳикояси (38 ёш): Никоҳимизнинг биринчи йили ёк эримнинг аёлларга суяги йўқлиги, менга хиёнат қилаётганини сездим. Ҳатто бир неча марта ёмон касалликларни юқтириб келди, эр хотин даволандик. Фарзанд кўрсак, эримнинг бу одати қолар, дегандим. Қаёқда дейсиз? Бир эмас, уч фарзандимиз бўлса ҳам, у юримсаклигини қўймади. Бироқ охирги бир йил давомида эримнинг аллақандай ўйчан, оғирбосиқ бўлиб қолганини сездим. Онам «қариб, қуйилаётпи» дедилар, ишондим. Чиндан ҳам, ёши 40 дан ўтди, катта қизимиз 13 га чиқди, энди босар-тусарини ўйлаб ҳаракат қилаётгандир, дебман. Кейин билсам, ўтган йили у бир аёл билан никоҳ ўқитиб, пинҳона яшаб юрган экан. Куни кеча келиб: «Ажрашамиз, мен у хотинимни севаман. Бутун умр фақат шу аёлни излагандим, уни энди топдим», деди. Эримнинг аввалги хиёнатларига кўникиб кетгандим, лекин бу жиддий нарса эканлигини эшитиб, бошимни қайси деворга уришни ҳам билмай қолдим. Тасаввур қилаётпизми, унинг бир жойда қўним топишини мен 15 йил кутдим. Ниҳоят, қўним топди. Аммо бошқа бир аёлнинг ёнида. Нима қилай, маслаҳат беринг.

Рұхшунос маслаҳати: Эрингизнинг хиёнати, ўзингиз айтганингиздек, кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. Сиз унинг никоҳдан ташқари алоқаларини бошиданоқ билгансиз, аммо нима учундир сабр йўлини тутгансиз. Эрга ҳаддан ортиқ хизмат қиласиган, у жазога лойиқ бўлиб турган ҳолда ҳам рұхий қулагийлик яра-

тиб бераверадиган аёлдан эркак киши қочади. Чунки кап-кatta инсоннинг қилмишларини болаларча шўхликка йўйиб, уни яхши кўравериш ва парваришлаш – онага хос. Эҳтимол, сизнинг муносабатларингиз эр ва хотиннидан кўра кўпроқ она ва боланикига ўхшар. Эрингизни эса айни дамда аёл қизиқтиради, она эмас. Эрингиз шунча йил давомида қандай аёлни қидирганини билмадиму, аммо онага айланиб қолган хотиннидан қочгани аниқ. У ёши катта бўлгач, болалик шўхликларини ташлади, яъни улғайди ва онадан ажраладиган вақт келганини тушуниб, ажрашишга қарор қилди. Маслаҳатим, ролни алмаштиринг ва албатта, ўзингизни севишга, қадрлашга ўрганинг. Ўзини севадиган аёлни бошқалар ҳам севади ва қадрлайди. Бордию қадрламайдигани учраса, аёлнинг ўзи бундай эркакни ташлаб кетади. Эримни ушлаб қоламан, деб ўзингизни йўқотманг.

Хулоса. Бир нарсани очиқ тан олиб, қабул қилиш керак: эркак полигам мавжудот. Яъни ўйлангани билан, унинг бошқа аёлларга қизиқиши тўхтаб қолмайди. Лекин хиёнатга фақат эркак сабабчи эмас, уни йўлдан оздирувчи, оиласига хиёнат қилишига имкон яратиб берувчи аёллар ҳам бор экан, эрнинг оиласига хиёнати такрорланаверади. Агар аёл учун оиласи эркак билан муносабат табу бўлганида, қанчадан-қанча оиласиар бузилмаган, фарзандлар тирик етим бўлиб қолмаган бўларди. Шунга қарамай, оиласдан кечиш, яъни ажрашиш – жиддий қарор. Бунда фақатгина эрни йўлдан оздирган аёлни айблай олмаймиз. Оиласинг қурилишига ҳам, бузилишига ҳам эру хотин бирдек масъул ва сабабчидир. Оиласинг ажрашиш остонасига келиб қолгани – жиддий белги. Бундан тўғри хулоса чиқариб, муносабатларнинг қаерида хатога йўл қўйилганини ўрганиб чиқиш керак. Бу ҳолатда ҳудди чўкаётib ҳасга ёпишган одамдек, эрни ушлаб қолишга жон-жаҳди билан интилиш тескари

натижа бериши мүмкін. Үз ҳаётингизда иккінчі даражали рол ижро этишга, ҳатто бosh рол қолмаган тақдирда ҳам, рози бўлманг. Ҳаётингизнинг асосий қаҳрамони бўлинг, сиз бунга лойиқсиз.

Иккінчи хотин: бугунги кун модаси ёки кечиккан севги можароси

Хиёнатлар шунчаки хиёнат эмас, балки ундан-да мустаҳкамроқ чиқдими? Келинг, муаммони бир бошдан кўриб чиқайлик. Бугунги кун ўзбек эркагини икки хотинликка ким ёки нима ундаяпти? Бундай урф бўлиб бораётган яшаш тарзи жамиятимиз ва унинг ячейкаси бўлган оиласа ва албатта, унда ўсиб-унаётган фарзандларимизга қандай таъсир ўтказади? Эркакларимиз таърифлагандек, бу аёлнинг юкини енгил қилиши ростми? Аёл томонидан кундош деган ҳақиқатга босиқроқ муносабатда бўлиш осонми? Саволлар кўп. Бу дарлан куйган, кўнгли бузилган оиласалар қанча.

Шарқда ҳар ишни эркак бошлагани маъқул бўлганидек, муаммога эр томондан назар ташлашдан бошлаймиз. “Эр – ярим пир”, дейишади ва қолаверса, бу ғурбатни улар олиб киришайпти ҳаётимизга. Уларнинг кўнглига бир қўл солайлик.

Балки, сизга ҳам ана шу Аллоҳ ва мулладан бўлакка ошкор этилмаган бу сирли ришталардан воқиф бўлиш қизиқ туюлар. Ахир ким миш-мishларни ёқтирумайди. Мен эса сариқ матбуот вакили эмасман ва фийбатни ёмон кўраман. Келинг, яхиси, шу мавзуда бир эртак айтиб бера қолай, шунда фийбатчи бўлиб қолмадимми деб, менинг виждоним ҳам қийналмайди.

Бор эканда, йўқ экан. Қадим замонларда бир Бахтиёр деган йигит яшаган экан. Унинг ой деса оғзи, кун деса кўзи бор рафиқаси ва бир-биридан ширин ўғил-қизлари бор экан. У ўзининг оиласи билан ширин-шакар умргузаронлик қилар экан. Лекин вақти-

вақти билан бу баҳтлидек күринган ҳаёти зерикарли ва рангсиздек түюлиб қолар экан.

Күнларнинг бирида саҳар чоғи Баҳтиёр туш күрибди ва тушида бир мўйсафид келиб: “Ўрнингдан тургин-у, сафарга чиқ. Машриқ томонга фалон чақирим йўл юрганингдан кейин, бир баланд тоққа дуч келасан, тоғдаги ғорда бир аждар яшайди. Үнга “Сен меникисан ва мен айтган вақтда буюрганимдек хизмат қиласан”, десанг, аждар сенга бўйсунади. Уни эгарлайсан ва тоққа қараб олов пуркашини буюрасан. Үнинг оловидан тоғ кунпаякун бўлади. Тоғ ортида атрофи чакалакзор билан ўралган бир ёввойи боғ кўринади. Сен бу боғни ёввойи ўту қамишлардан тозалайсан ва ўзингни ажойиб боғда кўрасан. Бу боғ сеҳрлидир, у сени йўқотган ёшлигингни, баҳтли дамларингни қайтаради ва минг дардингга шифо бўлади. Қаршингдан чиқсан боғнинг атрофини қизил боғич билан ўрайсан. Ана шу боғичдан бармоғингга ҳалқа қилиб боғлайсан. Шунда бу боғ сеники бўлади. Истаган вақтингда унинг меваларидан тановул қилишинг мумкин. Аммо қўлингдаги ҳалқани ҳеч ким кўрмаслиги керак ва айни вақти бирор кўрмасин деб, уни ечишга ҳам ҳаққинг йўқ. Агар уни хотининг кўриб қолса, ҳалокат бўлади. Агар ҳалқани йўқотсанг, боғ қурийди, ташландиқقا, қаровсиз ерга айланади”, – дебди.

Саҳарда тушидан ҳайрон бўлиб уйғонган йигит узоқ ўйлаб ўтирмаи, йўлга отланибди ва ҳақиқатан ҳам тушидаги мўйсафид айтганидек, тоғ кўринибди, у айтган йўл билан ундан ўтиб, боққа етиб келибди ва боғ атрофида уч марта айланиб, қизил боғни боғлабди. Меваларидан тотиниб, соясида ухлаб, қош қорайганини билмай қолибди. Тезда уйғониб, уйга томон йўл олибди. Ўйдагилар хавотирланиб, аллақачон уни қидиришга тушган экан. Хотинига энди оғиз жуфтлаб гапирмоқчи бўлибди ҳамки, шу пайт мўйса-

фид айтган гаплар ёдига түшиб, лом-мим демабди. Аммо унда ғаройиб ўзгаришлар бўла бошлабди. Кун ўтгани сари рангига ранг югуриб, ўзи кучга тўлибди. Ҳар куни икки ҳиссадан ишлашга ўзида куч сезибди. Ҳаётга қизиқиши ортаверибди. Ҳар куни эрталаб бу-гун нима бўлишини билмай орзиқиб уйғонар экан. Ахир бу боғ сехрли экан-да, унда ҳар куни болаликда-ги йўқотган бир нарсасини топар, бутун дунё ташвиш-ларини унутар ва вақт қандай ўтганини билмай қолар экан. Лекин бир муаммо бор экан. У эга бўлган бу ер мулкини уники эканлигини ўзгалар билиб қолишидан ва айниқса, бундан хотини хабар топишидан чўчир экан. У атрофни қўргон қилиб ўрашни истаркан, аммо бу имконсиз. Нега дейсизми, ҳм-мм, боғларни ҳар қандай тўсиқ билан ўраш давлат томонидан тақиқлан-гандир-да. Ҳуллас, йигит “Ҳамма вақтимни шу ерда ўтказсам-чи?” деркан-у, аммо бунинг иложи йўқ, ота-она, фарзандларидан айрилишни истамас, айни дамда боқقا келишни ҳам канда қилмас экан. Болалигига йиққан тангаларини онасидан беркитганида қандай хавфсираб, яна уларни томоша қилганда қандай завқ олган бўлса, ҳалқа билан ҳам шундай бўлибди.

У “тушликка кетдим”, деб ўша боқقا борар ва у ерда ҳордиқ чиқарар ва айни вақтда уни ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам сир тутар экан. Лекин дўстлардан ниманиям яшириб бўларди. Улар Бахтиёрдаги ғалати ўзгаришни англашди, улардан бири унинг изига тушди ва тушлик вақти қаергадир ғойиб бўлишидан во-қиф бўлишиди. Кўп қистайверганидан у бор сирни дўстларига айтди, ахир келишувда дўстлар билмасин деган гап йўқ эди. Секин-аста дўстлари ҳам шу йўл билан ўз боғларига эга бўлишибди. Энди улар йиғи-ланда ўз боғлари ҳақида ҳикоя қилиб тўймас ва бир-бирлари билан гаплари тугамас экан.

Айрим кунлари сухбат тундан-тонгга уланиб уйга бормаган Бахтиёрнинг хотини эркаклар сухбатини

пойлабди ва эрининг сиридан хабар топибди. Ухлаб ётганида унга сездирмай қўлидаги ҳалқани үзиб ташлабди. Эрталаб одатдагидек тонг отибди. Бахтиёр ишига отланибди. Боғи ёдига тушиб кулимсираб туриб, бирдан қўлида ҳалқаси йўқолганини сезиб қолибди. Жон ҳолатда боққа югурибди, етиб келиб не кўз билан кўрсинки, боғ кунпаякун бўлган, ўрнида эса бир чакалакзор қолган эмиш. Буни кўриб Бахтиёр эсдан оғай дебди. У энди умрининг охиригача ўкиниб ўтишга маҳкум эди-да.

Бахтиёр тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўшашиб уйга қайтибди. Болалари дадам келди деб, хурсандчилик билан кутиб олишибди. У салгина аламини унутгандек бўлибди. Яна аввалгидек зерикарли бўлиб қолган Бахтиёр ва унинг хотини узоқ йиллар яшаб мурод-мақсадларига етишибди, аниқроғи унинг хотини мақсадига етибди. Шу билан эртак тамом, уни эшитганлар бўлинг омон.

Хўш, аҳволлар қалай? Бахтиёрнинг, яни эркакларнинг дардини тушуна олдингиҳизми? Агар шунда ҳам “йўқ” деяётган бўлсангиз, болалигингиҳизда сизга эртак айтишмаган экан. Ёки “Эримнинг чўпчакларидан шундоғам чарчаганман, энди сеники бормиди?” деяётган бўлсангиз хато қиласиз. Ҳар бир афсонада ҳам шингил бўлса-да ҳақиқат бўлади, уни еча билиш эса сизнинг зеҳнингизга ҳавола. Демак, эркаклар тўқиган афсоналарни эшитишни ва унинг ечимини топишни ўрганинг, шунда уларнинг ёввойи қалби сизники бўлади.

Очиғини айтганда, охирги гапим ўзимга ҳам ёқмади. Нима, аёллар чўрими бу кўп хотинли эркакнинг қўтир жомошов мос кўнглига йўл топай деб вақтини ўтказса. Хўш, аёлнинг кўнглига қачон йўл топишади? Ана энди ўзингизга келдингиз. Ҳамма бало шу нуқтадан бошланган. Бу гапни қайта-қайта гапириб чарчамайман. Аёл ўзининг аёллигини ва кўнглини олишларига лойик эканлигини унутган куни эр учун кераксиз

бўлиб қолади. Шу вақтда йўл очилади хиёнат-у, иккинчи хотин деган совғаларга. Бугун ваъда берганман, масалага уч томондан қарайман деб. Эркак ва унинг икки хотини, чунки ҳар уч киши учун ҳам ҳаёт жаннат эмас. Учови уч хил муаммо, учови уч хил тақдир, аммо нима учундири ҳаётнинг маълум нуқтасида улар учрашишди ва қисматни бўлишишларига тўғри келди. Чунки бу инсонларнинг бир-бирлари ҳаётида қиласидан хизмати бор.

Яна сиз тушунмайдиган тилда алжирай бошладим. Хўш, қачон эркак иккинчи хотинга эҳтиёж сезади? Юқоридаги сиз назарга илмаган эртагимда буни маҷозий йўл билан тушунтириб бердим. Бир иккинчи хотин олиш режаси билан юрган эркак менга айтган эди: “Эҳ, сиз аёллар-а, нега бу масалани бир фожиа деб ҳисоблайсизлар-а? Одамлар қийин деб ҳисоблашади, аслида эса бу мутлақо қийин эмас ва жиноят ҳам эмас. Бориб-бориб ҳалқимиз, жамиятимиз бу ҳақиқатни қабул қиласи. Эҳтимол, қонунга ҳам кириб қолар”.

Сизни билмадим, бу мени ҳам ташвишга солди. Эркакларнинг бу борадаги фикри билан қизиқдим ва уни ўрганишга киришдим. Мен сўров ўтказган эркакларнинг барчаси иккинчи хотини бўлишига ҳеч ҳам қаршилиги йўқ экан. Ҳудди иккита машинаси бўлган-дек. Аммо орзу-ҳавас ўз йўлига. Иккинчи машина иккита ташвишлигини тушунса, эркак бундай дабдабадан воз кечарди. Эркак зоти ҳеч қачон катта бўлмайди, уларнинг ўйинчоқлари қимматлашади, холос. Бунга иккинчи хотин мисол бўлиши мумкин. Менинча, эркакларнинг орзу-ҳаваслари устидан кулишни ошириб юбориб, бу ишга унаовчи мотивларни унудик, чоғи.

Бугунги қун ўзбек эркаги оила даврасидан бирозгина ҷалғиб романтика томон интилмоқда. Романтика сўзини бекорга қўлламадим. Биз романтикани аёлга чиқарган деб ҳисоблаймиз, аслида, айнан эркак ана

шу романтика етишмагани учун оиласдан совийди. Фақат у романтика шамлар ёғдусидаги овқатланиш деб хомтама бўлманг. Унинг биринчи оиласи қандай? У одатда энг камида 4-5 йиллик турмуш, камида 2 ёки 3 та бола. Хотини, қайнона, қайнота ёки овсинлар билан муносабатларини биринчи ўринга қўйган, чунки вақтининг асосий қисмини улар билан яшагани учун улардан қутулиш йўлларини ўйлаб ўтказади (шу ерда озгина ошириб юборган бўлсам керак). Ҳуллас, бутун дунё ўзгарди, қарашлар ўзгарди, онгимизга фарб шамоли ўз таъсирини ўтказа бошлади, аммо ўзбек оиласидаги тартиб-қоидалар ўзгармади, янгиликка қараб мослашмади. Ҳар қандай ўзгаришлардан боҳабар эркакларимиз эса секин-аста тараққиётга қараб интила бошлашди. Ахборотнинг кириб келиш йўллари кўпайди ва эркаклар кучли жинс вакилларининг яна бошқа имкониятлари ҳақида маълумотга зга бўла бошлашди. Ва албатта, уларда нафақат томошибин, балки асосий қаҳрамон бўлсам-чи, деган хоҳишлар пайдо бўлди. Лекин бу кучли кўринган эркакларимиз танқид-у дашномлардан қўрққанидан, ўз фантазияларини энг ишонган одамига айти олади. У ишонган одам эса камдан-кам ҳолатда неча йиллик бир ёстиққа бosh қўйган хотини бўлади. Ана сизга вакансия қаердан келди.

Иккинчи сабаб тезкор замонамизда стресслардан чарчаган эркак уйга келиб дам олишни истайди, аммо уйда бола-чақа ва бир дунё ташвиш кутади. Имконият даражасида ўзига шароит яратса бошлайди, тинчгина, ҳоли дам оладиган жойни орзу қилади (шу ерда бир сирни айтай, айрим эркакларнинг ҳеч ким билмайдиган вақти-вақти билан бориб дам олиб турадиган хилватгоҳлари бор. Илтимос, изқувар ёллашга шошманг).

Биласизми, йўқми, эркак зоти бироз ёлғизликдан қўрқадиган бўлади. Бу Одам Атодан қолган. Отамиз

ерга тушганларига зум ўтмай ўз қовурғаларидан ке-
чиб минг азобга қарамай, Ҳавво момомизни тилаб
олғанлар. Эркаклар ҳам... Келинг, ўёғини айтиб, асаб
торингизни чертмай. Хуллас, иккинчига тайёр ўй-жой-
да. “Хотиним касал ёки ўғыл туғиб бермади”. Бұлар
баҳона, холос. Учинчى сабаб жисмоний. Бу сабабга
бошқа ташхис ва түшүнтириш ортиқча, лекин шуниси
қизиқки, психологик ва социал сабаблар ҳар доим
бириńчи даражали, жисмонийси эса иккинчى даража-
лидир.

Бу социал мавжудот ҳақыда бир латифа келтир-
сам.

Бир куни Афанди кетаётса, күчада ўйнаб турған
бир гала болаларга күзи түшди ва ҳазиллашмоқчи
бўлиб:

– Болалар, эшиздингларми, анави ерда ёнғоқ
қоқишаётган экан, – дебди. Бола эмасми, ҳаммаси
ўйинни ташлаб, ўша томонга югурибди. Афанди ҳам
бу ҳолни кўриб:

– Ҳамма кетганга қараганда, гапим ростга ўхшай-
ди, – деб, ўзи ҳам шу томонга югуриб кетган экан.

Эркаклар ҳам Афандироқ бўлади. “Ҳамма ўртоғим
уйланди, демак, мен ҳам иккинчи хотин олишим ке-
рак”, деб, кўпчилик ортидан югуриб, сизга кун..,
келинг, шу хунук отни айтмайлик, коллега топиб
қўйишлари мумкин. Бу энг кўп учрайдиган сабаблар,
лекин ҳар бир эркакнинг ҳолати ва муаммоси ўзгача.
Энг чираб бўлмайдиган нуқта улар ҳар икки хотинла-
ри бир уйда опа-сингил бўлиб бирга яшаб, фарзанд-
ларни сеники-меники қилмай, тарбиялаб, беклари
келганда икковлари югуриб-югуриб хизмат қилишла-
рини истайди. Хожамиз рашики муҳаббати каби кучли
ўзбек аёlinи жаннат париларига адаштирадилар, чоғи.

Келинг, яна статистикага қайтсак. Менинг тажри-
бамда икки хотин олиш эҳтимоли энг кўп тадбиркор-
лар, раҳбар ходимлар (агар эрингиз раҳбар ёки тад-

биркор бўлса шубҳаланишга шошманг, чунки мен Ўзбекистондаги барча тадбиркорларни шундай демаяпман) учради.

Сабабларни кўриб чиқдик, келинг, энди оқибатларни айтсам. Камтаргина тажриbam ва кузатишларим асосида шундай хуносага келдим. Бу икки хотинлималар доимий равишда бекит-бекитдан, хавотирдан асаб тизимида салбий ўзгаришларга дучор бўлишади. Невроz деган ташхисни уларни текшириб ўтирмай қўйиш мумкин. Шунча муаммо келса, буларга нима зари дерсиз, лекин бу ғаройиb мавжудот хавфли ўйинларга бош суқиши севади, ҳатто қўлга тушиб қолиш қўрқуви ишқий муносабатларига алоҳида жозиба бағишлади. Қўрқувдан адреналин ажралади-да.

Икки хотинлиман деб керилиб юрган бу «хўрор»-ларга бир томондан раҳмим келади. Мансаби ёки пули сабаб ўзлари ов қурбони эмасмикинлар?

Энди иккинчи хотинлик мақомига рози бўлаётган аёллар билан танишсак. Қонуний хотинлар таъбири билан айтгандек, енгилтакмикин ular? Мен бу масалани ўрганиб чиқиб, уларга янги ўзбеклар деб ном бердим, чунки бу аёллар қайсиdir маънода жамиятда катта тўнтариш ясашди, келажаги қоронфироқ бўлган тақдирга рози бўлишади. Ҳамма аёл ҳам бундай тавакkal қилолмайди. Уларни бузуқ ёки мол-дунё овчи-си дейишга шошманг, балки улар ҳам тақдир қурбонидир.

Ёши ўтизларда, аммо турмуш қурмаган аёл ана шу танлов олдида иккиланишлардан чарчаб менга мурожаат қилди. “Менга оиласи эркаклар ёқишини энди англагандекман, билмайман нега?”. Мени ҳам «нега?” деган савол қизиқтириди ва бир неча учрашивимиздан сўнг ҳакиқатнинг бир учи очилгандек бўлди. У шундай ҳикоя қилди: “Кўриб турибсиз, келишгандман, бир қўрган эркаклар қайрилиб қарашга мажбур қила оладиган чиройим бор, аммо тақдир экан, баҳ-

тим очилмади. Бир куни күчада кета туриб эр-хотинга күзим түшди. Олдин эътибор қилмадим, аммо кейин беихтиёр дикқатимни қаратишга мажбур бўлдим, аниқроғи, хотини зрини қизғаниб менинг олдимда худди ёш боладек эрининг қўлини қаттиқ ушлаб олди, менга эса ҳавфсираб қаради. Бу ҳол жуда қисқа вақт ичидан содир бўлди, менинг эса кўлгим келди. Бир томондан алам ҳам қилди, нима мен ўғриманми? Оиласи дугоналарим, танишларим менга оила қурмаганим учун кўп дакки беришади, худди мен моҳовдек. Ўзларини бир ишни қотириб ташлаганман деб ўйлашадими-ей. Нега аёл зоти бунча тошбағир бўлар экан, сизга ачиниб қараганида ҳам ситам беради. Тирноғимга ҳам арзимайдиган келинлар менга ақл ўргатиб қўяди, гоҳида. Жамиятга ҳам қабул қилинмагандекман. Менга жиддий иккинчи хотин бўлишни таклиф қилганларида, аввалига алам қилди, аммо кейин ичимни бир интиқом лаззати чулғаб олди. Очифи, у эркакнинг хотинини мутлақо танимайман, аммо бу ҳаракатим билан вақтида эрга теккани учунгина бошини баланд кўтариб ҳаммага ақл ўргатадиган аҳмоқ аёллардан ўнимни олардим. Үларга айтгим келади: “Ҳа, сен эрга тегдинг, ўзингни бағишладинг. Ёшлигинг чиройинг йўқ бўлди, афсуски, ўзингни фақат эринг борлиги учун ҳурмат қиласан, у эса жисмонан сен билан, аммо руҳан менга ўхшаган аҳмоқона урф-одатлар қурбони бўлмаган, ўзиниям, бошқаниям ҳурмат қила оладиган қизлар билан. Ажаб эмаски, сени хотин деган тахтиравонинг иккига бўлиниб, одамлар кўзигагина кўринган баҳтли оиласиң үнчалик идеал эмаслиги ошкор бўлса. Мен эса инсонман ва баҳтли бўлишга тўла ҳақлиман, сен каби эмас, сенданам баҳтлироқ бўламан. Мен таниб танимаган қариндош-уруққа тоғора қилиб, бемаъни расм-русларни қилишга мажбур эмасман. Мен билан эримнинг ўртасида қайнона қоработир бўлолмайди ва уларни хизмати деб эрни унутмайман”.

Шашқатор күз ёшлар ва аламли ҳайқириқдек айтилган бу гаплардан бир дунёғам борлигини ҳисқила олдингизми? Агар ундан нафратланаётган бўлсангиз, демак, ростданам бағрингиз төш экан. Бу сўзлар бир неча сеансдан кейин қайнаб чиққан дард эди. Гапларни ҳеч қандай таҳрирсиз келтирдим, чунки таҳрир ёки таңқид психологиянг вазифасига кирмайди. Илтимос, сиз ҳам уни борича қабул қилинг. Сизга уни бирорвонинг эрини тортиб олди, демадим, берилган таклиф устида иккиланаяпти, дедим. Сабаб маълум бўлиб, нафрат отилиб чиққандан кейин бу таклифни мутлақо рад этса ажаб эмас. Мен бир мисол келтирдим, бу ҳамма учун бир хил сабаб эмас. Уни ҳам тушунинг, у ҳам аёл, унда ҳам юрак бор. У ҳам фақат ютавермайди, балки анча нарсани бой бериши ҳам мумкин. Масалан, у фақат шаръий никоҳда бўлгани учун эрда ҳеч қандай қонуний ҳуқуқлари йўқ. Исталган вақт эрсиз қолиши мумкин. Айнан ана шу хавфнинг олдини олиш учун ҳам улар эр олдига кўпроқ талаб қўяди. Туғилажак фарзандларини ҳимояланган бўлишини истайди. Шунинг учун уй-жой, молмулк ундиришга ҳаракат қиласди. Бунинг сабаби фақатгина унинг очкўзлиги эмас, балки ўзини тўлақонли хавфсиз ҳис этмаслигидир. Улар пул орқали ўз хавфсизлигини таъминламоқчи бўлади. Бу дард сизга ҳам таниш, ҳурматли эрли хотинлар. Уй-жой, яхши яшаш имконияти сиз учун, фарзандларингиз учун керак. Шунинг учун ишончлироқ эркакни танлагансиз. Ахир күш ҳам аввал ин қуради. Эрингиз асосий вақтини сиз билан ўтказади, бу вақтда уни рашқданми, ўзининг бадбахтлигиданми дўзах азобида қолишини тасаввур қила оласизми? Зайнаб, Кўмушлар қисмати осон эмас. Бу муносабатлар оқибати ўлароқ вужудга келадиган фарзандлар тақдиди эса алоҳида бир муаммо. Унинг қанчалик бағри бутун бўлиши Аллоҳнинг ўзигагина аён. Аммо руҳшунос бўлганим учун сиз

сабаб эмас, даво истайсиз. Азизим, шу гал ўзингиз хулоса чиқаринг. Аммо ўзингиз эрингиздан тўйган бўлсангиз-у, шу оғир юкни енгиллатувчи ёрдамга келса, ҳайрон бўлманг. Шунинг учун ёрингиз билан ўртангизга учинчи бир одам суқилмасидан аввал, муносабатларни мустаҳкамлаб олинг. Токи оиласизда “иккинчи”ларга жой қолмасин.

Оиласи ёлғизлар

*Биргалик-у, аммо ёлғизлик –
кўнгилли дўзах танловидир.*

Марк Твен

– Эрим билан деярли гаплашмаймиз, – деб қолди бир танишим. – Үнинг ўз дунёси бор, менинг ўз дунёйим бор. Мулоқотимиз шартли, бир кунда 3-4 оғиз сўздан ошмайди. Бир-бirimизга қизифимиз қолмаган. Та什қаридан қараса, рисоладагидек оила, аммо жисмонан яқин, руҳан эса узоқ инсонлармиз. Бизни нима ушлаб турганини гоҳида тушунмай ҳам қоламан. Бебахтман десам хотўри бўлар, аммо жуда ёлғизман.

Бундай оиласар ҳар уч хонадоннинг бирида учраб туради. Улар бир-бирларидан ҳеч нарса талаб ҳам қилмай қўйганлар ва энг ёмони бунга кўнишиб ҳам кетганлар. Бу ёлғизликнинг ўрнини ҳар ким ҳар хил тўлдиради. Кимдир виртуал дунёда қалбга яқин инсонни излайди ва хаёлий дунёда ўзининг ҳақиқий тушунадиган одамини топади, ҳатто анча вақтгача бу виртуал дўст турмуш ўртоғидан ҳам яқин бўлиб кетади. Айрим инсонлар бўшлиқни реал ҳаётдан тўлдирадилар. Хиёнатни, ёлғизликдан қочишнинг номини эса нима учундир севги деб аташади.

Бундай оиласар кризис даврини сурўнкали кечираётган оиласидир. Уни тешилган кемага қиёс қилардим.

Аъзоларнинг эса бу кеманинг ҳалокати билан мутлақо иши йўқ, ҳар бири ўз жони қайғусида. Ҳеч бири тешикни ямайлик демайди, ҳар иккиси сув остида қолмаслик учун ундан нари қочади. Бу ҳалокатдан ҳали ҳаёт уммонида сузишни ўрганмаган фарзандлар азият чекади.

Эр-хотин бу вазиятда ҳеч қачон ўзининг айбини кўрмайди, балки иккинчи томонни айблайверади. Муаммони очишни, унинг нима эканлигини кўришни истамайди, чунки бу ҳақиқат аччиқ бўлиши ва азоб бериши мумкин. Бу секин таъсирини кўрсатувчи радиацияга ўхшайди, қачон йиқитишини билиб бўлмайди. Сабабига келсак, улар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ўринда Толстойнинг бир гапини келтираман. “**Ҳамма баҳтли оиласлар бир-бирига ўхшайди, баҳтсизларининг баҳтсизликлари эса турлича**”.

Бу сабаби турлича бўлган муаммонинг юки шунчалик оғир эканки, ана шу биргина мавзуни ёритишига қийналиб, танаффусим ойларга чўзилиб кетди, чунки бундай ҳолатлар кўп ва ҳар доим ҳам унинг ечими жўнгина эмас. Шарқда касални даволашга шошилишмайди, балки унинг сабабчисини аниқлаб, бартараф этишдан иш бошлаган буюк шарқ ҳакимлари. Ҳўш, бу муносабатнинг боши берк кўчага кириб қолишининг сабаби нима?

Келинг, энг аввало, буни биомайдон орқали тушунтирсам. Эр-хотиннинг энергетик қобиғи никоҳ иплари деб аталмиш ришталар билан бир-бирига боғланади. Булар мажозий эмас, айнан моддий энергетик боғлардир. Бу йиллар ўтиб шунчалик мустаҳкамланиши мумкинки, икки инсон бир-бирини ҳатто кўзига қараб осонгина информациини илғай олади. Бу ўринда қуйидаги шеърий сатрлар ёдга тушади:

*Сен мени ўзингдан ортиқ севмагин,
Сен мени ўзимдан ортиқроқ тушун.*

Чин дилдан қурилган сұхбат ҳам биомайдонларнинг күчли боғ ҳосил қилишига ёрдам берishi мүмкін. Лекин бу икки инсон мутлақо гаплашмаса-чи, үнда нима қилмоқ керак? Албатта, бу ҳам ҳақли савол.

Хүш, мұаммоли муносабатларда ақвол қандай бұлади? Айнан у ҳолда бир-бирини тушуниш имконсиз, ҳис қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўртада мұхаббат йўқ деб шарҳ беришади-ку. Бу демакки, икки инсон ўртасида энергия алмашинуви мавжуд эмас, айрим ҳолларда бу алмашинув адолатли эмас. Ҳатто жинсий яқинлик рисоладагидек бўлгани ҳолда у фақат механик бўлиб, қалблар бир-бирига очилмайди, руҳан яқинлик йўқлиги ҳатто ана шу вақтда ҳам ўзини билдириб туради. Бундай сифатсиз муносабатлар ўртага учинчи одам аралашуви учун қулай имконият яратади. Үнга бўш жой пайдо бўлади. Бу бўшлиқ ўрни ҳар доим ҳам хиёнат билан эмас, балки қандайdir ҳобби билан ёки ишга берилиш билан, фарзандларга чалғиши, уларга ўзини бағишилаш билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

Инсон зоти ёлғиз яшай олмайди, ёлғизлик Яратганинг ўзигагина хос. Шунинг учун ҳам инсон ўзига ҳам руҳан, ҳам жисмонан, ҳам ақлан мос жуфтни излайди. Булардан қай бири бўш қолса ҳам, инсон ўзини баҳтсиз ҳис этаверади ва шу бўшлиқни у ёки бу йўл билан тўлдираверади. Чунки табиат бўшлиққа йўл қўймайди. Бу ҳолат жамиятда шунчалик кўп учрайдики, айрим ҳолларда ҳудди меъёрдек туюлади. Рисоладагидек оила деб аташади уларни, эътибор беринг, баҳтли оила эмас, рисоладагидек. Демак, баҳтли, бир-бирини тушуниб яшаш шундай қийинки, атрофдаларга сезилмайдиган, яширин баҳтсизлик меъёрга айланган. Хўш, бу муаммонинг чораси борми? Албатта, бор. Фақат бу йўlda икки инсон бирдай ҳаракат қилиши керак ва бирдек бир-бирини тушунишга, эши-

тишга, ҳис қилишга ҳаракат қилиши керак. Нима учундир бу икки инсон ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ деб, муаммодан күз юмишган, эхтимол, азобдан ёки оиласынг бүзилишидан күркүв туфайли мұносабат ривожланмай бир ҳолатда қотиб қолған. Агар ана шу муаммо очилса, у яхшилаб ўрганилса, бу ҳар икки томон учун ҳам фойдалы бўлади. Чунки ёпиқлиқ қолған қозоннинг ичидаги қолиб кетган сарқит жимгина туролмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келишини билмоқчи бўлсангиз, тажрибада синааб кўришингиз мумкин.

Муаммо икки инсон ўртасида қолиб кетса, бу ҳар икковини ҳам заҳарлабгина қолмасдан, бу шу оиласынг фарзандларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Чунки фарзандлар эр-хотин мұносабатлари моделини оиласдан олади. Қуш ўясида кўрганини қиласди. Фарзандлар сиздек баҳтсиз бўлмасликлари учун ҳам баҳтли бўлишга маҳкумсиз. Бу киши кўзигагина, хўжакўрсинга эмас, балки ҳақиқий, юксак дараҷадаги мұносабатлардир. Сиз баҳтли бўлишга арзийсиз.

Рашк мұхаббат белгисими ёки хусусий мулкчилик?

Ҳар бир дарднинг бирор сабабчиси бўлгани ҳолда хиёнатнинг ҳам ўз сабабчилари бор. Бунинг энг асосийси рашк. Рашк ҳақида ҳар хил, бир-бирига зид фикрлар, қарашлар мавжуд. Фарбда рашк мұносабатларнинг илдизини чиритувчи ортиқча қуйилган сувдек танқид қилингани ҳолда, Шарқ уни мұхаббатнинг ажралмас қисмидек қарайди. Ҳар иккови ҳам ўзича ҳақ, чунки Фарб мұхаббати ва рашки Шарқнидан тубдан фарқ қиласди.

Бир файласуф айтган эди: “Фарб тана бўлса, Шарқ ундағи руҳ”, деб. Яъни фарбликлар фалсафаси мөддийликка асосолангани ҳолда, Шарқ фалсафаси руҳи-

ятга үрғы беради. Фарблик ошиқ ўзи қизғанаётган объектини ўзининг мулкideк қарагани ҳолда, шарқ-лик ошиқ уни қалб бойлиги деб қарайди. Лекин хурсанда бўлишга уринманг, чунки биз бу жиҳатдан Фарбга яқинроқмиз, қон-қонимизга материалистик фалсафа сингиб кетганининг оқибати бу.

Келинг, фалсафий қаравшлар, нима ёмон-у, нима яхши деган баҳс-мунозарадан бироз чекиниб, бу дардни даволашни бошласак.

Рашк азоб, чинакам тан ва рух азоби. Ана шундай азобли синовни бошдан кечираётган бир аёл менга мурожаат қилди. Ёши қирқларда, ёқимтойгина, ўзига оро берган бу аёл кўринишдан ҳаёти бир ма-ромда кечгани билиниб тўрса-да, аммо айни вақтда вужудини қандайдир хавотир қоплаганини билиш учун рухшунос бўлиш шарт эмасди.

Бир гапидан ҳамкасларим кулишади. “Ҳар бир муаммонинг ҳиди бўлади”. Ана шу аёлнинг паришон хотирлиги сабаби рашк эканлигини тахмин қилдим.

У шундай ҳикоя қилди: «Ичимда бир олов ёнади, ундан қаерга қочишимни билолмай қолдим, кап-кatta аёлман, ҳадемай қиз чиқариб, ўғил уйлантирадиган. Аммо шу ёшимда эримни ер-у кўкка ишонмай қўйдим. Икковимиз бир-биrimизни ҳали-ҳануз севамиз, шу пайтгача овсинларим бизларнинг муҳаббатимизга ҳавас билан қаравшарди, аммо унга дарз етди, орада хиёнатга ўхшаган бир нарса ўтди. Ҳали бу аниқ эмас. Эрим минг марта болаларни ўртага қўйиб қасам ичди. Менинг ақлим ишонгандай, аммо юрагим нуқул бе-зовта. Эримни охирги вақтдаги кечроқ келиш одатлари барҳам топди. Менга жуда зытиборли, оғир аҳволимдан шу даражада ташвишга тушдикси, ҳатто ҳар ярим соатда “Мен у ердаман, мен бу ердаман”, деб тинчлантириб турадиган одат чиқарди. Қаерда эканини билсан-да, ичимни бир хавотир бостириб келади ва ёш болаларча хархаша билан “Те-еэз етиб келинг”,

деб чақыртириб оламан. Түппа-түзук хурсандчилік билан кулишиб, гаплашиб үтирган вақтимизда бирдан ичимдан бир исөн отилиб чиқади-ю, сұрайман: “Нега үндай қылдингиз?” Эрим бечора ҳам қийналиб кетди. Айрим күнлари ҳатто уззу күн уйда мен билан овора. Гоҳида уялиб кетаман ва үзимга үзим: “Шу ёшингда қилиб юрган ишингни қара”, дейман. Лекин ичимдаги бу азоб ёш-пошни тушунмайды ва бу дардан эримни уйға банди қылсам ҳам, тинчимаслигимни биламан. Үнга сари азобим минг чандон ошади. Айтинг, нима қилай?»

Күзларим билан қоғоз сочиқ ўрамини излай кетдим, чунки ҳали дарё-дарё қүзёшлар түкилади. Бу дард сизга ҳам бегона эмас, акс ҳолда, китобнинг бу ерини ташлаб кетиб: “Бу менга тегишли эмас”, деган бўлармидингиз. Биламан, бу дард ҳар бир мулк эгасининг бошида бор. “Нима-а? Қанақа мулк? Мен тилла тақинчоғим ҳақида гапирмаяпман, мен тирик одамни айтаяпман”, дейсизми? У тирик жон эканини билсангиз, нега уни мулк деб қарайсиз?

Демак, рашкнинг икки тури мавжуд: бириңчиси – бу мулк деб қарап. Кўпроқ бу эркакларда учрайдиган ҳолат. Иккинчиси – тобелик. Иккаласи аралашиб кетган мураккаб ҳолатлар ҳам мавжуд. Мулк деб қараганда рашкчи актив, тобе бўлганда пассив. Муносабатларнинг бошланғич вақтида пассив ҳолат, яъни ҳали забт этилганига ишонч ҳосил қилмаган ҳолатда “Сенсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман” каби романтика, чиройли сўзлар, муҳаббатнинг ифори бор уларнинг замерида. Шу ерда барча романтилага барҳам бераман. Биз руҳшунослар буни юмшоқ қилиб тобелик, ошириб юборсак, касаллик деб ташхис қўямиз. Бу ғалати ўхшашлик, албатта, аммо бу тобелик эмизикли гўдакнинг онага тобелигига ўхшайди. Ҳа, у онаси қарамаса, ростдан ҳам нобуд бўлиши мумкин.

Ҳалиги мулк эгаси эса актив рашкчи, лекин у бечоранинг асаблари ҳақиқатда ҳам издан чиқкан. Энди турмуш ўртоғини ёки анча қалбини забт этиб улгурган севгилисини тасарруфидан чиқиб кетишидан хавотирда. Эришса – бир бало, эришмаса – яна бир бало. Айрим оиласлар аҳмоқона, сабабсиз рашк туғайли бузилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу нима дард ўзи? Мұҳаббатнинг мукофотими ёки жазоси? Аслида, бу жазо ҳам эмас, мукофот ҳам, балки бу инсон кибрининг синови. Менинг рафиқам ёки менинг ёрим деган тушунчалар Инсоннинг "мен"ига даҳлдордир. У эга бўлган нарсаларга бўлган таҳдид унинг "мен"ига бўлган таҳдидdir. Шунинг учун бу ҳолатда инсоннинг ўз-ўзини сақлаш инстинкти ишлаб кетади, яъни организм ҳимоя режимига ўтади. Нимадир қилиш керак? Мияда ана шу ёки шунга ўхшаш фикрлар айланаверади. Биласизми, кейин нима ишлар қила оласиз? Турмуш ўртоғингиз телефонини титасиз, бирор СМС ёки бегона рақамга қўнғироқ амалга оширилмаганми деб. Агар шаштингиз унча-бунча нарсадан қайтавермаса, ҳаттоки ойлик сўзлашувлар ҳисобини мобил компаниядан ҳам қўлга киритиб, жиддий таҳлил бошлайсиз. Билар-билмас номаълум рақамларга сим қоқиб, сизга рақиб бўлиш эҳтимоли бўлса, очиқ пўписа, ҳатто катта жанжаллар ҳам чиқара оласиз. Детектив ёллаш ҳам мумкин, агар фантазияга яна бироз эрк берсангиз, эҳ, нималар қила оласиз, буни фақат Аллоҳнинг ўзи билади.

"Нима, буларни ҳаммаси бекормиди, нима мен йўқдан шубҳа қиласяпманми?" десангиз. Мен ҳечам уринишларингиз бекор демайман, улар бир кун ўз самарасини беришига ишонаман. Чунки сиз ҳаётдан хиёнатнинг исботини қидирайпсиз. Агар ихлос билан ҳаракат қилсангиз, уни, албатта, топасиз, чунки сизни тинчлантириш учун хиёнатнинг исботи керак, вафо эмас.

Бу изланишга қанчалик сидқидилдан, бор күч-куватингизни бериб ёпишсангиз, ниятингизга, албатта, етасиз ва хиёнатнинг исботларини ўз қўлингиз билан тутиб, бутун дунёга жар соласиз. "Мана бевафо, мен эса бир бечора қурбон". Нима ўзингизнинг ҳақ эканлигингиризни исбот қилиш оиласигиз мустаҳкамлигидан ҳам муҳимми? Бу ҳақида бир ўйлаб кўринг. Тасаввур қилаяпман ҳозир: "Яхши, унда нима қилай?" – деяпсиз тоқатсизларча.

Тезкор замонанинг "Шамоллаш. Үнга вақт йўқ", каби тез таъсир ўтказувчи хапдорилар ва муаммоларнинг жуда тез ечим топишига ўрганиб қолган замондошим, бу ўринда бироз шошмайсиз энди. Бутун дунё дардан, ташвишдан иборатдек кўриниб кетдими кўзларингизга. Демак, сал ошириб юборибман. Мутолаанинг шу ерида чуқур нафас олинг ва нафасни қолдирмай чиқаринг. Дунёнинг бутун ташвиши бошингизга тушган бўлса ҳам, нафас олиш машқини 1-2 дақиқадан 10 дақиқагача давом эттиринг. Ўйлайманки, бунга эриша олдингиз. Агар йўқ бўлса, яна олдинги гапга қайтинг ва вазифани бажаринг, чунки ўёғига ишимиш самара бериши учун ҳеч бир қадамни қолдирмаслигингиз керак. Айни вақтда эса ичингиздаги ғала-ғовур бироз босилиши зарур, чунки лойқа сув тинмасидан үнинг тубини кўриб бўлмайди. Демак, давом этамиш, сиз йўқотиб қўйишдан ниҳоятда кўрқадиган жуфти ҳалолингиз абадийга берилган деб хомтама бўлманг. Ҳеч ким ва ҳеч нарса абадий бизники эмас, ҳатто ўз танамиз ҳам омонатdir, аслида. Бу омонат дунёда нима учун талашаяпсиз-у, нима учун курашаяпсиз ўзи? "Мен файласуф ҳам эмасман, художўй ҳам эмасман", деб, савонни жавобсиз қолдирманг. Бир ўйлаб кўринг. Бу ҳаёт неъматлари кафтда турган қумга ўхшайди: қанчалик кафтингни маҳкамроқ сиқсанг, уни шунча кўп йўқотасан.

Бир куни қари ит күчүкчанинг ўз дүмини ўзи қувиб тутишга уринаётганини кўриб сўрабди:

– Нима, дүминги қувляяпсанми?

Унга жавобан күчукча:

– Мен фалсафани ўргандим ва мендан олдин ҳеч бир итга насиб этмаган олам тузилиши ҳақидаги муаммонинг ечимини топдим. Ит учун энг аъло баҳт бу унинг думида экан. Қачонки уни тутсам, мен баҳтли бўламан, – дебди.

– Бўтам, – дебди ит. – Мен ҳам дунё тузилиши муаммоси билан қизидим ва ўз ечимимни топдим. Менинг фикримча ҳам баҳт бу думимда. Бироқ қаерга борсам ҳам, нима иш қилсам ҳам, у менга эргашади, баҳтга эришиш учун уни қувишим мутлақо шарт эмас.

Қиссадан ҳиссани, ақлли ўқувчим, аллақачон чиқаруб олганингизга шубҳам йўқ. Тиришқоқлигингишни биламан. “Баҳт учун курашиш керак”, деган шиорингиздан ҳам хабарим бор. Аммо кураш деб ҳаётингиз кураш майдонига айланиб кетмасин. Муносабатларни асраб қолиш учун асосий кучни сарфлаб, ҳаётингизнинг энг яхши дамларини бой бериб қўйманг.

Иккинчи аёлнинг кучи унга сиз берадиган баҳога боғлиқ, агар сиз уни ҳаётингизга аралашувини юқори баҳолаб катта жанжал-тўполонга айлантирангиз, ёрингизнинг унга қизиқиши кўпроқ ортади ва ундан сизни шунча рашқ қилишингизга сабаб бўлувчи нима нарса бор эканлиги билан қизиқиб кўради. Сизнинг хотиржамлигингиш эса ўзингизга берадиган баҳоингизнинг юқорилигини билдиради. Бундан кейин ёрингиз сизни кўпроқ қадрлайди.

Рашкингиз меҳрингиздан-да ўткир, биламан, аммо муҳаббат белгиси бўлиб кўринса-да, бу қўрқув ва эгалик ҳиссиадир. Сиз эртага йўқотишдан қўрқасиз, ваҳоланки, у бугун сиз билан, сиз эса шу онлардан баҳра олиб яшаш ўрнига, ҳали мавҳум бўлган эрта-

нинг ғами билан бугунни ўлдираяпсиз. Ҳолбуки, эртаниги тақдирингизни сизнинг бугунги хатти-ҳаракатингиз яратади. Сиз иккинчи инсонни, яна кимни – энг севган инсонингизни эркidan айирмоқчисиз. Эрк бўғилган жойда севги ўлади. Рашк билан уни тутиб қололмайсиз, балки йўқотасиз. Муҳаббат билан эса уни ўзингизга оҳанрабодек тортасиз. Агар сиз эрта ёки кечани ўйламай, бугун уни хотиржам сева олсангиз, бугун баҳтли бўла олсангиз, сизни ҳеч қандай куч эртага ҳам ажрата олмайди, ёрингиз эса ҳайдасангиз ҳам кетмайди.

Оила ёки каръера

Эркак билан аёл тенгма-тенг қадам босаётган бугунги кунимизда аёл озодликка эришиди. “Кемада аёл киши бўлса, баҳтсизлик келтиради”, деб ирим қилишарди. Бугун эса аёл ҳатто космосга чиқди. Афсус, бугунги аёл кечагидан баҳтли бўлолмади. Ҳам ишлаб, ҳам уй ишларини қилганда, ёшга тўлмаган кичкинтоини боғчага ташлаб, минг хаёл билан тирикчилик ташвишини битирганда билди – ҳақиқий қийинчилик нималигини...

Айрим аёллар: “Ишламасам бўлмайди, ҳозир эр хотин баравар ишламаса бўлмаяпти”, – деб қўйиша-ди. Шундай аёллардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Гапдан гап чиқиб эрлари ишламаслигини айтдилар. Булар ишлаб пул топадилар, эр эса уйда овқат қилиб туради. Ҳуллас, роллар алмашган.

- Эрингиз ҳеч ишламаганми? – сўрадим аёлдан.
- Ишлаган, вақтида жуда яхши топарди, – деб жавоб қайтардилар.
- Сиз пулимиз янада кўпайсин деб ишловдингиз, уларнинг ишлари орқага кетди, тўғрими?

Улар бироз ўйланиб:

– Ҳа, қаёқдан билдингиз? – деб қизиқсинаилар. Мен эса қулиб:

– Бу ҳаёт қонуни-ку, – дәя жавоб қайтардим.

Бундай ҳолатларнинг сон-саноғи йўқ. Айтишингиз мүмкін: “Аёл эрининг ёнига кириб пул топсин, яна гуноҳкор ҳам бўлсин”, – деб. Асло бундай демоқчи эмасман.

Келинг, аниқ раҳамлар орқали шунчаки фактларни кўриб чиқайлик. Социологлар томонидан аёлининг ишлашини эрнинг психологияк ҳолати ва муваффақиятига унча катта бўлмаган, аммо негатив таъсирини аниқлашди. Хотини ишламайдиган эркаклар аёли ишлайдиган эркакларга нисбатан оилавий ҳаётидан қоник-қанроқ ва ишда муваффақиятсизликлари камроқ ва депрессив ҳолатга камроқ тушишлари кузатилди. Яна ҳам қизиги, аёли ишдан бўшаб, уй бекалигини танланганда, эркакларнинг даромади 30 фойзга ошгани кузатилган. Бунинг эрларга таъсири бўлса, болалар учун онанинг уйда бўлиши қанчалик мұхим аҳамиятга эгалиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Онам раҳматли ўқитувчи бўлганлар. Ҳафтада 2 ёки 3 кун уйда бўлардилар. Шу куни ўқишдан уйга шошиб, орзиқиб келардим, чунки уйда бир файз бўларди, меҳригиё бўларди, мени тортаверадиган. Шунга айтса керак-да халқимиз: “Аёлни уйга, эркакни кўчага яратган”, деб.

Агар имкони бўлса, аёлларга уйда қилиш мүмкин бўлган иш билан ёки бирор ижодий иш билан шуғулланишни маслаҳат берардим. Аёлнинг аёллик сифатларини сўндирадиган эмас, уни кучайтирадиган касбни танлангки, унда оила ҳам, сизнинг амбицияларингиз ҳам зарар кўрмасин.

Эркакларнинг 70-80 фойзи ҳаётнинг мұхим аспекти иш деб кўрсатишган бўлса, аёлларнинг 70-80 фойзи оила деб кўрсатишган экан. Шунинг учун ҳам аёлнинг карьерага бўлган интилиши ва эришиши кам

кузатиладиган ҳолат. Аёлнинг ишда катта ютуқقا эришмаслигининг субъектив факторларига келсак, юқори даражадаги масъулият ҳисси ва патриархат дастур. Ёш боласи бор аёлларда оила ва касбий фаолият орасида мувозанатни топа олмаслик кўзга ташланади. Бу аёллар иш ва оила номли конфликт ҳолатида яшашади. Бу нафақат инсоннинг касбий ва шахсий ўсишига ҳалақит беради, балки инсон ўзидан на шахс сифатида ва на хизматчи сифатида қониқмаслигига олиб келади. Ундан ташқари, ишлайдиган аёлларда супер аёл синдроми билан боғлиқ айборлик ҳисси пайдо бўлади. Бу ҳиссиёт таъсирида аёллар кўнгилдагидек она, рисоладагидек аёл, яхши хизматчи бўла олмаганикларининг ўрнини тўлдиришга тушишади. Бу айборлик ҳисси фарзанд билан муносабатда – агар ишда ушланиб қолган ёки хизмат сафарига кетганиларида жуда кўп ўйинчоқлар олиб бериш кўринишида, эр билан муносабатда эса уй ишларининг барчасини ўз зиммасига олиш, ишда эса мансаб курсисини рад этиш кўринишларидан намоён бўлади. Қани энди, ўзига ўзи жабр қилиш шу билан тугаб қўя қолса, у ўзининг саломатлиги устида қайғурмаслиги, косметологга бормаслиги, ҳатто дугоналарига вақт ажратмаслиги билан ҳам ўзини жазолаши мумкин.

Аёллар ичиде лидерликка эришган ва корхонани ҳеч бир эркакдан қолишмай бошқараётган аёллар талайгина. Уларни чин маънода темир хотин деб атаган бўлардим. Бу аёлларнинг аёлга хос юмшоқлиги, меҳри ўрнини эркакка хос қаттиққўллик ва куч згаллайди. Раҳбарлик ниқобини уйга келиб ечиб улгурмаган аёл фарзандига ҳам меҳрибон она эмас, балки раҳбар бўлиб мўомала қиласиди. Эр билан муносабатга эса бу ниқоб жиддий ҳалақит қила бошлайди. Балки, шунинг учундир, эркак лидерларнинг кўринича оиласи намунали, ҳавас қиласи бўлгани ҳолда аёл

лидерлар оилавий ҳаёти ҳар доим ҳам ҳавас қиласа арзигулик бўлавермайди.

Бундай аёлларнинг хатоси раҳбарликни эркакнинг иши деб ҳисоблаши ва бу вазифани кўнгилдагидек адо этиш учун эркакдан уни хулқ-атвору хатти-ҳаракатидан андоза олиши ва натижада ўзлигини йўқотиб қўйишида. Аслида, идеал раҳбар ёки идеал аёл қиёфаси мавжуд эмас. Агар мавжуд бўлса ҳам, уни ўйлаб топган инсон идеал эмас экан, унинг мукаммаллиги катта савол остида қолади. Хуллас, ожиза аёл бир муаммо бўлса, кучлиси икки муаммо, чунки бундай аёлларнинг ютуғи кучлилиги, аммо камчилиги бу кучдан қўрқишида ва ўзини рисоладагидек аёл эмас деб ҳисоблашида. Иккиланишлар, ўз позициясини топа олмаслик тинчгина яшашга халал беради. Яъни уйда ўтиrsa, ҳаётдан ортда қолаётгандек, ишласа, уйдан кўнгли тўлмаётгандек.

Паррандага тумшуқ берилган, арслонга панжа. Ҳар бири табиат берган қурол билан кун кўради. Уларнинг бири билан бирини солиштириб бўлмайди, улар яхши ҳам эмас, ёмон ҳам. Улар яшаш воситаси, холос. Агар сизга Аллоҳ ишбилармонликни бериб, Йўлингизни очиб қўйган бўлса ва бу иш билан шуғулланишни, энг аввало, ўзингиз истасангиз, ҳеч иккимай асосий вақтингизни ишга сарфлайверинг. Уй юмушларини эса техника ва хизматчиларга топширинг, бола тарбиясини эса мутахассисларга. Агар уйда ўзингизни баҳтироқ ҳис қилсангиз, вақтнинг асосий қисмини уйга, оиласга ажратинг. **Унутманг, сиз аёлсиз ва ҳар доим танлаш имконияти сизнинг қўлингизда.** Ишми ёки уй? Маслаҳатим, энг қулайини танланг ва ҳаётингиздан роҳатланиб яшанг. Ўз ҳаётидан кўнгли тўлган онагина комил инсонни тарбиялай олади.

Қандай қилиб уй бекаси стрессларга учрамаслиги ва ҳаётдан қониқиб яшashi мүмкін?

Радиомулоқот вақтида бир аёл ишончсиз овоз билан редакцияга сим қоқди.

— Фарзандим кичиклигі сабабли вақтінчалик үйдаман. Кейинги вақтларда одамларға құшила олмайдиган, одамови бұлыб қолдим. Күчага чиқмасам, транспортда юрмасам дейман, үзимге бұлған ишонч қолмагандай гүё. Үйда ҳам үзимни хотиржам сезмайман. Ҳаётдан мұтлақо ажраб қолгандайман. Ҳаёт эса менсиз қайнайпти.

Уй бекаларида учраб туралған депрессив ҳолат. Айрим ҳолларда социофобия шу даражага етадики, психолог сифатида үйга бориб ёрдам беришимни сұрашади. Бу патологик ҳолат күчага чиқиши зарур бұлмаган одамларда бұлади. Бунинг биринчи сабаби фақат үйдегина үзини хавфсиз ҳис қилиш.

Бегона давлатта борған одам дастлабки ҳафтада әхтиёткорлик билан атрофни күзатади, хавфсизлигига ишонч ҳосил қылған жойигагина боради, одамларға бироз хавфсираброқ қарайди. Чунки бу ерда аввал бұлмаган. Инсонга берилған үзини асраш инстинкті ишлайди. Үйда ўтирган одам ҳам күчага чиқса, худа шундай ҳолға тушади. Анча вақтгача үзини ноқурай сезади. Ақсига русумлар күз очиб юмгунча үзгараётган даврда бир ой күчага чиқмажан өдам үзини бегона шаҳарға тушиб қолгандай сезиши табиий.

Одам үзиге хос энергетик зонага, танага зга эканлиги бүгүнгі күнга келиб ҳеч кимга сир эмас. Ташқарига кам чиқадиган одамда комфорт зона, яғни бегоналар билан мулоқот қилаётгanda үзини құлай ҳис қилиш масофаси кенгайиб кетади. Шаҳарліклар үчүн бу зона тор, яғни улар бири-бирига яқын туриб гаплашади, чунки шаҳарда одам зич яшайди. Одамлар сийрак яшайдиган жойда яшовчилар ва уй бека-

ларида бу ҳудуд кенгайиб, бегона одам яқин келганда бирор ҳавф келгандай үзини ноқулай ҳис қила бошлайди. Бу ноқулайликни тушунолмай айрим ҳолларда ташқарига чиқышдан безиб қолади. Бу ташқи оламга нисбатан дискомфорт сезишнинг иккинчи сабабидир. Бундай вазиятда кўпроқ қариндошларникига мөхмонга бориш, дугоналар билан учрашиш айни муддао бўлади.

Учинчидан эса үй бекасига мулоқот етишмайди. Кўча-кўйда гап сотиб, фийбат қилиб турған аёллар одамнинг ғашини келтиради, аммо улар мулоқотга бўлган эҳтиёжини шу йўл билан тўлдираяпти, холос. Мулоқот эҳтиёжи ҳам инсонга табиий берилган, афсус, үй бекаси ўқиш, иш билан машғул оила аъзолари билан сұхбатлашиш мавзуси жуда тор ва шартли “ҳа”, “йўқ” жавоблари билан чекланади. Гўёки уларнинг кундалик машғулоти мұхим-у, үй бекасининг иши иккинчи даражалидек туюлади, уйда ўтирган аёл үзини номукаммалдек ҳис этади. Ундан жиддий масалаларда маслаҳат сўралмаслиги унинг ўзига бўлган ишончини кескин пасайтиради, атрофдагилар орасида үзини teng эмасдек, номукаммалдек ҳис этади.

Үй бекасининг ҳаётида маъно йўқдек. Кундалик ишлари эса ҳар куни бир хил, оила аъзолари уйнинг саранжом-саришталигини бекасининг мөхнати деб эмас, одатий ҳол деб унинг ишини қадрламаганларида, дунё тор кўринади кўзга. Бир нарсани тушунмайман, нимага үй бекаси билан үй хизматчисини бир деб ўйлашади. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, үй бекаси қанча вазифа бажаради бир кунда. Тозалаш, кир ювиш, овқат қилиш, бола тарбияси билан шуғулланиш, уларнинг дарс тайёрлашига ёрдамлашиш, ота-оналар мажлисига бориш, телефон қўнғироқларига жавоб бериш-у, келган-кетганинг ош-овқатига қараш. Рисоладаги одамнинг иш вақти чекланган бўлса, унинг иш вақти

сүтканинг исталган вақтида энг камида 12-13 соатни ташкил этади.

Агар бу хизматларни қилиш учун одам ёлланса, камида 3 ёки 4 та хизматчи бўлиши керак эди. Лекин уй бекаларининг оғирини енгил қиласидиган техник воситалар борки, у орқали ҳаёт анча енгиллашиб мумкин. Масалан, автомат кир ювиш машинаси сотиб олиб, бошқа оила аъзоларининг ўз кирини ўзи ювишига ўргатиш мумкин.

Уй бекаларидан сўров ўтказилганда уларнинг 60 фоизи куннинг биринчи ярмини қайси ишни бошини тутишни билмай бекор ўтказишар экан. Сизга бир сирни айтай: тонгнинг биринчи соатини қандай темпда бошласангиз, қолган кун шундай ўтади. Ҳар бир кунни ғайрат билан бошланг. Қилишингиз керак бўлган ишларни бир кун олдин режалаштириб қўйинг. Уй сизнинг иш жойингиз экан, уни иложи борича қулай қилинг. Мен ҳар хил ирим-сиримга ишонмайман, аммо феншуйнинг айрим ритуалларига амал қиласман. Сизга ҳам шуларни тавсия қиласдим. Биринчиси, ҳар кварталда, айрим ҳолларда ҳар ойда ўйдаги нарсаларни йигишитириб, ишлатилмайдиган кийимларни ташланг ёки корига яратадиганларга бериб юборинг. Уйда истеъмолга яроқсиз ёки эҳтиёжингиз бўлмаган нарсалардан у ёки бу йўл билан ҳалос бўлинг. Бузилган техника воситалари бўлса, тузаттиринг. Бузилган техника ўлик одам кабидир, уйга келаётган энергияни тўсиб қўяди.

Агар стрессга тушмай десангиз, музлатгични ҳам ҳар куни саранжомлаб, эски озиқ-овқатлардан тозалаб туринг. Булар нафақат ҳаётни осонлаштиради, балки уйга файз ва барака киритади. Уйда осиғлик турадиган суратлар, айниқса, улар вафот этган одамниги бўлса, энергия суғурувчи бўлиб, уй эгаларига салбий таъсир кўрсатади. Уларни оиласвий албомда сақласангиз, мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Үй бекасининг күн давомида бекорчи бўш вақти-нинг бўлиши стрессларга сабаб бўлса, ана шу бўш вақтни ҳоббиларга, қизиқишларга, ижодий ишга сарфлаш ҳақиқий терапия бўлади. Қизиқиш, мутолаа, тикиш-бичиш ёки пишириш, тўқиш бўлиши мумкин.

Үй бекалариниг ҳаёти мазмуни вақтининг кушандаси санаалган сериалларга ҳеч қандай қарши фикрим йўқ. Дам олишнинг бир шакли, аммо сиз кўрадиган сериаллар меъёридан ошиб кетиб, ўзининг кетма-кетлиги билан куннинг асосий қисмини олиб қўйса, бу умрнинг заволидан бошқа нарса бўлмайди. Кўрадиган сериалларингизни сараланг, бир-иккита қисмини сабр билан кўрмасдан ўтказиб юборсангиз, секин-аста унга тобелигингиз йўқолади, вақtingиз ўғриси биттага камаяди. Сиз кўрмассангиз, ҳеч бўлмайдиган сериалларга келсак, ишингизни шундай режалангки, айни вақтда ҳам сериал кўриб, ҳам бирор юмуш билан шуғулланинг: тикиш-чатиш, овқат тайёрлаш, даэмол уриш каби. Шунда иш ҳам қолмайди, сериал ҳам. Үй юмушларини тўғри режалаштириб, самарадорликни ошириш ҳар бир вақтдан унумли фойдаланиш мумкин, аммо ҳар қандай саришта бекага ҳам овқат тайёрлаш айрим ҳолларда малол келади, оғир юқдай туюлади. Ҳар куни тансиқ таомлар тайёрлаш шарт эмас, тез тайёрланадиган таомлар, қайнатма овқатлар, полуфабрикатлар орқали бу хизматни ҳам камайтиринг.

Десерт учун пишириқ, тортлар ўрнига ҳар хил мевалардан шириналклар тайёрланг. Үлар ҳам мазали, ҳам фойдали, ҳам кам меҳнат талаб этади. Энг муҳими, буни болалар ҳам қила олади. Овқат тайёрлаш вақтида иложи борича кайфиятингиз кўтаринки бўлишига эришинг, уни меҳр қўрингизда пиширинг. Ахир уни сиз учун энг қадрли бўлган инсонлар тановул қиласди. Алоҳида меҳр билан тайёрланган таомлар мазали бўлибгина қолмай, шифобахш хусусиятга ҳам эга бўлади. Ёмон кайфиятда пала-партиш, санса-

лорлик билан тайёрланган таомларнинг организмга таъсири қандай бўлишини тасаввур қиласеринг.

Овқат тайёрлаш жараёнида нафақат кўтаринки қайфият, балки алоҳида роҳат олишни истайсизми? Бунинг йўли таом тайёрлаш ва уни дастурхонга тортишни санъат даражасига етказинг, яъни бу ишга ижодий ёндошинг. Бунинг учун ўзгармас рецепт билан таом тайёрлайвермай, креатив ўзгартиришлар киритинг. Оддийгина маставани одатдагидан бошқача тайёрланг. Аввал қовурма қилган бўлсангиз, бу гал қайнатма қилиб кўринг, келаси сафар эса гуруч ўрнига дуккаклилардан солиб кўринг, кашнич ўрнигарайхон билан тортинг. Ҳар хил зираворлардан эксперимент қилиб кўринг. Мен сизга ошхонани чин маънодаги лабораторияга, уй бекасини ҳақиқий ижодкорга айлантириш усулини энг оддий бўлган ўзбек таоми мисолида тушунтиридим. Тасаввур ва қобилиятларни ишга солсангиз, эҳтимол, мутлақо янги таъмлар ва таомлар ихтиро қиласиз. Ким билади, сизнинг қанча очилмаган қобилияtlарингиз мана шу тўрт девор ичида очилиб кетар. Балки, уй ишларини енгиллатувчи бирор усул ва мосламалар яратса оларсиз. Биз ҳозирда кенг фойдаланаётган, уй бекасининг ҳақиқий дастёри – чангютгични оддий фаррош аёл ихтиро қилган, автомобил ойнатозалагичи ҳам аёл ижоди маҳсулидир. Сиз ўзингизни нимага қодир эканингизни кўрсатишингиз учун давлат ишида ҳар куни 8 соат ишлашингиз мутлақо шарт эмас.

Молиявий мұаммолар оиласиң баҳтга раҳна солғанда

Деярли барча оила бу мұаммога у ёки бу даражада дуч келади. Кимдир буни вақтинчалик синов деб қабул этса, кимдир учун одатдаги қулайликнинг бузилиши катта фожиа. Оиласиң баҳтнинг ўлчови монадилларни муддатлайди.

лиявий ахвол бўлмайди деймиз-у, аммо пул бизга зарур энг туб эҳтиёжларни қондириш учун керак. "Куруқ севгига қорин тўймайди", деган тап бор-ку. Айрим аёллар: "Агар пул муаммоси бўлмагандага эди, биз тўла баҳти бўлардик", - дейишади.

Баҳт, ўз ҳаётидан кўнгил тўлиши ташки факторларга ҳар доим ҳам боғлиқ бўлмай, балки баҳтиёрлик инсоннинг ички ҳолатидир. Беҳисоб пул берсангиз ҳам, уни 1-2 кун, ана боринг, 1-2 ҳафтадан ортиқ эйфория (ҳақиқий ахволга мос келмаган ҳолда кайфиятнинг кўтаринки бўлиши)да ушлаб туролмайди. Ростдан ҳам, пул баҳт ўлчови эмас, бор-йўғи айирбошлаш воситаси. Менимча, тушунган бўлсангиз керак, инсоннинг бой ёки камбағал бўлиши, унинг қанча кўп ишлаши ёки уддабуронлигига эмас, пулга бўлган муносабатига боғлиқ. Эр даромади яхши бўлмаса, нима қилиш керак? Келинг, амалий маслаҳатларга ўтсак, яъни оиласиб баҳтга пулнинг камлиги соя солса, нима қилиш керак, деган саволга биргаликда ечим изласак. Кўпчилик аёлларнинг тутадиган йўли нолиш, эр ҳар куни ишдан келгандага уни "арралаш" ва энг ёмони, уни бошқа эркаклар билан солиштириш: "Синглимнинг эрини кўринг, машина кетидан машина олади", "Ўртоғингиз фалончини кўринг, пулни пулга уради", "Сизга теккунча, фалончига текканимда ял-ял ёниб юрардим, пешонам бунча шўр бўлмаса" ва ҳоказо.

Бундай ҳолатда эркак ҳар қандай мұваффақиятга эришмасин, бир чақалик қадри қолмайди, чунки уни ўйда сурункали норози хотин кутади.

Нима ҳам дердик, бу тур аёллар эркакни бирор ишга рағбатлантиришнинг нолишдан ўзга усулини билишмайди. Келинг, бундан аслида қандай натижалар келиб чиқишини кўрайлик. Биринчидан, эрингиз ўйдан безади, иккинчидан, ўзига бўлган ишончи пасаяди, учинчидан, ўйга эркак ғалвали ҳаёт ташвишлари-

дан дам олиш учун келади, афсус, жағи очилған хотин дастидан у беш баттар чарчайди, бирор чора топиш эҳтимоли янада пасаяди ва энг ёмони бу үйда ўсаётган фарзандларнинг пулсиз қолиш қўрқуви пайдо бўлади. Бу уларнинг келажакда молиявий муаммолар ичидаги яшашига замин бўлади.

Америкалик руҳшунослар 1000 та оиласада кузатиш олиб боришган ва шунинг гувоҳи бўлишганки, ҳар 1000 та эркакнинг ҳаммаси учун аёллардаги энг чираб бўлмайдиган хусусияти жавраш экан. Шу ўринда инвестор ва бизнес тренер Роберто Киосакининг фикрларини келтирсам: **“Ўзига ишончи бўлмаган инсон ҳеч қачон бой бўла олмайди”**.

Сиз ҳар куни эрнинг ишончини синдириш билан бирга ўз ризқингизни қияяпсиз. Агар шунда ҳам шу усуслни маъқул кўрсангиз, эрни топарман-тутармон қилиш дастурингизда сизга омад тилашдан бошқа нима ҳам дердим.

Үйдаги об-ҳавонинг қандай бўлиши қўлида бўлган азиз аёл, илатимос, эрни эговлашни бас қилинг. Толсто-ю Сукротлар ўз оиласада ҳаловат топа олмагани учун ҳаётининг асосий қисмини үйдан ташқарида ўтказишган. Агар уларнинг аёллари бироз сабрли бўлишганда инсоният янада кўпроқ дурдоналарга эга бўлган бўлармиди?

Яна бир тур аёллар молиявий муаммо пайдо бўлганда, енг шимариб пул топишга тушиб кетишади. Бундай аёлларнинг хизмати таҳсинга сазовор. Агар улар эрни бир чеккага суриб қўйган бўлмаса. Масаланинг яна бир томони бор. **Масъулият аёлни заифлаштиради, эркакни эса кучайтиради. Масъулиятни елкага ортиб олган аёл, яна бир бор ўйлаб кўринг, эрингизга қанчалик ёрдам бераяпсиз бу билан?**

Сизга бир сирни айтай, эрнинг қанча пул топиши хотинга жуда кўп жиҳатдан боғлиқ. Кузатишларнинг кўрсатишича, меҳрибонлик ва ҳақиқий аёллик билан

бойлик ўртасида боғлиқлик бор. Үнүтманг, аёл – эрни муваффақиятларга рухлантириб турувчи илхом париси. Энг биринчи вазифангиз үнга унинг қобилият-у имкониятларига ишончингиз ва бу ишончни вақти-вақти билан изҳор қилиб туришингиз. Яқинда бир мижозим айтиб қолди: “Агар катта пул топиш керак бўлиб кун-у тун шунинг хаёли билан бўлиб ташвишлансам, аёлим келиб “Нима гап?” деб сўрайди. Муаммони айтсам “Э, сиз учун шу пул муаммоми, уни, албатта, топа оласиз”, – дейди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 24 соат ичидаги шу пулни топаман”.

Ҳа, соддагина уй бекаси бўлган оддий аёлнинг ишончи ҳақиқий мўъжизалар яратишга қодир.

Хадича онамизнинг пайғамбаримизга бўлган ишончлари ва биринчи мусулмон бўлишдек баҳтга мушарраф бўлишлари ва ниҳоят, қийинчиликларга қарамай, ҳар қандай ҳолатда ҳам Расулуллоҳ (с.а.в)ни ҳам моддий, ҳам маънавий таъминлаган бу афсонавий аёл ҳар биримиз учун бир гўзал намуна. Сарвари олам аёллари ҳеч бир иккиланиш-у танқидларсиз ишонч билдиргани ва иймон келтирганлари учун ўз ҳолатлари ва келган ваҳийларни биринчи улар билан ўртоқлашардилар. Бу буюк ишонувчи нафақат Расулуллоҳ (с.а.в)нинг ҳаётларини обод қолдилар, балки ислом оламида чуқур из қолдирдилар.

Агар ёрингиз ўз кечинмаларини, орзу-ҳаваслари-ю режаларини сиз билан бўлишаётган бўлса, у сизнинг далдангиз, ишончингизга муҳтоҷ. Ишончингиз, далдангиз билан үнга куч беринг, унинг иши, режалари, ғоялари билан қизиқинг. Бутун дунё қарши бўлса ҳам, сиз у томонда қолинг. Ва албатта, сарф-харатни топиш-тутишга яраша қисқартиринг, борини режалашга ўрганинг. Үнүтманг, ҳеч қандай синов **абадий эмас**. Ахир, бир умр гўштсиз овқат емассиз.

Бир аёл мижозимнинг эрини ишга солиш усули мени ҳайратда қолдирди. Агар уйда бирор таъмир

қилдирмоқчи ёки бирор мебел олишни хоҳласалар, эрга: “Шуни қиласан”, – деб буюрмасдан, “Агар меҳмонхонани таъмир қилиб, унга фалон қандиљни олсак ва фалон мебелни олсак, қандай зўр бўларди-я!” – деб иштаҳа билан гапириб кетарканлар. Уларнинг рекламалари шунчалик юқумлики, беихтиёр сиз ҳам шуни хоҳлаб қоласиз, шубҳасиз, эр ҳам бу яхши маънодаги қармоққа илинар экан. Қарабисизки, топилмаган пуллар топилиб, битмаётган ишлар битиб кетар экан.

Тўқис яшай деб кўйиб-ёнаётган аёл, эҳтимол, сизга кўп пул топиш учун жасорат ҳам, жисмоний куч ҳам бермагандир Худойим, аммо энг муҳим хусусиятни – ўддабуронлик ва яхши маънодаги айёрликни берган. Ақлу заковатингиз ва фантазиянгизни ишга солиб ёрингизни келажакни тасаввур қилиши, ўз олдига режалар қўйишига ёрдам беринг ва ўз мақсадингизга биргаликда эрнинг розилиги билан эришинг. Бу синовдан шунчалик санъаткорона ўтингки, у бошқа аёлларга ўрнак бўлсин.

Қийналган вақтингизда сиз энг кўп эшитадиган сўзни мен ҳам қайтараман: борига шукур қилинг. Ярми бўшу ярми тўлган шишанинг бўш томонига эмас, тўла томонига диққатни қаратинг. Сиз энг кўп диққат қаратадиган нарса кўпайиш хусусиятига эга.

Инсон пулни яратган, пул инсонни эмас. Куч-қудрат эгаси инсон, пул эса унинг ҳаётини енгиллаштирувчи бир восита, холос.

УЧИНЧИ БОБ

ОИЛАНИНГ ТАШҚИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ

Қайнона билан яшашнинг минг бир фойдаси

Бир йигит хотини билан саёҳатга чиқмоқчи бўлибди. Буни эшитиб унинг онаси:

- Мен ҳам, – дебди.
- Ойи, қайнона-келин тортишувларидан дам олиш ҳам расво бўлмасин. Бу гал сиз қолинг, – дебди ўғил.

Эр-хотин кетаётган поездга талончилар чиқиб, ҳамма нарсани олиб қўйибди.

Асабийлашган эр:

- Хонавайрон бўлдим, ҳеч вақойим қолмади, – деб қичқирибди. Шунда хотин:
- Йўқ, жоним, мен қимматбаҳо тақинчоқларни сақлаб қолдим. Талончилар яқинлашиши билан мен ҳаммасини ечдиму. оғзимга солдим.
- Ажойиб, – дебди эр, – аммо ойимни қўшиб олганимизда бутун чемоданни сақлаб қолардик.

Қаранг, қайнона ёнингизда бўлса, қанча фойда. Яна алоҳида яшашни орзу қиласиз-а. Нима “Мени эримга ёмонлайди”, – дейсизми? Бу яхши-ку. У қанча ёмонласа, ёрингиз сизни шунча оқлашга тушади. Бунинг учун сизни яхши томонларингизни топишга ҳаракат қилади. У сизларнинг орангизда қанча ғов бўлса, ёрингиз сиз томон шунча интилади. Чунки у болалигидан “қилма” дегани қилиб келган. Тинмай иш буюради, дейсизми? Албатта, у сизга яхши бўлсин дейди. Ҳаётингизни қанчалар ёмонлиги ҳақида ўйлашингизга вақт қолдиришни истамайди.

Рұхшуносликда меҳнат билан даволаш терапиялари бор, демак, у шундан хабардор. “Эшигимни туну кун пойлайди”, – дейсизми? Туну кун пойлайдиган

тан қўриқчини яна қаердан топасиз? Қоровул ёлласангиз, ҳеч ким бунчалик садоқат билан киприк қоқмай қўриқламайди. Она-да, она фарзанди тинч бўлсин дейди. Бахтимизга қайноналар яшасин!

Қайнонасидан мингирилаб нолиган келинларни жним сўймайди. Бир-икки марта нолиб кўрсангиз, одат бўлар экан. Бу сизга шу жабрдийда роли ёқиб қолибди дегани.

Эҳ, қани энди алоҳида турганимда... Қани энди, онаси йўқقا текканимда... Қани энди, қайнонам онамга ўхшаган бўлса...

Бу армонларнинг чеки йўқ, аммо бу каби ўз баҳтисизлигингизни бирорга ағдаравериш заарли. Ҳаммасини тушунтиришимдан аввал илтимос, кўз ёшингизни артиб олинг. Эзилган келин бўлишни йигиштиринг. Қайнонангиз ҳар қанча жодугар бўлса-да, айни вақтда ёнимизда йўқ. Демак, сиз айтган муаммо ҳам айни дамда йўқ. Хотиржамлашдингизми? Унда давом этамиз. Яна қайтараман, илтимос, бундай кайфиятингиз ёмонлиги, эрингиз билан келиша олмаслигингиз, болангизни асабийлиги ҳамма-ҳаммасини қайнонага ағдарманг. Муаммони ичингиздан қидиринг, чунки унинг ташқарига алоқаси йўқ.

Психолог Франкл немис конслагерига тушиб қолади. У яҳудий бўлган. Қийноқлар ичиде Франкл ўзи учун ҳақиқатни кашф этади: **агар инсон нима учун яшаётганини билса, қандай яшаш мумкинлигини топади**. Демак, инсоннинг ҳаётда бир мақсади бўлса, у баҳтлидир.

Бу психолог конслагерда катта шуҳрат қозонди. Асиrlар қийналган вақтида унинг олдига келиб, сұхбатидан баҳраманд бўлиб енгил тортишди. У конслагердан соғ-омон халос бўлганда эса на хотини, на фарзандлари ва на синглиси тополмайди. Үларнинг бари үрушнинг қурбони бўлганини билади. Мутлақо ёлғиз қолган Франкл шунда ҳам руҳини туширмайди,

у ўз ишини давом эттиради. Бутун дүнёда ўзининг янгича қарашлари билан шұхрат қозонади. Чүнки у атрофдаги бұлаётган воқеаларга мұносабат билдиришда танлаш имконига эга эканини билади. У атрофдагиларни, борлықни ўзgartиришга ҳаракат қылмайди, балки ўз ички дүнёсінің ўзgartиради, натижада ташқи дүнё ҳам секин-аста унинг буюртмасига биноан ўзгара бошлади.

Үйлайманки, сизнинг уйингиз конслагеру қайнонанғиз фашист әмас. Агар шундай бұлғанда ҳам, ўша дўзахда әзилиб, мазлума ҳис қилиш ёки ҳеч нарсага қарамай баҳтли ҳис қилиш ўз қўлингизда. Сиз 50-60 ёшли қайнонани ўзgartираман деб хомтама бўлманг. Сиз ўзингизни ўзgartиринг, шунда у ҳам ўзгаради. Қандай ўзgartирай дейсизми? Оддийгина мұносабатни ўзgartириб. Шошилиб кетманг, сизга бўйин эгиб қул бўлинг демаяпман. Масалан, қайнонанғиз билан одатдаги жанжал ёки тушумовчилик бўляяпти, одатда нима қиласдингиз, гап қайтарармидингиз, ҳозир эса айни вақтда ички оламингизга киринг. Ана, нималарни ҳис этаяпсиз, танаада нималарни сезаяпсиз? Юракда санчиқми, гапиролмай бўғилаётганингизни ми, титроқми? Шуларга диққат қаратинг. Фазаб катта куч, уни сезмаслик мүмкін әмас. Бир неча дақиқа ўтгач, сиздаги фазабдан асар ҳам қолмайди. Қайнонанғиз эса сиздаги ўзгаришни кўриб ҳайрон бўлади, балки “Эси оғиб қолдими?” деб хавотир ҳам қилас. Кўрдингизми, қанча нарса ўзгарди. Энди унинг талабига келсак. Қайнонанғиз сиздан нима истайди, бир ўйлаб кўринг, унинг талаби нима? Сизнинг хушмумалангизнами, чиройли уй тутишнами? Имконингиз борича бу ишларни меҳр билан қилишга уриниб кўринг, сиздаги ғайратни, уйга бўлган меҳрни кўриб, қайнонанғизнинг ҳам тош юраклари эриса ажаб әмас. Кўп әмас, 30 кун шу таҳлит яшаб кўринг. Агар шу вақт ичидә ҳаётингиз яхши томонга ўзгарса, шундай яшаш

ёқса, давом этасиз, ёқмаса үнүтинг. Энди эса сұхбатимиз аввалида ваъда берганимдек қайнона билан яшашнинг фойдалари:

– Уйни энг ишончли қўлларга хотиржам ташлаб кета оласиз.

– Ҳомиладор бўлсангиз, ахир у ҳам аёл, тушунади, ваҳима кўтарадиган ёрингиздан фарқли ўлароқ биринчи ёрдам кўрсата олади.

– Фарзандингиз билан бирор муаммоли ҳолат чиқса, масалан, касал бўлиб қолса, югуриб қайнананинг олдига борасиз: «Ойижон» деб. Бўлмаса, қўшнининг эшигини тақиллатасизми?

– Қайнананинг фарзанд тарбиясида роли беқиёс. Фарзандингиз ёмон йўлга кирмайди, чунки сиз йўғингизда буви назоратида.

– Овқатингиз тагига олганини тагига олишидан бир соат олдин айтиб қўяди.

– Эрталаб уйғотувчи қўнғироқقا ҳожат йўқ.

– Кечқурун ҳамма ишларингизни тугатмай ухлаб қолмаслигингизни таъминлайди.

– Онангизнинг қадрига етасиз. Бу эса савоб.

– Фарзандингиз кўпчилик билан мулоқот қилишга ўрганади, чунки уйингизда ҳар куни келди-кетди.

– Фарзандингиз келинлик тарихингиздан сиздан яхшироқ хабарлор бўлади

– Фарзандингизни шундоқ ойижонингиз олдиларига қўйиб, ҳозир келаман деб, 2 соат йўқ бўла оласиз.

– Ёрингиз билан муаммо чиқса, сизни ёнингиз бўлади, чунки сизни ҳар қанча ёмон кўрмасин, икки фалокатдан бири, яъни сизнинг ажрашмаслигингизни танлайди.

Аслида, қайнанангиз сиз ўйлагандек зарарли эмас, фойдаси эса ростдан ҳам ҳисобсиз. Ҳа, мен 1001 та келтираман девдим, нима қилай, китоб ўқиётган қайнанаси йўқлар сабри етмай уни улоқтирвориши мумкин. Агар роса истасангиз, узундан-узоқ рўйхатни

электрон почта манзилингизга юбораман. Лекин бу яхши сифатларни ўзингиз топсангиз яхшироқ бўларди. Демак, ана шу 30 кун ичидаги ойижонингиз билан яшаш қандай яхши эканлиги рўйхатини 1001 тага етказинг. Бу ишга ёрингизни, овсинларингизни, ҳатто қайнаннангизнинг ўзларини ҳам жалб қилинг. “Нега?” деб сўрашса, “Руҳшунослар оила мустаҳламлиги учун шундай маслаҳат беришди”, – деб айтинг. Натижасини тезда кўрасиз. Шунча гапдан кейин ҳам “Сиз қайнанамни билмайсиз-да”, деяпсизми? Агар у заҳарли илон бўлганда ҳам, бир яхшилиги бўлиши тайин ёки гапни тўғри тузинг: “мен бу қайнона билан қандай қилиб баҳти яшашни, тил топишишни билмайман”, деб. Билиш учун эса яқинроқ бориш керак. Ҳатто энг заҳарли илоннинг ҳам заҳридан дори-дармон тайёрлаш мумкин. Сиз эса зулмкор кўзлардан меҳр-муҳаббат топа билинг.

Аёл ҳоким оиласида ўсган эркак билан яшаш осонми?

Қайнанангиз ўйда ҳал қилувчи фигура бўлса, яъни ҳукмрон, унда ёрингиз яшаб қолишни айрим усуllibriga кўникиб тарбияланадики, бунда у билан яшаш осон бўлмаслиги мумкин. Келинг, аввал бу оиласи ўрганиб чиқайлик. Аёл ҳоким оила ва унда ўсаётган фарзандлар ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар, қандай феъл-атвор эгаси бўлиши ёки қандай тақдир маҳкумлигини айтмай қўя қолай. Чунки ҳар бир оила ва унда камолга етаётган ҳар бир фарзанд ўзига хос. Оиласида эркак устун бўлиши керак деган археик тасаввурлар бугунги кунда русумдан бир мунча қолган, аммо аёл мутлақ ҳукмдор бўлган оила ҳали ҳам хунук ва уят бир манзара сифатида ўз мавқеини йўқотмаган. Агар эр оламдан ўтган ёки ажрашган бўлса, албатта, аёл истаса-истамаса лидер, лекин эр

билин яшаб туриб уни бир чеккага суреб қўйилган оиласда руҳияти соғлом фарзандлар үлғайиши эҳти-моддан йироқроқ ҳолат.

Фарзанд эр-хотин ролларини оиласда ўрганади ва ота-онадан асосий андозани олади. Аммо бу андоза олиш вақтида эр-хотин роллари алмашингани аниқланса, ота-онага ролларини тўғри қабул қиласлик бошланади, натижада нафақат ёмон эр ёки хотинлар пайдо бўлади, балки жинсий ориентациянинг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Қиз бола онасидан нафратланиши, ўғил эса онага тақлид қилиши мумкин.

Одатда бундай аёллар нафақат эрга ҳукмини ўтка-зади, балки фарзандларнинг ҳам бурнидан ип ўтка-зид олади, бу эса шу оиласда ўсиб-унаётган эркакнинг руҳиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Аёл ҳоким бўлган оиласда тарбия кўрган ўғилларни тоифалаймиз.

1-вазият. Хотинига нисбатан зуғумкор. Отасининг куни бошига тушишидан қўрқади. Шу сабабли хотинни доим тергов қилиб боради.

Невротикларга хос ҳусусият – ўз ота-оналаридек умр йўлдош танлаш ва уларни ўзлари хоҳлагандек кўришга эришиш. Яъни эркак онасига ўхшаган аёлга ўйланади ва қайта тарбиялашга киришади.

Бу хотинга нисбатан ўз зуғумини ўтказадиган эр уни отасига ўхшашдан қўрқадигина эмас, балки онасига тақлид қиласди, деган бўлардим. Агар зуғум, жанжал-тўполонлар ҳеч қандай сабабсиз юз бераб, оила тинчлигини асаблари мувозанатлашмаган эр бузаверса, у ҳолда бундай муҳитда фарзанд тарбиялаш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бу дегани эрим касал экан деб, ажраиш керак дегани эмас. Эрингизни қайта тарбиялайман деб хомтама бўлманг, бу феълатвор 20-30 йилдан бери шакллантириб улгурган. Агар шу эркак билан тақдирингизни боғлаган экансиз, де-

мак, унинг яхисига ҳам, ёмонига ҳам шериксиз. Ота-онасини таҳлил қилишдан тийилинг, чунки унинг ичидаган шундоғам кураш кетади, ёғга олов пуркамаган маъқул. Эрингиз ёш бола каби уни алдаб-сулдашга түғри келади, гоҳида. У ҳокимиятни йўқотиб қўйишдан хавфдами, бундан ҳалос қилишнинг осон йўли бошқалар олдида унинг лидер эканлигини намойиш қилиш. Бу унинг ота-онаси, дўстлари бўлиши мумкин. Жуда кўп айёр хотинлар шу йўлни тутишади. Одамлар орасида, эрнинг асаби бузилганда, кайфи бор бўлса “Бегим, сизники маъқул”, деб туришади. Ақлли хотин тенг-тенг олишиб баҳслашмайди. Сиз шу йўл билан уни ҳовуридан тушира олсангиз, марра сизники. Энди у зулмкор эр образидан оддигина уй мушугига айланиб қолади. Энди исталган буйруқни амалга ошириш мумкин, лекин эҳтиёткорлик билан, чунки уни билиб бўлмайди, кутилмаган вақтда мудраётган арслон ўйғониб кетиши мумкин. Агар муроса-ю мадора оғир бўлаётган бўлса, ишонинг эрингиз учун ҳам бу азобли эҳтимол, унга мутахассис ёрдам бера олар ва у психологга мурожаат қилишга истак билдирап.

2-вазият. Ўзини пошна остидагина хотиржам сезади. Ўйлангунча онасининг, кейин эса хотинининг аравасига тушиб олиб кетаверадиган йўловчи эр.

Ўйда эркак аёлни кўзига қараб яшаган оиласида ўсган фарзандлар аёлга бўйсунишга мослашганлиги туфайли ўғил вояга етиб ўйлангандан кейин онасини янги онага, яни хотинга алмашиб, энди унинг чизган чизигидан чиқмайди. Чунки бу итоаткор эркак бечора қачонлардир бу шафқатсиз ҳаётда шу усул билан яшаб қолган эди, аммо ҳар доим ҳам бу усул иш бермаслигини қайдан ҳам билсин?!

Одатда, хотинлар эрнинг бу ожиз томонидан фойдаланадилар, олдин она тарбиялаган бўлса, энди хотин янгича тарбия үсули билан таъсир ўтказа бош-

лайди. Бу қачонлардир қанотлари қирқилган бургутни озгина бўлса ҳам, ҳаётга қайтармоқчи бўлсангиз, уни ўзига қўйиб беринг. Унинг ҳаётига, хатти-ҳаракатига, ишларига ҳадеб аралашаверманг. Ҳаётда масъулиятни олишга сизнинг пассивлигингиз уни мажбур қила олади. У ўзидан фаол одамнинг олдида ён беришга ўрганган. Хуллас, танланг, сизга қандай эркак керак? Сиз ўз ноғорангизга ўйнатадиганми ёки ҳақиқий ўз фикрига эга, ўзига ишонган комплекслардан халос бўлган эркакми? Кейин шунга қараб йўл тутаверасиз. Үндаги мудраётган ҳақиқий эркакни уйғотмоқчи бўлсангиз, ҳақиқий аёл бўлинг.

3-вазият. Онаси – авторитет. Бутун умр унинг чизиғидан чиқмайди. Кўпинча бир неча марта уйла-нади.

Онасиниг ўғиллари янги ҳаётга мослашмаган, яъни ҳаётидаги янги аёлга кўника олмай ҳали ҳам онаси-нинг ўғиллигини давом эттираётган эркак. Бу эркак жисмонан улғайса-да, руҳан болалигича онасининг этагига ёпишиб қолган. Агар қайнонангиз сизга уни тақдирини ишониб топшира олса, ҳаётингизга ара-лашмайди, аммо ишонмаса, ишингиз қийин. Сиз она-дан кучли чиқсангиз, сизнинг макрингиз ундан устун бўлса, зерингиз сизга тобе бўлади. Агар уddaрай ол-масангиз, гўшт ҳам эмас, балиқ ҳам эмас, эркак билан яшашга маҳкумсиз. Агар у сизни хавфсиз ин-сон эканлигингизга ишонса, секин-аста онанинг ара-лашувисиз муносабат қилиши мумкин. Унутманг, у ҳали бола, у билан қандай муюмала қилиш кераклиги-ни аёллик инстинкти билан билсангиз керак. Уни меҳрибон она бўлиб бошини силашга шошмасдан, унга катта одам деб қаранг ва ҳурмат қилинг, ажаб эмас, унинг улғайишига эришсангиз.

4-вазият. Том маънодаги хотинчалиш эркак. У ҳамма нарсада, ҳатто хатти-ҳаракатларда ҳам она-сига тақлид қиласди.

Бундай эркаклар ўзгартыриш юзасидан бирор мас-лаҳат беришдан ёки бирор мұйжизакор үсул билан ўзгартыриш мүмкін деб ишонтирмайман ҳам, аммо шуни айтиш мүмкінки, бундай эркаклар маълум са-бабларга күра жинсий ориентацияси ўзгарғандыр. Бу жинсий ҳаётга таъсир ўтказмаслиги ҳам мүмкін, аммо бу дегани уларда рухий муаммо йўқ дегани эмас. Бунинг сабаблари отасиз үсиш ёки отасини тан ол-маслик ёки үндан қаттиқ нафратланиш ҳам бўлиши мүмкін. Бу феъл-атворнинг ёмон тарафи бу инсон-нинг фарзандлари, айниқса, ўғиллари учун жиадий муаммо саналиши мүмкін. Эркакдаги бу хусусиятни билиш учун үнга тегиш шарт эмас, яъни бир ёки бир неча учрашувда буни bemalol аниқлаш мүмкін эди. Шунда ҳам тақдирингиз бундай эркак билан қандай боғланиб қолганини тушунмаётган бўлсангиз, демак, сизда ҳам қандайдыр муаммолар бор, эрни тузатишга шилдат билан киришишдан ёки үндан юз ўгиришдан олдин ўз муаммоларингиз билан ишланг. Балки, сиз-нинг бундай эркаклардан қўрқувингиз туфайли эрин-гиз шундай кўринаётгандыр.

Хулоса. Бир эртакда айтганидек, ҳамма нарса ўз ўрнида келса. Қиши қишида, ёз эса ёзда. Табиатнинг қоидалари бузилишидан Аллоҳнинг ўзи арасин. Мустаҳкам оиласи эса ҳар доим забардаст эркаклари-миз ўз аёлига муҳаббат ва ҳурмат билан бошқара-версин.

Қайнона она бўла оладими?

Келиним билан гаплашдинг деб, энди қовоқ-тум-шук қилманг. Биласизми, рухшунослик касбини нега танлаганман, ҳуқуқшуносликни эмас, чунки улар фа-қат бир киши билан ишлаша олади: ё айбланувчи билан ё жабрланувчи билан. Бизда эса ўгайи йўқ, натижада эса мижозларимиз уларнивидан икки марта

күп. Вой бү, сизни бундоқ яқин олиб кайфиятингизни күтариш ҳам қийин бўлиб қолибди. Анчадан бери шунаقا қовоқ үйиб юрибсизми? Ҳа, классик қайнона ролига роса киришибсиз-ку. Эҳтиёт бўлинг, бу ниқоб жуда хавфли, энсаларнинг бунаقا қотиши қон айланышни ёмонлаштиради. Бекорга келинлар стресс билан, қайноналар эса қон-томир касалликлари билан дард чекишмас экан.

Аёл милиционернинг олдига келиб:

- Анави бурчакда турган эркакни кўраяпсизми, у мени тинмай асабимга тегаяпти, – дебди.
- Мен уни кузатиб турибман, – дебди милиционер аёлга жавобан. – У ҳатто сиз томонга қайрилиб қарамади ҳам.
- Айнан шу асабимга тегаяпти-да.

Қайнона бўлсангиз ҳам, аёлсиз-да. Менинча, сизга ҳам озгина зътибор етишмай қолган. Келинингиз эса айни зътибордаги вақти. Биламан, айтаяпсиз осонми ўғил ўстириш, бир парча этни одам қилиш, уйқусиз тунлар, йиғласа йиғлаб, кулса кулганим. Энди кеча келганни деб, мени унуди-қўйди болам.

Э, ҳа гап буёқда экан-ку. Бу табиат қонуни, ўғлингизни сизга ва хотинига бўлган муносабатини солиштирманг, жуда хунук манзарани эслатаяпти, бу. Астағфируллоҳ, сиз қандайдир золим қайнона эмассизки, ундан айблов қўйилса. Табиат қонуни – она болам дейди, болам қиз бўлса, у ҳам болам дейди, ўғил эса хотиним. Сиз билан мен минг қарши чиқмайлик, бу қонунни бўза олмаймиз. Ахир оқимга қарши сузган билан дарё оқимини ўзгартиромайди, сузувчининг ҳолдан тойгани қолади. Сиз-чи, ҳали ҳаётда қиласидиган қанча ишларингиз бор, унга эса куч керак. Ҳозирги келинлар бошқача, ҳа, бошқача.

Йигит маликани севиб қолибди. У эса барча маликалардек: “Шартим бор”, дебди.

Йигит хўрсиниб:

– Биламан, мендан онам юрагини сўрайсан, менинг қўлим бормайди, ахир биттагина ўғил бўлсам, қандай қилиб ўз қўлим билан...

Қиз:

– Онангнинг тоз юрагига йўл қидириб овора бўлиш ниятим йўқ. Менинг шартим тўй дабдабали бўлади, деколте З милёнлик кўйлак кияман, фалон салондан, тўй саёҳатига Европа, ҳа майли, Туркияга борамиз. Алоҳида, ҳамма қулайликлари бор шаҳар марказидан квартира.

Йигит замонавий йигитлардан эмасми, ичида: “Уйланниб олаверай, кейин бир гап бўлар”, деб ўйлабди ва:

– Розиман! – дебди. Қиз ҳам пишиқ эмасми:
– Ҳа, аввал квартиранинг қалитини олиб келасан,
– дебди.

Йигит онани қошига келиб:

– Она, мен бир қизни севиб қолдим. Шунга уйлансан дейман, – дебди. Она ҳам:

– Яхши, аммо шартим бор: келин импорт мебел олиб келса, ҳамма хизматимни қилса, менинг гапим қонун бўлса. Битта имоим билан нима истаётганимни тушунса. Соат 4 да туриб, кечаси 12 сиз уйга кирмаса. Ойлигини қўлимга олиб келиб берса...

Шартларни эшишиб аҳволи ундан-да танг бўлган ўғил уйдан қочиб чиқибди-ю, кўчада қоқилиб йиқи-либди. Шунда кузатув камерасидан ўғлини кузатиб турган она:

– Ўзимам айтдим бу сени иссиқ-совуқ қилиб бoshингни айлантириб олган деб, – деган экан.

Мана муаммоларнинг қалити, икки аёл – келин ва қайнонанинг ҳар бири ўзича ҳақ, аммо ҳақиқатлари турлича. Ҳар бири баҳтли оиласи орзу қилади, аммо бу орзулар бир-бирига зид келиб қолаяпти. Ана шу ерда зиддият келиб чиқаяпти, менимча.

Қайнонажон, йўғ-э, онажон, биламан, меҳридарё-сиз. Илатимос, шу дарёдан биргина томчисини шу

келинга ҳам томизиб күринг. Жуда қийналсангиз, ўз келинлигингизни эсланг. Ўша даврдаги ҳиссиётлар, қийинчилеклар, оила аъзоларнинг кўнглини тушуна олмай эзилганларингизни. Ўша келин кўзи билан қараб кўринг келинингизга. Эҳтимол, у сизга ўзингизни эслатар, ахир “Қайнона келиннинг тупроғини бир жойдан олади”, дейишади-ку. Агар ана шу ўхшашликни топа олсангиз ва тан олсангиз, тегишли хулоса чиқарсангиз, ишонинг, ҳар қандай тушунмовчиликлар барҳам топади.

Қайнона оила деб аталмиш кичик мамлакатнинг ички сиёсатига масъул шахс. Келинлик бедиллик, аммо қайноналиқ үндан ҳам оғир синов. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган қизлар оқ отлаги шаҳзодани орзу қилишади, аммо яхши қайнонани эса ҳеч тасаввурларига сифдира олишмайди, натижада идеал оиласа қўйиладиган талабларга ота-онадан алоҳида яшаш, деган пункт киритилади. Шунинг учун чиққан бўлса керак яхши қайнона – узоқдаги қайнона деган ҳазил гап. Бир уйда яшаб ҳам, онадек бўлиши мумкинми қайнона?

Бундай бўлмаслиги мумкину, аммо оиласидаги хотиржамликни таъминлаши ва ёш оилани баҳтли бўлишига ёрдам бериши ё ҳеч бўлмагандан, тинчгина яшашига халақит бермаслиги мумкин. Сизда имконият ҳам катта, масъулият ҳам катта, шу сабабли хато килиш эҳтимоли ҳам катта.

Ҳар бир она ўз ўғлига баҳт тилайди, аммо айрим ҳолларда унинг баҳтсизлигига хизмат қилиб қўйишидаи. Ўғлингиз баҳтини қуда томондан қилинадиган латтапутта, ош-овқат билан ўлчаганингизда янги қурилган оиласа бир дарз кетади.

Шубҳасиз, ёш она тарбияда айрим хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Масалан, ортиқча қаттиққўллик қилиб юбориши ёки талтайтириши, бунда, албатта, қайнона аралашуви керак, аммо бу болани олдида

она ва бувининг тарбия масаласидаги тортишуви бўлиши мумкин эмас (агар келин болага аёвсиз жисмоний жароҳат етказаётган бўлса, унда очиқдан очиқ болани ҳимоя қилиш керак, албатта).

Тарбияда катталар яқдил бўлиши зарур. Акс ҳолда, бола бу тарафкашлиқдан фойдаланади. Келин фарзандини тарбиялашига ёрдам беринг, аммо ҳалақит қилманг. Келинингиз ва ўғлингиз тортишаяпти, бу ҳолатни ҳам ҳар хил даражаси бор, аксарият ҳолларда аралашмасликни маслаҳат берардим. Эр-хотин муносабатларида зиддиятларнинг ҳам бўлиб туриши табиий, уларни ҳар доим ҳам салбий рангга бўяш тўғри бўлавермайди. Тушунмовчиликни тортишиб бўлса ҳам ойдинластиришларига қўйиб беринг. Лекин вазият жиддий бўлиб, оила бузилиш хавфи даражасига етса, сиз ўғилнинг ҳам, келиннинг ҳам тарафини олманг, оила сақлаб қолиниши томонида туринг.

Келинингиз ва қизингиз тортишаяпти, бу вазиятда адолат қилиш жуда оғир. Шу сабабли бу вазиятда шошиб қарор қилмасликни маслаҳат берардим. Келинингиз ва қизингиз билан алоҳида гаплашиб олинг. Ҳар икковига ҳам муаммони рақиб томондан кўришига ёрдам беринг: «ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўр» қабилида.

Овсинлар зиддияти жуда кўп учрайдиган ҳолат. Икковининг ҳам ёни бўлманг, қарс икки қўлдан чиқади. Агар улар бир-бирини кўрагарга кўзи бўлмаса, рўзғорини алоҳида қилган дуруст. Улар бирга яшашга мажбур эмас.

Келин ва қайнона ўлмас мавзу ва муаммо. Ишонаман, иккалангиз ҳам ҳақсиз, аммо сизларнинг ҳақиқатларингиз бир-бирига мос келмаяпти, холос. Мен келин муаммоси билан келадиган қайнонага ҳар доим: «Ўз ҳаётингиз билан яшанг. Ҳаётингизда келин муаммосидан бошқа тузукроқ қизиқиш топинг» деб маслаҳат бераман.

Аёл она бўлса ҳам, қайнона бўлса ҳам, ҳатто буви бўлса ҳам аёллигича қолади. Қолаверса, фарзандингиз оила қурди, энди у ўз ҳаётини зплайдиган капкatta одам, сизни уни олдидаги оналик вазифангиз аллақачон тугаган, қолган ҳаётингизни ўзингизга бағишиланг.

**Чиққан қиз чиғириқдан ташқари
ёхуд ота-оналарнинг оиласи ҳаётини
аралашуви ҳақида**

Фарзандингиз кўчадан йиғлаб келса, уни ранжитган беадабнинг таъзирини беришга шошасиз. Катта бўлиб, бирорнинг оиласига узатган қизингиз эшикдан кўз ёшларини оқизиб кириб келса-чи? Яна қилич-қалқонингизни кўтариб, ўзингизнинг ҳақиқатингизни ҳимоя қилгани отланасизми? Ўйлаб кўринг: сиз энди ёш болани ҳимоя қилмаяпсиз, вояга етган, қилимешла-рию қарорлари устидан жавобгарликни ҳис эта оладиган капкatta одамнинг тақдирига аралашяпсиз. Бу эса улкан масъулият. Қуйида баён этилаётган уч тақдир мисолида ана шу масалани мұхокама қила-миз.

Райҳон (24 ёш): «Ўз аравангни торт» дейишялти.

Ёшлигимдан ота-онамнинг чизган чизиғидан чиқма-ганман. Тўрмуш қуриш масаласида ҳам буткул улар-нинг раъига қарадим. Бир йигитни ёқтирадим, бироқ у ота-онамга маъқул келмади. Бошқа бирорга фотиҳа қилишганди, аммо йигитнинг оиласи борлиги маълум бўлиб, тўй бузилди. Кейин онамнинг дугонасига ке-лин бўлдим. Эрим билан яхши тил топишаётгандик. Бироқ онам ва қайнона чиқиша олмай қолишиди. Шундан кейин қайнона менга кун бермайдиган бўлди. Буни сезган онам: «Сизга хорлатиб қўядиган қизим йўқ», – дея мени ота ўйимга олиб кетдилар. Оиласа онамнинг айтганлари айтган, шу сабабли дадам бунга

қарши бир сўз деёлмадилар. Онам ва қайнонамнинг зиддиятлари сабаб оиласи бузилди, бир ўғлим билан отамникида яшай бошладим. Лекин энди онамнинг кўзига мен ёмон кўриниб қолдим. «Қачонгача сенинг ташвишингни қиласман. Укангни уйлантиришим керак. Ё эрга тег, ё рўзгорингни бўлак қилиб, ўз аравангни торт» дейптилар. Мен уларни деб шу куйга тушдим, энди еган бир бурда ноним ҳам оғирлик қиласяпти. Ўзлари «эринг боқиб олади» деб ўқишга, касб-ҳунар эгаллашга қўймадилар-ку! Бошимни қайси деворга уришни билмаяпман.

Рұхшунос маслаҳати: Инсон фарзанди 9 ой она вужудида яшагач, биологик жиҳатдан ундан ажralади. Афсуски, айрим ҳолларда бола туғилиб ҳам мустақил яшаб кетолмай, онага боғланиб қолади. Онангиз – кучли аёл, бундайларни Farbda «темир хоним» дейишади. Улар атрофдагилар учун ҳам қарор қабул қиласи, масъулиятни зиммасига олади. Бундай аёллар билан яшашнинг энг осон йўли – унга тобе бўлиш ва у кўрсатган йўлдан юриш. Сиз шу йўлни танлагансиз. Бунинг натижасида намунали қиз бўлдингиз, аммо баҳтли аёл эмас. «Ота-она таҳт яратиши мумкин, лекин баҳт яратиб бера олмайди», деган ҳикмат бор ҳалқимизда. Сизнинг вазиятингизда ҳам шундай бўлибди. Энди онангиз сизга қўпол тарзда бўлса ҳам «ўз билганингча яша» дейпти. Аслида, аллақачон мустақил қарор қабул қиласидиган ёшга етгансиз. Аммо бу реалликни қабул қилиш ўрнига маслаҳат берадиган, тўғри йўл кўрсатадиган онани энди ташқаридан излапсиз. Бироқ кичкина қизалоқ эмас, онасиз. Мустақил яшаб кета оладиган инсонни тарбиялаш учун онанинг ўзи мустақил ва кучли бўлиши керак. Касб-ҳунар эгаллашнинг эса кечи йўқ. Баҳтсизлигингида атрофдагиларни айблашни қўйинг, шахсий ҳаётингизга доҳил қарорларни ўзингиз қабул қилинг, бошқаларга бу ҳуқуқни берманг. Ўзингизга баҳтсизлик ҳук-

мини ўқишига эса шошилманг. Ҳали бутун ҳәётингиз олдинда.

Дилором (19 ёш): «Ўзим пиширган ош тиқилди».

Баҳодир билан синфдош әдик. Мактабни битиргач, икки йил йўлимни пойлади, ниҳоят, кўнглимга йўл топди. Ота-онамнинг норозилигига қарамай, унга турмушга чиқдим. Лекин севганим билан баҳтли бўлиш пешонамга ёзилмаган экан. Эримнинг оиласи ҳам бизнинг никоҳга қарши эди. Тўйдан кейин аввало қайнонам, кейин қайнэгачиу қайнсингилларим, ҳатто овсиним ҳам менга қарши турли фитналар уюштириб, уқувсиз келин, ёмон бека, эпсиз хотинга чиқаришга уринишди. Камситишлардан безиб уйга борсам, онам: «Даданг билмасидан кетақол, қизим. Чидайсан, ўзинг пиширган ош», деб ҳайдагудек изимга қайтарди. Эримнинг қариндош-уруглари эса «Сендан ота-онанг ҳам безор, ёнингни оладиган ҳеч киминг йўқ», дея зуғумни кучайтиришмоқда. Наҳотки, муҳаббат билан оила қурганим учун ота-онам мендан воз кечса? Озгина мени қўллаб-куватлашса, келин бўлиб тушган хонадонимдагилар ҳам ўзларини йиғишириб олишармиди?..

Рӯҳшунос маслаҳати: Инсон ҳаётида бундай инқиroz онлари бекорга рўй бермайди. Уларнинг ҳар биридан хулоса чиқара билиш керак. Қачонлардир севганингизга турмушга чиққанингиз учун ўзингизни айбламанг, шунда бошқалар ҳам сизни айбламайди. Эрингизнинг оиласи сизни аввал бошидан қабул қилмаган ва ўз позициясини шу пайтгача сақлаб келмоқда. Шубҳасиз, сиз улардан ҳеч қачон яхши муносабат кутмагансиз, буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмагансиз. Мана шу ерда хато бошланган. Чунки улардан ёмон муносабат кутиш орқали билибми-бilmай ўзингизга нисбатан салбий туйғуларни уйғотгансиз, улар эса сиз ёзган сценарийни ижро этишаяпти, холос. Энди позициянгизни ўзгартиришга ҳаракат

қилинг. Айтинг-чи, атрофдагиларнинг сизга муносабати қандай бўлишини истардингиз? Уни хаёлан чизинг, ёзинг, тасаввур қилинг. Эътибор беринг, эрингизнинг оиласидаги аёллар турли фитналар уюштириш йўли билан сизни нимадан айришаяпти? Севгиданми? Мехрданми? Демак, уларнинг ўзига шу етишмаяпти. Сиз уларни айбламанг, аксинча, баҳт тиланг. Уларга нисбатан етарлича меҳр-муҳаббат кўрсатилганида нақадар баҳтли бўлишларини тасаввур қилинг. Уларга чиройли муомала қилиб, меҳр кўрсатинг. Айнан сизнинг тасаввурларингиз эртанги кунингизни яратади, уларнинг муносабати эмас. Севгингиз бир синовдан ўтиби, лекин иккинчисига бардош берармикин? Буни вақт эмас, сизнинг меҳр-муҳаббатингиз кўрсатади. Муҳаббатингизни фақат эрингиз эмас, унинг яқинлари билан ҳам баҳам кўринг, уларни ҳам севинг ва ҳурмат қилинг. Эрингиз оиласини борича қабул қилишингиз унинг ўзини қабул қилишингиз, демакдир. Мукофот сифатида сиз нафақат оиласинг тўлақонли аъзоси, балки энг севимли келинига айланасиз.

Раъно (35 ёш): Эрка қизнинг қўйилиши.

20 ёшимда оила қурган бўлсам ҳам, ҳамон отонамнинг эркаси эдим. Аммо турмуш эркаликларни кўтармас экан. Оилавий ҳаётимнинг илк беш йили ниҳоятда оғир кечди. Кетма-кет икки фарзандли бўлганим учун тиббиёт институтида ўқишни давом эттиришни ўйлагим ҳам келмасди. Эримнинг ота-онаси узоқ вилоятда туришарди, биз алоҳида квартирада яшардик. Шундай шароитда ота-онамнинг ёрдами билан ўқишни тутгатдим. Ўй ишларига улгура олмаётганим учун эримдан кўп дакки эшитардим. Бир куни у «ҳаммаси жонга тегди», дея қишлоғига кетворди. Мен ҳам «ажрашаман» деб туриб олдим. Шунда дадам: «Қизим, ҳаётда ҳеч нарса осонлик билан бўлмайди. Ажрашишинг мумкин. Ёшсан, чиройлисан, бошқа тур-

муш қилишинг ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бироқ болаларинг бегона одамнинг қўлида ўсади. Вақти келса, уларнинг хархашаси ўзингга ёқмайди-ку. Бегона одам койиса, жазоласа, чидайсанми? Биринчи турмуш – барибир биринчи турмуш, фарзандларингни ҳам ҳеч ким ўз отасичалик яхши кўрмайди. Қарор қабул қилишдан олдин уларни ва ўзингни нимадан маҳрум этаётганингни ўйла. Аммо биз ҳар қандай вазиятда ҳам сени қўллаймиз», – дедилар. Бу гаплар менга қаттиқ таъсир қилди. Биринчи марта мағрут бошимни эгиб, эримга қўнғироқ қилдим ва кечирим сўрадим. Мана, 15 йилдирки, баҳтли ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Яхшиям ота-онам ўшанда мени катта хатодан асраб қолишган экан.

Рұхшунос маслаҳати: Бу вазиятда ота-она психолог вазифасини бажарган ва вазиятга жуда тўғри баҳо берган. «Үндоқ қил, бундоқ қил» каби маслаҳатлар билан фарзанди учун ўзи қарор қабул қилмаган, балки муаммонинг эҳтимолли ечим вариантларини таклиф қилган. Натижада, қабул қилинган қарор устидан қиз масъулиятни ўз зиммасига ола билди ва ҳаётини тўғри йўлга қўйди. Бунда ота-онанинг биринчи вазифаси – фарзандини эшлиши. Айрим ҳолларда шунчаки кўнгилни бўшатиб олиш ҳам кишидаги руҳий зўриқишини йўқотиб, тўғри қарор қабул қилишига ёрдам беради. Отa-она ёш оиланинг ишларига аралашавермай, шунчаки фарзандларини руҳан қўллаб-қувватлаш орқали ҳам уларнинг баҳтини сақлаб қолиши мумкин. Фақат вазият жиддий тус олганда бевосита аралашув зарурати туғилади.

Хулоса. Ўқувчиларимиз: «Ота-она фарзандига ёмонликни истамайди», – дейишлари мумкин. Бироқ истамай ҳам хато қилиш мумкин. Фарзандлар ўзи қилган хатонинг аччиқ мевасини тотганлари баробарида сабоқ ҳам оладилар. Яхиси уларга шу имкониятни берган маъқулмикан. Нима дедингиз?

ТҮРТИНЧИ БОБ

ОИЛАДА ФАРЗАНД

Оналика тайёрмисиз?

Фарзанд – Яратғаннинг мӯъжизаси. Уни ёруғ дунёга келтиришдан аввал ота-оналик мажбуриятини ҳис қилмоқ даркор. Бир ўйлаб кўринг-чи, фарзандни сиз нима учун хоҳлаяпсиз? Ҳамма каби бўлиш учунми, режада бўлмаса-да, жувонмарг қилмаслик учунми ёки ажралиш хавфи остидаги оиласи сақлаб қолиш учунми, ҳаётингизга маъно киритиш учунми, қалбингиз бўшлиғини тўлдириш учунми ва энг хунуги қариганингизда корингизга яраши учундир, балки. Эҳтимол, фарзандли бўлиш қандай эканлигини синаб кўрмоқ-чидирсиз. Ҳа, айрим ҳолларда ёшгина турмуш қурган келинларнинг бу ҳақида тузукроқ ўйлаб кўришга фурсатлари ҳам бўлмайди.

Биз ўзбекларда тўйдан бир йил ўтиб, келинчакда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётганини кўриб, биринчи бўлиб қайнона ташвишга тушади ва “Вой-дод, ўғлим тирноққа зор ўтиб кетмасин”, дейди. Келин бечорани шифокорма-шифокор судрашга тушишади. Мӯъжизакор муолажалар, фалон пуллик дори-дармонлар иш бермагандан кейингина күёвтўрани ҳам текширсак-микин, деган фикр пайдо бўлади. Үнгача келин шаҳарнинг ҳамма клиникасини-ю, отин-домласини кезиб чиқиб улгурган бўлади.

Баъзида тушунмай қоламан, бола кимга керак, уйнинг катталаригами, қўни-қўшниларгами, қариндош-урӯғами? “Нега ундаи деяпсиз?” дейсизми? Чунки улар энг кўп “кўйинишиб”, сўраб-суриштиришади-да.

Никоҳ тўйидаги яхши ниятларни бир эслайлик: “Бир йилдан кейин алла боламни айтиб, бешик олиб келайлик”. Келин-кўёв чимилидикқа кирмай вазифаланти-

рилди, буюртма берилди. "Мана сенга бир йил, бор ана бир ярим йил, шу санага бола тайёр бўлсин". Ҳали эр хотин бўлмасидан ота она бўлишга сафарбар этиб юбориши. Ривожланган мамлакатларда 35 ёшлардан кейин турмуш қуриш, болани жиддий режалаштириш бизга эриш туюлади. Ишонаман, бизнинг турмуш тарзимиз уларга яна да ҳам ғалати туюлса керак.

Ота она бўлишга "тайёрмисиз? Қизиқ савол, Буни қандай аниқлаш мумкин? Албатта, биринчи навбатда ота онанинг саломатлиги. Бу энг муҳим фактор, чунки соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Гиёхванд ёки ичкиликка ружу қўйган одамдан фарзанд дунёга келтириб таваккал қилманг. "Ўзинг учун туғиб ол, кейин ажрашиб кетаверасан" дегувчиларга қулоқ солманг. Мазкур иллатлар бор одамдан соғлом фарзанд дунёга келиши жуда қийин. Бундай инсондан фарзанд қуришга уриниш арпа экиб буғдои кутишдек гап. Демак, эр ва хотин соғлом фарзанд келтиришда теппа-тэнг масъул.

Энди ёш масаласига келсак. Энди гина 19-20га тўлиб оила қурган қизлар, нима деб ўйлайсиз, қанчалик тайёр экан оналиkkа? Улар жисмонан тайёр бўлиши мумкин, аммо ўзлари ҳали шахс бўлиб, тўла шаклланиб улгурмай, қандай бола тарбиялади? Албатта, хатолар, хатолар ва яна хатолар билан. Ёшгина она-нинг энг оғир хатоси бу ҳали оналик меҳрини беришни билмаслиги, ўзини она деб ҳис қила олмаслиги. Бола бечорага эса энг зарур озуқа бу меҳр, аммо у шундан мосуво. Чунки уни ўзи бола бўлган она дунёга келтирди. Ёш қизларни турмушга узатишда эрта фарзанд кўрасан, эрта набира кўрасан каби ютуқларга урғу беришади. Ҳа, тез-тез, аммо сифат масаласи қийин-да. Ўзбекистон шароитида фарзанд дунёга келтириш учун онанинг энг оптималь ёши деб 25-35 ёшлар деб белгилашмоқда. Фарзанд режалаётгандага, балки шунга ҳам аҳамият қаратарсиз.

Она бўлишга аҳд қилибсиз, бу сизни қарорингиз эканига аминмисиз ёки уни атрофдагилар талабига кўра танладингизми? Бу сизнинг хоҳишингиз бўлса яхшийди, чунки бу оналик масъулиятини ҳис қилганингиздан дарак беради. Бола қўғирчоқ эмаски, унга фақат чиройли кийимлар кийдириб, аравага солиб олиб юрсангиз. Оналик, бу фидойилик. Ҳа, биз ҳам онамиздан осонгина туғилиб катта бўлиб қолмаганимиз. Шундоқ бўлишимиз учун оналаримиз жуда кўп нарсалардан кечишган.

Фарб энг кўп урғу берадиган молиявий жиҳатга келсак, мен руҳшунос сифатида “Фарзандни берган Аллоҳ ризқини ҳам ўзи беради”, дегувчи оптимистлар қаторига кираман. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлганидек, икки киши зўрға кун кўраётган ҳолда учинчи – сизга қарам инсоннинг оиласда пайдо бўлиши... Бу ҳолат кўнглингизга тегмайдими? Молиявий жиҳатдан уни болаликдан то ўқишига киргунча етадиган пул жамғариб, кейин дунёга келтиринг демайман, аммо боланинг минимал эҳтиёжлари ҳисобга олиниши шарт.

Демак, хуласалаймиз, оналикка тайёрликнинг биринчи шарти, энг муҳими, эр-хотин саломатлиги.

Иккинчидан, ишончли эр-хотин муносабатлари.

Учинчидан, ота-оналикка ақлан қарор қилиш кимнингдир турткиси билан эмас, аксинча руҳан фарзанд кўришга тайёргингиз билан ўлчанади.

Тўртинчидан, молиявий аҳволингиз фарзандни моддий таъминлай олишига кўзингиз етадими?

Агар ана шу асосий шартлар бажарилганига ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, демак, энди янги меҳмонни кутишга тадорик кўрсак бўлади.

Хомиладорлик

Билмадим, эътибор бергансизми, йўқми, бундан 15-20 йиллар аввал аёллар ҳомиладорликни уят нарса деб билишарди ва қоринларини бироз тортироқ, од-мигина кийим кийиб, кўзга кўринмайроқ юришга интилишарди. Ҳозир эса улар учун алоҳида дизайнлар, ўзига хос гардероб мавжуд. Чиройли кийимларини кўриб ҳомиладор бўлмасдан туриб ҳам кийгинг келади киши. Бу, албатта, яхши ўзгариш, чунки у аёлнинг ҳомиладорликка муносабати ўзгарганини, уни бир байрамдек қабул қилганини билдиради. Ҳа, аслида ҳам, бу байрам, чунки фарзанд бу совға, совға эса байрамларда берилади.

Лекин ҳомиладор аёл 9 ой кулиб, хурсана бўлиб, кўтаринки, кайфиятда юролмайди. Тушунаман, бир неча кило қўшимча юқ, ётганда ҳам, турганда ҳам ноқулалийк, ҳеч оғримаган жойларнинг оғриши. Нима қиласмиш энди, аёлнинг чекига тушгани шу экан. Фидойилик деганда шуларни назарда тутгандим-да. Лекин ҳомиладорлик бу касаллик эмас, айрим аёллар ихраб-сихраб юришни тасаввур этишади, натижа эса ўзини кўп куттирмайди. Агар бу биринчи фарзандингиз бўлса, ўзингизда бўлаётган ўзгаришларга, оғриқларга эътиборлироқ бўлинг, бирор ноодатий ҳолат сезсангиз, шифокор маслаҳатига боришга эринманг.

Бу даврда бироз асабий, серзарда бўлиб қолдингизми, унинг сабабини қидириб ўтируманг, бу организмдаги кимёвий жараёнлар сабабли бўлиши мумкин. Ёрингиздан сизга эътиборлироқ бўлишини сўранг. Оlam маркази туғилажак фарзандингиз деб санаб қиладиган ишингиз уззу кун ўзингизга қулоқ солиш бўлишини ҳам тавсия этмайман.

Бирор жойларга бориб ҳордиқ чиқариш, ҳар куни тоза ҳавода сайд қилиш учун алоҳида вақт ажратинг. Касбингиз ақлий меҳнат билан боғлиқ бўлса, иш

вақтида тез-тез танаффуслар қилиб туринг. Кўнглингиз тусаган нарсани истеъмол қилишни кечиктирманг. “Ҳомиладор аёл қулоғингни сўраса, кесиб бер”, деган нақл бор.

Истакларингизга беътибор бўлманг. Бу вақтда иштаҳангиз ниҳоятда карнай бўлиб кетиши мумкин. Бу сизнинг икки киши учун овқатланаётганингиздан далолат бермайди, балки шунчаки ҳужайраларнинг очлиги, дармондорилар етишмаётгани белгиси. Косакоса овқат сизга унинг ўрнини тўлдириб бера олмайди. Овқатланиш дозасини ошириб юборманг, ортиқча вазн туғруқни қийинлаштириши мумкин. Ундан ташқари, аёлсиз, чиройли қомат сизга ҳали кўп керак бўлади. Ҳар қандай муаммода дори-дармонга масъулиятни ташлаб қўйманг, балки ўзингиз табиий ресурслар орқали ҳам муаммони енгишга ҳаракат қилинг. Масалан, қорнингиз айрим ҳолларда таранглашиб қолади ёки бола тонусда бўлиб қолиши мумкин. Керакли препаратларлар қабул қилиш билан бирга нафас олиш машқлари ҳам асқотиши мумкин.

Юрагингиз остида митти бир вужуд ўсмоқда, у жонингизнинг бир бўлаги. У сизни эшитади, аниқроғи ҳис этади. Кейинги вақтларда оналар вундеркинд болани орзу қилиб таълим беришни ҳомила давридан бошлаб юборишаяпти. “Қандай?” дейсизми? Оддийгина. Масалан, бирор илмий адабиётларни ёки энциклопедияларни овоз чиқариб ўқиган ҳолда, болам эрудит бўлади деб кутишади. Бу бироз кўлгили, аммо кўнгилни туширмаймиз, яхши ният – ёрти мол. Бола ҳис қиласди, бу англайди дегани эмас. Сизда кечаётган эмоционал ҳолат у хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий, бола бу сигнални қабул қиласди. Оддийгина сувда ўтказилган тажрибада ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. Ичига гурӯч солинган иккита шиша идишдаги сувларнинг бирига “Мұхаббат”, “Гўзаллик” каби ижобий сўзлар айтишган, иккинчисига “Сен аҳмоқсан” де-

йишган. 20 кунлардан кейин биринчи идишдаги гуручни оппоқ ҳолда, иккинчисидаги эса мөнор босиб айниб кетганини гувоҳи бўлишиди. Мен гуручда ёки сувда онг ёки психика бор деб ўйламайман. Юқоридаги сўзлардан келаётган энергияга – ҳужайранинг жавоб реакцияси мавжуд, деб ҳисоблайман. Ҳўш, нега энди юрагингиз остидаги митти вужудда ҳис қилиш бўлмасин экан?!

Ҳомиладор аёлларга сершовқин рок мусиқалари эшиттирилганда, ҳомила хавотирга тушиб, асабий ҳаракатланганини, классик мусиқада эса тинчланиб, хотиржамлашгани кузатилган. Дам олиш соатларингизда классик мусиқа эшитишни одат қиласангиз, бу бола учун ҳам, сизнинг асабларингиз учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди. Асабий вақтларингизда медитация энг яхши терапия бўлиши мумкин сиз учун. У учун алоҳида тадорик ёки билим шарт эмас. Ҳоли бир хонада тинчгина ҳеч нарсани ўйламай, бир неча дақиқа лотос позасида ўтириш ҳам медитация. Табиат товушлари, масалан, океан овози ёки қушларнинг сайраши, ёмғир товушлари ёзилган дискларни дам олиш вақтида эшитиш ҳам яхши самара беради.

Медитациянинг сири шундаки, ундан аниқ қандайдир натижа кутманг ёки ўхшади, ўхшамади деб, ўзингизни баҳоламанг, шунчаки дам олинг, вассалом. Бир неча медитацион сеансдан кейин хотиржамликка эришганингизни ҳис қилган бўлсангиз, энди секин миттивой билан эмоционал алоқа боғлашимиз мумкин бўлади. Секин-аста уни ҳис этишни бошланг, аниқроғи, у сизни эшитаётганини. Уни биринчи рақамли дардакаш қилиб олманг, дунёга келмасидан уни буви-буvasининг қандай золим одамлар эканини, отасининг эса аҳмоқлигини айтиб, болани келмаган дунёсидан тўйдирманг, илтимос. Унга фақат яхши энергияларни, қалбингиз тўридаги энг яхши ниятларни, уни эсон-омон бу дунёни кўришини айтинг. Истасангиз, тарбия бос-

қичини ҳам бошлаб юборинг. Үнга нималар дейишингиз мұхим әмас, аммо ижобий энергия юборишиңгиз, яғни меҳр-муҳаббатингизни үнга жұнатишиңгиз мұхим. Болакайни ҳозирданоқ севинг, ҳозирданоқ әркаланг, оналикка күникиб боринг.

Күча-күйдами, ишдами ёки үйдами шовқин-сурон, жанжаллашиш бўлиб қолса, ўйлаб ўтиrmай, у жойни тарқ қилинг. Тинчланғандан кейингина қайting. Айниқса, биринчи уч ойда үнинг асаб тизими ривожланади. Шу давр ҳар қандай асабийликдан максимал ҳимоя қилинг ўзингизни. Агар ҳеч ўйламасдан бўlmайдиган муаммо бўлса ҳам, уни ўзингиздан ҳайданг.

“Шамолларда қолган ҳисларим” романининг бош қаҳрамони Скарлеттнинг асабийлашишга қарши бир ажойиб рецептни бор. Буни биласиз, у ҳам бўлса, бир муаммо пайдо бўлганда “Буни мен эртага ўйлаб, ҳал қиламан”, дейиш.

Сиз эса буни туққанимдан кейин ҳал қиламан деб, муаммони музлатиб қўйинг, агар фарзанднинг соғлом дунёга келиши мұхим бўлса, албатта. Агар кимдир сизни ранжитса, уришса, ғазабингизни қўзғаса, у одам билан муносабатни аниқластириб ўтирманг, балки “Фарзандим саломатлиги менинг жаҳлимдан азиэроқ”, денг-у дилозорга бир жилмайиб кетаверинг. Ҳудди мени мувозанатдан чиқара олмайсан, дегандай. Бирор асабингизни бузса, у тушунарли, аммо ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ёрингизни ёки қайнанғизни кўргани кўзингиз бўлмай қолиши мумкин. Бу ҳолат жуда кўп учрайди. Илтимос, бу даврда одамларнинг салбий томонларига диққат қаратиш ўrniga ҳаётдан фақат ижобийликни қидиринг. Чунки сиз ўз эмоцияларингиз билан болачага феъл-атвор ҳам битиб қўяяпсиз. Сизда шундай имконият мавжуд экан, нега энди үндан фойдаланмаслик керак. Демак, атрофдагилардан, ҳатто энг золим қайнанадан ҳам яхши сифатларни қидириш керак. Ҳар қандай ёмонликлар остида

ҳам инсоннинг бир яхши мақсади ётади. Энг катта жиноятчининг ҳам битта яхши нияти бўлади. Сиз шуни топа билинг. “Нима устимдан куляяпсизми?” деманг. Унутманг, биз диққат қаратган нарсалар кўпайиш хусусиятига эга. Сиз бу хатти-ҳаракатингиз орқали атрофдагилар билан муносабатингизни яхшилајпсиз, уларни яхши бўлишга гипнотетик таъсир этајпсиз, ҳам ўзингизни асаб бузилишдан асраяпсиз, ҳам фарзандингизни хушхулк бўлишига ёрдам беражпсиз, ҳам ўз ҳаётингизни яхши томонга фаол ўзгартирајпсиз. Ана шунақа, сиз фарзандни тарбиялайсиз, фарзанд эса сизни. Қаранг, ҳомиладор бўлганингиздан бери ўзингиз ҳам қанчалик ўзгардингиз. Ҳозир миттивойга раҳмат айтиб қўйишнинг айни вақти.

Ниҳоят, сиз учун ҳаяжонли кунлар бошланди, ҳадемай она бўласиз. Фарзандингизни бағрингизга босасиз. Охириги ойларда айрим аёлларни туғруқ билан боғлиқ хавотир қийнайди, айрим ҳолда қўрқув дарајасига чиқади. “Этагингдан тушгандай тушсин”, деб дуо қилишади оналаримиз, аммо “Бунақа осон тушармикин?” деб ташвишланаяпсиз. Мана неча кундан бери, уйқу ҳам йўқолди. Бу шунчаки туғруқ ҳақидаги сизнинг бўрттирилган тасаввурларингиз бўлиши мумкин. Айрим фильмларда туғруқ жараёнини кўрсатиш урф бўлган. Телеэкронда туғруқ вақтида тўлғониб, қичқираётган аёлни кўрсатса, онам раҳматли ҳар доим биз қизларини тинчлантирадилар: “жа олади-де, туғиши бу ўлим эмас, бу нарсаларни кўриб қўрқиб кетмаларинг”, – дердилар. Ҳа, албатта, агар туғруқ ўлим тенги нарса бўлса, ҳеч бир хотин иккинчи марта бу ишга рози бўлмасди. Бир ҳомиладор аёл кечаси турмуш ўртоғини уйғотиб:

– Туғишдан кўрқиб кетаяпман, – деса, эр ўзича тинчлантиришга ҳаракат қилибди ва дебди:

– Кел, фактларни кўриб чиқамиз. Менинг онам, опаларим туққан, ҳеч бири бундан ўлиб қолмаган.

Мана, сенинг онанг ҳам 4 фарзандни дүнёга келтирған, аммо ҳалигача ҳаёт. Демак, статистикага күра сенинг яшаш әхтимолинг күп.

Ха, ишончли даиллар. Мен ўзимдан сизни тинчлантирувчи құшимчалар киритсам. Ҳозирда тиббиёт ниҳоятда ривожланған. Агар ҳадемай туғишининг ҳам тиши олдириш каби мұтлақо оғриқсиз үсуллари чиқса, ҳайрон бўлмайман. Сиз орзу қилган, унутилмас кун – жигаргўшангизнинг дүнё юзини кўрадиган кунлари яқинлашар экан, ундан чўчимай, кўтаринки кайфият билан пешвоз чиқинг.

Туғруқ вақтида сизда тўлғоқ азоби, чақалоқда эса биринчи кризис. Ҳа-ҳа, кризис. У бизни туғилишимиз билан кутиб олади. Ахир бола она қорнида энг комфорт ҳолатда бўлади. Иссиқлик, озуқа, атроф-муҳит – ҳамма-ҳаммаси идеал, аммо кун ўтган сайин бола улғаяди-ю, аммо жой торлигича қолади ва туғилишдан бошқа йўл қолмайди. Ана, дўзах, шунда бошланади-да. Қоп-қоронғида, суюқликда яшаб ўрганган ҳомила бирдан ҳаво ва кўзни кўр қилас даражадаги ёруғликни кўради, бегона дүнёда шокка тушиб турған бир ҳолида худди камдек доя унинг оёғини осмон қилиб, йиглайвермаса, бир уриб қўяди ва киндиги кесилиб дарровгина нафас олишга мажбур қилинади. Тасаввур қилинг, шунча ўзгариш бор-йўғи бир неча дақиқада. Шунча даҳшатдан кейин у йиғламай, яна ким йиғласин. Ёруғ дүнёга хуш келибсан, митти одамча!

Ўйингизда чақалоқ

Айтгандим-ку, ҳаммаси яхши бўлади, деб. Мана, ниҳоят, болажонни эсон-омон бағрингизга босиб олдингиз. Оналик номаълум, аммо ниҳоятда роҳатбахш ҳиссиёт. Чашлоқни маҳсус жараёнлардан сўнг сизга беришди. Илк марта жигаргўшангизни бағрингизга

олдингиз, бу сиз учун ҳам, бола учун ҳам зарур. Чунки бу олатўполон дўзахни ўзилик кўринган дунёда энг яқин кишиси – онажонисининг бағрида хотиржамлашади, чунки сизнинг юрак уришингизни ҳис қилиши билан у ҳар қандай салбий таъсирлардан ҳимояланганигини билиб хотиржамлашади, хавфсизлигига ишонади. Сизнинг эса меҳрингиз ана шу вақтда тушади унга. Чақалоқ учун идеал комфорт яратилиб, қорни тўқ, ости қуруқ қаралса-да, онадан алоҳида хонада бола безовталанаверади, чунки у она меҳрига мухтож. У ёнингизда бўлганининг шүниси яхши.

Миттивойнинг биринчи инстинкти бу сўриш ва у буни осонгина ўрганади, туғилишнинг биринчи кунидаётк у бу билимни ўзлаштиради, ризқини топиб ейди. Ундан ташқари, сўриш уни тинчлантирувчи хусусиятга эга. Сўрғич бекорга ихтиро қилинмаган. Лекин сўрғич алдамчи, унга ружу қўймаган маъқул, у болада ёлғизлик ҳиссини пайдо қиласди ва психик ривожланишини секинлаштиради.

Чақалоқ б ойгача бўлган даврда асосий қиласидаган машғулоти уйқу ва йиғи. Ҳа, у куннинг асосий вақтини ухлаб ўтказади. Йиғисига эса унча-мунча асаб дош бера олмайди. Унинг йиғисини катта одам йиғиси деб қабул қилманг. Йиғи боланинг ташки муҳит билан мулоқот ўрнатишнинг ягона йўли. У ҳар доим ҳам йиғлаганда қорни оч ёки касал бўлавермайди, балки шунчаки эмоционал бўшатиш ҳам бўлиши мумкин. Айрим оналар бола ҳар йиғлаганда кўкрак тутишади. Кейин у хўрсиниб-хўрсиниб ухлаб қолади. Уни бироз йиғлашига қўйиб беринг. Бу дегани чақалоқ йиғлаётганда ўз ҳолига ташлаб, ташқариларда юринг, дегани эмас. У йиғляяпти, демак, қандайдир дискомфорт ҳис қиласяпти, сизнинг ишингиз бу вақтда унинг ёнида бўлиш.

Янги туғилган чақалоқ қўлчаларини маҳкам қисиб олади, уни очиш осон эмас. Икки ойлардан кейин

кафтлар очила бошлайди ва секин-аста буюмларни тутишни бошлайди. Бу фаолият билан унинг диққати ривожланиши бошлайди. Агар уни ўйинчоқлар қизиқтирмаса, ўзингиз уни кафтларига қўйиб бирга ўйнашингиз мумкин. Агар у кафтларини ҳаракатлантирмаса, маҳсус машқлар орқали бармоқларини ишлатишга ёрдамлашинг, бармоқларини уқаланг. “Боланинг қобилияtlари бармоқлари учида шаклланади”, деган эди Сухомлински.

Ҳаётининг биринчи кунларидан у кулишни бошлайди, 2 ойгача у ўйқусида кулиши мумкин ёки унинг кулгуси шунчаки ҳеч кимга қаратилмаган бўлиши мумкин. Иккинчи ойнинг охирларига келиб эса бола онасини таниб, унга жилмая бошлайди. Она унинг эмошионал ривожланиши учун тез-тез болага кулиб, гапириб туриши керак. Ҳа, у ҳозир тушунмас, ҳатто жавоб ҳам қайтара олмас, аммо эшитади ва бу билан унинг билими ортиб, нутқий имкониятлари ошиб боради. Онаси чақалоқлигиданоқ гаплашиб турадиган болаларнинг бошқа болаларга нисбатан тили тез чиқади ва сўз бойлиги ҳам катта бўлади. Лекин гапираётганингизда аллақаёқдан жавраб, боланинг эсини чиқариб эмас, балки унинг олдига келиб гапиринг, токи у сизнинг оғзингиз қимиrlашини ҳам кўрсин. Болани қўлга олиб юзингизга яқинлаштириб гапирсангиз, мақсадга мувофик бўлади. Бола эшитаётганда гапиравчига қарайди, кулади, бирор реакция билдиради.

Нутқига эътибор қаратиш боланинг икки, икки ярим ойлигидан бошланади, иккинчи ойидан тўрт ойгача гу-гулашни бошлайди, беш-олти ойлигига товушларга тақлид қиласи. Саккиз ойлардан бошлаб эса айрим гапларни тушунади. Бир ёшларгача эса тили чиқади, яъни биринчи сўзларини талаффуз қиласи. Сиз эса ана “ада” деди, ана “оий” деди, деб хурсанд бўласиз. Лекин айрим болалар гапиришга шошишмайди. Бу муаммоли?

Боланинг нутқий ривожланишининг кечикиши ота-оналарда хавотир пайдо қиласди. Аслида-чи, у ростдан ҳам боланинг ўз тенгдошларига нисбатан ривожланиши оқсаётганидан дарак берадими? Ҳа, бу интеллектуал ривожланишнинг тенгдошларига нисбатан секин кетаётганини билдиради, аммо бу ҳар доим ҳам унинг ақлий имкониятларини белгиламайди. У ривожланишда бошқаларга етиб олиши мүмкун, аммо бунинг учун сиз унинг ҳолатига нисбатан муносабатни ўзгартиришингиз даркор. Ҳўш, бундай ҳолда нима қилмоқ керак? Албатта, бола билан кўпроқ гаплашишга, уни аниқ чиқмаётган сўзларини эринмасдан қайта-қайта такрорлатиб эшитиш мақсадга мувофиқ бўлади. У нафақат гапирса, балки эшитса ҳам нутқи ривожланаверади.

Тили чиқиши кечикаётган болаларнинг оналари икки турга бўлинади. Бир тур ота-оналар бошқаларга фарзандининг гапирмаётганини ҳазил аралаш “Биз соқовмиз” каби гаплар билан тушунтиришга ҳаракат қилишади. Иккинчи тури эса ё бунга үнчалик эътибор бермайди ёки бунга ижобий ранг беради. Қай бири дуруст деб ўйлайсиз? Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг имкониятлари чегарасини бирор нуқсон деб қарамасдан, балки бир кун, албатта, етиладиган марра деб қараш керак. Одатда, боланинг гапирмаслиги кўп танқид қилинадиган, салбий тус берадиган оиласарда нутқий ривожланиши янаем кечиккани кузатилган. Нутқий ривожланиш асаб тизими билан боғлиқ нарса. Агар бу кечикиш чўзилиб кетган бўлса, невропатологга мурожаат қилишни маслаҳат берадим. Боланинг тез ёки секин гапириши атрофдагиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Масалан, опа-акалари бор болалар тўнгичларга нисбатан тез гапиради, қизлар эса ўғиа болалардан аввал гапиради. Эркакларнинг аёллар нутқига, бидир-бидир гапиришига ғашланишлари болаликдан бошланган бўлса, не ажаб. Болакайнинг тили

бийрон бўлиб чиқиши учун сиздан сабр, эътибор ва энг муҳими, меҳр-муҳаббат талаб қилинади.

Ҳаракат

Болакай 5-6 ойлигидан эмаклашни бошлайди. Типир-типир қилиб анчагина муаммолар пайдо қиласди. Шунда биз нима қиласмиз, ҳа, албатта, унинг ҳаракатларини чеклай бошлаймиз. Аслида, бу чеклов анча олдин бошланади. Яхшиямки, ҳозирда болани йўргаклаш йўқ бўлган, аммо манежга солиш ёки ҳаракатини ёстиқлар билан чеклашдан фойдаланмасликнинг иложи йўқ ҳали ҳам. Ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши. Миллий қадриятимиз бўлган бешикнинг, балки, бола соғлиғига фойдаси каттадир, аммо у асаб тизимига салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

Фанда “Биринчи азоб” деб аталадиган тушунча бор. Мен ўз тажрибамда ана шу биринчи азобнинг бешик ёки йўргак билан боғлиқ бўлган ҳолларни кузатганди. Маслаҳатим, ҳатто бешикдан фойдаланганда ҳам уни қўлбоғларини қаттиқ боғлаб юбормасликка ҳаракат қилинг. Эътибор беринг, болангизга кун давомида кўрсатган меҳр-мурувватингиз уни у қафасдан бу қафасга солиш эмасми? У эркин ҳаракат қиласиган зоналар ҳам борми? У эмаклаётган вақтда энг яхши шароит бу тозаланган полга бирор чойшаб ёзиб, боланинг эркин ҳаракатига имкон бериш.

Болакай бир ёшларда биринчи қадамларини ташлай бошлайди. Бола эмакламасданоқ тезроқ юриб кетсин деб, юргизгичга соладиган оналар ҳам бор. Аслида, боланинг ҳаракатлари тизими табиий ривожланиш босқичларидан ўтгани яхши. Судралиш, эмаклаш, қаддини тутиб туриш, бирор нарсаларни ушлаб юриш ва ниҳоят, юриб кетиш. Катталарнинг унинг юриб кетишига ёрдами яқинроқдан қўл чўзиб, “кел-кел” деб юришга даъвати, етиб келганда биргаликда

муваффақиятдан суюниш ва болакайни эркалаб, мақтаб рағбатлантиришдан иборатдир.

Бола ва атрофдагилар

Бола туғилиши билан асосий контакт қиласынан киши унинг онаси, айрим ҳолларда әннегаси бұлады. Бу инсон битта бұлғани яхши, албатта. Халқымизда чилла сақлаш үдүми бор. Бу нафақат гигиеник жи-хатдан, балки боланинг психикасига ҳам ижобиі таъсир күрсатадиган оптималь шароитдир. Янги туғилган чақалоқ олдига кириб чиқувчи одамларнинг сони ошиб кетиши мүмкін земес, ҳатто оила аязоларининг ҳаммаси ҳам киравериши мақсадға мувофиқ келмайды. Бу даврда унга онанинг ўзи кифоя. Иккى ойлардан бошлаб атрофдаги бошқа катталарни ҳам илғай бошлайды ва эмоционал қабул қиласы, аммо у ҳали-хануз онага боғланған. Бир ёшларда болага атрофдаги тенгдошларини ўртоқ деб таништириб, уларнинг бирга ўйнашини таъминлашға ҳаракат қилишади. Бола ҳали ўртоқни қабул қиласынан да үнга эхтиёж сезадиган ёшда земес. Агар тенгдошлари билан бўлладиган ўзига хос мұлоқот болага ёқмаса, йиғласа, уларни ажратгани маъқул.

Илк болалик даврида бола атрофдаги ҳамма нарсаларни ва одамларни ўзи учун, унинг ривожланиши учун деб ҳисоблайды. Ҳамма нарса меники, мен учун деб қарайди. Табиатнинг ўзи уни ўсиб-униши учун шундай ўтиш босқичини берган. Бекорга “Болалик – пошшолик” дейилмайди-да. Бу даврда болаларнинг онасини ҳаммадан, ҳатто отасидан ҳам қизғаниши күзатилади. Чунки она унинг менига тегишли бўлған обьект. Болада керакли билимни, маданий ва этик кўнникмаларнинг йўқлиги сабабли вужудга келган ўта худбин бўлған бу даврни тўғри қабул қилинг, лекин бу дегани уни тарбияламаслик керак, дегани земес. У

вақт ўтиши билан ҳаёт ҳақиқатини секин-аста англай бошлайды. Ана шу даврда она иккинчи фарзанд күрса, бу болакай учун нақд дүзах азобининг ўзгинаси. Аёлларга буни тасаввур қилишлари учун бу вазиятни кундош азобига ўхшатиб тушунтираман. Бу ҳолатда нима қилмоқ керак? Албатта, ҳомиладор вақтингиздан бошлаб уни бўлғуси янги вазиятга тайёрлаб боришингиз керак.

Бу давр шуниси билан қийинки, биринчидан, болага кўрсатилаётган эътибор, меҳр, парвариш иккига бўлинади. Энг ёмони унга, фақат унгагина тегишли бўлган одам – онажонисини бошқа бир чақалоқ тортиб олади. Иккинчидан ота-она унга энди уни катта бўлганини, уни энди ака ёки опа эканини ўқтириб, унга масъулият юклашмоқда, буларнинг ҳаммасини бирдан қабул қилиш осон эмас. Янги чақалоқдан бу даврда кўз-кулоқ бўлиб туриш даркор, чунки каттасидан нима кутиш мумкинлигини билиб бўлмайди. Йиғласа, ёстиқ бостириб қўядиганлари ёки қорни очди деб ўзи еяётган таомдан йўргакдаги боланинг оғзига тўлдириб жойлаб қўядиганлари ҳам топилади.

Бу вақтда агар каттага эътибор етишмай қолса, сизнинг диққатингизни тортиш учун ҳамма ишни қилиб кўриши мумкин. Бу бирор ишкал чиқариш, ниманидир тўкиб юбориш ёки яхши бола бўламан деб чақалоқ йиғласа, сиздан олдин югуриш каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Шахсан мен синглим түғилганда икки ёшга тўлмаган эдим. Онам эътиборини қозониш учун ўзимни бешикка белашларига мажбур қилган эканман. Тувак-сумакларни ўзим олиб келиб “Беланг” дермишман, кейин синглимга қараб уни тебратсалар “Мени ҳам алла қилинг”, деб йиғларканман. Эътиборга, меҳрга ташналик шу даражада эканки, оёқларим оғриб, бослмай қолсам ҳам, бешигимни ва онамни бирорга бермабман.

Биламан, осон эмас, лекин меҳрингизни каттасидан ҳам дариф тутманг. Неча ёшидан қатыи назар, инсон меҳрга ташналигича қолади. У катта бўлиб қолганини пеш қиласкермай, ҳар қандай ҳолатда ҳам уни яхши кўришингизни айтинг, вақти-вақти билан эркалаб туринг, секин-аста кичкинага ҳам меҳрини ўрготинг. У нафақат меҳр олсин, балки беришни ҳам ўрганади бу билан. Лекин муштдек болани ёрдамчи энага қилиб юмушларга кўмиб юборманг.

Мумкин эмас! Йўқ!

Тасаввур қилинг, ҳонага кирдингиз. У миттивой жилмайиб қайнонангизнинг юрак ёки қон босимига ичадиган дорисини синчиклаб кузатиб, оғзига олиб бораётганда тутиб олдингиз. У энди бу номаълум обьектни ўрганаётган эди, кўзлари билан томоша қилди, қўллари билан ушлаб кўрди. Бор-йўғи таъми қанақа эканини билмоқчи бўлиб энди оғзига солган ҳам эди-ки, сизнинг даҳшатли фарёдингиздан қўрқиб кетди. Бу овоз қўлидаги рангли думалоқчадан келаяптими ёки ташқаридан? Сиз унинг буюк тадқиқотини фавқулодда буздингиз. У эса сизни кўриб қиқирлаб куляпти, чунки сизнинг эътиборингизни торта олди-да. Ҳа, унда табиатан берилган билим олишга, ўрганишга бўлган эҳтиёж бор эди. Сиз уни ҳозиргина қўполлик билан синдингиз, кейин йиллар ўтиб ҳайрон бўласиз: “Нега болаланинг ўқишига хоҳиши йўқ?” деб. Майли, у ахволда боланинг соғлиғига аниқ хавф мавжуд, аммо бола “Болалар билан ўйнасан майлимий?” – деса ҳам кескин “Йўқ”, “Шириналик ейман”, деса ҳам “Мумкин эмас”, “Ухлашни хоҳламайман”, деса ҳам “Йўқ, ухлайсан”. “Бувимникуга боришни хоҳламайман”, деса яна “Йўқ”.

Хина файласуфи Ошо бир танишиникига меҳмонга борди ва унинг ҳовлида ўйнаб юрган олти ёшли ўғлини кўриб, ундан сўради:

— Исминг нима?

Болакай унга жавобан:

— Мен шу вақтгача исмимни “Мумкин эмас” деб ўйлардим. Ҳозир мактабга бораяпман ва у ерда менинг исмим бошқача эканини билиб олдим.

Бола нима иш билан машғул бўлмасин, ота-она дарров “Йўқ!”, “Мумкин эмас!” деган хитоблари билан ҳозири нозир. Биламан, ҳозир китобнинг шу жойида жиддий туриб: “Нима қиласай, бошимга чиқариб ўтирайми, бўлмаса?” Ёки “Ўзига зарар етказишига қараб турайми?”, деяпсиз. Ана шу ерда сизнинг қўрқувларингиз яширинган, фарзандингиз сизнинг сўзингизга кирмаслигидан, ўзбошимча бўлишидан ва ниҳоят, сизни мутлақо тарк этишидан қўрқувдир, балки. Яна билмадим.

У бирор хатти-ҳаракатни табиатининг маълум ҳошиига кўра амалга оширишни истаётган эди, аммо сиз кескин уни инкор этаяпсиз. Сиз бу билан унинг табиийлигини, ҳоҳишларини назар-писанд қилмаяпсиз. Балки, сизнинг қўл остингизда бир неча ходим ишламас ва ўз ҳукмронлигингизни фақат ана шу болачага ўтказиш билан ўз борлифингизга ишонч ҳосил қилаётгандирсиз. Балки, у сўраётган нарса унчалик хавфли ҳам эмасдир, аммо сиз боланинг вақтинча сизга қарамлигидан фойдаланиб унга буйруқ бера олганингиздан, ҳукмингизни ўтказа олганингиздан хурсандирсиз. Аммо бу ҳукмронлигингизнинг меваси ҳар доим ҳам хурсанд қиласи бўлавермайди. Чунки бола ҳозирча сизга қарам, сизга боғлиқ, аммо бу сизники, сизга тегишли мулк дегани эмас. У озод инсон, афсус, у ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмайди, жимгина қуллик йўлини тутади. Сизнинг “йўқ”ларингиз “эго”ингизни мустаҳкамлар, аммо уни заифлаштиради.

Кинесология фани айнан шу нарсани ўрганаар экан. Яъни мушаклар кучининг ўзгаришини. Оддий “ҳа” сўзлари айтилганда мушаклар тўла куч билан ишла-

ганини, биз севадиган “йўқ” сўзлари янграганда эса мушаклар сезиларли заифлашгани аниқланди. “Йўқ” бу бизнинг пучга чиққан умидларимизни эслатади ва мушакларимизнинг тарвузи қўлтиғидан тушади. Мен болага ҳамма иш қилишга рухсат беринг демаяпман, балки лексикангиздан “йўқ”ни ўчириб ташланг. Рухсат беришни истамаган ҳолатингизда юмшоқроқ “Ундай қилма” денг ёки нега мумкин эмаслигини хотиржамроқ тушунтиринг. Энг муҳими, сизнинг жавобингиз эмас, сизнинг болага жўнатаётган эмоциянгиздир. Суҳбатимизнинг бошида айтганимдек, бола гапга эмас, эмоцияларга ишонади ва хатосиз сезади. Уни бирор ишдан тўхтатмоқчи бўлсангиз, буни асабий эмас, балки хотиржамлик ва яхши энергия билан рад этинг, ёшига мос қилиб тушунтиринг. Бу билан уни неча ёшлигидан қатъи назар, ҳурмат қилишингизни кўрсатади.

Кўкрак сутидан қачон ва қандай ажратиш керак?

Дунёдаги ягона ҳақиқий, ҳеч қачон ўлмайдиган муҳаббат бу онанинг болага бўлган муҳаббатидир. Она боласига кўкрак тутганида бу меҳрнинг ҳақиқий ифодасини кўради ва ҳис этади. Она сутидা фарзанднинг ўсиб-униши учун барча керакли моддалар бор. Бу Яратганинг мўъжизаси, албатта. Аммо у фақатгина тана озуқаси экан. Ҳақиқий озуқани эса она ўз меҳру муҳаббати билан юборади. Эмизаётган онадан илоҳий энергия таралар ва бу қувват миттивойни ҳар қандай касаллигу бало-қазодан асрар экан. Мурғакина гўлак, балки у атрофни тузукроқ илғамас, аммо у онани ҳис қиласди. Она у учун ҳақиқий дунё, у англайдиган ягона ҳақиқат. Онани меҳр-муҳаббат билан болага кўкрак тутгани қаерда-ю, шоша-пиша “Чакагинг ўчсин!” деб эмизгани қаёқда? Бола онадан келаётган совуқликни ҳис этади, бу эса унинг саломатлигига жиддий салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Қомат бузилмасин деб, фарзандига ўз сутини мутлақо бермаган оналар ҳақида ўзингиз хүлоса қилаверинг.

Күпинча савол бериб қолишиади: “Нече ёшгача күкрак сути берган маңқул?” деб. Аслида, бола овқатга секин-аста ўрганғандан кейин она сутига бўлган эҳтиёж камайиб боради. Бу даврнинг қанчага чўзилиши онага боғлиқ. Агар она истаса, 4-5 ёшларгача ҳам эмизиши мумкин. Лекин 1 ёшгача бўлган давр ўта мажбурий, 2 ёшгача яхши, 3 ёшгача эса ихтиёрий. Ўзингиз танлаб олаверинг.

Бир кун эмас, бир кун уни күкракдан ажратишга тўғри келади. Бу бола учун туғилишга ўхшаш кризис бўлмаслигини таъминланг, илтимос. Айрим оналар болани ўз оналариникига бир неча кунга бериб юборишиади. Бунда бола икки карра қийналади: ҳам ўзи ўрганған күкракдан жудо бўлди, ҳам онадан. Бу бола учун катта фожиа. Охирги имкон бўлса ҳам, бундай усулдан фойдаланманг. Күкракни тортиб олсангиз ҳам, меҳрингизни дариф тутманг болачадан. Ў бундай айрилиққа тайёр эмас.

Айрим фантазияси бой оналар эса күкракни ҳар хил бўёқлар ёки яшилча билан бўяб, қўрқинчли тусга келтиришиади. Бола тугул уни кўрган катта одам ҳам қўрқиб кетади. Кейин юрасиз “Болам краватчаси остида ҳар хил ажиналарни кўраяпти”, деб. Кўкракдан ажратиш бирданига эмас, секин-секин бўлсин, шунда сизга ҳам осон бўлади, болага ҳам. Барча болалар катта бўлишни исташади. Катта бўлиш учун қошиқда овқат ейиш керак дейсизми ёки бирор бошқа тушунтириш ишлари олиб борасизми, бу сизга ҳавола. Мұхими, кундалик сут дозасини камайтирсангиз ҳам, меҳр дозасини камайтирмаслик керак.

Аллани ким айтиши керак?

Ҳар бир ҳалқнинг ўз алласи бор, лекин ҳамма она ҳам алла айтармикин? Менимча, йўқ. Бекорга инсоният аллани ўйлаб топмаган. Аммо, афсус, бугунги кун оналарининг бунга вақти, балки ҳоҳиши йўқроқ. Бир жиҳатдан айтмаганинг ҳам яхши, нега дейсизми? Чунки стрессли замонанинг асабий онасининг алласи болага қандай таъсир этишини ўйласам, қўрқиб кетаман. Алла бола руҳиятига, унинг феъл-авторига кучли таъсир этувчи қурол. Ўйқуга кетаётган вақт инсон гипнотетик ҳолатга тушади. Бу вақтда үнга исталган дастурни киритиш мумкин. Ана шу тарбиялашнинг айни вақти-да. Сиз унинг ҳаттоқи бирор касалликдан тузалишини ҳам буюртма беришингиз мумкин. Организм сўзсиз қулоқ солади. Келинг, биз билган алладан бир шингил эшитамиз:

Алла айтай, жоним болам,
Қулоқ солгин, алла.
Бахтимга сен катта бўлгин,
Хазон бўлма, алла.
Мен шўрликдек тўкилмагин,
Хазон бўлма, алла.

Мен негадир шу аллани эшитсан, кўзларимга ёш келади. Бу ерда онанинг дардлари мужассам. Менга қадрдан бу алланинг муаллифи билмадим, ёри фронтга кетганда бу қўшиқни битганми? Нега дейсизми, чунки унинг ичи тўла дард-алам. Она ўзини бахтсиз санамоқда. Бола учун дунё бу унинг онаси. Ҳулоса, бу дунё бахтсизлик. Ҳамма боласига бахтсизликни дастурласа, инсоният қачон бахтга эришади?

Яна бир мисра – “хазон бўлма”. Айтиб қўяй, инсон онги сал қайсарроқ, ҳамма нарсани тўппа-тўғри қабул қиласди. Үндай қилма, деган нарсани тушун-

майди. Ү нима қилиш кераклигини билишни истайди. Ҳар қандай ‘бўлма’ларни эса “бўл” деб қабул қиласди. Ҳўш, унда қандай алла айтамиз? Аввало, алла армон билан сүфорилмасин, у сизнинг орзу-умидларингиз билан боғлиқ бўлсин. Ҳамманинг орзуси ўзига хос, шунинг учун бу ерда мисол келтирмадим. Үнинг матнини ўз оналик меҳрингизга қўйиб беринг, аллани у ёэсин.

Ота фарзанд учун қанча вақт ажратиши керак?

Фарзанд ҳаётида онанинг-ку ўрни беқиёс, хўш, ота-чи? Үнинг оиласи олдида моддий таъминотдан ҳам бўлак вазифаси ҳам борми? Бундан жуда кўп аёллар куюнишади. Мутахассис сифатида оналик инстинкти ҳақида эшитганман, аммо оталик инстинкти борлигини билмайман. Биз аёллар фарзандига ғамхўрлик қилиш, уни парваришлаш дастури билан туғилганмиз, эркакларда эса бундай дастур йўқ. Яъни аёл қалби тўласинча меҳр-муҳаббат билан туғилади. Эркак эса буни тарбия асосида орттиради. Бу яхши янгилик, демак, унда бу жиҳатни тарбиялаш мумкин. Эси йўқ болани тарбиялаяпсиз-ку, кап-катта эркакни йўлга сола олмайсизми? Ёрингиз ўзи меҳрибон ота бўлса, хўп-хўп, аммо болаларга безътиборроқ бўлса, нолиб ўтирмаи болалар ва ота орасида дўстлик кўприги қуришни бошланг. Йўқса, ёрингизни бу ишдан кеч қайтиб, вақтли кетишида болалар ўз отасини танимай, амаки дейишгача бормасин.

Ҳеч қачон “Бола тарбиясига ҳисса қўшмаяпсиз”, деб нолиманг, айниқса, у эндиGINA ишдан келиши билан шикоятларни қалаштириб ташламанг. Аввал бироз нафас ростласин, кейин эркак зотининг кўнглига йўл ошқозондан эканини унутманг. Қорни тўйиб хотиржамлашганини сезсангиз, секин болалар ҳақида гап очинг. Ёрингизга бола тарбияси билан боғлиқ бирор

савол беринг ёки у билан қайсиdir үйинни үйнай олмаётганингизни ёки қайсиdir саволига жавоб топиб бера олмаганингизни айтинг. Агар ана шу айланма йўллар билан унда қизиқиш ҳосил қила олган бўлсангиз, у бу вазифаларни сиздан яхши уддалай олишини кўрсатиш учун ҳаракатга тушиб қолади. Агар эътиборсиз эшитаётган бўлса, кўнглингизни чўктирманг. Ҳеч бир қалъя бир уринишда олинмаган, муҳими ҳужум, эртага сал бошқачароқ усул топасиз, муҳими, куннинг қайсиdir вақтида бола ҳақида бош қотириб кўришига үндадингиз, ота эканини гўёки бехосдан эсга солиб қўйдингиз. Ёрингизнинг ақлий қобилияти билан фахрланингизни ва фарзандингиз ҳам у каби бўлиши учун ривожланишига эътибор беришини сўранг (агар ёрингиз тўққиз синфни аранг тугатган бўлса, “Сиз даҳосиз” деманг, бу тескари таъсир кўрсатиши мумкин). Агар дам олиш вақтини телевизор қаршисида ўtkазаётган бўлса, “Тоғ Муҳаммаднинг олдига келмаса, Муҳаммад тоғнинг олдига боради”, дегандай, фарзандларни бирор баҳона билан отаси диққатини тортишларига қулай имкон яратинг. Ота-болани ёлғиз қолдиринг ва ташқаридан вазиятни кузатинг. Ишонаверинг, ёрингиз фарзанд билан үйнаб ўtkазган онларини қадрлашни ва у билан ҳақиқий дам олишни ўрганади.

Ўйинлар ва ўйинчоқлар

А.С.Макаренко айтган эди: “Ўйин бола ҳаётида муҳим аҳамиятга эга”. Ҳа, бизнинг кўзимизга шунчаки ўйин бўлиб кўринган бу машғулот, аслида, бола учун ақлий ва жисмоний, маънавий ривожланишдир. Бола ўйин орқали дунёни танийди, ўз имконияти чегараларини синаб кўради ва кенгайтиради, келажак ҳаётида керак бўладиган билимларни олади, жамият билан муносабатга киришади, интеллекти ошади

ва ниҳоят ижодий ёндашувни ўрганади. Хуллас, ўйин боланинг асосий фаолиятидир. Ўйинларнинг ҳар хил тури бор.

1. Ролли ўйинлар: "Хола-хола", "Уруш-уруш" каби.
2. Жисмоний ҳаракатга асосланган ўйинлар: "Тим", "Ланка", сакрофичда сакраш, "Лафта", футбол каби.
3. Ривожлантирувчи ўйинлар. Буларга конструктор ўйинлари, кубчалар ва ҳоказолар киради.

Бу ўйинларнинг ҳар бири керак, ҳар бири фойдали. Охирги вақтда ота-оналар болам вундеркинд бўлсин, деган мақсад қўйғанлиги учун бўлса керак, болаларнинг, айниқса, қизларнинг ҳаракатли ўйинлар ўйнаётганини кам кузатаман. Асосий диққат-эътибор, ақдий ривожлантирувчи ўйинларга қаратилмоқда. Бу ўйинларни қачондан бошлаш керак деса, мен туғилганидан дердим. Ҳайрон бўлманг, чунки инсон ҳаётда оладиган асосий инфомациянинг ярмини уч ёшгача олиб бўлар экан.

Боланинг нутқи билан ишлаш ҳам ақдий ривожлантирувчи ўйин ҳисобланади. Сиз билан юқорида кўриб чиққанимиздек, бола она қорнидалигидан бошлаб у билан гаплашиш мумкин. Туғилганидан кейин эса бу суҳбат янада фаоллашади. Боланинг ақдий ривожлашини онанинг сабр матонати-ю, интеллектига боғлиқ.

Демак, болани биринчи ўйин фаолиятига олиб ки-
рувчи бу она экан. Ҳар қандай ўйин ўйинчоқларсиз
бўлмайди. Энди ўйинчоқ харид қилишни бошлаймиз.
Ўйинчоқ сотиладиган дўконларга кирсангиз, у ердаги
кенг ассортиментни кўриб нимани олишни ҳам бил-
май қоласиз. Ҳўш, сиз қандай эҳтиёждан келиб чи-
қиб ўйинчоқ танлаяпсиз? Одатда, кўп ҳам бош қотир-
маймиз, қизларга қўғирчоқ ёки ўй жиҳозлари ўйин-
чоги, ўғил болаларга эса машина, тўппонча ёки кон-
структурлар. Ўйинчоқни болага ҳадя қилдик, у кўри-
ши билан қувонди, аммо унинг қизиқиши бир неча
кунга қолмай сўнди. У энди бу ўйинчоқни ўйнамай

қўйди. Шу вақт биласизми, нима қиласиз, ўйлаб кетасиз: "У нега қизиқмаяпти, касалмикин? Диққати тарқоқмикин?" Айрим ота-оналар хавотирга тушишади: "Ҳозирдан шунаقا бетутурүк бўлса, эртага бирор касбнинг бошини тута олармикин ё бетайинга ўхшаб бугун ўзини у ёқса, эртага бу ёқса урармикин?" Бу ерда уч-тўрт ёшли бола ҳақида гап кетаяпти. Муаммо шундаки, сизнинг муносабатингизда бироз чалкашликлар бор. Сиз муаммони боладан эмас, ўйинчоқдан қидиринг. Балки, боланинг унга қизиқиши сўнгандир. Ахир у нега ўйинчоқ ўйнайди, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учунми? Йўқ, албатта, бу унинг иши, яъни у шу ўйинчоқ билан ривожланади, уни ўрганади. Улоқтирилган ўйинчоқлар забт этиб бўлинган мэрралар бўлиши мумкин. Унга ростдан ҳам ёқадиган ўйинчоқ олиб бермоқчи бўлсангиз, эҳтиёжларини ўрганиб чиқинг. У нимага қизиқади, нимани хоҳлайди? Лекин оғзидан чиқиши билан мұхайё қилаверманг. Үндай ўйинчоқлар бекадр бўлади. Асосан қайта-қайта ўйнаш мумкин бўлган ўйинчоқлар танланг. Ўйинда бирор марра бўлиши керак, шунда қизиқ бўлади. Агар марра қўғирчоққа эришиш бўлса, маррага эришилди, энди у улоқтирилади. Лекин айрим қизалоқлар улар билан гаплашади, ўйнайди, ўйинлари охир билмайди. Улар ўйинчоқлар билан ўзаро гаплашса, хавотирга тушманг, ўз ҳолига қўйинг, фарзандингизда ривожланиш босқичи кетмоқда.

Бир куни жияним – ёш она қўнфироқ қилиб сўраб қолди:

– Уч-тўрт ойлик чақалоғимга юмшоқ ўйинчоқ кўрсатсам, додлаб йиғлаяпти. Болам бирор нуқсонлими?

Эшитиб кулдим:

– Болада-ку ҳамма нарса жойида-я, аммо онасида бирор муаммо бор деб қўрқаман, – деб.

Ҳар куни онасининг юзини кўрадиган бола бирданига баҳайбат маҳлуқчани кўриб, албатта, даҳшатга

тушади-да. Юмшоқ ўйинчоқлар болани ўзидан ҳам катта бўлса, ҳатто уч-тўрт ёшли болада ҳам қўрқув туйғусини ўйғотиши мумкин. Ундан ташқари, гигиеник талабларга ҳам жавоб бермайди.

Яна боланинг ўйинчоқлардан кўнгли қолишига сабаб ота-оналарнинг уларнинг ўйинига ҳаддан ортиқ аралашуви “Уни ундоқ ўйна, буни бундоқ ўйна”. “Шошма, аввал ўзим кўрсатиб бераман”. “Эҳтиёт қилиб ўйна”, каби даккилари ҳам бўлиши мумкин. Ундаи ота-оналарга “Болани ўз ҳолига қўйинг, ҳеч бўлмаса ўйинчоқлари билан эркин бўлсин”, дегим келади. Истаса ўйнасин, истамаса йўқ. Агар сиз “Не-не ният билан сотиб олиб бергандим”, деяётган бўлсангиз, “Бу сизнинг муаммоингиз, болада эса ҳаммаси жойида”, дейман. Болани ўйинга ундаш учун унда қизиқиш ўйғотиш керак. Бунинг учун сиздан педагогик маҳорат талаб этилади. Бундай қобилият ҳамма ота-онада ҳам бўлмаслиги мумкин, аммо уни пайдо қилиш мумкин.

Шундай оналардан бири ўн ёшли, бири олти ёшли ўғилларини олиб қабулимга келдилар. Мақсад катта – ўғилнинг интеллектуал коэффициентини аниқлаш. Унга текшириш тестларини бердим, она мен билан гаплашгунча кичиги ҳали мактабга чиқмаган бўлса-да, қофоз-қаламини олиб, онасини шоширади: “Ребус тузиб беринг”, деб. Она ҳам дарров ребус ўйлаб топди, бола эса уни ишлашга киришиб кетди. Боланинг фавқулодда ғалати қизиқиши менинг зътиборимни тортди ва унинг ҳам интеллектуал қобилиятини текшириб кўрдим. Тест юқори натижаларни кўрсатдиг.

Мен ҳамма ота-она ребус тузиб, боласини мажбур қилиб ўtkазиб ишлатсин, демаяпман. Аммо ҳар бир ота-она унинг қизиқиш объектини яратишига имкон берсин ва қизиқкан машғулоти билан шуғулланишига халақит бермасин, дердим. Ҳар бир вундеркинднинг бошқа оддий болалардан фарқи унинг им олишга

бұлған ҳаддан ортиқ интилишидир. Бүнга эса болани ёқмаган нарсасини тиқишириш билан змас, балки у үчүн ёқимли қизиқарлы бұлған машғуот билан шүғулланишига имкон бериш орқали эришилади.

Савол: Қизим беш ёшда. Бирорта ҳам бутун үйинчоғи қолмаган, ҳаммасини бир күннинг үзіда сарандымайды. Бу үндаги агрессиядан далолат берадими?

Жавоб: Ҳар доим ҳам бу агрессия белгиси бұла-вермайды, балки үйинчоқнинг қандай түзилганныги уни күпроқ қизиқтирап. Үндаги бу қизиқишини қондириш үчүн конструктор үйинлари ёки бошқа бир қисмларга ажратиб, кейин бошқачароқ йиғиб үйналадиган үйинчоқлардан олиб беришни тавсия этардим.

Фарзандингиз үч ёшда

Табриклайман, мана ниҳоят, фарзандингиз үч ёшга кирди. Ҳатто бармоқлари билан учни күрсатиб, бунча ёшдаман дейишни бошлади. “Бирорнинг боласи тез катта бұлади”, деган гап бежиз айттылмаган. Албатта, бу давр сиз үчүн осон үтмади. Энди сиз үнда айрим үзгаришларни, феълидаги қайсаликларни сеза бошладингиз. Ҳар бир ишда “үзим, үзим”и бошланди. Янын кийимини үзи кийгиси, столни үзи йиғишиштиргиси, ҳатто овқат қылгиси келиб қолди. Бу үндаги “мен”-нинг шаклланиши демекadir.

Ана энди у үзини англай бошлади, атрофдагилардан ажralған мұстақил организм эканлигини ҳис қилиш босқичи. Бу кризис даври дейилади. Бу давр күтилгандек муаммоли үтмайды, қачонки, ота-она үндаги үзгаришни түғри қабул қилиб, үzlари ҳам үз үнга нисбатан муносабатларини үзгартырсалар. Үндаги бу ҳолатда “Болам қайсар бўлиб қолди, айтганимга кирмаяпти”, демасдан, муаммонинг нимада эканини аниқланг. Агар у үй юмушида қараашмоқчи бўлса, имкон беринг. Масалан, сиз кир юваётганингизда у ҳам

қўшилиши мумкин ёки ҳамир қилаётганингизда кичкина бўлакни унинг ўзига беринг, хоҳдаганича тусгин. Фарзандингизни ўзини одам сифатида ҳис қилишига халақит эмас, ёрдам беринг, уни қўллаб-қувватланг.

Нега бола ўйда соғ-у, боғчада касал?

Уч ёш, болани боғчага бериш учун энг яхши давр. Айнан сизга берилган таътил ҳам шу даврда тугайди. Молиявий мұаммолар сабаб она вақтлироқ ишга тушиши зарур бўлиб, бола эртароқ боғчага берилган ҳолатда янги муҳитга кўникиши қийинроқ бўлади. Чунки у ҳали ўзини ота-онадан айро, мустақил инсон сифатида англамайди.

Боғча – у биринчи бўлиб дуч келадиган жамият, бу ерда ота-она йўқ, унинг эркаликларини кўтариш йўқ, балки, ўзига хос тартиб-қоидалар, бир талай begona болалар ва боғча опа бор. Шубҳасиз, у бу муҳитга секин-аста ўрганади. Аммо вақт ўтиши билан ҳам боғчага кўника олмайдиган болалар ҳам учраб туради. “Боғчага бормайман”, деб ҳар куни харҳаша қилиш ёки тез-тез касал бўлавериш кўринишида исёnlар ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, тез-тез кузатиладиган ҳолат бу боланинг касалланавериши. Боғчадан юқтириб келди, дея ташхис қўйиб қўйишади оналар. Боланинг касал бўлиш сабаблари ҳар хил бўлади:

- 1) касалликдан келадиган “иккиламчи фойда”;
- 2) меҳр-эътиборнинг етишмаётганлиги;
- 3) иммунитет пастлиги.

Бола касалликдан қандай фойда кўриши мумкин, бир ўйлаб кўринг. Албатта, у истамайдиган жойи – боғчасига бормайди, ўйда қолади. Агар фарзандингиз ўйда қолганда соғаяётган бўлса, демак, сабаби шу бўлиши мумкин. Агар болага меҳр, эътибор етишмаса ҳам, касал бўлиб олади, чунки сиз шунда унинг атро-

фифа парвона бўласиз, силаб-сийпалайсиз, ишдан қоласиз. Бу бола учун баҳт. У баҳтни анча қиммат нархда бўлса ҳам, сотиб олади. Демак, болани меҳрдан дариф тутиш тана азобидан-да оғир. Боланинг касал бўлишини кутмасдан туриб, меҳрингизни бering. Бу талтайтириш дегани эмас.

Иммунитет пастлиги ҳар бир касалликка сабаб бўлиши мумкин, аммо унинг ҳам сабабчиси бор. Тиббиётда курашувчанлик пастлигини нимжонлик, организмда керакли моддалар етишмаслиги билан тушуниширишади. Мен эса болани ожиз қиласиган асл кучни айтаман: бу – сизсиз. Ҳа, тўғри эшитдингиз, боланинг касаллиги сабабчиси аксарият ҳолларда она. Қандай? Оддийгина. Бола онанинг биомайдони таъсирида бўлади, ҳатто кап-кatta фарзандга ҳам она таъсир этиши мумкин. Чўнки бу икки вужуд қачонлардир бир бутун бўлган. Айниқса, у кичкинтой бўлса, у ҳали ҳам тўлалигича сизнинг энергетик майдонингиз ичиладир. Уни касал қилаётган нарса сиздаги унга бўлган ишончсизлик. Сиз фарзандингизни бошқа муҳитга ишонмаяпсиз, уни бегоналар қўлига ишона оламаяпсиз ва айни вақтда мажбурлигингиздан ёки тартиб шунақалигидан бераяпсиз. Аммо уни боғчада яшаб кета олишига ишонмайсиз. Бу билан уни кучсизлаштирасиз-да, албатта. У эса сизнинг ишончингизни, йўғ-е, ишончсизлигингизни оқлади ва касал бўлади. Бу она учун осон бўлмас, аммо уни бу ёруғ дунёга ишониб келтирингиз, ана шу даврда у сиздан ажралди. Энди у мустақил қисмат, мустақил ҳаёт эгаси. У юра олади, у гапира олади, олдига овқат қўйса, ўзи ис-теъмол қила олади, ҳожатга ўзи бора олади. Аллоҳга шукур, у ўзини ўзи эплайти, Хўш, сизга нима керак яна? Юракни сал кенгроқ қилинг, агар болангизни ҳеч қўлдан қўймаганингизда, у ҳеч қачон юришни ўргана олмас эди. Ҳудди шундай, уни ҳеч уйдан чиқармасангиз, жамиятга ишона олмасангиз, у қачон

одамлар билан муносабатни ўрганади, қачон уришиб-талашишни, ўз ҳақини талаб қилишни, дўстлашишни, топганини бирор билан баҳам кўришни ўрганади? Қачон у ўз уйидан ҳам бошқа дунёни кўриши мумкин? Болакайни боғчага фронтга жўнатгандек жўнатманг. Илтинос, унда ростдан ҳам жанг майдонидан қайтгандек у ер-бу ери синиб ёки яна нимадир ишкал чиқариб келади. Яхиси, уни кузатаётуб қаттиқ бағрингизга босинг, юракчасини ҳис этинг. Ичингизда, хоҳласангиз овоз чиқариб “Болам, сени жуда яхши кўраман, сенга ишонаман, яхшилик билан кечқурун кўришамиз”, дэнг. У ёғига Аллоҳга топширинг. Ишонинг, сиз Яратгандан ортиқ ғамхўрлик қила олмайсиз. Бу билан сиз фарзандингизни ўз ижобий энергиянгиз билан қувватлантиридингиз, энди у кун охиригача ҳар қандай фалокату кўнгилсизликдан йироқ бўлишига ишонч билдирингү ўз юмушларингиз билан шуғулланинг, хавотирга ўрин йўқ, жигаргўшангиз ишончли қўлларда.

Савол: Фарзандим уч ёшдан ошди. Унинг ақлий ривожланиши билан ўзим шуғулланаман. Уни “Томоша” болалар ансамблига ҳам бермоқчиман. Ҳуллас, унинг ҳар жиҳатдан етук бўлишини истайман. Натижаларим жуда яхши, шунинг учун боғчага беришни истамаяпман. Мен тўғри йўлдаманми?

Жавоб: Қийин савол. Албатта, ҳар бир ота-она боласи учун энг яхши нарсаларни беришни истайди. Лекин кўпинча ўзлари истаган нарсани беришга интилишади, бола истаги эса очилмай қолиш хавфи бор. Келинг, яхиси, боғчанинг манфий ва мусбат томонларини кўриб чиқамиз. Шунга қараб якуний ҳулосага ўзингиз келасиз. Боғчанинг салбий жиҳати ҳар бир болага сиз каби индивидуал ёндашув қийинроқ, тарбиячилар ота-онадек меҳр-муҳаббат кўрсата олмайди. У ерда тартиб озгина қаттиқроқ.

Ижобий томонлари. Бола бошқалар билан муносабат қилишни ўрганади, ўзининг имкониятларини ат-

рофдагилар орқали текшириб кўра олади. Тарбиячилар маҳсус режа асосида болани ривожлантириш билан шуғулланишади. “Чумчук сўйса ҳам, қассоб сўйсин” каби. У ерда ҳам мусиқий дарслар ўтилади, тил ўргатиш дарслари ҳам. Сиз эса бола ўйда вақтида ўз қўшимча ақлий ривожлантирувчи ўйинларингизни беришингиз мумкин. Ҳулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Савол: Фарзандимни боғчага бериш арафасида-ман. Аммо билолмаяпман, хусусий боғчага берайми ёки давлатнигига?

Жавоб: Албатта, бу биринчи ўринда молиявий имкониятдан келиб чиқадиган масала. Агар бунда муаммо йўқ бўлса, фарзандингиз энг яхшисига лойиқ деяпман. Ҳусусий боғчаларни мен ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман. Агар қўйида келтирадиган икки камчилиги бўлмаса. Биринчиси, у ерга асосан ўзига тўқ оиласаларнинг фарзандлари боради, айримлари юқори мансабларда ишлайдиган амалдорлар бўлиши мумкин. Тарбиячи айрим болаларга сал бошқачароқ муносабат билдиrsa, фарзандингиз ўксиб қолиши мумкин. Демак, нафақат боғчани, балки тарбиячининг педагогик ва одамийлик сифатларини ҳам инобатга олинг. Иккинчидан, боғча тўлови бюджетингизни жуда кўп қисмини ташкил этса, яъни фарзанд келажаги учун ниҳоятда кўп нарсадан воз кечиб юборсангиз, бола билмайди-ю, аммо ҳис қилиши мумкин. Яъни фарзандни ҳамма нарсадан биринчи ўринга қўйишингиз, натижада унинг худбин бўлиб қолиш хавфи бор. Бу дегани ҳамма хусусий боғчага борувчи болалар худбин дегани эмас. Ҳамма нарсани сизнинг муносабатингиз белгилайди.

Ўғил болани қандай тарбиялаш керак?

Ўғил кўриб бир суюниб, бир куюниб, уни қандай қилиб ҳақиқий эркак қилиб тарбиялайман, деб боши

қотган ота-оналар, тарбияга енг шимаришдан олдин бир ўйлаб кўринг, сизнингча, ҳақиқий эркак стереотипининг ўзи нима ва сиз унга қандай талаблар қўясиз?

Ҳақиқий эркак – жамият қабул қилган нормаларга мос келувчи идеал образ.

Бугунги кунда ривожланган Farb мамлакатларида эркак ва аёл орасидаги тафовут борган сари кама-йиб бориши билан бирга ҳақиқий эркак деган стереотип ҳам ўзгариб бормоқда.

Феменизмнинг совуқ шамоли аёлга куч бермоқчи бўлиб, уни қўпоплаштириди, эркакка аёлни ҳурмат қилишга мажбурлайман деб үндаги ишончни, шижкотни олиб қўйди.

Тезкор замонимизда бемалол ҳаракат қилиш учун Farb эркакига ришарлик совути оғирлик қилиб қолди, хориж ривожланиши шиддат билан кириб келаётган жамиятимиз эркаклари ҳам Алномишларни орзу қилмай қўйди.

Ҳақиқий эркак ва ҳақиқий аёл тушунчалари катта савол остида қолаётган бугунги кунимизда шукрки, эркак учун мардлик, жасорат, ғурур, ор-номус деган жиҳатларга бўлган эҳтиёж сақланиб қолди.

Хўш, мана шу хусусиятларни шакллантириш учун нималарга аҳамият бериш керак, деган ҳақли савол туғилади.

Фарзанд дунёга келар экан, унга энг яқин инсон она бўлади ва уни ҳақиқий эркак қилиб тарбиялайман деган аёл ҳақиқий аёл бўлиши керак. Бу жуда мухим фактор. Оилада она кучли, ота пассив бўлганда ёки бирор бошқа сабабга кўра отадан нафратланиб ўсган ўғил аёлларга тақлид қилишга мойил бўлиши мумкин. Чунки ўғил бола авторитетни қидиради ва унга автоматик тақлид қиласи.

Айниқса, оилада қизлар кўп бўлиб, устига-устак ота фарзандига вақт ажратса олмаса, ўғилда қизларга

тақлид қилишдан бошқа йўл қолмайди. Бу боланинг қизиқишиларида, ўйинларида кўриниши мумкин. Бу ҳолатдан даҳшатга тушиб фожиа ясаш ярамайди. Энг яхши үсул тарбияга эркакларни жалб этиш. Агар она ёлғиз бўлса, бу эркак бува, тоға, амаки, спорт мураббийи ҳам бўлиши мумкин.

Ҳар бир эркакда қўрқув нималигини билмайдиган куч ва муҳаббат мавжудdir. Кучни отадан олса, меҳрни онадан олади. Меҳр-муҳаббат кўрсатилган бола бошқаларга бешафқатларча муносабатда бўлмайди, ёмон йўлга кириш эҳтимоли камаяди. Лекин меҳр бу кап-кatta йигитни ёш боладек эркалатиш эмас. Болани улғайганини ҳисобга олмаслик жиддий муаммоларга сабаб бўлади.

Психолог Роберт Блейнинг бир ажойиб гапи бор: «Жамиятда етарлича кўп ўғил болалар туғилмоқда, аммо эркаклар борган сари камайиб кетишияпти. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, биз қандай қилиб ўғил болани, ҳақиқий эркакни тарбиялашни билмаймиз. Иккинчидан, ҳақиқий эркакни улғайтиришни хоҳлашимизга амин эмасмиз».

Бизни бугунги кунги тарбиямиз фарзандни жамиятга тайёрлаш жараёнида уларни атрофга камроқ зарар етказиши, маданиятли бўлишига кўпроқ қаратилган. Биз ўғил болага жуда кўп йўқ, деймиз. Үндаи қилма, бундай қилма, бу хавфли каби. Бу эса ундаги Энергияни, кучни, агрессияни чеклайди. Кейин эса тарбиянинг қаерида хатога йўл қўйдим, деган саволларга жавоб қидирамиз.

Албатта, ўғил болалар тарбияси анча оғир ва масъулийатlidir, чунки у қурол кабидир: ҳам кучли, ҳам хавфли. У бир нарсани истайди, ўзини ҳақиқий эркаклигига ишонч ҳосил қилишни, ўз кучи ва имкониятлари чегарасини аниқлашни. Бунинг учун ўзини хавфга отиши ёки бошқа болалар билан уришиши мумкин. Агар эътибор берган бўлсангиз, эркаклар

ўғил болаларнинг уришига хотиржамроқ қарашади, ҳатто бирга бир чиқиб, ўз кучини синаб кўришга чақиришади ва бу курашни мароқ билан кузатишлари ҳам мумкин. Айни вақтда аёллар хавотирга тушишади ва бу тартибсизликка тезроқ чек қўйишга ҳаракат қилишади. Аёлга фарзандининг хавфсизлиги мұхим, тинчгина уйда ўтиrsa яна яхши, она учун. Шунинг учун ўғил боланинг тарбияси ёлғиз она қўлида қолганда жиддий муаммолар келиб чиқади. Австралия қабилаларидан бирида ўғил бола 7 ёшга киргунча онанинг тарбиясида бўлади, кейин эса онадан ажратиб олинади, бизда ҳарбий хизматга кетгандек уйдан кетиб, фақат эркаклар жамоасида тарбияланади. 15-16 ёшга киргандан кейингина оиласа қайтиши мумкин. Ана шу усул билан улар ҳақиқий эркакни тарбиялашар экан. Мен XXI асрда туриб аборигенлардан андоза олиш керак, деган фикрлан йироқман. Аммо ўғил бола тарбиясида эркак киши мұхим. Агар она ёлғиз бўлса, юқорида таъкидлаганимиздек, бу эркак бува, тоға, амаки, спорт мураббийи ҳам бўлиши мумкин. Ўғил бола кучни, ишончни аёлдан топа олмайди.

Юқоридаги икки мисолда ўғилнинг улғайиб ҳар хил ҳунарлар чиқара бошлади. Буни онадан қочиш деб ҳам, онага қарши исён деб ҳам аташ мумкин. Бу она ўғлини мустақил қўймагандан ёки улғайганини тан олмагандা ундан қочишнинг бир қўринишидир.

Кўпинча бизнинг ўзбек оилаларида қизим бир жойга боради деб, уларнинг тарбияси билан алоҳида шуғулланамиз, уларга кўпроқ масъулият юкланади, ўғил болага эса аксинча, айниқса, у биттагина бўлса. Ўғил болага масъулиятли иш топширилганда, у ўзини ҳақиқий эркакдек ҳис қиласди.

Маслаҳатим, аввало, бола тушиб қолган таъсирни, унинг атрофидагиларини ва у пулни нимага сарфлаётгани аниқланиши керак. Бу таъсирдан уни қутқариш ва тарбиялашнинг энг яхши йўли – уни ўқишидан ташқари бирор ишга жойлашадир.

Хулоса. Үғлим безорилик қилиб күчини заарали машғулотларга сарфламасин десангиз, спортта беринг. Ҳаёлини ёмон фикрлар банд қилмасин десангиз, бирор фойдали мәҳнат ёки ҳунар билан машғул қилинг. Ҳақиқий эркак бўлсин десангиз, кўпроқ эркаклар таъсирида бўлишини таъминланг. Үғил болани кучли она дунёга келтиради, катта қиласди, аммо уни ҳақиқий эркак қилиб ота тарбиялади.

Бола тарбиясида буви ва она

Бола тарбиясидек мушкул бир жараёнда, албатта, ёнингизда катталар бўлгани яхши. Айниқса, биринчи фарзанд кўришингиз бўлса, бирор савол бўлса, улардан сўрайсиз, энг қийин вазиятларда улар сизга йўл кўрсатувчисиз. Бола ўстиришнинг қанчадан-қанча майда-чўйда сир-асрорлари бор. Шубҳасиз, ҳар бир она, у ҳатто педагог бўлса ҳам, бир тажрибали маслаҳатгўйга эҳтиёж сезади. Барча ота-она тарбияда хатога йўл қўяр эмиш, чунки гап бу дунёда ҳамма нарсадан ширин фарзанд устида кетаяпти. Айни вақтда бувилар муаммони ташқаридан кўриш имконига эга. Ундан ташқари, айрим оналар болани тарбиялаш билан машғул бўлавериб, унга меҳр беришни унутиб қўйишлари мумкин. Шунда меҳр балансини буви-бувалар тўлдиришади. Уларнинг одатда, шошадиган жойи йўқ, тарбия жиҳатдан тажрибали экани учун хотиржамроқ қарашали, ундан ташқари улар меҳр бериш ёшига етган бўлишади. Буви-бувалар бор уй, фарзанд тарбиялаш учун энг яхши жой ва шароитdir. Тарбия деганда фарзанднинг олдига олиб нималарнидир уқтириш ёки уришишни тушунадиганлар ҳам топилади. Бола бор уйда катталар ҳар дақиқада унга тарбия беришади. Қандай? Албатта, юриш-туришлари ҳар бир хатти-ҳаракатлари, вазиятларда ўзларини тутишлари, айрим воқеа-ҳодисаларга билдирадиган қарашлари,

муносабатлари орқали. Шунинг учун фарзанд тарбиятган катталар ўзлари тарбияли бўлишлари зарур. Албатта, бу гаплар баландпарвоздек эшитилиши мумкин, чунки Қайнона-келин муаммолари ҳар оиласда бор, машмаша, айниқса, гап бола ҳақида кетса, Қайнонанинг ҳам ўз фикри бор, келиннинг ўз қарashi, энг муҳими уларнинг гапи ҳар доим ҳам бир жойдан чиқавермайди. Зиддият ҳар қандай майдада-чуйладан чиқиши мумкин.

Қайнона: “Бола бешикда катта бўлиши керак”.

Келин: “Боламнинг сиқилиб қийналишини истамайман, у кроватда ётади”.

Қайнона: “Болани ҳадеб у қўшимча дарсдан бўни сига судрайверманг, болалигини унутманг, ўйнашга ҳам вақт қолдиринг!”

Келин: “Ҳозир замон бошқа, бола меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиши керак!”

Шунга ўхашаш зиддиятларнинг сон-саноги йўқ. Бу икки томоннинг қай бири ҳақидалиги ёки қайси фикр тўғрилиги муҳим эмас, балки бу гапларнинг бари кимнинг устида кетаётгани ва катталарнинг бир тўхтамга кела олмаслиги унга қандай таъсир этишидадир. “Қўйчивон кўп бўлса, қўйлар ҳаром ўлади”, дегандек, бундан энг кўп бола зарап кўради, фойда кўрмайди-ю, айрим вақтларда фойдаланиши ҳам мумкин. Бу зиддиятнинг ечими шуниси билан қийинки, ҳар икки томон ҳам ўзича ҳақ ва ҳар бири боламга яхши бўлсин, дейди. Лекин муаммо ким ҳақлигига эмас, балки бу икки одамнинг – бири тажрибаси билан, бири оналик ҳуқуқи билан кибрланиши, болани эса ўз менини ҳақлигини ва кучлилигини исбот қилиш йўлида қурол қилиб олганда.

Бола тарбиялашни даъво қилаяпсиз, аммо ўзингизни ҳали ҳам боладек тутмаяпсизми? Келин, сиз ҳар бир қарама-қарши фикрингизда худди онасига “ўзим, ўзим” деб исён қилаётган ўсмир ёшдаги қизалоқни

эслатмаяпсизми? Сизми қайнона, энди буви бўлсангиз ҳам, "Мен ҳаммадан ақллироқман" деб, кўксига ураётган бошланғич синф ўқувчисини эслатмаяпсизми?

Катталар! Илтимос, болани улғайтиришдан аввал ўзингиз улғайинг, болага намуна бўлинг. "Хола-хола" ўйнаётган қизалоғингизга бир қаранг, хатти-ҳаракатларни, ўзни тутишни у кимдан ўрганаяпти? Албатта, сиздан. Илтимос, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келлаётган қайнона-келин можаролари сизларга келиб тўхтасин. Янги авлод шусиз яшасин. Ўз қайсаrlигингизни келажак авлод учун қурбон қилинг. Ўзаро муносабатларингизни болани ўртага сўқмай ҳал қилинг. Сиз кап-кatta икки аёл ўзаро муросага кела олмасангиз, қандай қилиб болага муюмала қилишни ўргатасиз? Сиз аввал ўз муаммоингизни ҳал қилинг, кейин боланикни. Фарзандингиз энг қадрдан инсонларининг тафовутини кўрмасин, шу икковидан бирини танлашига мажбур қилманг. "Ўнг кўзинг қолсинми, чап кўзингми?" каби.

Болакайга ҳар иккингиз кераксиз, тарбияда ҳар иккингизнинг меҳрингиз бўлак. Агар икковингизнинг тарбия ҳақидаги қарашларингиз мутлақо бир-бирига зид бўлса, унда бир-бирингизни тўлдиринг, холос. Қайнона, сиз оналик вазифангизни ортиғи билан адo этиб бўлдингиз, энди фарзандингиз ҳам бугун бир билиб, бир билмай шу ролни ўз билганича ижро этишига қўйиб беринг. Чунки тарбияга аввало ота-она масъул. Агар ёшлар ҳаддан зиёд қаттиққўллик қилиб юборса, сиз вақти-вақти билан меҳрингизни бериб туринг. Уни эркалаб, қучиб, аммо онага қарши қайраб эмас. Агар жуда талтайтириб юборишса, ибратли ҳикоялар, диний қарашлар билан уни инсофга чақирадиган ғоялар билан сүфоринг. Меҳр ва талаб баланси бузилмаса, бола ҳам бузилмайди.

Келинг, сиз фарзандингизга яхши хулқ қандай бўлишини ўргатманг, биттагина қайнонангиз билан муро-

сага кела олмас экансиз, сизнинг ўгитларингиз ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. Қайнонангиз тажрибасини, қарашларини у, ҳатто, замондан жуда ортда қолган бўлса-да, ҳурмат қилинг. Керагини олинг ва жонкуярлиги учун вақти-вақти билан “Яхшиям сиз борсиз, ойижон” деб миннатдорлигингизни билдириб туринг. Бир-бирингизни кўрага кўзингиз бўлмаса-да, бола учун сулҳ тузинг, тарбия аталмиш жанговор вазифада бирлашинг. Жигаргўшангиз бундай қурбонликка арзиди.

Зўрлики бу ёки тарбия усули?

Бир куни Афанди ўғлини олиб, мол бозорга тушибди. У ердан эшак сотиб олибди. Қайтишда эшак бир ерда тўхтаб, юргиси келмай хиралик қилибди. Афанди: “Бир”, дебди-ю, қамчи урибди, эшак юриб кетибди. Бир қанча йўл юргандан кейин, эшак яна хиралик қилибди. Энди Афанди: “Икки”, деб қамчи урган экан, эшак яна юриб кетибди. Маълум масофадан кейин эшак яна эшаклигини қилиб, юрмай, туриб олибди. Афанди энди: “Уч”, дебди-ю ёнидан пичофини олиб, эшакни сўйиб ташлабди. Бола:

– Дада, нима қилдингиз, туппа-тузук эшак эди, кунимизга яради, сўйиб ташлайверадими ўйлаб ўтирамай? – деса Афанди ўғлига қараб:

– Бир, – дебди.

Боланинг эсини киргизиб қўйишнинг энг тезкор усули бу. Инсонлар жамияти пайдо бўлибдики, отоналарнинг боласи устидан зўрлик қилиши бўлган. Авваллари бунга одатий ҳол деб қаралган, чунки бола ота-онанинг мулки ҳисобланган, худди уйдаги мебелдек хоҳласа ўёқقا суради, хоҳласа уради, хоҳласа тепади.

Сиз-чи, замондошим, бугун фарзандингизга шундай муносабатда бўлмаяпсизми, беихтиёр бу чора-

ларни құллаб юбормаяпсизми? Айрим оналарнинг айтадиган гапи бор: “Бола меники, хоҳласам ураман, хоҳласам сұқаман”. Йүқ, бола ҳам инсон ва у қонун ҳимоясида. Жисмоний, эмоционал, вербал зўрликка бүгун болаларимиз учрамоқда, яна кимдан, энг яқин кишиларидан. Айтайлик, майли, сиз асабингиз бузилиб фарзандингизнинг хатоси, номаъқулчилиги учун жисмоний жазо билан жазоладингиз. Жазога шошилишдан олдин унутманг, бола ҳеч қачон қилган ишининг ёмонлигини билмайди. У бечорада бундай тажрибанинг ўзи йўқ. Худди сиз ота-она боласини хоҳласа уради, хоҳласа сўқади деб ўйлаганингиздек, у ҳам бу дунёда кўнглига келган ишни қилиб кўриш мумкин, деб ўйлади. Жамият сизнинг қилган жиноятингиз учун судга бермай, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай тушунтириб келаётганидек, сиз ҳам унга тушунтиринг. Энг аввало, уни шахс деб ҳурмат қилинг. Шунда ҳамма нарса ўз жойига тушади. Ҳа, албатта, бола жисмоний жазодан сўнг бу номаъқулчиликни қайтиб қилмайди. Сиз эса муаммони осонгина ҳал қилдим, деб ўйлайсиз, аммо бир муаммони ҳал қилиб, ўрнига йигирмата янги муаммо орттириб олганингизни билганингизда, балки югурек қўлингиз тийилармиди? Сизнинг шапатиларингиз, калтакларингизни еган бечора бола сизга қарам, борадиган жойи йўқ, сиздан бошқа меҳрибон кишиси йўқ, шунинг учун чида япти. У ожиз, сиз эса унинг ожизлигидан фойдалана япсиз. Бу билан мамнун бўлдингизми? Ахир, сиз қаттиққўл, фарзанд тарбиясига эътибор билан киришган онасизда-а? Сизнинг ўзингизга ишончингиз ортди, кибрингиз кучайди, болачанинг келажаги ҳисобига, унинг “мен”ининг синиши ҳисобига. Бола бечора бу уйда уни нима кутаётганини билмайди. Ҳар доим оғир жазолар бошқа такрорланмаслигига умид қиласи. Бечорагина, у сизга ниҳоятда боғланиб қолган. У ҳеч қачон сизни ёмон деб билмайди, оғир

жазоларни нотўғри деб ҳам тушунмайди. Энг ёмони, бир кун келиб ўзи ҳам шу ишни қилади.

Жисмоний жазолар боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишини пасайтиради. Дунёга нисбатан негатив қараш пайдо бўлади, одамларга ишонмайди, ёввойи бўлиб қолади. Кейинчалик ўзаро муносабатларга киришишда муаммоларга учрайди. Ҳаттоқи, иккинчи жинс вакиллари билан муносабатлари ҳам омадсиз бўлади. Ү яшаб қолишнинг ожиз усулини қўллашга ўрганади. Муаммоли вазиятларда ён бераверади, қўрқоқлик қилади. Лекин у боксчилар муштлайдиган ёстиқ эмаски, ютиб кетса, бир кун келиб вулқон бўлиб отиласди. Ўзидаги кўнсанг сизгандаги, ҳисобни тўғирлаб қўяди, хавотир олманг.

“Урсанг бети қотади, гапирсанг эти”, деган гапни унутманг. Фарзандингизни калтак билан бирдек итоаткорлигини таъминлаш учун кўп тер тўкишингизга тўғри келади. Чунки ҳар гал жазо таъсирили бўлиши учун оғирлашиб бориши керак. Аммо сиз турма назоратчиси эмас, онасиз, буни агар руҳий касал бўлмасангиз, ўдалай олмайсиз. Ундан ташқари, бундай жазога ўрганган бола оддий тушунтириш ишлари билан инсофга келмайдиган бўлиб қолади. Ана сизга оғишган хуљатвор эгасининг етишиб чиқиши. Ҳа, сиз жазоламаяпсиз, сиз тарбияляяпсиз. Болага эшитгани эмас, кўргани, сезгани киради. Сиз унга бу хатти-ҳаракатингиз билан “Кучлилар ожизлар устидан ҳукмрон, кучли томоннинг айтгани бўлади”, деяпсиз. Сиз бу билан ё тобени тарбияляяпсиз ё безорини. Айтгандча, сиз унинг яхши бўлишини истайсиз, яхши дегани бу итоаткор қўл дегани-ку. Сизга бу айни муддао-ку. У кўп хархаша қилмайди, ортиқча муаммолар пайдо қилмайди, мўҳими, сизнинг вақтингизни олмайди, тинчингизни бузмайди. Яхши бола бўлади.

Бир қаттиқўл она итоаткор қиз билан дугонасини кирага мөхмонга борди. Албатта, унга жуда чиройли

тарбия берилган, "Столга құл узатмайсан, түполон қылмайсан, ўзингни яхши тутасан". Ү ерда аёллар ўзаро сұхбатига ногақон қизи халақит қилаётганини сезиб қолған она: "Қизим, чиқиб болалар билан ўйна", – деди. Қиз эса секингина, истамайгина жойидан турди. Ҳовлида болалар ўйнаяпти. Бироз қараб турди. Болалар қандай эканини билмайды, үларга қүшилиб ўйнашга ўрганмаган, яхши қиз бўлган-да, ахир. Ўйга кира олмайды, она чиқариб юборган. Бечора ўртада тараффудланиб қолди. Буни она пайқади: "Бола болага ўхшаб кўчада ўйнаши керак", – деди.

Иллар ўтди, аммо унинг учун бегона одамлар орасида ўзини қандай тутиш ҳар доимгидек муаммолигича қолди. Чунки, у яхши ва бироз ҳуркак қиз эди-да. Онасидан нима кутишини билмаган одам бегоналарга қандай ишонсин?

ИНСОН УЧУН ўзига, атрофдагиларга, ўзининг ёрқин келажагига ишонч зарур, буларсиз шахсни тарбиялай олмаймиз. Ҳолоса чиқаришга шошманг, демак, тан жароҳатигина мумкин эмас, бошқа чораларни қўллайман деб. Болани силташ, туртқилаш, устидан кулиш, қўрқитиш ҳам шулар жумласига киради. Биз кенг қўллайдиганимиз – қўрқитиш усули. Үларнинг ҳам тури кўп экан. Ёлғиз қолдириб қўрқитиш, уйдан ҳайдалиш қўрқуви, яхши кўрмай қолишингиз билан қўрқитиш, аллақандай маҳлуқлардан қўрқитиш, шифокор билан қўрқитиш, хуллас, боланинг қўрқиши мумкин бўлган нарсаларининг сон-саноғи йўқ. Бу ҳам сизнинг қуролингиз, аммо бу ҳам зўрликдир. Ҳар хил сўзлар билан қарғаш, ҳақорат қилиш "Овозинг ўчсин", "Туғилмай ўл", "Тентак" каби сўзларингизга бола ишонади. Бу каби эмоционал зўравонлик сирасига қоронғу ўйга қамаб қўйиш, бурчакка турғазиб қўйиш ва ҳоказолар киради.

Биламан, сизни ҳам ўз вақтида уришган, уришишган. Ҳозир таҳлил қилиб ўтиргандирсиз, ахир биз ҳам

кечаги болалармиз. Сизга билиб-бilmай қилған хатолари үчүн ота-онангизни кечиринг, аммо бу хато шу авлодга келиб тұхтасин. Зұравонликни тарбия қуролларингиз ичидан чиқариб ташланг, фарзандингизни эса үзингиз каби шахс деб ҳұрмат қилинг. Сиз үнга қандай қарасангиз, у шундай бұлади.

Меҳрни қандай бераман?

– Яхши, үрмадим, боламни сұқмадим, нима қилай, бошимга чиқарып үтирайми? – деяпсиз-а жонкуяр ота-она.

Абу Қатодан ривоят қиладилар: “Расууллоқ саллаллоху алайҳи вассаллам Үмома бинти Абул-Осни елкаларига миндириб олғанларича бизнинг ҳузури-мизга чиқиб келдилар-да, намоз үқидилар. Руку қилғанларида уни елкадан тушириб қўяр, қиёмга турғанларида эрса, яна миндириб олар эдилар”.

Сарвари олам бошларигача кўтарган болаларни бошга чиқаришдан нега қўрқамиз? Тўғри, ҳеч меҳр кўрмаган болани бирданига суйиб, эркалаб қолсангиз, бошга чиқиши, суйилиши тайин, чунки үнга одамга қилингандек мұомала қилинмаган-да. Болага мұомала қилингандек қилингандек. Шунинг учун у бундай муносабатга арзимайман деб ҳисоблайди. Боласи иккинчи синф бўлишига қарамай, сурункали мактабдан қочадиган, ўн уч ёшли қизини севги, мұҳаббатидан чўчиган она, ўн олти ёшли қизини уйда йигити билан тутиб олган она, тўққиз яшар ўғлини уйдаги пулни ўғирлашидан шикоят қилиб маслаҳат сўраб, “Нима қилай?” деб йиғлаб келган оналарга “Болангизга меҳр беринг”, десам, “Ҳамма шароит яратғанман, ҳеч кимдан кам эмас”, деб санашга тушишади. Шунда тўхтатаман: “Шароит ҳали бу меҳр дегани эмас. Сиз меҳр беринг”. Шу вақтда она ёш боладек соддалик ва тушкунлик билан: “Меҳр қандай берилади, уни қан-

дай бераман?” – деди. Бола парвариши, унинг саломатлигини асраш бўйича тирик энциклопедия бўла оладиган, олий маълумотли она оддийгина меҳр ҳақида тасаввурга эга эмас.

Шу ўринда яна Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётларига мурожаат этсам.

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам Ҳазрат Алиниңг ўғилари Ҳасанни ўпдилар. Шунда ўша ерда ўтирган Ақраъ ибн Ҳобис ат-Таймий: “Менинг ўнта болам бор, уларнинг бирортасини ҳам ўпмагандирман”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам унга бир нигоҳ ташлаб қўйдилар-да, сўнг: “Ким меҳрибонлик қилмас экан, меҳрибонлик кўрмайди”, – деб айтдилар.

Оиша разийаллоҳу анҳу бундай дедилар: “Бир аъробий (бадавий) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб: “Сизлар болаларни ўпар экансизлар, бизлар эрсак ўпмагаймиз”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам унга жавобан: “Аллоҳ таоло қалбингдан меҳр-шафқатни суғуриб олган бўлса, қандайин мен уни бағрингга жо қилгум?!?” – деб айтдилар.

Меҳр болани бузмайди, бемеҳрлик бузади. Буни статистик маълумотлар кўрсатмоқда. Ўпилиб, қучилиб, меҳр берилган бола касалликка курашувчанлиги юқори бўлар, ўзига ишончи ортар, ақлий ривожланишига ижобий таъсир ўтказар экан. Меҳр қандай берилишини билмаслигингизга сабаб, балки, ўзингиз уни тузукроқ кўрмаганингиздадир. Чунки биз кўрганимизни қайтарамиз.

“Янги ўйланган йигитнинг хотини эрталабки но нуштага сосиска қовурибди, нима учундир қовуришдан олдин уларнинг икки четини кесиб ташлабди. Эр сабабини сўраса, “Ойим доим шундай қилар эдилар”, – дебди.

Күёв қизиқувчанрок турдан экан, қайноасининг олдига бориб сўрабди. Қайнона эса елка қисиб: “Ойим шундай қиласилар-да”, – дебди. Қайнона буви ҳали ҳам ҳаёт экан. “Кел, шу сирнинг тагига етай”, деб набира күёв бувининг олдига бориб ҳалиги савонни берса, буви: “Менинг товам кичик эди, сиғмасди, шунинг учун кесиб ташлашга тўғри келарди”, – деган экан.

Биз-чи, биз авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, сабаби ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган тарбия усуллари ҳақида, балки, бугун ўйлаш вақти етгандир. Ахир фарзандларимиз биздан кўра баҳтироқ бўлишини истаймиз-ку. Бўнинг учун биз ота-оналаримиздан кўра тарбияга эътиборлироқ, меҳр-мурувватга бойроқ бўлишимиз керак!

Демак, меҳр бериш оддийгина, уни ҳар қандай онгсиз ҳайвон билади, болани ялаб-юлқайди, бағрига босади. Сиз ҳам шоша-пиша қайсиадир бир газетада ёки китобда ўқиб қолиб “Болам, сени яхши кўраман”, – дедингиз. Болани эса алдаб бўлмайди, у кучли интуиция соҳиби. У ҳайрон қолмасин, тилингиздаги гапни дилингизга тўғри келмаслигини кўриб. Аввал меҳрга тўлиб-тошганингизни ҳис қилинг, кейин муҳаббатингизни изҳор қилинг. Илтимос, шартли севманг болани. Яъни агар яхши бола бўлсанг, сени яхши кўраман ёки фалон ишни қилсанг, фалон нарса олиб бераман, каби. Унинг қандайдир қобилияти, одоби, бирор ёрдами учун эмас, балки шундоқ холис севинг, борича қабул қилинг. Токи у бир умр энг, энг бўлишга тиришиб, яшашни унутиб қўймасин. Болажонга ҳар қандай парваришу қулайлик, ҳатто, овқатдан ҳам муҳими бу меҳр. Уни эртага қўйманг, бугун беринг.

Мактабга тайёрмисиз?

Меҳр-муҳаббат билан катта қилган фарзандингиз мактабга чиқиш арафасида. Ўзида ҳам хоҳиш пайдо бўлди, мактабга бориш тарааддути бошланди. Чунки тезроқ катта бўлгиси келади, айниқса, боғчадаги кундузи ухлашга мажбур эканлиги ёқмайди. Мактаб эса маза деб ўйлайди. Ҳозир боладан олдин оналар шошадиган бўлган “Тез-тез мактабга бориб, тез-тез битирсинг”. Жан Жак Руссонинг шу ҳақида бир гапи бор: “**Табиат катта бўлишидан олдин боланинг бола бўлишини истайди. Агар биз бу тартибни бузмоқчи бўлсак, на пишган ва на таъмга эга бўлган тезпишар мевага эга бўламиз. Болаликни болада етилишига имкон беринг**”.

Мен ҳам беш-олти ёшли боласини мактабга бераман деб куйиб-пишаётган онага “Боладан болалигини тортиб олманг”, дердим. Айнан етти ёш – боланинг ҳар томонлама илм олишга, мактаб тарбиясини қабул қилишга оптимал ёшидир. Үнда вақтли ҳам, үндан кеч ҳам яхши натижалар бермайди.

Ёшли ҳал қилиб олдик. Хўш, мактабга болани қандай тайёрлаш керак? Оналар июл ойига келибгина буни ўйлашлари ноўрин, чунки интеллектуал тайёргарлик бола туғилиши билан олиб борилиши керак. Етти йил кўча чангитишдан бошқа тажриба орттиргмаган бола учун мактаб партаси дўзахнинг кундаси бўлиши тайин. Энг яхши тайёргарлик бу, болалар боғчаси. Боғчага бормаган бола билан борганида фарқ катта. Ҳозир алифбони ўргатиб, мактабга бериш талаби қўйилмоқда. Боланинг алифбони билиши уни мактабга тайёргаригини билдирамайди, ҳаттоқи эрта ҳарф ўргатиш боланинг мактабга бўлган салбий муносабатининг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Боланинг руҳан мактабга тайёргарлиги тўрт фактор орқали аниқланади.

1. Мотивацион тайёрлик – бу боланинг ўқиши, ёзишни ўрганишга бўлган кучли иштиёки. “Ўқишни истайман, ёзишни истайман”, каби.

2. Интеллектуал тайёрлик. Бу тайёрлик даражасини мутахассислар аниқлайди, аммо ота-она тайёрлайди. Хўш, болани қандай тайёрлаш керак, нимани билиши керак? Айрим ота-оналар болага имкони борича кўп маълумот беришга ҳаракат қиласидар. Асосий ургуни маълумотга эмас, керакли маълумотдан хулоса чиқаришига, мулоҳаза юритишига қаратинг. Бу ёшдаги бола ўз тўлиқ исмини, ота-онасининг исмини, турар жой адресини, тўғри ва тескари санашни, бир нечта шеърни ёд билиши керак. Бу бола учун энг осон, чунки ёд олишдан осони йўқ уларга.

Энди бироз мураккаброқ вазифаларга ўтамиш. Табиат ҳақида тушунча: йил фаслари, унда бўладиган ўзгаришлар, ҳайвонлар ва уларнинг тури. Масалан, уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар. Ўйрўзғор анжомлари. Касб турлари. Булар билан танишиб олгандан кейин иккита бир-бирига яқин бўлган ҳайвон ёки парранда ёки уй анжомларидан нимаси билан бир-бирига ўхшashi ва фарқини ўрганиб чиқинг. Фарқ ва ўхшашликни имкон борича бола ўзи топсин, мулоҳаза қиласин, сиз шошилиб айтиб бера қолманг. Диққат шаклланиши учун эса бирор элементлари кўп бўлмаган соддороқ расм бериб, шуни чизиб беришини сўранг. Бунда ҳам қунт шаклланади, ҳам диққат, хатолар билан ишлаш эсдан чиқмасин.

Боланинг ҳар қандай саволини очиқ қолдирмасликка ҳаракат қилишингиз билан унинг билим олишга бўлган хоҳишини ўстиришга хизмат қиласиз.

3. Иродавий тайёрлик. Бу унинг ўз табиий хоҳишларини эгиб, бўйсундириб, мактаб партасида ўтира олишида, диққатида, уй вазифаларни қилишида кўринади. Буни тарбиялашда бола билан биргаликда бирор китоблар ўқиш, ақлий ривожлантирувчи машқларни

қилиш фойда беради. Секин-асталик билан мактабга боришидан аввалоқ унинг ўйинга ажратилган вақтини қисқартириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Боланинг социал ривожланиш характеристи. Катталар билан танланган мулоқот услубига боғлиқдир. Катталар билан фақат ўйин орқали мулоқот қилган бола ўқишга қунт қилиши қийинроқ бўлади. Катталар билан ҳар хил мавзуларда мулоқот қилган биргаликда китоблар ўқиган боланинг мактаб шароитига кўни-киши осон, ўзлаштириши эса яхши бўлади. Демак, хуроса фарзандингиз билан худди катта одамдек сұхбатлашинг. "Нега-нега"ларига беписанд бўлманг.

Демак, хуроса. Болани эшитишга, кўришга ва ана шу эшитган, кўрганлари ҳақида мулоҳаза юритишга ўргатинг.

Мактабга мослашув

Ниҳоят, ўша ҳаяжонли кун ҳам етиб келди. Фарзандингиз кўтаринки кайфият билан мактабга борди, ўйга қайтиб совға қилинган папкаси, ўқув қуролларини ҳаммага мақтаниб чиқди. Мактаб ҳақидаги ниҳоятда яхши тасаввурлар. Ахир у ерда совғалар беришади, яна бир олам янги-янги таассуротлар. Бола интуитив равишида ана шу даргоҳи унинг тезроқ улғайшига, катта бўлишига ёрдам беришини билади.

Биринчи синф ўқувчиси 2 сентябр куни ўқишдан қайтди.

Уни кўриб қувонган она:

- Болам, нималарни ўрганиб келдинг?
- Үнча кўп нарса эмас. Энди яна боришига тўғри келади.

Кўриб турганингиздек, хурсандчилик узоққа бормаслиги мумкин. Бир неча кун ўтиб, боланинг мактабга унчалик хушлаб бормаётганини сезиб қолдингиз. Боланинг боғча ҳаётидан мактаб тартибларига ўтиши, кўникиши осон кечмайди. Агар у боғчага

бормаган бўлса, мослашув янам қийин жараёнга айланади. Шунинг учун ҳам бу кризис даври ҳисобланади. Бу давр икки ойгача давом этиши мумкин. Агар фарзандингизда мослаша олмаслик ундан-да чўзилиб кетса, мутахассисга мурожаат қилишни тавсия этаман.

Юқори кайфиятда мактабдан қайтаётган ўғлини кўриб, она сўради:

– Болам жуда баҳтли кўринаяпсан, мактабга бориш ёқаяптими?

– Бўлмағур гапларни гапирманг, ойи. Шунчаки мактабга бориш билан уйга қайтишни чалкаштириб юбориш керак эмас.

Мактабга бориш сиз учун ҳам катта байрам бўлмаган. Оналик ниқобини ечиб ҳаракат қиласангиз, албатта, буни эслайсиз ва болани тушунасиз, кейин унга ёрдам беришингиз осонроқ бўлади.

Бола уй вазифаларини тайёрлашда ҳам қийинчиликларга учраяпти. Унга шунчаки “Дарсларингни қил”, деб столга ўтказиб қўйишинингизнинг ўзи етмайди, энди ҳар куни биргаликда дарс қилишингизга тўғри келади. Ота-оналар дарс қилдираверишдан зерикиб, айрим вазифаларни унинг учун бажариб қўйган вақтлари ҳам учраб туради. Ҳа, унинг хат-савод чиқарishi, мактаб талабларига жавоб берадиган бўлиши сиз учун ҳам мураккаб жараён. Кўпчилик ота-оналар уй вазифа қилдиришни ҳам мутахассисга топширишни танлашади, яъни кун узайтирилган гурухларга қолдиришади. Бундай гурухларга беришдан аввал куннинг иккинчи ярмида ишни қандай ташкил қилинганини ўрганинг. Бола уззу кун партада ўтириб чарчаб қолмайдими, жисмоний машғулотлар ҳам ўтказиладими, энг муҳими, у ерда нечта ўқувчи, ўқитувчи ҳар бир болага индивидуал ёндашяптими ёки ўзи доскада вазифани қилиб бераяптими? Булар муҳим жиҳатлар.

Фарзандингиз паст ўзлаштирувчими?

Ота-оналар мажлисига чақирилдингиз. Ўқитувчи умумий маълумотдан сўнг “Фалончи ўзлаштириши яхши, хуљи намунали, қобилиятли бола, онасига раҳмат, пистончининг ўқишлари аъло, бироз шўхлиги ҳам бор... Аммо сиз ҳаяжон ичидасиз: “Менини қандай экан?” Нихоят, муаллиманинг нигоҳи сизга қаратилди. “Фалончиевнинг эса ўзлаштириши жуда паст, синфда қолиш хавфи бор”. Устингиздан муздек сув қўйилгандек бўлди. Устознинг қолган гаплари қулогингизга кирмади. Ҳудди ҳамма ота-оналар сизни мазах қилаётгандек.

Ишонаман, ўзингиз ана шу баҳони олганингизда бунчалик хўрланмаган, бунчалик эзилмаган бўлар эдингиз. Фарзандники оғир бўлар экан. Шу мажлис тугай қолса-ю, уйга бориб боламнинг шу қиммишлири учун хуморимдан чиқиб уришсам. Шу ерда бир нафас олиб, ўзингизни босиб олинг, иложи бўлса мажлисдан дарров уйга бормай, боғдами, ҳеч бўлмаса мактаб ҳовлисидаги ўриндиқдами бироз ўтириб, эшитган гапларингизни ҳазм қилинг. Фожианинг қай дарражада эканлигини таҳлил қилиб кўринг. Бу орада мен сизни айрим фактлар билан тинчлантираман. Буни сиз ҳам биласиз. Ўша машҳур Чарльз Дарвин ўзлаштириши жуда паст ўқувчилардан бўлган, Но-белъ мукофоти лауреати физика ва техникада буюк тўнтариш қилган олим Эйнштейнга эса устозлари ақли заиф деб ташхис қўйишган, севимли эртакчимиз Ҳанс Кристиан Андерсен эса деярли саводсиз бўлган экан. Дунёнинг энг бойларидан Билл Гейтс эса Гарвард университетидан биринчи курсдаёқ ҳайдалган ва кейин олий маълумот олишга ихтиёр бермаган экан. Илтимос, бу гапларни болангизга айтманг, мұваффақият калити ўқимасликда деб тушунмасин тағин.

Битирганига йигирма йил бўлган синфдошлар учрашишибди.

Учрашувга энг қолоқ, иккичи ўқувчи қоп-қора "Лимузин"да, ёнида гўзал бир қиз билан келибди. Үнга бир аълочи синфдоши савол берибди:

– Мактабда арифметикадан нуқул икки олардинг, қаердан шунчалик бойиб кетдинг?

– Жуда оддий. 1 долларга ниманидир сотиб олиб, 2 долларга сотдим. Биласанми, аллақандай бир фоизлик фойда ростдан ҳам йигилиб кетар экан.

Ана шунақа, устозлар айтганидек, бойиб кетиш учун фоиз ҳисоблашни билиш шарт эмас. Агар шундай бўлганда математиклар энг бой бўларди. Ана энди ўзингизга ҳам келиб қолдингиз, болангизга иккичи миллионерлик тақдирини битишга шошманг, аввал вазиятни ўрганайлик.

Паст ўзлаштриш кўринишлари турлича бўлиши мумкин:

1. Вақтингчалик фанларни ёки бирор фанни ўзлаштира олмаслик бир неча ойгача давом этиши мумкин.

2. Айрим фанлардан ўзлаштира олмаслик. Масалан, математика фанидан сурункали қийналиш.

3. Доимий паст ўзлаштириш. Деярли барча фанлардан ўзлаштира олмаслик.

Фарзандингиз қай бирига киради. Буни аниқлаб олган бўлсангиз, энди бу муаммонинг сабаби билан танишсак, кейин ечим ҳақида биргаликда бош қотирисак ҳам бўлади.

Болага боғлиқ сабаблари:

1. Ўқишга бўлган хотўри муносабат.

2. Қайсиdir фанга қобилиятнинг йўқлиги.

3. Дангасалик.

4. Ўқишга қизиқишнинг йўқлиги.

Ташқи ва табиий сабаблар:

1. Ақлий имконияти чекланганлик.

2. Психик ривожланиши вақтингчалик тўхтаб қолган.

3. Педагогик жиҳатидан иш олиб борилмаганлик (Маълум сабабга кўра мактабга вақтингчалик бормаган ҳолда).

4. Эшитиш ва кўриш қобилиятининг заифлиги.

5. Умумий психик жиҳатдан нормал ривожланган, аммо айрим психик функциялар яхши ривожланмаган.

Юқорида кўрсатилган сабаблардан қай бири сизнинг ҳолатингизга мисол бўла олади. Бу вазият хотиржам қабул қилинганда аниқланади. Ҳар қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, фарзандингиз ёрдамга муҳтоҷ. Унга қандай ёрдам кўрсата оласиз, шу ҳақида ўйланг. Унгача бизнес тренер Стивен Кови сизникидай паст ўзлаштирувчи ўғли муаммосини қандай ҳал қилганини эшитамиз, балки шундан кейин хулоса чиқарасиз. Уни тинглаймиз.

Ўғилларимдан бири мактабни ҳеч уddaлай олмади. У сурункали қолоқларлардан эди: масала ечими ўёқда турсин, ҳатто унинг шартини ҳам тушунмасди. Атрофдагилар билан мулоқотда улғаймай қолган, ҳатто яқинлари билан ҳам тортиниб гаплашарди. У жисмоний жиҳатдан ҳам заиф эди. Бўйи паст, қўрқоқ, мўлжални тўғри ололмасди. Ўртоқлари билан бейсбол ўйнаганда кулагига қоларди. Мен аёлим билан ўғлимизга ёрдам беришни жуда истардик. Биз ота-она сифатида муваффақиятга эришишимиз муҳим эканини ҳис этдик, шунинг учун ўзимизнинг фарзандимиз хатти-ҳаракатига нисбатан қадриятларимиз устида ишладик ва айни вақтда унга таъсир этишни бошладик. Биз уни имкони борича кўнглини олишга, руҳлантиришга ҳаракат қиласдик.

– Қани, қани, ўғлим! Сен буни уddaлайсан! Биз сенга ишонамиз! Тўпга қара, илиб олишга ҳаракат қил! Агар у озгинагина қандайдир натижага эришса, бор кучимиз билан уни қўллаб-қувватлардик:

– Баракалла, ўғлим, шундай давом эт!

Агар кимдир масхара қилса, күлган одамга ташланардик:

– Уни тинч құй, халақит берма!

Шу дамда үғліміз йиғлаб қўлидан ҳеч нарса келмаслигини, бейсболдан нафратланишини айтиб қичқираади. Бизнинг тиришишимиз ҳеч қандай натижа бермади, фарзандимизни қийнаганимиз қолди. Жуда кўп уринишлардан сўнг муаммога бошқа томондан қараб кўришга ҳаракат қилдик. Эр-хотин биргаликда сұхбатлашувимиз асносида англадикки, бизнинг фарзандимизга ёрдам бериш хоҳишимиз уни, аслида, қандай қабул қилишимизга зид экан. Биз виждан чукур ички ҳиссиётларимизни тан олганимизда, аслида, ич-ичимиздан үғлімізни ақли паст, күчсиз деб санашимизни англадик. Шунинг учун биз қанча уринсак-да, хатти-ҳаракатларимиз фойдасиз бўлган. У бизнинг хатти-ҳаракатимиздан “Сен эпломайсан. Сен ёрдамга мұхтожсан”, деган фикрларни үқийверган.

Агар бирор нарсани ўзgartирмоқчи бўлсак, аввали, ўзgartаришни ўзимиздан бошлашимиз кераклигиги тушундик. Үғлімізни ўзgartариш ўрнига, биз унга ташқаридан қараб кўришга ҳаракат қилдик. Уни алоҳида шахс деб қараб, унинг ўзига хослиги, қадрқимматини ҳис қилдик. Ва ниҳоят, үғлімизда такрорланмас шахсни кўра олишга эришдик. Унинг эришиши мумкин бўлган имкониятларига ишондик, қайтиб унга ожиз деб қарамасликка аҳд қилдик. Биз у ҳақидаги эски тасаввурларимиздан воз кечишимиз билан унга нисбатан янги ҳисларни түя бошладик. Биз уни тенгдошлари билан солиштиришни, уни таҳлил қилишни бас қилдик. Биз энди уни ўзимиз каби ёки бошқалар истаганидек ўстиришга ҳаракат қилмай қўйдик. Уни бошқалардан ҳимоя қилишни тўхтатдик. Нуқул бизнинг кўмагимиизга ўрганган үғлімиз аввалига анча қийналди. Бизга шикоят қилди, уни эшитдик, аммо

пинагимизни ҳам бузмадик. Бизнинг сукутимиз унга “Сени ҳимоя қилиш шарт эмас, сенда ҳаммаси жойида”, деган маънони билдиради. Орадан ҳафталар, ойлар ўтди, секин-аста ўғлимиз ўзига ишониб борди. У ўқишда, мулоқотда, спортда мұваффақиятларга зриша бошлади. Фарзандимиз табиий ривожланиш жараёнидан кўра анча тез ривожлана бошлади. Йиллар ўтиб, у олий ўқув юртига кирди, аъло баҳолар олиб кела бошлади, ҳаттоқи атлетика бўйича штат чемпионлигигача зриши. У келишган, очиқкўнгила, мумомалали йигит бўлиб ўсди. Бу эса биз учун ҳаёт мактаби бўлди.

Менимча, қиссадан ҳиссани чиқардингиз, азиз ўқувчи. Демак, фарзандингизни жазолашга ёки ёрдамга шошишдан аввал, унга нисбатан мұносабатларингизни кўриб чиқинг. Унинг ақлий ривожланишини паст деб ҳисоблаб, бунга ишониб туриб, яна үндан яхши ўқишини талаб қилишингиз нотўри эканини тушунтириб ўтирамайман. Энг мұхими, уни шартли яхши кўрманг. Фақат яхши ўқиса тан олишни бас қилинг. Фарзандингизни атрофдагилардан ўн беш дақиқа аввал ўзлаштиргани унинг ҳаётида, эҳтимол, ҳеч қандай ўзгариш ясамас, аммо ўн беш дақиқа кечроқ ўзлаштиргани учун уни паст ўзлаштирувчи деб эътироф этилиши бир умрга ўзига, қобилияtlарига бўлган ишончининг сўнишига олиб келиши мумкин.

Фарзандим бўлажак миллионер бўлсин, десангиз

Ота-оналарда боланинг пулга мұносабати хусусида жуда кўп мунозарали фикрлар юради. Кимдир “Болани пулга ўргатиш керак эмас”, дейди. Кимдир пулни ифлос деб, боланинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида қўлига пулни яқин ҳам келтиришга рухсат бермайди. Кимдир эса кичиклигиданоқ боланинг ўз жам-

ғармаси бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Яна айрим ота-оналар эса болага ўзларининг негатив мақсадларини ўтказишиди. “Ҳозир пул топиш қийин бўлиб кетаяпти”, “Пулни супуриб олмайман”, “Мен бойвачча эмасман”, “Бундай қиммат нарсаларни бойлар олади”, “Пул бузади”, “Пул қутуртиради”, “Пул қўлнинг кири”. Эшитиб ҳайрон бўлаётгандирсиз: “Нимаси негатив бўлди?” деб. Энг кўп қўлланиладигани – “Пул қўлнинг кири”. Кир шундай нарсаки, шундоқ ювсанг кетади. Бундай қараш билан яшаган инсоннинг ўзидан ҳам пул осонгина кетади. “Пул қутуртиради”. Ким қутуришни истайди? Менимча, ҳеч ким. Пулни нима деб атасак, у – шу. Айниқса, бу фикрлар пул ҳақида бирорта дастур йўқки, одам учун асосий дастур бўлиб қолса. Уни болалигидан ифлос деб билган инсон катта бўлгандан кейин пулнинг кераклигини тушунса-да, унинг пулга қарши дастурлари камбағалликка олиб бораверади. Болалигига “Пул топиш қийин” деган сўзларни худди ўз исмидек кўп эшитган боланинг молиявий жиҳатдан ишлари ростдан ҳам қийин бўлади. “Бойнинг боласи пир-пир учади...” Бу мақоланинг давомини ёзиб ўтирамадим, ўзини бой эмас деб ҳисоблайдиган ота-оналарнинг севимли ўзбек ҳалқ мақоли.

Биласизми, нега тўқликда ўсган бола кўзингизга омадлироқ кўринади, чунки у аксарият ҳолларда пул ҳақида салбий тажриба орттирумайди, ҳеч бўлмаса, нолиш эшитмайди. **Аксарият ота-оналар эса пул муаммосини бола олдида гаплашишали, сиз учун муаммо бўлган нарса бола учун фожиа.** Бола ўсаётган уйда ҳар бир айтадиган гапингиз тақдир бўлиб битилишини унутманг. Ота-оналарни қийнайдиган азалий саволлар қутидагича: Болани пулга ўргатиш керакми, йўқми? Унга харажатлар учун пул берайми, йўқми? Айрим ота-оналар шунчаки овқатланиш ва бошқа харажатлар учун пул беришади, бунинг салбий томо-

ни бўлмаса-да, бокимандалик кайфиятини пайдо қилиб қўяди, деган қўркувлар ҳам бор.

Айрим ота-оналарнинг фарзандлари эса пулни қандайдир қилган вазифаси ёки уйда бирор юмушни бажаргани учун олади. Бу ҳам ташқаридан қаралса, болада ҳам, ишга ҳам пул топишга рағбатлантирадиган яхши усул бўлиб қўринади, аммо бола ҳамма ишни пулга чақиб қолиши ёки ёлланма ишчидек тутиши мумкин. Бу, албатта, анча-мунча баҳсга сабаб мавзу. Бу икки вариантнинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатдим, холос, танлаш ихтиёри эса ўзингизда.

Боланинг қўлига бериладиган пул унинг келажакда бой ёки камбағал бўлишига таъсир этмайди. Буниси аниқ. Аммо чўнтагини мутлақо қоқлаб қўйиш, унда пул муносабатларига ўз вақтида ўрганмаслигига олиб келади. Боланинг кичиклигидан, у мактабга боришидан аввалроқ майда-чўйда олиш учун дўконга чиқариб туриш, пул ҳисобини ўргатиш, қайтим каби нарсаларни тушунишига ёрдам беради. Айрим тренерлар эса болани харидга борганда ота-она бирга олиб боришини, айрим ҳолларда бозорни у қилишига қўйиб беришни ҳам тавсия этишмоқда. Масалан, бир ҳафталик уй-рўзфор учун масаллиққа маълум миқдорда пулни берасиз, керакли озиқ-овқат маҳсулотларини аниқлаб, бозор қилишни унга топширасиз. Бу оддигина кўринган тажрибада у ниҳоятда кўп билим ортиради. Маҳсулотнинг қай бири сифатли, қаерда арzon ва ниҳоят, қанча керак каби маълумотларни тажрибада кўради. У ҳам бўлажак рўзфорга тайёрланади, ҳам ўзининг еб-ичиши ота-онага қанчага тушаётгани ҳақида ўйлаб кўради. Секин-аста коммунал тўловларни ҳам тушунтиринг. Сиз нега тўлайсиз, уларни қандай қилиб тежаш мумкин? Тўлов қоғозлари тўлдиришдан тортиб, қаерга қандай тўлашгача ўргатиб боринг.

Бир қизни биламан, ўн саккиз ёшли бизнеследи. Шу ёшида ўзининг кичкинагина бизнесини очган. Муваффақияти сирини сўрасам, отаси ҳам тадбиркор бўлганини ва ҳар доим музокаралару банкларга қизини ёнида олиб юргани ва жараённи бир чеккадан эринмай тушунтирганини айтди. Натижаси эса кўриб турганингиздек.

Сиз ишлатиш учун берадиган пулларни эса жамғариш сирини ўргатинг. Дунёning миллионерларининг бир оддигина бойлик рецепти бор. Бу фойданинг 10 фоизини молиявий мустақиллик учун йиғиш. Бу орқали инсонда пул йиғиш деган хусусият тарбияланади. Йиғилган пулларни кўпайтириш эса кейинги босқичдаги сабоқлардан бўлади. Бизнес сабоқларини бола билан бирга олсангиз, яна-да яхши бўлади. Инсон боласига фақат яхшилик тилайди, унинг тўқис, ҳеч нарсага зориқмай яшаши учун ҳар қандай қурбонликка тайёр, аммо дунёning биринчи рақамли бойларидан бири Билл Гейтс ўзининг барча бойликларини ўлемидан кейин хайрия қилиб юборишни васият қилиб ёзиб бўлган. Унинг бойлиги фарзандларининг фарзандларига ҳам етади. Аммо у қарор қилди. Бу азалий тарбия принципи: “Фарзандингга балиқ тутиб берма, балки балиқ тутишни ўргат”.

Ўсмирлик кризиси ўтиб кетадими?

Балки, ўйлаётгандирсиз “шу кейинги пайтда руҳшұнослик касби үрф бўлиб, ҳар икки ишнинг биттасига руҳшұнослар тиқилавергандан кейин инсон ҳаёти кризисларга, фожиаларга тўлиб кетди”, деб. Гапингизга қўшиламан. АҚШлик миллионер Роберто Киосаки компаниясида ҳуқуқшунос деган штатни йўқ қилиб юборган экан, агар ҳуқуқшунос зарур бўлиб қолса, унинг хизматидан вақтинчалик ёллаб фойдаланар экан. Сабабини сўрашганда: “Ҳуқуқшұнослар бизнесда ҳар

хил муаммолар топиб беришади ва уларни суд орқали ҳал қилишга мойил бўлади, шунинг учун уларга ихлос қўявермаслик керак”, – деган экан.

Лекин, азиз ўқувчи, менинг бу кризисларга алоқам йўқ. Айтиб қўйай, бу инсон организмидаги табиий ўзгаришларнинг руҳиятда акс этишидир. Аммо бир нарсани айтиб қўйай, инсон цивилизациялашгани сари бир поғонадан иккинчи поғонага ўтиши ҳар доим ҳам азобли бўлади. Австралия аборигенларини ўрганишганда уларда мутлақо кризис деган жараённинг ўзининг йўқлигини аниқлашди. Демак, узундан-узоқ таърифимни бошламасимдан фарзандингизда ўсмирик даврининг, албатта, оғир кечишини кутманг, бу давр текис, муаммоларсиз бўлиши керак, аслида. Бу даврни айрим ҳолларда ота-оналарнинг ўзлари муаммога айлантириб юборишади. Бола бир даврдан иккинчи даврга ўтади, аммо ота-она икки оёғини бир этикка тиқиб, болани орқага, болалигига қайтаришни истайди. Ахир у беозор, сизга қарам, ҳар хил сюрпризлар келтириб чиқармас эди-да. Аслида, бу ҳам ўсмир, ҳам унинг ота-онаси учун ўтиш даври. Агар бу ўзгаришларга ҳар икки томон тайёр бўлса ва табиийлигни қабул қиласа, ҳаммаси жойига тушади. Ўсмирик даврини юлдузнинг туғилишига ўхшатаман, бир катта портлаш бўлади-ю, янги юлдуз пайдо бўлади, бусиз мумкин эмас. Ўсмир ҳам ана шу портлаш давридаги бўлажак юлдуздир. Бу давр ўн бир ёшдан ўн тўрт, ўн беш ёшгача давом этади.

Жинсий етилиш жараёни бошланади. Қиз болаларнинг овози майинлашиб, ўғил болаларники эса дўриллашни бошлайди, гормонал ўзгаришлар юзда ҳам акс этади. Бу вақтда ўсмирининг кайфиятини ҳуснбузарлар бузади. Қарама-қарши жинс вакилларига нисбатан қизиқиш кучаяди.

Талабалик йилларим бизнинг факультет биносида аниқ фанларга ихтисослашган гимназия ҳам очилган,

ўқувчилари бешинчи, олтинчи синфлар эди, чамамда. Айрим вақтлар биз талабаларнинг танаффусимиз билан уларники тӯғри келиб қоларди. Шундай вақтларнинг бирида биз тўртта дугона қизғин сұхбат қураяпмиз. Шу пайт ногаҳон бирор қўлимни ушлаганини сезиб қолдим, бундай қарасам, кичкинагина бола, чамаси, ўн ёшларда кулиб гап отаяпти. “Яхши қиз, соатиз неччи бўлди?” – деди. Аввалига ҳайрон бўлдим, кейин ҳаммамиз унинг гапини мазмунини тушуниб, кулиб юбордик.

Шу-шу, болача биз қачон йиғилиб турсак, келиб бир гап қотиб кетадиган одат чиқарди. Шундай кунларнинг бирида унинг янги гапларини эшишиб кулиб турсак, дугоналаримиздан бири жиддий: “Кулманглар, боланинг тарбияси бузилибди, биз бу билан шуғулланишимиш керак”, – деди. Биз ҳам унинг гапидан кейин кулгудан тийилиб, катта одам ниқобини кийдик, жиддийлашдик ва боланинг эсини киргазиб қўйиш учун мудиранинг хонасига кирдик. Бу вақтда кириш қўнғироғи чалиниб, болалар дарсга кириб кетишли. Вазиятни тушунгандан кейин мудира бизни синфмасинф болани топиш учун айлантириб чиқди. Ва ниҳоят, бир синф эшигини очган ҳам эдикки, ҳамма болалар нигоҳи эшикка қадалди, бизнинг қаҳрамонимиз эса ойна томонга қараб ўтиради. Ҳамма ўртоқлари унинг устидан кулади, унинг аҳволи ростдан ҳам кулгили эди. Аммо биз жиддий туриб болани танидик, олиб чиқдик. Мудира бир-икки ўқитувчи гувоҳлигига уриша кетди, у эса миттигина бошини ерга эгиб, айбдор қиёфада турарди.

Мудира: “Ҳа, катта бўп қолдингми, катта қизларга гап отадиган. Ўқишингни тайини йўқ”, – деди. Кетидан яна бир қанча танбеҳ сўзлари янгради. Бола жим, айбдор қиёфада, биз сукутда муҳим миссия бажараётгандек жиддий турардик. Шу пайт мудира: “Ўйлангинг келиб қолган бўлса, отангга айтай, уйлан-

тириб қўйсинг, – деди-ю, биз томонга ўгирилиб. – Танла мана шу қизлардан бирини, сенга ёқиб қолган бўлса”, – деса бўладими?! У боланинг эгик боши бирдан кўтарилиб бизга қаради ва бир-бир ҳаммамизга кўз югуртириб чиқди. Шу жойга келганда мен кулгидан ўзимни тия олмадим, хонадан чиқиб кетдим. Жазо қандай белгиланди, билмадим, аммо йигитчанинг гап қотишлари, эътиборимизни тортиш учун қиласидиган минг бир ҳунарлари барҳам топди. Ҳали-ҳали шу болакайнин кулиб эслайман.

Бу ўзгаришлар ҳар доим ҳам ўз рангида бўлавермайди, яъни ўғил болалар ҳар доим ҳам қизларга севги изҳор қилавермай, қайтага уруш-жанжаллари авжига чиқиши ҳам мумкин. Қизларнинг сочини тортиш, ҳар хил масҳарабозликлар қилиш, ҳатто қизларни йиғлатиш даражасигача бориш. Бу уларнинг ҳали ўз ҳиссиётлари ва қарама-қарши жинс вакиллари билан қандай муносабатда бўлишни билмасликларидан ва ҳиссиётларнинг амбивалентлигидан далолат беради.

Улардаги жинсий етилиш даври келажак ҳаётдаги жинсий ҳаётларига кучли таъсир этади, шунинг учун бу даврда уларга, энг аввало, шахсий гигиена қоидалари ва жинсий етилишнинг нималиги ва ниҳоят, жинсий ҳаёт ҳақида маълумот бериш тарбиянинг ажralmas қисми ҳисобланади. Бу тушунтириш ишлари ўз вақтида профессионал равишда амалга оширилса, ўн бешда ота бўлиб, ўн уч ёшда она бўлиш каби ҳолатларнинг олдини олган бўлардик. Уларнинг қарама-қарши жинс вакиллари ҳақидаги фантазияларини қондириш учун интернетдаги парно сайtlарга тез-тез кириши, беҳаё суратлар томоша қилиши жуда кўп учрайди, ҳатто беҳаё суратлар чизиш ҳолатлари кузатилади. Нима ҳам дердик, инсон онг остида бўлаётган жараёнларни ташқи оламда акс этиши бу. Бу ҳолатни табиий дейиш болага ҳеч қандай жазо бермаслик керак, дегани эмас. Лекин бу ҳолатнинг олди-

ни олиш, бу қизиқышларни ҳәётнинг асосий қисмiga айлантирмасликлари учун энг яхиси, уларни билвосита назорат қилиш ва бўш вақтларини минималга етказиш талаб этилади.

Бўш вақтларини эса фойдали машғулотлар билан тўлдиринг. Мен энг яхши ечим сифатида спортни тавсия этган бўлардим, чунки спорт ўсмирнинг сексуал энергиясини идора эта олишига ёрдам бера олади. Тананинг жисмоний чиниқиши бемаъни хаёлларга чек қўяди ва бола учун энг яхши тарбия усули ҳисобланади. Спорт турини танлаганда боланинг қизиқышларини ҳисобга олишни эсдан чиқарманг.

Ўсмирларда кузатиладиган яна бир муаммо – уларнинг хулқ-авторида мувозанатнинг бузилишига олиб келадиган ички зиддиятлар пайдо бўлишидир. Булар:

1. Катталарнинг идора этишига қаршилик қиласди, аммо бошқарувга эҳтиёж сезади. Улар қарор қабул қилишда эркин бўлишлари керак, агар бирор муаммога учраб қолишса, катталар уларга ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришлари лозим.

2. Яқинлик қилиш хоҳиши бор, аммо интим ҳәётдан кўрқади.

3. Ўз куч ва имкониятларини синааб кўриш истаги кучли, аммо катталар ёрлами ва мададига эҳтиёж бор.

4. Келажак ҳақида ўйлайди, аммо бүгунги кун билан яшайди. Яъни ўқишга кириш учун ҳаракат қилиш кераклигини билади, аммо унга тайёрланмайди.

5. Физиологик жиҳатдан сексуал етилган, аммо жинсий ҳәётнинг маъсулиятига тайёр эмас.

Бу ёшли бола кичик бўлиб кичик эмас, катта бўлиб катта эмас. Шунинг учун унга қандай муюмала қилишни билмайсиз, аммо у ўзига нисбатан катта одамдек муносабат қилишингизни талаб этади. Бу унинг энг исёнкор даври, у ҳар қандай нарсага қарши фикр билдириши, қарши чиқиши мумкин. Устозларга, ота-

онаға нисбатан танқидий назар күчаяди. Үйдан қочиб кетиш, үз жонига қасад қилиш каби ҳолатлар бу ёшдаги болаларда учраб түрадиган ҳолат. Энг яхши масла-хат, бу даврда үнга катта деб, ҳаёти учун масъулиятни үзиге ташлаб қўйманг-у, аммо уни ёш бола деб ҳам билманг. Шахс сифатида ҳурмат қилинг, аммо назоратда ушланг. Назоратингиз ўта авторитар формада бўлмаслигини эса, үнутманг.

Инсон меҳнаткаш бўлиб туғиладими?

Меҳнат ва унинг инсон ҳаётидаги роли жуда катта эканлигини ҳаммамиз биламиз. Шу меҳнат бўлмаса, ҳалиям орангутан бўлармидик, ким билсин?! Балки, бошингиз қотаётгандир “нега фарзандимда меҳнатга иштиёқ сезилмаяпти”, деб. Сабаби уни меҳнат қилишга жалб қилмагансиз, ҳалқимиз тили билан айтганда, ишга солмагансиз. Ҳалқимиз дунё ҳалқлари ичida энг меҳнаткаш ҳалқлардан ҳисобланади (албатта, хитойликлардан кейин турамиз, бунга шубҳа йўқ). Техника асрида жисмоний меҳнат қадрланмай, ақлий меҳнат кўкларга кўтарилгани натижасида авлодлар бироз дангасароқ бўлиб етишмоқда. Нима ҳам дердик, автоматик кир ювиш машинасини олдириб ташлаб, қўлда кир юв демаяпман, аммо жисмоний меҳнатнинг нафакат оғирлигини, балки танага, руҳиятга берадиган роҳатини фарзандларимизга тушунтиришимиз керак. Токи авлодлар жисмоний ишнинг барчасини техникага, ёлланма ишчиларга топшириб, ўзликларидан ҳам айрилиб қолмасинлар.

Неча ёшда болани меҳнатга жалб қилиш лозим? Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ўгитларича болалик даврида ота-она үнга подшодек мұомала қилиши, ўсмирилик даврида қулдек, ўспиринлик давридан бошлаб эса дўстдек мұомалада бўлиши керак. Яъни меҳнатга ўргатиш учун ўсмирилик даври энг

оптимал саналади, аммо бу дегани унгача бўлган даврда унга ҳар жабҳада хизмат кўрсатилади, дегани эмас. У майда-чўйда, ўзининг жисмоний имконияти етадиган ишларни қилишни уч ёшидан бошласа, мақсадга муво-фиқ бўлади. Чунки шу даврда унинг ўзи бирор юмушни қилишни талаб қила бошлайди, сиз эса унинг имко-ни даражасидагиларни топширинг, токи меҳнатга меҳ-ри тушсин. Бирор юмушни: у хоҳ уй юмушлари бўлсин, хоҳ бирор ҳунар бўлсин, уни ўргатишда сабрли ва рағбатлантиришда сахий бўлинг. Хатоларни эса аввал муваффақиятни айтиб, кейин кўрсатинг. Қандай қисла яхшироқ бўлишини айтинг. Талабни катта одамга қўйган-дек қўйманг, ўзингиз ҳам онангиздан ҳар ишни устаси бўлиб туғилмагансиз.

Айрим ота-оналарга боласининг қилган иши ёқмайди. Ўзлари жаҳл билан қўлидан ишни тортиб олишлари, ўша ишни ўзлари қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бунда боланинг ишдан кўнгли қоли-ши мумкин. Яна қайтиб ишга рағбатлантиришингиз қийин бўлади. Энг муҳими, меҳнатни севишига эришинг. Ҳар бир ишда ижодий ёндашувларини қўллаб-қувватлаб түринг. Айрим ота-оналар жуда кучли инструктор бўлишади, яъни ундаи қилма, бундай қил. Улар ҳар қандай асаби бутун болани ҳам асабий қилиб қўйишади.

Бир жисмоний тарбия ўқитувчисини билардим, болаларни берилиб футбол ўйнаб турган жойида тўхта-тиб, қоида тушунтиради. Уни ҳам қўяверинг, сен-тябр ойида очиқ ҳовузга тушириб, беш-ўн дақиқадан кейин чиқариб олиб, уларга хатоларини узундан-узоқ қилиб тушунтиради. Бечора болалар эса совуқдан дийдираб, титраб эшитардилар.

Тасаввур қилган бўлсангиз керак, сизнинг назора-тингиз-у ундаи эмас, бундайларингиз қанчалик асаб-га тегишини. Болага нафақат ишнинг сир-асрорлари-ни, балки, умуман, ишга ғайрат билан енг шимариб

киришишни ўргатинг. Чунки инсоннинг интузиазми ҳар қандай ишда энг асосий муваффақият қалити ҳисобланади.

Мен онамнинг шундай бир рағбатлантирувчи сирларидан сизга ҳам айтсам. Онам: “Ер юзини очиш – савоб”, – дердилар доим. Шунинг учун бўлса керак, ўзимиз ҳовлида турмасак-да, меҳмонга бирор жойга борсам, дарров супургини олиб супуришга тушардим, бир-бир оптимга ўгирилиб, тоза бўлган ерни кўриб роҳатланардим.

Қиз бола-ку тушунарли, ўзбек ҳалқи қизларини кичкентойлигидан рўзфор ишларига ўргатади, аммо ўғил болалар бундан мустасно. Агар ўғлингизга ростдан ҳам яхшилик қилмоқчи бўлсангиз, унга ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатинг, ҳаётда инсон ҳар хил ҳолатга тушиши мумкин, ўз юмушларини ўзи қилишига тўғри келганда тартибсиз кийиниб ёки оч қолиб юрмасин. Агар унинг мустақил бўлишини истасангиз, уй юмушлари, жумладан, кир ювиш, дазмол уриш ва ҳеч бўлмаса, энг оддий овқатларни пиширишни ўргатинг.

Бир одам АҚШ президенти Линколннинг ўз пойафзалини тозалаб ўтирганини кўриб қолибди ва:

- Ахир сиз президентсиз, нима қилиб туфли тозалаб ўтирибсиз? – деб сўрабди.
- Мен бошқаларни эмас, ўз туфлигимни тозалаяпман, – дебди у пинагини ҳам бузмай.
- Бирорта одам топилмадими президентнинг туфлисини тозалайдиган? – дебди ҳайрон бўлиб.

Шунда Линколн:

- Ахир ўз пойафзалини бирорга тозалатиш бирорларни тозалагандан ҳам баттарроқ-ку. Бунда мен ўзлигимдан айрилиб қолмайманми? – деган экан.

Фарзандларимиз ўзлигини топишига ёрдам берайлик, бу бизнинг вазифамиз.

Фарзандингизнинг биринчи мұхаббати

Йұлған жүктесе одам, мұхаббатта сүянгай.
Еүссага ботса одам, мұхаббатта сүянгай.
Чорасиз қотса одам, мұхаббатта сүянгай.
Мен кимга сүянгайман, биринчи мұхаббатим?
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи мұхаббатим.
Абдулла Орипов

Ха, ҳаяжонли дамлар. Чунки илк мұхаббат, илк ҳиссиётлар бу соғлиги, беғаразлиги, ҳеч қандай шарт қўймаслиги билан эътиборли. Бу нафақат ўсмир учун, балки унинг ота-онаси учун ундан-да ҳаяжонли. Достонларда ошиқ-маъшуклар ёр висолида уйқуси келмай оҳ тортиб чиққанида, бизнинг замонамиизда Лайли Мажнунларнинг оналари кечаси билан ухламай, бир у ёққа, бир бу ёққа ёнбошлаб оҳ эмас-у, ух тортиб тинчлантирувчи ёки юрак дориси ичиб, “Нима қилиш керак?” – деб мұаммо ясашади, ишонаверинг.

Худди шундай ота-оналардан бири қизининг мұхаббат мактубини топиб олишади. У ҳам содда бўлмаса, ёзиб стол устида қолдирадими? Ота-оналар ҳаяжонда, бир неча марта ўқиб чиқишиди. Ҳаммаси аён. Энди нима қилиш керак? Она, ҳар қалай она, бу ишни ўз бўйнига олди. Ўқишидан қайтган қизини она жиддий гаплашиб олиш учун чақирди. Қаттиққўл она-нинг қўлларида ўз хатини кўрган қизнинг тиззалари қалтираб кетди. Буни сезган она бироз тинчланди: “Кўрқаяпти-ку ҳар қалай». Жиддий ва заҳарханда қиёфала: “Бу нимаси?”, “Фалончи ким?” “Ўрталарингда нима гап бор?”, – деган саволларни ёғдиради.

Бу кетма-кет берилган саволдан, она қўлидаги мактубдан қиз тамомила эсанкираб қолди. Бу нима эканини кошкийди у билса, аммо оқибати ёмон бўлишини сезиб, вазиятдан чиқиш учун ёлғон ишлатади: “Билмадим, қизлар пешлаб юришади, менда ҳеч гап

йўқ". Она яна-да ҳукмронона: "Сен ҳозир ўқишингни бил. ликиллашга бало борми? Айтиб қўяй, сен мен айтган йигитга тегасан. Бирортаси орқангдан итдек эргашиб келса, оёғингни синдираман".

Қизнинг юрагида гуллаётган илк ғунча ўзи улғаймаган ота-она томонидан пайҳон қилинди. Унинг шахсий ҳаётига бостириб кирилди, унинг энг гўзал ҳислари топталди.

Фарзандингиз севди, бор-йўғи севди. Бу ерда севган кишиси аҳамиятли эмас, балки унинг ҳислари мұхим. Унинг бу ҳисларни тўйиши, аслида, мукофот. Унинг қалбida меҳр-мурувват борлигидан, уни ориентацияси тўғрилигидан дарак беради. Бу табиий жараён, унда фарзандингизнинг ҳеч қандай айби йўқ, ёки сизнинг тарбиянгизнинг қусури бу. Ва бир нарсада хотиржам бўлинг, мактабдаги севги камдан-кам ҳолатда оила қуришга сабаб бўладиган даражада мустаҳкам бўлади. Аммо у инсон қалбida жуда катта ўзгаришларни олиб келади. Сизни қўпол аралашувингиз эса ё уни ҳам шоша-пиша қўполлик билан ўзини ҳимоя этишига ёки "мумкин эмас"лар қаторига киритиши мумкин. Фарзандингиз мұҳаббатини жиддий муаммо деб олманг, аммо сездирмай вазиятни вақти-вақти билан назорат қилиб туринг. Назорат ташқаридан эмас, ичкаридан бўлиши учун унга сирдош бўлишингиз керак.

Насридин Афанди етти яшар ўғлига қизларга қандай гап отишни, қандай хушомад қилишни ўргатибди. Ўғиљ: "Тушундим", дебди-ю, қаергадир йўқ бўлиб кетибди. Ярим соат ўтгандан кейин келиб отасига:

- Энди қандай қилиб улардан қутулишни ўргатинг,
- деган экан.

Кўраяпсизми, сирдош бўлишнинг яхши томонлари қанчалик кўп. Фарзандингиз танловини жиддий би-

либ, “Бу қизни олиб бермайман”, “Бу йигитга бермайман” каби шошма-шошарлик билан билдирган фикрларингиз ўзингизга қарши ишлайди. “Маън қилинган мева ўзига тортаверади”, деган гап бор. Яъни қанча маън қилсангиз, уларнинг интилиши шунчалик ортади. Ромео Жульетталарнинг севгиси агар ота-онасининг душманчилиги бўлмаганда ҳамма оддий севгилардек икки кунда унутилиб кетарди, балки. Аммо зиддият, қаршиликлар муносабатни жиддийлаштириб юборди. Чунки энди бу икки ёшни нафақат муҳаббат, ҳатто ғам ҳам бирлаштири ва муҳаббатга мой сепди. Ана сизга романтика.

Киноларда кўргансиз-ку қиз бой, йигит камбағал, ота-оналар норози, тафовут катта, кураш оғир, аммо ҳаётга маъно киради. Билмадим, муҳими муҳаббатми, муҳими курашми, ҳар қалай, ота-онага қарши жанг очиш муҳаббатга алоҳида романтика ва мазмун беради. Аслида, муҳаббат бу инсоннинг улғайганик белгиси, улғайгандан кейин ҳар қандай полапон уяни тарқ этади. Ота-она эса бу ерда қизни баланд минорада сақлаган ёвуз аждархонинг ўзгинаси. Эртакда нима бўлади шу вақтда? Ана, балли, афсонавий шахзода келиб, аждархони ўлдиради ва қизни кутқаради. Ана сизга афсонавий муҳаббат-у, эртак қаҳрамони бўлиш имконияти. Сизга ростдан ҳам аждар роли тегади, йўқса ўзингиз биласиз. Аммо руҳияти соғлом, фарзандига яхшилик тилайдиган ота-она бўламан десангиз, аждархоликдан чиқингу, оддий ота-она, янай аниқроғи, ишончли дўст, сирдош ота-она бўлинг. Шунда фарзандингиз сизнинг бағрингиздан шахсий ҳаётга бунча тез қочмайди.

Эрта бошланган жинсий ҳаёт

Бу мавзу ҳақида мулоҳаза юритаяпман-у, раҳматли онамнинг кечикишимдан хавотирларини, синфдош-

лар ўзаро йиғиладиган байрам табириларига ҳар доим ҳам жавоб бермасликларини эслаяпман. Онам нега бүнча золим бұлмаса-я, деб ўйлардим, ўша вақтлари. Мени ҳар доим ғашимга тегадиган бу хавотирлар замираидә нималар борлигини кейинроқ билдім. Ўзини үлғайған санаб, катталардек мұомала талаб қилаётганды, күренишидан кап-кatta одамдек бұлса-да, ҳали жуда ғүр ўсмир ҳам ҳаётнинг қандай томонлари борлиги, күзига мұхаббат бўлиб кўринған ҳис у ўйлагандек олтин эмас, мис бўлиб чиқса, оқибати нима бўлишини билмайди, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди.

Тушунинг, у ҳали катта эмас, эндигина ҳаётга кириб келаяпти. Тўғри, унинг организмидә етилиш жараёни кетмоқда ёки якунланды. Энди физиологик жиҳатдан авлод қолдириш имконига зга. Унинг жинсий қуввати ҳам бу ёшда энг чўққисига етади. Хўш, бу энг кучли вақтида уларнинг эркин муносабатларига имкон берайликми ёки бу хоҳишларни таъқиб қилайликми? Сизларга айтсан, биз бу мұаммо устида бош қотиргунимизча анча-мунча ўсмирлар бу ўзлари учун номаълум, аммо жуда қизиқ тажрибани ўтказиб бўлишибди. Хоҳиш кучли бўлса, у ота-онасидан рухсат кутиб ўтирумайди, эҳтирос қурбони бўлади. Бу нарса аслини олганда унчалик фожия ҳам эмас. Агар бир аср олдинги давр бўлса, ҳеч ким ўйлаб ўтирасди, бўйи етдими бўлди, турмуш қуриб кетаверарди. Аммо замон ўзгарди, инсоният янги босқичга ўтди (бу ерда техника тараққиётини назарда тутмаяпман).

Келинг, соддароқ қилиб тушунтирай. Қачонлардир инсон ҳайвонлардек ҳаёт кечирган. Ҳаёт мазмуни: ейиш, ичиш, кўпайиш, хавфсизлик. Кийимсиз юриш, дүч келган жойда ёзилиш, хоҳлаб қолган жойда эҳтиёжларини қондириб кетавериш одатий ҳол эди. Вақт ўтди, инсоннинг ҳайвондан фарқи онги ҳисобига се-кин-аста кийим кийиш, ҳожатни маҳсус жойда чиқариш, овқатни пишириб ейиш, оила бўлиб яшаш, савод

чиқариш имкониятига эга бўлди, ахлоқ-одоб қоидала-
рини жорий қила бошлади. Мана сизга асл тараққи-
ёт. Бу инсоният онгининг тараққиёти. Чунки онг ҳам
бизга тайёр берилмаган, уни ҳам ривожлантирамиз,
тарбиялаймиз. Инсон жисмонан 18 ёшда тұла етилга-
ни билан, мия ҳали үсишдан үзгаришдан тұхтамаган
бўлади. Интеллектуал камолот эса 25 ёшда ўз якуни-
га етади. Тушунаётган бўлсангиз керак. 18 ёшда
довучча бўлса, 25 ёшда ўрик. Аммо танлаш сизнинг
қўлингизда. Кимлардир довуччани хуш кўради, ош
бўлсин деймиз, аммо бирпас кутганда бўндан-да ту-
зукроқ мева бўлиши мумкин эканлигини ўйлаб қўямиз.

Жинсий майл ҳам жуда катта энергия, Яратган-
нинг инъоми. Ундан қандай фойдаланиш инсоннинг
ўзининг қўлида. Уларга тушунтириш эса биз катта-
ларнинг вазифамиз. Агар у бу энергияни бошқармай
фойдаланиши бошлаб юборса, жисмоний даражада
қолиб кетади. У бир умрга ҳисларининг, майлари-
нинг қулига айланиб қолади. Организм шунга ўргана-
ди. Худди Колумб ва у билан борган сайёхлар Аме-
рикага биринчи қадам босганида ҳиндуларнинг онги
пастлигидан фойдаланиб, уларнинг қўйма олтинлари-
ни арзимас майда-чўйдаларга алмашганидек. Бугун
ўспирин ўзига берилган катта имкониятни йўқотади.
Хозир унда энергия дарёдек оқмоқда. Бу ҳаммасини
жинсий майл йўлида ишлат дегани эмас, балки улар-
ни билиб-билиб тақсимла дегани. Бу муаммонинг ечи-
ми қилиб икки хил вариант кўрсатишади.

Биринчиси, болаларнинг майлларига эрк берайлик
ва контрацептик ва бошқа соғлиқни муҳофаза этув-
чи воситалар ҳақида ахборот берган ҳолда деса,
иккинчиси эрта ҳаёт бошлашни имкони борича ҳар
хил усуllар билан, масалан, қўрқитиш ёки қонуний
жазо чоралари қўллаш орқали ман қилайлик дейди.
Мен ҳар иккисини ҳам унчалик тўғри деб билмай-
ман. Биринчисида ҳайвонга эрк бергандек бериш,

чунки у ҳали бу муносабатларнинг оқибатига, масъулитига тайёр эмас. Иккинчиси эса ундан-да хунук майларни босиш, айниқса, қўрқитиш йўли билан ноҳхуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Яна бир тондан келаётган энергиянинг тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Мен фарзандингиз сексуал энергиясини трансформация қилишни ўргатинг дердим. Бу дегани жинсий mail кўринишида келган энергияни бўғмай, бошқа кўринишга айлантириш. Бу қандай бўлади? Жуда оддий. Инсон бирор севган машғулоти билан шуғулланганда унга ўзини тўлиқ бағишлиайди, борлигини беради. Сексуал фантазиялар, хоҳишилар безовта қилмайди. Бу рақс бўлиши мумкин, бу қўшиқ айтиш, бу сурат чизиш, буларнинг чеки йўқ. Ўзини ҳам баҳтиёр ҳис этади. Ана сизга майларни трансформация қилиш. У бизга берилган энергия, ундан қандай фойдаланиш ўзимизнинг қўлимиизда. Демак, ота-она сифатида сизнинг вазифангиз унга сексуал ҳаёт ва ўз саломатлигини муҳофазалаш ҳақида тушунтириш ва унга ўз ҳоббисини, севимли машғулотини топишига ёрдам бериш. Одатда ўзига ишонган, севимли машғулотига берилган ўспириналарда эрта жинсий ҳаёт бошлаш ҳолатлари учрамайди. Бир нарсани унутманг, инсон табиати бу даврда ўта продуктив бўлади, ниманидир яратиб, натижасини кўришни истайди. Агар қўлидан ҳеч иш келмаса, нима ясashi мумкин, албатта, болани-да. Эрта буви-бува бўлиб қолмай десангиз, уларга ҳаётда бошқа қизиқарли истиқболлар ҳам борлигини кўрсатинг, чуқур ички интилишларига мос бўлган бирор ижодий машғулот топишига ёрдам беринг ва фарзандингиз бу ҳаёт синовидан омадли ўтишига ишонинг. Уларнинг севиб севилишидан, бирор ҳобби билан шуғуланишидан хавотир қилманг, балки унинг ҳаётида маъно қолмаслигидан, ҳаракатсизлигидан хавотирланинг. Агар бирор ҳоббиси йўқ бўлса, албатта, спортга

беринг. Спорт ҳам майларни тарбияловчи энг яхши усул. Бу ёш инсонни күчга, иқтидорга тұлиб-тошадынган вақти, уни үз иқтидорини намоён қилишига ёрдам беринг, шароит яратинг. Уни бошқарманг, майларини бошқаришга ва тарбиялашга үргатинг, холос, шунда үнинг онгода ёмон фикрларга жой қолмайди.

Ұсмирикдан ёшликка үтиш мұаммолари

Ұспириилик даври 15 ёшдан 18-19 ёшгача бұлған давр. Бу лицей, коллеж талабаларининг ёши. Бу давр ота-она ва устозлар учун энг оғир, энг масыулиятли давр ҳисобланади. 15 ёшларида үзига берадиган бағоси анча паст бұлған бола 16-17 ёшга келиб үзига ўта юқори баҳо беришни бошлайди. Ҳамма мұаммо ана шу ерда пайдо бұлади. Энди у ҳурматталаб. Бу вақтда ота-онанинг авторитети пасаяди. Лекин бу вақтингчалик. Ҳавотир олманг, от алланиб қозғини топади. Бир күн келиб ҳурматингизни жойига құяди, деб үмид қиламиз. Энди ҳаёт марказига дүст, үртоқтар чиқади. Ү ота-онадан күра дүстига күпроқ ишонади. Ташқи назоратдан тұла құтулиш, мұстақилликка бұлған эхтиёж пайдо бұлади. Ота-она авторитет бұлмагандан кейин бошқа авторитеттеге эхтиёж сезилади. Күмирлар шу ёшда бұлади. Қандайдир актёр ёки актрисага фанат бұлишнинг айни даври. Буни уларнинг хонасидан ҳам күриш мүмкін, деворларига ҳар хил суратлар осилған. Уларга тақыл қилиб хатти-харакат қиласы, уларнинг соч турмагини, кийими尼, хұллас, шоу-бизнес вакиларини үйнегиздан топа-верасиз.

Одатда, бу ёшда ҳаёт режаларини тузиш бошланади. Шу билан бирга ёмон таъсирларга берилиш ҳам. Ұсмирик даврига хос ҳолат бу – үзини ёлғыз ҳис қилишади. Ү үзини тұлақонли деб фақат дүстлар даврасида ёки бирор гурұх аязоси бұлғанда ҳис қиласы.

Агар гуруҳ кучли бўлса, яна яхши. Бу гуруҳлар “Камолот” каби ташкилотлар бўлса яхши, аммо ҳар хил оқимлар, реактив ташкилотлар бўлса қийин. Бу давр назоратни кучайтиришни талаб этади. Аммо назорат 10 ёшли бола назоратидек эмас, балки уни куннинг қайси вақтида қаердалигини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Ўспирин ўзининг ва бошқаларнинг имкон чегараларини синаб кўришни истайди. Шунинг учун ҳар хил жанжаллар чиқариб юради. Бу ўғил болалар хусусида, албатта.

Тенгдошлар ичida тан олиниш эса уларнинг юрагида ёниб турган истак. Тан олинишнинг энг осон йўли у машҳурлик. Ким билсин, шундан бўлса керак, тайин, нотайин эстрада гуруҳларининг сон-саноғи йўқлиги.

Демак, бу ёш ҳар хил таъсирларга берилиш ёши. Айтайлик, фарзандингиз бирор гуруҳ таъсирига тушиб қолганини сездингиз. Ота-оналар жуда кўп шикоят билан келишади: “Болам синфидаги безорироқ болалар таъсирига тушиб қолди, нима қилай?” – деб. Бир нарсани унутманг, гуруҳнинг кучсиз аъзоси ҳар доим гуруҳ таъсирида бўлади. Уни бу таъсиридан фақат ўнга бу гуруҳда мавқеини ошириш билан олиб чиқиш мумкин. Демак, фарзандингизнинг гуруҳда мавқеини оширишига ёрдам беринг. Ёмон ўртоқлардан ажратиб олиш учун энг яхши рецепт бу фарзандингизни катталар жамоасига жалб этиш, яъни бирор жойда ишлатиш. Хавотир олманг, албатта, дарсдан ташқари вақтда. Биласиз, меҳнат безорилар учун энг яхши тарбия усулидир.

Ота-оналарни жигига тегадиган яна бир ҳолат фарзандининг ўртоқлари билан шунчаки гаплашишга ниҳоятда кўп вақт сарфлаб юборишлари. Гоҳида унинг соатлаб телефонга ёпишиб қолиши сизни ҳайратлантираяптими? Унда сиз ўзингизнинг бу даврингизни унутибсиз. Ҳа, улар тенгдошлари билан соатлаб сух-

батлашишга гап топишади, одобдан бўлмаса-да, агар улар сухбатини тингласангиз, бир маънолироқ гапнинг ўзи йўқдек, нимани гаплашади деб ҳайрон бўласиз. Ҳайрон бўлманг, бўлар учун мулоқот мұхим, гапнинг мазмуни эмас. Ўқишига асосан бир-бирлари билан гаплашиш учун боришади. Биз ўйлагандек ҳаммаси ҳам ўқиш учун эмас. Бу даврга хос бўлган яна бир хусусият, ташқи кўриниш, кийим, ҳар хил аксес-суарларлар, шу жумладан, мобил телефонлар ҳаёт мазмуни даражасигачага етса, ота-оналар ҳайрон бўлишади, “Болам кимга ўхшади, латтапарсат бўлиб қолди”, деб. Кимга ўхшарди, атрофдаги ёшларга-да. Бу муаммони аввалигидек пулни олиб, дўконма-дўкон юриб ўзингиз кийим-кечак танлаб бермай, балки унга ажратилган пулни қўлига бериб, ўзи харид қилишига қўйиб беринг. Унинг диди билан сизнинг дидингиз тўғри келмаслиги аниқ, аммо бу уни танлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишингиз учун етарли асос бўла олмайди. Мобил телефон каби эҳтиёж учун зарур бўлмаган нарсаларни орзу қилса, марҳамат ўзи ё берилган пулни йиғиб, ёки бирор майда-чўйда иш орқали пул топиб олаверсин. Бу сизни муаммоингиз эмас, хавотир олманг. Пул топиш осон эмаслигини тушуниш вақти келди, орзу-ҳавасини марҳамат қилиб ўзи қила-версин. Шундоқ ҳам унинг коллеж ёки лицейда ўқиши ҳисобига меҳнат даври кечикди, бу эса уни масъулиятсизликка, тайёрга айёрликка олиб келмасин тағин. Унга балиқ олиб бераверманг, балиқ тутишини ўргатинг. Бу ҳам ота-онанинг фарзи. Агар пул топишни бошласа, бир тийинини қолдирмай қоқиб олманг. Биламан, айтаяпсиз: “Ха, бундоқ рўзгорга ёрдам берсин-да энди”, – деб. Яхшиси, унинг кўнгилли равишда ҳисса қўшишига эришинг. Оддийгина рўзгорга бирор нарсалар харид қилишга рафбатлантиринг, буюрманг. Олиб келганда мақтаб-мақтаб қўйинг, бошқаларнинг олдида ҳам зътироф этиб қўйинг. Пулини қанчадир

қисмини отасига – рўзгор бошига берса, баракали бўлишини айтсангиз, секин-аста пулларини режалашни, рўзфорга ёрдам беришни, совғалар билан одамларнинг кўнглини олишни ўрганади, ниҳоят, меҳнатининг роҳатини ҳис этади. Энг муҳими, масъулиятни олишни бошлайди.

Аммо ишга бутунлай берилиб кетиб, ўқиши ташлаб қўймасин, эпласа икковини қиласин. Ишга берилиб кетган фарзандингизга билим олишнинг аҳамиятини тушунтиринг, буни ўзингиз ҳам тушуниб олинг, чунки ёшлиқ билим олишнинг айни вақти, кейин минг уринсин, қабул қилиш қийин бўлади. Бугун бир кунда ўзлаштирган маълумоти эртага 2 ойда ҳам қабул қилинмаслиги мумкин. Бунинг оқибати ёшлиқда пулсиз юргандан ҳам баттароқ бўлади. Меъёрни унтурманг демоқчиман, азиз ота-она.

Касбни ким танлайди: фарзандами ёки ота-она?

Ўспиринлик даври социал “Мен”нинг ривожланиши билан аҳамиятли. Энди унга жамият ўз ўрнингни топ деб талаб қўймоқда. Бирданига ҳамма нарса ўзгарди, у паспорт олди, сайлаш ҳуқуқига эга бўлди, энди касб танлаш мажбурияти бор. Юқоридаги саволимга ҳайрон бўлманг, чунки аксарият ота-оналар фарзандининг болалигиданоқ қайси касб эгаси бўлишини буюртма қилиб бўлишади. “Мен шу ўғлимни шифокор қиласман”, “Шу қизимни ҳамшира ёки ўқитувчи қиласман, қизларга шу касб яхши”. Бу гаплар сизга таниш, тез-тез қулоққа чалиниб туради.

Бир аёл у дунёга рихлат қилиб, яхши амаллари учун жаннатга тушибди. Ўзи тушган жойда котиблик қилаётган бир фариштадан:

– Айтмолмайсизми, мен аввалроқ шу ерга тушган бир аёл билан кўришишим мумкинми? – деб сўрабди.

— Албатта, — дебди фаришта, — лекин бир шарт билан, агар у бу ерга түшгән бўлса.

— О, аминман, у шу ерда, — дебди аёл. — Аслини олганда мен Биби Марям билан кўришишни истардим.

Фаришта бир йўталиб қўйиб:

— Биласизми, у бошқа секторда, аммо мен улардан илтимос қилиб кўраман, — дебди.

Биби Марям илтимосни қабул қилиб, учрашувга рози бўлиди.

Шунда аёл:

— Мен ҳаётлик вақтимда жуда билишни истардим. Айтинг-чи, вафотидан кейин юз миллионлаб инсонлар Худо деб сифинадиган ўғилнинг онаси бўлиш қандай экан?

Биби Марям:

— Очифини айтганда, биз уни шифокор бўлишидан умид қилгандик, — деб жавоб қайтарибди.

Сизда-чи, бу каби орзулар йўқми? Орзу қилиш айб эмас, аммо бу орзуни унинг бўйнига илиб қўйиш тўғримикин, нима деб ўйлайсиз? Айтаётгандирсиз, у ҳаётда нимани кўрибди, қаердан ҳам билсин тирикчилик, бир касбни, мутахассисликни згаллашни, ундан нон топиб ейиш нималигини деб. Фикрингизга тўла қўшиламан, унинг учун бу ҳали очилмаган Америка. Унинг ўзи нима исташини ҳали билмайди, аслида. Ота-она ҳам фарзандининг келажаги учун қуюнади, унга бу масъулиятли вазиятда ёрдам қўлини чўзишни истайди, озгина шоширишади ҳам. Бу ёшда фақат беш фоизгина бола ўзининг ҳақиқий қобилиятини очган ва нима исташини билар экан, қолган 95 фоизи эса ҳали кўп адашиши тайин. Аммо бу табиий жараён, унга аралашишда эҳтиёткорлик лозим.

Айрим ота-оналар касб танлашда асосий диққатни мактабда олган үмумтаълим фанлардан қайси бирини севиб ўқиганига ва муваффақиятига қаратишади.

Масалан, мен мактабда математикани севардим, ҳатто, кечалари ухламай мисоллар ишлаб чиқардим, шу жараён менга ҳақиқатда ҳам завқ берарди. Онам оддийгина холоса чиқарғанлар: «Сен Миллий университетнинг матфакига кирасан», деб. Мен ҳам бунга қарши чиқмадим, кейин ким бўламан, деган савол ҳам олдимга қўймадим, балки, у ерда тогамнинг қизи ўқийди, чиройли кийимлар кийиб юради, студентликда бошидан ўтган воқеаларни айтиб нуқул мақтанади, мен ҳам шундай бўлишни истайман. Үндан ташқари, университетнинг биноси чиройли, менга ёқади. Демак, холоса чиқарилди. Онамнинг қарорлари маъқулланди ва мен талаба бўлдим. Ҳаммаси жойида, ҳамма нарса зўр. Худди латифадагидек.

Самолёт булултлар орасида адашиб қолди. Алоқа ускуналари ишдан чиқди, учувчи йўловчиларга мурожаат қилаяпти:

– Тинчланинглар. Ёмон ва яхши янгиликлар бор. Аввал ёмони: биз қаерга кетаётганимизни билмаймиз. Яхши янгилик: биз ажойиб тезлик билан учаяпмиз. Хуллас, хавотир олишга ўрин йўқ. Тезлик жойида”.

Қаерга кетаётгани номаълум бўлса-да, ажойиб тезлик билан учайтганлар бугун етарли. Муҳими олий маълумотли бўлиш, бирор ўқишга кириб олиш. Бу фикр кейинги вақтда бизда авж олиб кетди. Олий маълумот олиш шунчалик русум бўлдики, абитуриентлар ҳужжат топширишнинг сўнгги кунларида таҳлил олиб боришади: қаерда одам кам, қаерга кириш осон? Бир қарашда бу тактика тўғридек туюлади. Аммо бу яна “муҳими тезлик” деган ақидадан бошқа нарса эмас. Бир мутахассисликни ўрган ва бир жойда қўним топ, кейин ҳурматинг билан нафақага чиқ, деган ғоялар бугун эскирган, улар саноат даврида қолиб кетди. Ҳозир информация асри. Аммо информация ҳар сонияда янгиланаётган бу даврда мутахассислик-

ни ушлаб туриш ҳам осон эмас. Диплом бүгүн бокмайди. Бүгүн боқаётган бўлса, эртага боқа олмай қолиши мумкин. Фарзандларимизга яхши ўқи, кейин кўп пул топасан дейишимиз эса мутлақо саводсизлик, аслида. Чунки кўп пул топиш ва диплом ҳеч қандай алоқадор сўзлар эмас. Лекин ташаббусни тўла қўлига олиб, фарзанд учун келажакни кўрадиганлар ҳам топилиб туради: “Хуллас, сен фалон олийгоҳга кириб ўқийсан. Кейин битириб фалон жойга ишга кирасан, каръерангга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, чунки у ерда танишларим бор”.

Биласизми, ана шу таниш-билишчилик нафақат жамиятимизни орқага тортаяпти, балки ўз ўрнини топа олмаган адашганларнинг кўпайишига сабаб бўлаяпти. Биламан, сиз тажрибалисиз, қўлингиз үзун, қаерга узатсангиз етади. Менинг давримда ўрнини топиб олсин болам, деяпсиз. Сиз мутахассисни топаяпсиз, аммо шахсни йўқотаяпсиз бу билан. Биласизми, нима учун фарзандингиз яхши мансабларда ишлашини истайсиз ва бунга ҳар қандай йўл билан эришасиз, чунки ҳалқ олдида фалончининг ўғли ёки қизи деган гап бор. Сиз унинг эришган ютуқлари билан фурулнасиз. Фуруланишнинг ёмон томони йўқ, аммо фарзандни ўз обрў-эътибор қуроли деб билиш бу яхши эмас, менимча. Яна нима дейсиз?

Яна бир тур ота-оналар бор, башоратчи, узоқни кўра биладиган. Атрофга қарайди, кимнинг иши юришяяпти, хуроса қилинади. Демак, мана шу соҳа пул келтиради. Ҳал қилинди, фарзандим банкка ишга киради, юрист бўлади каби. Пулни соҳа топадими, мутахассисми, бу билан бирорнинг иши йўқ. Фалон ишда пул кўп экан тушунча мавжуд. Тушунчалар ўз йўлига, сизнинг истакларингиз ўз йўлига. Аслида, сизнинг аралашувингиз қандай бўлиши керак? Ҳар бир инсон сизнинг фарзандингиз ҳам, шу жумладан, бирор соҳада, бирор ишда бошқалардан кўра қобилият-

лироқ. Афсуски, бу ҳақида ҳали ташвишланмайди. Ўрта ёш кризиси даврида – ўттиз ёшларига келганда ўйлаб қолади. Биламан, айтаяпсиз ўттиз ёшгача қутуб турға олмайман, тезроқ йўлини топсин деб. Аслида, бу ишларни унинг охирги фурсатини кутмай вақтлироқ бошлаш керак, унинг қизиқишиларига эътиборлироқ бўлган ҳолда. Лекин ҳозир ҳам кеч эмас. Фарзандингиз билан сұхбат ўтказинг, у қандай машғулотлардан завқ олади, қила олади эмас. Ўйлаётгандирсиз: “Касб ҳақида гап кетаяпти, дам олиш ҳақида эмас”, – деб. Мен айтаман: “Агар инсон касбидан завқ олса, уни севса, ана шу унинг баҳти, ана шу унинг миссияси. Ишга бўлган муносабатни ана шу касбга муҳаббат белгилайди”.

Демак, севимли машғулотларнинг рўйхатини тузинг. Булар ҳар қандай аҳмоқона ўйинлар бўлса ҳам, рўйхатни кенгайтираверинг. Энди ана шу завқли машғулотлар билан машғул бўлган ҳолда қандай қилиб пул топиш мумкин? Ана сизга тайёр касблар. Масалан, фарзандингизга гап сотиб ўтириш ёқади. Биласизми, фақат гап билан боғлиқ қанча-қанча касблар бор. Масалан, руҳшунос гаплашиб пул топади. Ана сизда маълум касблар рўйхати пайдо бўлди. Энди касб ҳақида маълумот йиғишини бошлаймиз. Қандай қилиб касблар ҳақида маълумот олиш мумкин. Шу касб згалари билан танишиб, учрашинг. Фарзандингизни ҳозирча қизиқаётган соҳаларидан таниш-билишлар топинг, улар билан сұхбатлашишига ёрдам беринг. Бу йўлнинг бошида турган одам учун, йўлни босиб ўтган инсоннинг маслаҳати жуда асқотади. Шунда фарзандингизнинг асл ҳоҳишилари-ю, ҳаваслари анча ойдинлашади. Ана келажак ҳақида тасаввурлар анча ойдинлашди. Энди бу касб згасини қайси олийгоҳлар тайёрлайди? Ана энди сиз бошида кўзингизни боғлаб қилган ишингизга келдик. Энди фарзандингиз катта тезлик билан номаълум томонга йўлга

чиққан йўловчи эмас, қўлида аниқ харитаси бор, мақсади аниқ бўлган сайёх. Үнутманг, мақсадини билган одам келажагига ишонади, ишонч эса ҳар қандай муваффақиятнинг қалитидир. Энди үнга оқ йўл тилаш қолди.

Оммабол нашр

ОИЛА НОМАИ ДАВЛАТ СИРЛАРИ

Мұхаррір
Маымура ҚҰТЛІЕВА

Бадий мұхаррір
Бақылдін БОЗОРОВ

Мусақхих
Мұхаббат МЕНГНОРОВА

Техник мұхаррір
Сурайє АХМЕДОВА

Компьютерда сақиғаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 31.07.2013 й.да рұхсат этилди.
Бичими 84x108 1\32. Босма тобоги 6,875.
Шартли босма тобоги 11,55.
Гарнитура «Optima Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 5000 нұсха. Буюртма № 200.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланды.
Лицензия рақами: А1 № 198, 2011 жыл 28.08 да берилған.
«Ёшлар матбуси» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бүліми – 278-36-89;
Маркетинг бүліми – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ
«Бизнес ва психология» рукнида
қуийдаги китобларни тавсия этади:**

**ДЕЙЛ КАРНЕГИ ТҮПЛАМ
(УЧТА КИТОБ ЙИФМАСИ)
Бичими 84Х108 1/32, 720 бет.
Қаттиқ муқова.**

Мазкур китоб Дейл Карнегининг “Дўст ортириш ва ўзгаларда хуш таассурот қолдириш ҳақида”, “Безовталиктан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлиш сирлари” ва “Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати” мавзусини қамраб олган яхлит кўлланмадир. Унда ўзгаларни қадрлаш орқали ҳурмат-эътибор қозониш, юксак мартабага эришиш, безовталиктининг омиллари, ечими, ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлашнинг турилийлари очиб берилади. Мазкур китоб сизни янги маралар сари ундейди.

**Наполеон Хиал
“ЎЙЛА ВА БОЙ БЎЛ” – 1, 2
Бичими 84Х108 1/32, 232 бет, 320 бет
Юмшоқ муқова.**

Агар сиз йўлингиздаги тўсиқларни бартараф этиб, муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, ушбу китобни ўқиб чиқинг. У, аввало, ўз олдингизга маҳсад қўйишини, ишонч туйғусини мустаҳкамлашини, турли синовларни енгигиб ўтишини, изланишини ўргатади. Шунингдек, маҳсус билимлар, ақд-заковат, чекинмаслик ҳақида бой тушунча беради.

**“ҚҰЛЛАРДАГИ СИРЛАР ЁХУД ХИРОМАНТИЯ:
ҳаёт, севги, баҳт, бойлик, келажак,
феъл-атворни аниқдаш илми мүжизалари”
Бичими 60x84 1/16, 88 бет.
Юмшоқ муқова.**

Инсон учун ўз келажагини билиш мароқли туюлади, күлга қараб фол очиш – хиромантия илми қадим замондан бу борада инсониятга ёрдам беріб келган. Хиромантия астрологияга, мантиққа ва фактларни таққослашта таянади. Пировардида кафтдаги барча белгилар, бу – огохлантириш, холос.

**“ФЕЪЛ-АТВОР ВА ЁЗУВ”
Бичими 84X108 1/32, 144 бет.
Юмшоқ муқова.**

Китоб ёрдамида ўзингизнинг, дўстларингизнинг, ҳамкорларингизнинг ёзувини таҳдил қилишингиз мумкин. Бу таҳдил жуда фойдалы эканлигини унутманг. Чунки улар инсоннинг яширин ва ошкор, сиз учун жуда муҳим бўлган феъл-атворидан «сўзлайди».

**“БУРЖЛАР ВА ПУЛЛАР”
Бичими 60X84 1/16, 196 бет.
Юмшоқ муқова.**

Нима сабабдан айнан бир хил шароитдаги тадбиркорларнинг бири гуллаб-яшнаса, бошқаси бор-будидан жудо бўлади? Нима учун хатарли ҳолатларда қандайдир ўрта даражадаги кишига омад қулиб боқади? Бой бериладиган ҳолатларда бирор зафар қучади-ю, ютуқли вазиятларда иккинчи одам муваффақиятсизликка учрайди? Бизнинг бурж белгимиз ва орзумиздаги шахсий иш доирасида танлаган фаолият йўналишимиз бир-бирига бевосита борлиқмикан? Китобда ана шу саволларга жавоб топасиз. Шунингдек, турли ирим-сиримлар, феъл-атвор ва ҳамён, миллионерлар хислати, оиласиий бюджет, буржлар бўйича касб танлаш ҳақида билиб оласиз.

“БУРЖ, ТАҚДИР ВА ФЕЪЛ-АТВОР ”

Бичими 60X84 1/16, 128 бет.

Юмшоқ муқова.

Ушбу китобда феъл-атвор, юриш-туриш, бошқа бурж вакиллари билан муносабат, туш кўриш, мижоз – темперамент, шакл-шамойил борасидаги талайгина маълумотларга эга бўласиз.

“ҚАНИ МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ”

Бичими 84x108 1/32, 196 бет

Юмшоқ муқова.

Ушбу китоб буржлар дунёсидаги ўзаро мутаносиблик, муносабатларнинг мувофиқлиги ёки акс жараёнлар ҳақида маълумотлар беради.

“ХАРОБАДАН ЧИҚҚАН МАШХУРЛАР”

Бичими 60X84 1/16, 248 бет.

Юмшоқ муқова.

Мазкур китоб ўз даврининг машҳур кишилари, ҳаётда муваффақият қозонган инсонлар ҳақида. Улар омма эътиборига тушиб, олқишлиар олишган, диққат-эътиборда бўлишган. Бу инсонлар умр йўлларида ҳамиша ҳам омадга эришавермаганлар, албатта. ҳаётдаги катта-кичик тўсиқлар, қарама-қаршиликлар, турли-туман зиддиятлар, замон ва макон билан боялиқ номутаносибликлар уларни ҳам четлаб утмаган. Китобда довруғи достон кишиларнинг аlam-изтироблари, ғам-ташвишлари ҳам келтирилади.

Китобдан, шунингдек, муваффақият қозониш тамойиллари, молиявий мезонлар, буржлар дунёсига оид маълумотлар ҳам ўрин олган.

5000 сум.

“ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ ВАҚТИ БОР”.

Бичими 84x108 1/32, 192 бет

Юмшоқ муқова.

Инсон яшар экан, ҳаёти давомида ўз олдига қатор мақсадлар қўяди. Орзулар ва режалари билан кунларининг файзини оширади. Ниятларнинг ижобати яхши, аммо бир нарсани унутмаслиги лозим: ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, орзийимиз сари қанчалик курашмайлик мавриди етмаган иш амалга ошмайди. Демак, ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Вақтнинг даражаси ва имконияти инсонлар ҳаракати ва хоҳишидан анча юқори туради. Хоҳишлирамиз ва вақт ҳақида билғанларимизни ошириш учун ушбу китобни ўқийлик. Балки вақтни ўз томонимизга оғдирапмиз...

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:

*100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
Телефон (+99871) 278-30-52. Факс: (+99871) 273-00-14*

Таргибот маркази:

(+99871) 273-42-67, (+99871) 128-78-43.

e-mail: yangiasravlodii@mail.ru